


С.М.Карпов, Д.Т.Ходжиева

**УМУМИЙ  
НЕВРОЛОГИЯ**



**GENERAL  
NEUROLOGY**

**ДАРСЛИК ТЕХТВООК**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**С.М.Карпов, Д.Т.Ходжиева, Д.Қ.Ҳайдарова,  
Н.Қ.Ҳайдаров, Д.И.Рахматова**

## **УМУМИЙ НЕВРОЛОГИЯ**

магистратуранинг мутахассислиги учун  
умумий неврология фани бўйича  
дарслик

## **GENERAL NEUROLOGY**

For residents of the magistracy  
in the subject of general neurology  
textbook

Тошкент – 2019

#### **Тузувчилар:**

**С.М.Карпов**–Ставрополь тиббиёт университети неврология ва нейрхирургия кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

**Д.Т.Ходжиева** – Бухоро давлат тиббиёт институти неврология кафедраси мудири, т.ф.н., доцент

**Д.Қ.Ҳайдарова** -Бухоро давлат тиббиёт институти неврология кафедраси доценти, т.ф.д. (DSc)

**Н.Қ.Ҳайдаров** - Тошкент стоматология тиббиёт институти неврология ва физиотерапия кафедраси мудири, т.ф.д.(PhD)

**Д.И.Рахматова** -Бухоро давлат тиббиёт институти неврология кафедраси ассистенти

Дарсликда бош мия ва бош мия нервлари, орқа мия анатомияси, уларнинг клиник анатомияси, текшириш усуллари ва зарарланиш белгиларининг топик диагностикаси икки тилда, яъни ўзбек ва инглиз тилларида батафсил баён этилган. Ушбу дарсликда бош ва орқа мия анатомияси, бош мия нервлари анатомияси, шу соҳадаги патологик ўчоқлар изоҳли расмлар билан кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, дарсликда клиник неврология ҳақида врач-мутахассислар учун зарур асосий маълумотлар берилган. Дарслик тиббиёт институтида таҳсил олаётган неврология фанини ўрганаётган магистратура резидентлари учун мўлжалланган бўлиб, магистратуранинг мутахассислиги учун “Умумий неврология” фанининг ўқув дастурига мос келади.

#### **Такризчилар:**

**Маджидова Ёкутхон Набиевна** – Тошкент педиатрия институти неврология, болалар неврологияси ва тиббий генетика кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

**Тешаев Шухрат Жумаевич** - Бухоро давлат тиббиёт институти анатомия ва клиник анатомия (ОХТА) кафедраси профессори, т.ф.д.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**Д.Т.Ходжиева, С.М.Карпов, Д.Қ.Ҳайдарова,  
Н.Қ.Ҳайдаров, Д.И.Рахматова**

**УМУМИЙ НЕВРОЛОГИЯ**  
магистратуранинг мутахассислиги учун  
умумий неврология фани бўйича  
**дарслик**

**GENERAL NEUROLOGY**  
For residents of the magistracy  
in the subject of general neurology  
**textbook**

**Бухоро, 2019  
“Дурдона” нашриёти**

**УЎК 611.813(075.8)**

**28.706я73**

**У 52**

Умумий неврология [Матн] : дарслик / Д.Т.Ходжиева [ва бошқ.]. - Бухоро : "Sadriiddin Salim Buxoriy" Durдона nashriyoti, 2020. - 672 б.

**КБК 28.706я73**

**Тузувчилар:**

**Д.Т.Ходжиева** – Бухоро давлат тиббиёт институти неврология кафедраси мудири, т.ф.д., доцент

**С.М.Карпов**–Ставрополь тиббиёт университети неврология ва нейрохирургия кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

**Д.Қ.Ҳайдарова** -Бухоро давлат тиббиёт институти неврология кафедраси доценти, т.ф.д. (DSc)

**Н.Қ.Ҳайдаров** - Тошкент стоматология тиббиёт институти неврология ва физиотерапия кафедраси мудири, т.ф.д. (DSc)

**Д.И.Рахматова** -Бухоро давлат тиббиёт институти неврология кафедраси ассистенти

Дарсликда бош мия ва бош мия нервлари, орқа мия анатомияси, уларнинг клиник анатомияси, текшириш усуллари ва зарарланиш белгиларининг топик диагностикаси икки тилда, яъни ўзбек ва инглиз тилларида батафсил баён этилган. Ушбу дарсликда бош ва орқа мия анатомияси, бош мия нервлари анатомияси, шу соҳадаги патологик ўчоқлар изоҳли расмлар билан кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, дарсликда клиник неврология ҳақида врач-мутахассислар учун зарур асосий маълумотлар берилган. Дарслик тиббиёт институтида таҳсил олаётган неврология фанини ўрганаётган магистратура резидентлари учун мўлжалланган бўлиб, магистратуранинг мутахассислиги учун “Умумий неврология” фанининг ўқув дастурига мос келади.

**Тақризчилар:**

**Маджидова Ёқутхон Набиевна** – Тошкент педиатрия институти неврология, болалар неврологияси ва тиббий генетика кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

**Тешаев Шухрат Жумаевич** - Бухоро давлат тиббиёт институти анатомия ва клиник анатомия (ОХТА) кафедраси профессори, т.ф.д.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6198-1-4

### **Аннотация**

Дарслик тиббиёт институтида тахсил олаётган неврология фанини ўрганаётган магистратура резидентлари учун мўлжалланган. Дарсликда бош мия ва орқа мия анатомияси, уларнинг клиник анатомияси, текшириш усуллари ва зарарланиш белгиларининг топик диагностикаси, барча ўн икки жуфт бош мия нервлари клиник анатомияси, физиологияси, текшириш усуллари ва зарарланиш белгиларининг топик диагностикаси икки тилда, яъни ўзбек ва инглиз тилларида батафсил баён этилган. Асаб тизимининг анатомия ва физиологиясини билмасдан туриб, малакали невролог бўла олмайсиз. Дарсликда келтирилган маълумотар тушунарли бўлиши ҳамда бош мия ва орқа мия, бош мия нервлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун иллюстрацион расмлардан кенг фойдаланилган. Дарслик содда ва раван тилда ёзилган бўлиб, айти вақтда ҳар бир бош мия нервининг текшириш усули ва зарарланиш белгилари моҳиятини тушунишга имкон берадиган кенг кўламдаги маълумотлар билан бойитилган. Биринчи марта умумий неврология фани бўйича икки тилда ёзилган ушбу дарслик магистратура резидентларига неврология фанини янада мукамал ўзлаштириши учун замин яратади.

The textbook is intended for residents of master's degree passing the subject of neurology. The textbook in two languages (Uzbek and English) describes in detail the anatomy and clinical anatomy of the brain and spinal cord, research methods and topical diagnosis of the above departments, in addition, widely represented anatomy, physiology, methods of study of all 12 pairs of cranial nerves, because the logic of clinical thinking neurologist based on anatomical and physiological data on the nervous system. Without a clear understanding of the anatomy and physiology of the nervous system, it is impossible to become a qualified neurologist. For a complete representation of the anatomy and physiology of the brain, spinal cord and all 12 pairs of cranial nerves are widely used illustrations. The newly created textbook in two languages on General neurology will be an excellent guide for residents of master's.

# 1 БОБ. РЕФЛЕКСЛАР, ҲАРАКАТЛАР ВА СИНДРОМЛАР

Ихтиёрий ҳаракатни юзага келтирувчи импульслар, асосан пешана соҳасидаги олдинги марказий пуштада (биринчи моторик қобик, Бродманн соҳаси 4) ва унга чегарадош бўлган бурмалар соҳасида юзага келади (биринчи ҳаракатга келтирувчи нейрон). Улар, мия устунни орқали пастга орқа миянинг олд шохчаларигача давом этиб, пирамида йўлини ҳосил қилади ва бу ерда улар иккинчи ҳаракат нейрони орқали бир ёки бир нечта оралиқ интернейронлар билан синаптик контактга киришади. 4-соҳадан чиқадиган ва унга туташ қатлам соҳаларининг асаб толалари бирлашиб, пирамида трактини ташкил этади, ўз навбатида булар биринчи ҳаракат ҳудудини ҳамда олдинги шохчаларнинг ҳаракат нейронларининг энг тезкор ва тўғридан тўғри туташтирувчи толалари ҳисобланади. Бундан ташқари, қатламнинг бошқа соҳалари (айниқса бош миянинг мотор олди қобиғи, 6-ҳудуд) ва бош мия қобиғи ости ядролари (айниқса базал ганглиялар) ҳам ҳаракатни назорат қилишда иштирок этади. Бу ҳудудлар бир бири ва бош миянинг биринчи моторикаси ҳамда миячаси билан биргаликда тесқари ҳаракатнинг мураккаб ҳалқаларини ҳосил қилади; улар орқа миядаги бир нечта йўллар орқали олдинги шохчаларнинг хужайраларига таъсир кўрсатади. Уларнинг вазифаси, асосан, ҳаракатни ўзгартириш (модуляция қилиш) ва мушак тонусини бошқаришдан иборат. Бош мия ядроларини ҳаракатлантирувчи импульслар иккинчи ҳаракат нейронлари орқали ишга тушади ва орқа миянинг олд шохчаларига мия қатламининг олд қисмидан, асаб тўқималари (бўйин ва бел-думғаза соҳалари), ҳамда периферик асаб тизими йўллари орқали скелет мушакларига ўтади.

Бу импульслар асаб-мушак боғламлари орқали мушак ҳажайраларига узатилади. Бош ёки орқа миядаги биринчи ҳаракатлантирувчи нейроннинг шикастланиши спастик фалажга олиб келади ва шу билан бир қаторда олд шохгадаги иккинчи ҳаракат нейронининг, периферик асаб ёки ҳаракат толаларининг охириги бўлмачасининг шикастланиши периферик фалажга олиб келади. Моторик тўқималарнинг етишмовчилиги алоҳида асаб тизимининг шикастланиши натижасида кам учрайди: у одатда, сенсор, вегетатив, конгнитив ва ёки шикастланган жой, унинг хусусияти ва шикастланиш сабаблари билан боғлиқ бўлган нейропсихологик етишмовчиликнинг турли кўринишлари билан ҳамроҳликда кечадиган жараён ҳисобланади.

## **Ҳаракат тизимининг марказий таркиби (компонентлари) ва улар шикастланганлигининг клиник белгилари**


Ихтиерий ҳаракатни бошқарувчи ҳаракат тизимининг марказий қисми қуйидагилардан ташкил топган: олдинги марказий пушта (4 соҳа) ва унга туташ бўлган қобик соҳалари ( 6 соҳа), ҳамда нуклеар қобик ва орқа мия йўллари ва шу мия соҳалари билан туташ бўлган йўллар (1.1. ва 1.2. расмлар).

### **Ҳаракатнинг пўстлок соҳалари**


Мотор пўстлок соҳаси ( олдинги марказий пушта бурмаси, 1.1. расм) марказий эгатдан бирламчи соматосенсор пўстлокка қарама-қарши томонда жойлашган бўлиб (марказдан кейинги бурмада), пўстлок горизонтал пушталардан иборат булиб ярим шарнинг юқори медиал қирраси бўйлаб юқорига йўналиб, унинг медиал юзасига чиқади. Ҳалқум ва трахея соҳаси бош мия биринчи мотор пўстлогининг пастки бўлимида жойлашган. Унинг устидан, кетма-кетликда, юз, юқори тана аъзолари, тана ва пастки тана аъзолари жойлашаган (1.2. расм). Бу премотор соҳаси тескари айлантирилган “одам” тасвири, марказдан кейинги бурманинг “соматосенсор соҳа”сига мос келади. соҳасининг чегарадош ҳудудларида ҳам учрайди. Нозик эркин ҳаракатни юзага келтирувчи импульслар асосан марказ олди бурмаларида ҳосил бўлади. Бу катта пирамида нейронларининг (Бец хужайралари) локализацияси бўлиб, улар бешинчи хужайра қатламида (пўстлоғида) жойлашган ва пирамида трактининг миелинизацияланган асконлари шу ердан бошланади. Пирамида йўли, аввал тасаввур қилинганидек, тўлик Бец хужайраларининг аксонларидан ташкил топмаган. Лекин энди маълум бўлишича, улар тўқималарнинг 3.4 - 4% ни ташкил қилади. Тўқималарнинг энг кўп қисми, аслида ўзининг бошланишини кичик пирамида ва Бродман бўйича 4 ва 6-соҳаларнинг дуксимон хужайраларидан олади. Пирамида йўлларидаги барча тўқималарининг 40%ни 4-соҳадан олинган асконлар ташкил этади; қолганлари эса пешона соҳасининг 3,2-қисми ва мияча, бошнинг тепа қисмидаги соматосенсор пўстлокнинг (соматосенсор соҳа) 1-соҳасидан, ҳамда бошнинг юқори қисмида жойлашган мияча соҳасига тегишли бўлган бошқа соҳалардан олади (1.1 расм).

Пирамида йўлининг мотонейронлари ажойиб тарзда тананинг контралатареал бўлагинининг ихтиерий ҳаракатини таъминлаб туради. 4-соҳанинг стимуляцияси, масалан, нейрохирургик муолажада, аслида, қайсидир, алоҳида мушакларнинг қисқаришига олиб келади, лекин шу билан бир қаторда 6-соҳанинг қўзғатилиши (стимуляцияси) бутун бир тананинг юқори ёки пастки қисмини анча мураккаб ва кенг ҳаракатларини чақиради ва таъминлайди.





1.1.рasm. Бирламчи ҳаракат майдони/олдинги марказий пушта (4 майдон). премотор пўстлоқ (6 майдон) ва кўзнинг префронтал соҳаси (8 майдон). Бу соҳаларининг вазифалари матнда кўрсатилган.



1.2.рasm Пирамидал йўл қисми, юқори порцияси: нурсимон шуъла ва ички капсула

### Пирамидал тракт

Орқа мия тракти премотор соҳадан бошланади ва нурсимон тож орқали ўтиб, тўқималар бир-бирига жуда яқин жойлашган ички капсуланинг орқа оёқчасидан (оқ модда) мия устунининг марказий қисмига (мия оёқчасига), кўприкка ўтади ва узунчоқ миянинг асосида (яъни олд қисмида) унча катта бўлмаган бўртиқ – пирамида ҳосил қилади. Узунчоқ миянинг пастки қисмида 80-85% пирамида толалари пирамида кесишмасини ҳосил қилиб карама-карши томонга ўтиб кетади. Бу ерда кесишмаган тўқималар орқа миянинг олдинги тизимчаси орқали ипсилатерал тарзда тушади.

Мия устунни ядроси ва тана скелети мушаклари икки томонлама пустилок иннервациясини қабул қилади. Пирамида йўли толаларининг катта қисми пирамида кесишмаларида контралатерал тизимча бўйлаб орқа мияга тушади. Бу йўл кўндаланг кесишма майдонида тораяди ва ипсимон

тасмача шаклида пастга қараб йўналади. Унинг тўқималаридан баъзилари пастга қараб йўналганда ҳар бир сегментда йўл-йўлакай тугаб боради. Пирамида йўли тўқималарининг 90 % га яқини интернейронлар синапсларида тугайди ва кейин мотор импульслар олдинги шохчадаги катта  $\alpha$ -мотонейронларига ҳамда унча катта бўлмаган гамма мотонейронларга узатилади (1.3. расм).

### **Кортико-нуклеар (Corticobulbar) йўл**

Пирамида йўлининг баъзи толалари асосий йўлдан ажралади ва улар ўрта мия орқали ўтади, кейин эса бош мия ҳаракат ядроларининг дорсал томонига қараб йўналади. Мия устуни томонидаги толалар қисман кесишади. Ядролар пирамида трактининг толаларини қабул қилиб, бош мия нервлари орқали краниал мушакларнинг ихтиерий ҳаракатини юзага келтиради: V (уч шохли нерв), VII (юз нерви), IX, X ва XI (тил-халқум, саёр нерв ва кушимча нервлар) ва XII (тил ости нервлари).

### **Кортико-мезэнцефал йўл.**

4 ва 6 соҳаларда эмас, балки кўз майдонидаги 8-фронтал соҳада пайдо бўладиган, кортико-спинал йўл билан биргаликда йўналадиган толалар мавжуд (1.1 ва 1.3. расмлар). Бу тўқималарнинг импульслари, ҳаракатнинг мураккаб жараёнларини ташкил қилиб, кўзнинг ҳамкор ҳаракатларини шакллантиради. Пешана соҳасидан бошланадиган бу йўлни, кўпгина муаллифлар кортико-спинал трактнинг бир қисми деб ҳисоблашсада, лекин у аслида алоҳида (corticomesencephal йўл) номга эга бўлиб, бу йўлнинг ўзига хос келиб чиқиши ва вазифалари (функцияси) мавжуд. Кортико-мезэнцефал йўл пирамида йўли тандеми<sup>1</sup> билан ишлаб (фақатгина унга рострал тарзда, ички капсуланинг орқа оёқчасида), кейин эса кўз ҳаракатини юзага келтирувчи восита сифатида III, IV, ва VI бош мия (кўзни ҳарактлантирувчи нервларга), яъни бош-мия нервларининг ядроларига қараб дорсал<sup>2</sup> йўналади. 8-майдон алоҳида эмас, балки фақатгина синергетик боғлиқликда кўз мушакларини иннервация қилади. 8-соҳанинг стимуляцияси ҳамкор нигоҳнинг қарама-қарши томонга оғишни рад қилишга ундайди. Кортико-мезэнцефал йўл толалари III, IV ва VI бош-мия нервларининг ҳаракат нейронларига тўғридан тўғри йўналишини ўзгартирмайди.


### **Ҳаракат тизимининг бошқа марказий таркибий қисмлари (компонентлари).**

Ҳаракат функцияларини бошқарувида пирамида тракти ва марказий тракт қаторидаги йўллар энг муҳим вазифани бажаради (1.4. расм). Режалаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган, тўқималарнинг бирта муҳим гуруҳи (кейинги ўринларда кортико-мияча кўприг йўли деб аталади), ўз навбатида, маълумотларни бош мия пўстлоғидан миячага етказиб беради. Бошқа тўқималар пўстлоғдан базал

<sup>1</sup>Тандем – қисмлари бир ўққа кетма-кет жойлашиб, бир жойга таъсир қиладиган механизмлар

<sup>2</sup> Дорсал – бу ерда: орқага йўналади

ганлияларга (асосан йўл-йўл танага, думли ядрога ва пўстлокка) қора субстанцияга, бош миянинг ретикулятор формациясига ва бошқа ядроларга (тектум) қараб кўчади. Тузилмаларнинг ҳар бирида импульсларга ишлов берилади (ишга мослаштирилади) ва сўнгра олд шохчаларнинг ҳаракат нейронлари, самарали йўллар орқали интернейронлар ёрдамида – қизил ядро орқа мияга, ретикулоспинал, вестибулоспинал трактларга узатилади (1.5. расм). Бу трактлар мияча, базал ганглиялар ва мия устунининг ядроларига орқа миянинг ҳаракат функцияларига таъсир қилишга имкон беради.




1.4 расм миянинг ҳаракатлантирувчи структураси ва юқорига кутарилувчи нерв

### Орқа миядаги латерал ва медиал ҳаракат йўллари.

Орқа миядаги ҳаракат йўллари анатомик ва функционал жиҳатдан икки гуруҳга бўлинади: ён гуруҳ – ўз ичига кортикоспинал ва rubrospinal йўллар, ҳамда ретикулоспинал, вестибулоспинал ва қопқоқ-орқа мия йўлларини ўз ичига олувчи медиал гуруҳ (Kuypers, 1985). Ён қисмлар, асосан, узоқ мускулатурани проекциялайди (айниқса юқори), ҳамда қисқа

проприоцептив туташувларни амалга оширади. Улар елканинг олд қисми ва қўл панжаларининг эркин ҳаракатларини, яъни аниқ, юқори дифференцияланган, моторикани нозик бошқарувини таъминлаш учун масъул ҳисобланади. Буларга қарама-қарши бўлган, олд шохчага медиал жойлашган ўрта трактлар мотонейронларни иннервация қилади ва проприоцептив туташувларни нисбатан узунроқ ясайди. Улар биринчи навбатда тана ҳаракатлари ва тананинг пастки аъзоларининг муча ҳаракатларига жавоб беради.



### 1.5 Юқорига кутарилувчи пирамида йули

#### Марказий ҳаракат нейронининг шикастланиши – марказий спастик фалаж.

Корково-спинал йўлнинг шикастланиш даврида чуқур пай рефлекслари фаоллигининг ва мушакларнинг сусайиши кузатилади. Бир неча кундан ёки ҳафтадан сўнг рефлекслар юқори бўлади, чунки мушак уклари, айниқса, юқори букиш ва пастки езиш мушаклари бугимларида езиш рефлексларига сезувчанлик анча ошиб кетади. Бу ҳолатнинг юзага келишига сабаб деб юқори сезувчанлик ва мушак укларини кўзғатувчи гамматор хужайраларнинг (γ ҳаракат нейронлари) пастга йўналган марказий ингибирловчи назоратнинг йўқотилганлиги ҳисобланади. Шундай қилиб, мушак тўқималари доимий ҳаракатда (олдиндан чўзилган) ва мушакларнинг кейинги езиш учун олдингидан кўра анча енгил жавоб беради. Мушак узунлигини тартибга солувчи тизимнинг бузилиши, аниқки, юқори ва пастки букиш бугимларда содир бўлади. Бунинг

натижасида пирамида трактининг шикастланганлиги белгилари сифатида юқори спастик тонус ва гиперрефлексия – клонус кузатилади. Пирамида йўлининг шикастланиши белгилари орасида Бабинский симптоми (оёқ товонининг штрихли кўзғалишига жавоб реакцияси сифатида катта бармоқнинг тоник ростланиши) кузатилади. Пирамида йўлининг марказий қисмида (бош ва ёки орқа мияда) шикастланиш бўлганда спастик фалаж ривожланади, ҳамда иккала пастга йўналган ён ва медиал йўллар шикастланганда янада кўпроқ ифодаланган бўлади. Спастиканинг патофизиологияси ҳалигача кам ўрганилган, лекин ҳаракат трактининг ёрдамчи йўллари, шак шубҳасиз, бунда муҳим рол ўйнайди, чунки алоҳида, фақатгина кортикал шикастланиш спазм чақирмайди.

### **Марказий спастик фалаж синдроми.**


Бу синдром куйидагилардан ташкил топган:

- Мушак кучининг сустлашиши ва ҳаракатни бошқаришдаги бузилишлар
- Тонуснинг спастик кучайиши
- Пай рефлексларининг ошиши, клонус билан бирга кузатилиши мумкин
- Гипофункция ёки экстероцептив рефлексларнинг (қорин бўлиғи, товон ва кремастер рефлекслар) йўқлиги
- Патологик рефлекслар (Бабинский, Оппенгейм, Гордон ва Мендел-Бехтерев рефлекслари)
- Мушак массасининг сақланиб қолиниши (бошланғич даврда)

Пирамида йўли марказий қисмида шикастланишларнинг кенгайиши (локализацияси)

Ўсмалар, инфаркт ёки жароҳатли шикастланишлар натижасида бош мия пўстлоғи соҳасининг иштироки билан шикастлаганда (1.6.расмда) тананинг тескари томонида фалажлик чақиради. Гемипарез кўлларда ва юз мушакларида (брахиоцефал фалажлик) бошқа тана аъзоларига нисбатан кўпроқ кузатилади. (а) майдоннинг шикастланиши билан боғлиқ бўлган типик клиник топилма – бу асосан юқори мучада дистал фалаж бериши билан намоён бўлади, бунинг энг жиддий функционал оқибати ҳаракат назоратининг бузилишига олиб келишидир. Фалажлик тўлиқ кузатилмайди (плегия эмас, балки фалаж). (а) майдонида шикастланишга олиб келадиган омил келиб чиққанида (неврология дарсликларида тасвирланган) ўчоқли (Жексон хуруждари) хуружлар чақириси мумкин.

Агар ички капсула (1.6. расм) шикастланса (қон куйилиш ёки ишемияда), контралатерал спастик гемиплегия юзага келади – бу даражадаги шикастланиш пирамида тўқималари билан бирга, пирамидага тегишли бўлмаган тўқималарга ҳам таъсир кўрсатади, чунки бу икки турдаги тўқималар бир-бирига жуда яқин ва жипс жойлашган.



**Расм 1.6** Пирамида йўлининг зарарланиш синдромларининг кесмаларда кўриниши

Бунда кортико-нуклеар йўл ҳам иштирок этиши натижасида контралатерал юз фалажи кузатилади, бу ҳолат тил ости нервнинг марказий фалажи билан биргаликда ҳам намоён бўлиши мумкин. Бошқа бош мия нервларининг етишмовчилиги кўринмайди, чунки қолган бош мия нервларининг ҳаракат ядролари икки томонлама иннервацияга эга. Бошида контралатерал фалаж суст (“шок фазаси”да), лекин бир неча соат ёки кун мобайнида пирамидага тегишли бўлмаган тўқималарда ҳамроҳ шикастланишлар мавжудлиги сабабли спастик тус олади. Қон томир жараёнида кечувчи, қон қуйилиши ёки ўсмалар натижасида бош мия даражасидаги шикастланиш ўчоқлари (1.6.-расмда С) контралатерал спастик гемипарез билан биргаликда кўзни ҳаракатга келтирувчи нервнинг ипсилатерал фалажини келтириб чиқариши мумкин.

Пирамида трактининг иштирокида қисман шикастланиш (1.6. расмда d... масалан ўсма, бош мия устунининг ишемияси, қон қуйилиши) контралатер фалаж ёки икки томонлама гемипарез чақириси мумкин. Одатда, пирамида йўлининг барча тўқималари иштирок этмайди, чунки унинг тўқималари кўприк даражасида олинганда, кўндаланг кесимнинг анча кенг майдонида тақсимланган. Юз ва тил ости нервларининг ядроларини иннервация қилувчи толалар бу даражани эгаллаш учун анча дорсал ҳолатга ўтиб бўлган. Шундай қилиб, юз ва тил ости нервининг марказий фалажи бу шикастланишларда кам ҳамроҳлик қилсада, аммо учламчи нервнинг ипсилатерал етишмовчилиги ёки тармоқланган нерв фалажи ҳамроҳлигида ҳам кечиши мумкин. Пирамиданинг шикастланиши (одатда, ўсма 1.6. расмдаги e) пирамида йўли тўқималарининг алоҳида шикастланишига олиб келиши мумкин, чунки пирамидага тегишли бўлмаган тўқималар қўшимча равишда шу даражада жойлашган. Суст контралатерал гемипарез натижаси ҳам бўлиши мумкин. Фалажлик кам даражада ифодаланади (фалажлик, плегия эмас), чунки пастга йўналган бошқа йўллар сақланиб қолинади.

#### **Орқа миядаги пирамида йўлининг шикастланиши.**

Бўйин даражасидаги пирамида йўлининг шикастланиши (1.6.- расмдаги e, масалан, ўсма, остеомиелит, жароҳат) ипсилатерал спастик гемиплегияни чақиради. Ипсилатерал дейилишига сабаб, чунки тракт аллақачон юқори даражада кесишган ва спастик дейилишига асос, чунки уларнинг таркибида шу даражадаги пирамида тўқималари мавжуд. Орқа миянинг юқори бўйин қисмининг икки томонлама шикастланиши тетраплегияни келтириб чиқариши мумкин. Орқа мия кўкрак соҳасидаги пирамида трактининг шикастланиши (1.6. расмдаги г, ... масалан, жароҳат, миелит) пастки мучаларнинг спастик ипсилатерал моноплегиясини чақиради, икки томонлама шикастланиш параплегияни келтириб чиқаради.

#### **Ҳаракат тизимининг периферик таркиби (компонетлари) ва улар шикастланганлигининг клиник белгилари (синдромлари)**

Таянч-ҳаракат тизимининг периферик қисми бош мия устунининг бош мия нервлари ядросини, орқа мия олд ҳаракат шохчалари хужайраларини, бўйин ва бел-думғаза нерв чигаларини, периферик нерв ва скелет мушакларининг ҳаракат тўқимларини ўз ичига олади.

#### **Олдинги шох хужайралари (α ва γ ҳаракат нейронлари)**

Нафақат пирамида йўли тўқималари, балки пирамидага тегишли бўлмаган пастга йўналган йўллар (ретикулоспинал, қопқокли-орқа мия, вестибулоспинал ва руброспинал йўллар), ҳамда орқа тугунлардан келган афферент тўқималар хужайра таналарида ёки α ҳаракат нейронларининг катта ёки кичик дендритларида тугайди. Бу турдаги барча тўқималар кичик γ ҳаракат нейронлари билан шунингдек, қисман бевосита ва қисман интенеуронлар ва орқа миянинг ички нейрон аппаратидаги бириктирувчи нейронлар воситасида синаптик контакт ҳосил қилади (3.6. расм). Бу

синапсларнинг баъзилари кўзғатувчи, бошқалари эса тормозловчи. Бу у ҳаракат нейронларининг нозик немиелинизирланган тўқималари интрамурал мушак тўқималарини иннервациялайди. Олдинги шох ҳужайралари орқа ганглия псевдоуниполяр нейронларидан фаркли равишда кўпмайдонли. Уларнинг дендритлари афферант ва эфферант тизимларнинг кенг спекторларидан синаптик конакт қабул қилади (3.6. расм). Олдинги шох нейронларининг функционал гуруҳлари ва ядро устунлари (колонналари) бир биридан анатомик фарқланадиган чегаралар билан ажратилмаган. Орқа миянинг бўйин соҳасида, олдинги шох кулранг модданинг ён томонида юқори мучанинг ҳаракат нейронлари жойлашган; тана мушаклари учун – унинг ўрта қисмида жойлашган. Худди шундай принцип орқа миянинг бел соҳасида соматотипик тарзда жойлашган, бу ерда пастки мучанинг ён томондан йўналган, тана қисми эса – медиал тарзда жойлашган. Ҳужайраларнинг тормозланиши Реншоу ҳужайралари орқали амалга ошади. Олд шохчанинг турли хилдаги интернейронлари орасида, Реншоу ҳужайраларига алоҳида эътибор бериш зарур. Бу кичик ҳужайралар синаптик контактни  $\alpha$  ҳаракат нейронларининг коллатерал аксонлари орқали қабул қилади. Уларнинг аксонлари кейин олд шохчалар ҳужайраларига қайта проекцияланади ва уларнинг фаоллигини бостиради. Реншоу ингибирлаш ҳаракат нейронлари фаоллигини мувозанатга келтирувчи, тескари алоқага мисол бўлади.

#### **Олд илдизчалар.**

Ҳаракат нейронларининг олд илдизчалари орқа миянинг олд юзасидан чиқади. Ҳар бир олдинги илдизча орқа илдизчага орқа мия ганглияси илдизчасига нисбатан дистал бирикади. Улар шу тарзда орқа мия нервини шакллантиради ва кейин умуртка ораси ёриғи орқали умуртка каналига чиқади.

#### **Периферик нервлар ва нерв-мушак синапси.**

Ҳар бир тана сигменти учун бир жуфт орқа мия нервлари мавжуд. Орқа мия нервлари афферент соматосенсор тўқималарга, эфферент соматик мотор тўқималарга, ён шохаларнинг орқа мия кулранг моддасидан чиқадиган эфферент вегетатив тўқималарига, ҳамда афферент вегетатив тўқималарига эга. Орқа мия нервлари нерв боғламлари ҳосил қилиб, бўйин ва бел-думғаза даражасида бирикади ва ўз навбатида бўйин ва мучаларни иннервацияловчи периферик нервни шаклланишига олиб келади. Катта  $\alpha$  мотонейронларидан қалин миелинли, тез ўтказувчан нервлар  $\alpha$  1 мотонейронлар деб аталади. Булар ишчи мускулларга йўналади, бу ерда улар унча катта бўлмаган миқдордаги мушак тўқималарида тугайдиган шохачаларга бўлинади. Ахборот етказувчи синаптик импульслар нерв-мушак синапсларида юзага келади.

#### **Орқа мия сигменти**

Олдинги шохча ҳужайралари, уларнинг илдизчалари ҳамда уларни иннервацияловчи мушак тўқималарининг барчаси биргаликда орқа мия



сигментини ташкил қилади (Sherrington). Ҳар бир сигмент олдинги шохча хужайралари тугалланмаларида юқори даражаларда кесишган ҳаракат импульслари билан боғлиқ умумий йўлнинг якунловчиси ҳисобланади. Унинг фаоллиги бош миянинг турли соҳаларида жойлашган, ҳар хил ҳаракат трактларининг таъсирида юзага келувчи импульсларга, ҳамда орқа миянинг ички сегментар ва сегментлараро нейронлардан олинган импульсларга боғлиқ. Бу импульсларнинг барча ҳаракатлари сигмент билан боғлиқ ва у билан интеграцияланган. Бу интеграцияларнинг натижаси мушак тўқималарига етказиб берилади. Нозик дифференцияланган ҳаракат жараёнида иштирок этувчи тўқималар, олдинги шохча хужайраларининг катта қисми билан таъминланган, уларнинг ҳар бири фақатгина бир нечта (5-20) мушак тутамларини иннервациялайди; бундай мушаклар кичик ҳаракат бирликларидан ташкил топган. Бунга тескари, яъни нисбатан дифференцияланмаган катта мушаклар, масалан думба мушаклари, нисбатан унча кўп сонга эга бўлмаган олдинги шохча хужайраларининг ҳар бири 100-500 та мушак тўқималарини иннервациялайди (йирик мотор бирликлари).

### **Шикастланишнинг клиник синдромлари**

фалажлик ҳар қандай жойдаги ҳаракат бирликларининг узилишидан келиб чиқади: периферик нерв ёки нерв чигалларида, бир ёки бир нечта олд илдизчаларда, олдинги шохчада. Ҳаракатнинг бузилиши мушак тўқималаридан ташқарида сигментларда кузатилади. Эт узилишидан шикастланган тўқималарда моносинаптик рефлекслар йули кесилганлиги натижасида мушаклар ўта заиф (плегия) ҳамда мушак тонусининг сезиларли даражада сусайгани кузатилади (гипотония). Мушаклар атрофияси бир неча ҳафта давомида юзага келади, чунки мушаклар бириктирувчи тўқима билан аста-секин алмашинади: бу алмашиниш прогрессив атрофиянинг бир неча ой ёки йиллардан кейингина тўлиқ бўлиши мумкин. Шундай қилиб, олдинги шохча хужайралари мушак тўқималари ўзининг таркибини (структураси) меъёрида сақлаб ва ўз вазифасини (функциясини) меъёрида бажариб туриши учун трофик таъсир ўтказиб туради.

### **Периферик фалакжли симптомлари куйидагилардан таркиб топади:**

- Мускулларнинг гипотонияси ёки атонияси
- Гипорефлексия ёки арефлексия
- Мушак атрофияси

Шикастланиш одатда ўта аниқ локализацияланган бўлиши мумкин – олд шохчада, олд илдизчада, нерв чигаллари ёки периферик нервларда. Агар муча ёки мучалар фалажи соматосенсор ва вегетатив етишмовчилик билан биргаликда кечаётган бўлса, унда шикастланиш нерв илдизчаларига нисбатан тахминан масофада бўлади ва шундай қилиб, улар нерв чигалларида, ёки периферик нервдан ўрин олган. периферик фалажлик жуда камдан кам ҳолатларда мия пардаси шикастланиши натижасида

бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда рефлекслар сақланиб қолади, баъзида ҳатто юқори ҳам бўлиш кузатилади ва мушак тонуси нормал ёки юқори бўлиши ҳам мумкин.

### **Асаб тизимининг алоҳида қисмлари шикастланганда мураккаб клиник синдромлар**

Одатда, асаб тизимининг алоҳида бирта қисми шикастланганда бирор бир боғланишсиз яқка ҳаракат етишмовчилигини (дефицитининг) чақирмайди. Кўпинча ҳаракат етишмовчилиги соматосенсор, махсус сенсор, вегетатив, конгнитив, ва ёки ўзгарувчан турдаги нейропсихологик бузилиш ва шикастланиш жойи ҳамда даражаси билан ифодаланган ҳамроҳликдаги жараён билан кечади. Бош мия соҳасининг маълум қисмларидаги шикастланишлар билан боғлиқ мураккаб клиник синдромлар (телэнцефалон, диэнцефалон, базал ганглиялардаги, лимбик тизимдаги, мияча и мия усутнидаги) тегишли бобларда таърифланади. Бу бўлимда, биз, орқа мия, нерв илдичалари, периферик нервлар, нерв-мушак синапслари ва мушаклар билан боғлиқ бўлган шикастланишлар ҳақида тушунча берамиз.

### **Орқа мия (спинал) синдромлар.**

Орқа мия шикастланиши кенг неврологик спекторга эга бўлган бузилишларни чақирishi мумкин, чунки орқа мия бир нечта ҳаракат , сенсор ва вегетатив тўқималардан ҳамда бир бири билан масофавий муносабатларда яқин бўлган ядролардан ташкил топган. Одатда, синчиклаб олиб борилган клиник ташхис, шикастланиш ўчоғининг юқори даражада аниқликдаги локализациясини таъминлайди, лекин бу фақатгина, қачонки врач етарли даражадаги ҳаракат, сезги ва вегетатив йўлларнинг анатомиясига тегишли бўлган билимларни пухта эгаллаган бўлсагина амалга ошади.

**Умумий антомик тасаввурлар.** Орқа мия, худди мия каби оқ ва кулранг моддадан ташкил топган. Оқ модда юқорига ва пастга йўналган толалардан иборат бўлган йўлларга эга, шу билан бирга кулранг модда эса турли хилдаги нейронлардан ташкил топган: олд шохалар асосан ҳаракат нейронларидан иборат, ён шохалар – асосан вегетатив нейронлардан, орқа шохлар асосан турли афферент йўлларда иштирок этувчи соматосенсор нейронлардан иборат. Бундан ташқари орқа мия – проприоцептив боғламда кўтарилиб тушадиган интернейронлар, нейронлар ассоциацияси ва бириккан нейронлардан ташкил топган ички нейрон аппаратига эга. Катталарда орқа мия умуртка устунидан қисқароқ: у краниоцервикал ўтиш йўлагидан то биринчи ва иккинчи умуртқаларнинг умурткалараро дисклар даражасида чўзилган (L1–2) – буни локализация жараёни орқа мия даражасида эканлигини аниқлашда эътиборга олиш зарурлигини кўрсатиб ўтиш муҳим саналади. Нерв найчаларининг кесмалари (орқа мия примитивлари) умуртқанинг бу параметрларига ҳомиладорликнинг учинчи ойигача мос бўлади, ундан кейинги даврларда эса умуртқанинг ўсиш

жараёни орқа миядан ўзиб кетади. Нерв илдизчалари умуртқа каналининг тегишли даражасидан чиқади, демак, пастки кўкрак ва бел соҳасига тегишли бўлган илдизчалар, ўзлари чиқадиган умуртқа оралиғи ёриғларига етиши учун анчагина узун бўлган субарахноидал майдонни босиб ўтиши керак бўлади. Орқа мия L1 ёки L2 даражасидаги конус билан (кам ҳолларда L3 даражасида) тугалланади. Бундан пастки даражаларда от думи (конский хвост) деб номланадиган нерв илдизчаларининг толалари жойлашган. Аммо орқа мия иккита майдонда айнан, бўйин ва бел кенгаймаларида, анчагина шишган бўлиб кўринади. Биринчиси юқори мучаларга мос келиб, елка тутамларини ҳосил қиладиган сегментларни ўз ичига олади (C4-T1); охиригиси пастки мучаларга мос келиб, бел-думғаза тутамларини ҳосил қиладиган сегментларни (L2-S3), ўз ичига олади.

Орқа миянинг шикастланиши баъзида фақатгина оқ моддага таъсир қилади (орқа устунларнинг шикастланиши) ёки фақатгина кулранг моддага (ўткир полиомелит), лекин кўпгина ҳолларда шикастланиш ҳам оқ, ҳам кулранг моддага зарар етказди. Навбатдаги бобларда орқа мия шикастланишининг типик кўринишлари синдромлари долзарблиги нуқтаи назаридан баён этилади. Тасвирлар мукамал бўлиши учун асосий ёки фақатгина соматосенсор етишмовчиликни тавсифловчи (дефицит) бир қатор синдромлар ҳам шу бобда ҳавола қилинади.

### **Орқа миянинг алоҳида йўллари, ядро ва нерв ҳудудлари шикастланганидаги белгилар (синдромлар)**

Орқа мия ганглиялари синдроми (1.7. расм).

Орқа ганглияларнинг бир ёки бир нечта нейротроп вируслар билан шикастланиши кўпинча кўкрак соҳасида учраб, дерматомага хос оғриқли эритемаларни чақиради, кейинчалик тери соҳасида везикуляр ҳосилаларни пайдо қилади. Бу клиник манзара ураб олувчи герпес (темиратки) деб номланган бўлиб, жуда нохуш, санчиқли оғриқлар ва шикастланган соҳада парестезия билан ифодаланади. Инфекция орқа ганглиялар орқали орқа мияга ўтиши мумкин, лекин, агар бу нарса юзага келса, одатда, орқа мия ичида унча катта бўлмаган майдонада чегараланиш билан кифояланиб қолади. Олд шохларнинг шикастланиши кам ҳолларда плегия бериши мумкин, гемипарез ёки парепарез янада камроқ учрайди. Электромиография 2\3 ҳолатларда сегментар етишмовчиликни намоиш қилиши мумкин, лекин ураб олувчи герпес (темиратки) одатда кўкрак соҳасида жойлашиши назарда тутилса, бу етишмовчилик (дефицит) функционал жиҳатдан аҳамиятсиз рағбатга эга.



**Расм 1.7 Орқа ганглийнинг зарарланиш синдроми**

Баъзи ҳолларда терининг шикастланиши кузатилмайди. Ўраб олувчи герпес бир йилда нисбатан 1000 кишидан 3-5 ҳолатларда тарқалган; паст иммунитетли шахсларда (ОИТСда, хавфли ўсмаларда ёки иммуносупрессияда) хавф даражаси юқори бўлади. Бу ҳолатда даво воситалари ацикловир ва маҳаллий дермотологик препаратлар тавсия этилади. Ҳатто тегишли даво муолажасидан сўнг ҳам зарарланган ҳудудда постгерпетик невралгия асоратлари кўп учрайди. Буни турли дори воситалари билан симптомик даволаш мумкин, шу жумладан карбамазепин ва габапентин билан.

### **Орқа мия илдизчаларнинг зарарланиш синдромлари (1.8. расм)**


Агар бир ёки ундан ортиқ бир-бирига яқин жойлашган орқа мия илдизчаси тўлиқ шикастланган бўлса, унда тегишли дермомаларда сезиш қисман ёки тўлиқ йўқотилган. Орқа мия илдизчасининг қисман шикастланиши турли сенсор бузилишларга ва қисман оғриқни хис қилишга таъсир қилади. Шикастланиш периферик рефлексор ёйини кесиб қуйганлиги сабабли, сенсор етишмовчилик гипотония ва гипорефлексия билан биргаликда ёки шикастланган илдизчалар иннервациялаган мушакларда арефлексия билан кечади. Бу типик бузилишлар фақатгина бир нечта ўзаро боғланган илдизчаларнинг шикастланишида кузатилади.

### **Орқа миянинг зарарланиш синдромлари (1.9. расм)**



Орқа устунлар дорсал ва орқа илдизчалар гангиоз хужайраларининг потологик жараёнларига иккиламчи жалб этилган бўлиши мумкин. Орқа устунларнинг шикастланиши, одатда, ҳолатни, вибрацияни, дискриминация ва стереогнозни сезишни ёмонлаштиради. Улар шикастланганида Ромберг синдромининг ижобий белгилари кузатилиши мумкин: юришнинг бузилиши, айниқса кўзлар юмилган ҳолатда (мияча атаксиясидан фарқли). Орқа устунларнинг шикастланиши сезгининг юқори даражага кўтарилишига ва оғриқнинг пайдо бўлишига олиб келади. Эҳтимолли сабаблар витамин В12 етишмовчилиги (масалан, “фуникуляр миелоз”да), миелопатия ва орқа миянинг компрессиясида (масалан, умуртқа каналининг буйин соҳасидаги стенозда). Шимолий Америка ва Ҳарбий Европада сифилис сабабли учраб турадиган “Табес дорзалес”,

аммо охирги вақтларда дунёнинг турли бурчакларида орқа мия устунларининг булишини шу тури билан оғриганлар сони кенг тарқалиб кетмоқда.


**Орқа шохча синдроми** (1.10. расм) синрингомиелия, гематомиелия, орқа миянинг интрамедулляр ўсмаларининг клиник кўринишлари бўлиши мумкин. Орқа шохча шикастланиши соматосенсор ва сегментар бузулишлар билан биргаликда кузатилади.



Расм 1.8 Орқа илдиз синдроми



Расм 1.9 Орқа устун синдроми



Расм 1.10 Орқа шох синдроми



Оғриқ ва иситмани ҳис қилиш сезгилари мувофиқ равишда ипсилатерал сегментларда йўқолади. Чунки бу ўтказгичлар орқа шохда жойлашган

иккинчи нейрон орқали ўтади ва унинг аксони ён спиноталамик йўлга кўтарилади. Орқа шоха шикастланганида оғриқ ва иситмани сезмасликка диссоцияланган соматосенсор бузилиш дейилади. Шикастланишдан пастги даражада оғриқ ва иситмани сезиш сақланиб қолинган, чунки у сезгилар олдинги тизимчада жойлашган шикастланмаган ён спиноталамик трактдан локализацияланган.

### **Кулранг модда синдроми (1.11. расм)**


Орқа миянинг марказий қисми шикастланганида – кулранг модданинг сирингомиелиясида, гематомиелиясида, орқа миянинг интрамедулляр ўсмаси ва бошқа жараёнларда, кулранг модда орқали ўтадиган барча тўқималар йўллари шикастлайди. Шикастланиш натижасида энг кўп зарар кўрадиган тўқималар – бу орқа миянинг орқа шохалари хужайраларидан бошланадиган тўқималар бўлиб, улар босимни, тактил, оғриқ ва иситмани сезиш ўтказгичлари ҳисобланади. Бу тўқималар кулранг модданинг марказий қисмида тўғри бурчакда кесишиб, кейин олд ва ён спиноталамик йўллардан кўтарилади. Кулранг модданинг шикастланиши шикастланган сегментдан икки томонлама диссоцияланган сезгининг бузилиши билан биргаликда кечади.

Сирингомиелия – бу орқа мияда бир ёки ундан ортиқ суюқлик билан тўлган бўшлиқларнинг пайдо бўлиши. Бош мия устундаги аналогик касаллик сирингобульбия дейилади. Бўшлиқларнинг пайдо бўлиши бир қатор турли механизмлар воситасида юзага келган ва уларнинг орқа мияда тақсимланиши шаклланиш механизмлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Баъзи бўшлиқлар орқа мия марказий каналининг кенгликларини ташкил этган, тўртинчи қоринча билан алоқани амалга ошириши ёки ошира олмаслиги мумкин. Гидромиелие атамаси баъзида марказий канал бўшлиғини белгилаш учун кенг маънода қўлланилади, лекин у идиопатик сирингомиелиянинг туғма варианты бўлиб, унда субарахноидал бўшлиқ ҳақида маълумот евстахий трубаси орқали олинади ва уни фақат шу маънода қўллаш жоиз. Сирингомиелия кўпинча орқа миянинг бўйин қисмини шикастлайди, елка ва юқори мучаларда оғриқ ва иситма сезгисини йўқолиши билан кузатилади. Прогрессив кенгайиш орқа миянинг узунчоқ соҳаларини шикастлаши мумкин ва бу жараён спастик парез ва сийдик пуфаги, ичакларнинг ва жинсий функциялар фаолиятининг бузилиши билан хамроҳликда кечади. Сирингобульбия кўпгина ҳолларда тилнинг бир томонлама атрофиясига, гипоалгия ёки юз аналгиясига, ҳамда ўрни ва бўшлиқнинг конфигурациясига қараб турли хилдаги нистагмаларга олиб келади.


### **Орқа устунларнинг ва кортикоспинал йўлларнинг қўшма шикастланиш синдромлари (фуникуляр миелоз) (1.12. расм.)**

Кўпинча организмда витамин В12 етишмовчилиги сабабли ошқозонда сўрилиш функцияси бўзилиши оқибатида (масалан, атрофик гастритда),

“Ўткир қўшма дегенерация” кузатилади. Демиелинизация ўчоқлари орқа устунларнинг (70–80%) бўйин ва кўкрак соҳаларида учрайди, анча кам ҳолларда пирамида йўлларида ҳам учраши мумкин (40-50%), лекин одатда, кул ранг модда бу вақтда шикастланмайди. Орқа устун шикастланганда ҳолатни сезиш ва пасти мучаларда вибрациянинг сезгиси йўқолади, бу эса ўз навбатида спинал атаксия ҳамда Рамберг симптомининг ижобий белгиларини кўрсатади. Икки томонлама пирамида трактини шикастланишида спастик парализ ва Бабинскийнинг икки томонлама белгиси билан гиперрефлексия кузатилади.



Расм 1.11 Кулранг модда синдроми



Расм 1.12 Кортикоспинал йўл ва орқа устуннинг қўшма зарарланиш синдроми (фуникулар миелоз)

### Олд шоха синдроми (1.13. расм).

Ўткир полиомелит ва турли хилдаги орқа тўқима атрофияси ўзига хос тарзда олд шоха хужайраларига таъсир кўрсатади, айниқса орқа мия бўйин ва бел соҳаларидаги кенгликлариди. Полиомиелитда (вирусли инфекцияда) шохаларнинг хужайралари ўткир ва тузалмас даражада шикастланади, айниқса бел соҳасида, натижада тегишли сегментларда мушакларнинг периферик енгил фалаж (парез) кузатилади. Одатда, проксимал мускуллар

дистал мускуллардан кучлироқ. Мускуллар атрофияга учрайди, оғир ҳолатларда эса, тўлиқ бириктирувчи тўқима ва ёғ билан алмашилиши мумкин. Кам ҳолатларда мускулларнинг охирлари азият чекади, чунки олд шохалар орқа мияда узун вертикал устунларда (колонналарда) жойлашган.

#### **Олд шоха ва пирамида йўлининг кўш шикастланиши (1.14. расм).**

Бу турдаги бузилиш иккала марказий ва периферик ҳаракат нейронларининг дегенерацияси натижасида келиб чиққан ёнлама амиотрофик скелероз деб қаралади. Клиник манзараси периферик ва спастик парезнинг бириккан шакли сифатида намоён бўлади. Бошида мушаклар атрофияси кўринишида пайдо бўлган касаллик, бора бора шундай кучаядики, агар фақатгина пастки ҳаракат нейронлари шикастланган бўлса, чуқур пайлар рефлексияси йўқолади. Юқори ҳаракат нейронларининг бир вақтнинг ўзида шикастланишида (пирамида спастикасининг юзага келиши ва трактнинг шикастланиши билан бўғлиқ бўлган) кўпинча рефлекслар сақланиб қолади ва юқори бўлиши мумкин. Бош мия нервларининг ҳаракатланувчи ядроларининг дегенератив ўзгаришлари ҳамроҳлигида кечадиган бу шикастланиш дизартрия ва дисфагияга (прогрессияланувчи бульбар синдром) олиб келиши мумкин.

#### **Кортикоспинал трактнинг шикастланиш синдроми (1.15. расм).**


Пўстлоқ ҳаракат нейронларининг шикастланиши кортикоспинал тракт дегенерациясининг турли хилдаги касалликлари билан ҳамроҳликда кечади: ёнлама амиотрофик синдром ва ирсий спастик параплегиянинг кам учрайдиган шакллари. Бу касалликнинг энг кўп тарқалган субформаси ААА оиласидаги АТФаза 2 хромосомасида геннинг мутацияси натижасида келиб чиқади. Касаллик болалик ёшида пайдо бўлади ва секин прогрессияланади. Касаллар аввал оғирлик ҳиссини сезишади, кейин пастки мучаларда холсизликка шикоят қилишади. Спастик парепарез юришнинг спастик бузулиши билан аста-секин прогрессияланади. Юқори мучаларнинг спастик парепарези анча кейин ривожланади.

#### **Орқа устунларнинг, спиноцеребелляр йўлларнинг кўшма шикастланиш синдроми (1.16. расм).**


Патологик жараён шу тизимларнинг барчасига таъсир кўрстатганда, дифференциал ташхис Фридрейх хилидаги спиноцеребелляр атаксияни, ирсий нейропатиянинг аксонал шакли (HSMN II) ва бошқа атаксияларни ўз ичига олиши керак. Ҳар бир иштирок этувчи тизимда ўзига хос клиник кўринишлар қайд этилади. Фридрейх атаксияси ганглиоз хужайраларнинг дорсал қисмида йўқотишлар билан 20 ёшгача бўлган даврда бошланади ва орқа устун дегенерациясига олиб келади. Клиник кўринишлари: бўшлиқда ҳолатни сезишни ёмонлашуви, дискриминация ва стереогноз ҳисси ҳамда Ромберг синдромининг ижобийлиги тарзида намоён бўлади. Оғриқ ва иситма ҳисси безовта қилмайди. Атаксиянинг намоён бўлиши жиддий




белги ҳисобланади, чунки иккала орқа устунлар ва орқа мия-миячаси тракти ҳам иштирок этади. Белгилар касал юришга, туришга ва ўтиришга уринганида, ҳамда касал бармоқ-бурун ва тизза-товон синовларини бажараётганида аниқланади.



Расм 1.13 Олдинги шох синдроми



расм 1.14 Бирлаштирилган олдинги шох ва пирамидал йул синдроми



Расм 1.15 Кортикоспинал йул синдроми



Касалнинг юриши бедана қадамга хос номутаносибликда, вақт ўтиши билан спастик бўлиб боради, чунки аста-секинлик билан пирамида трактининг дегенерацияси юзага кела бошлайди. Барча мижозларнинг ярмида скелетнинг деформацияси, скалиоз ёки Фридрейх товони аниқланади. Фридрейх атаксияси қуйидаги клиник белгилар мавжудлигида ташхисланиши мумкин:

- 25 ёшгача бўлган даврда, агарда бошқа маълум сабаблардан мустасно бўлган прогрессив атаксияда

- Аутосом-рецессив ирсият
- Пастки мучаларда чуқур пай рефлексларининг мавжуд эмаслиги
- Орқа устунларда бузилиш
- Касаллик бошланганидан кейин беш йил давомида дизартриянинг мавжудлиги.

9 хромосомада асосий генетик етишмовчиликни аниқлаш учун молекуляр-генетик тестлаш усули билан якуний ташхис қўйилиши мумкин.


### **Орқа миянинг ярим шикастланиши синдроми (Броун-Секар синдроми, 1.17 расм).**

Кам учрайдиган ва одатда, тўлиқсиз синдром. Энг кўп тарқалган сабаблари орқа мия жароҳати ва бўйин диски чурраси. Орқа миянинг бир томонидаги пастга йўналган ҳаракат йўлларининг узилиши бирламчи заиф суст парезни; кейинчалик спастик тус олиб, Бабинский симптоми билан гиперрефлексия ҳамроҳлигида кечадиган, шикастланиш даражасидан пастроқда ипсориал парезни (спинал шокнинг кўриниши каби) ва вазомотор бузилишларни чақиради. Орқа миянинг бир томонидаги орқа устунларнинг шикастланиши бўшлиқда ҳолатни сезишнинг ипсилатериал йўқотилишини, вибрацияни сезишни ва шикастланган даражадан пастки соҳада тактил сезувчанликни чақиради. Одатда орқа устун шикастланиши билан чақирилган атаксияда ҳамроҳликда мавжуд бўлган ипсилатерал парезни намоиш қилиб бўлмайди. Шикастланган томонда оғриқ ва иситмани сезиш сақланиб қолинган, чунки оғриқ ва иситмани ҳис қилиш сезгилари аллақачон, ёнлама спиноталамик йўлга кўтарилиш учун бошқа томонга ўтиб бўлган. Оғриқ ва иситмани ҳис этиш сезгилари шикастланиш даражасидан пастроқ конртлатерал йўқотилган, чунки спиноталамик тракт ипсилатор бузилган. Оддий тактил сезгилар бузилмаган, чунки сезгилар турли йўллардаги иккита тўқималарда амалга оширилади: орқа устунларда ва олд спиноталамус трактида.

Узун ўтказувчи йўллардан ташқари олд шоха ҳужайралари ҳам шикастланган соҳага нисбатан турли даражаларда зараланган бўлиши ва унинг натижасида периферик парез юзага келиши мумкин. Орқа илдизчаларнинг қўзғалиши ҳам парестезиялар ёки тегишли дерматомаларда илдизли оғриқлар чақирishi мумкин.



Расм 1.16 Орқа үстүн билан пирамида йулининг биргаликдаги зарарланиш куриниши



Расм 1.17 Юқори мия гемисекция синдроми. (Брун-Секар синдром)

- Пайлар ёки мушак рефлексларининг таранг тортилганлиги
- Устки рефлекслар
- Оддий рефлекслар

Рефлекслар неврологик ташхиснинг муҳим қисми саналади. Улар нерв тизими ҳолатининг объектив (холис) далили ҳисобланади.

### РЕФЛЕКСЛАР.

Пай рефлексларини ўрганиш ўз ичига реффлектор ёйни ва рефлексларни тормозлайдиган ҳамда рефлекс сифатини ўзгартирадиган супрасегмент тизимини ўрганишни ўз ичига олади. Сегментор реффлектор ёй афферент ва эфферент майдонлардан тузилган. Афферент майдон тизими спинал ганглияларда ўзининг ячейкаларига (катакчаларига) эга, унинг рецепторлари эса мушак толаларига локализацияланган. Афферент ёй тўқималари олд шоха тўқималаридан пайдо бўлиб, гамма ва альфа эфферент тўқималари ажратади ҳамда улар супрасегментар тизим орқали назорат қилинади. Агар пай рефлеслари мавжуд бўлмаса, унда патологик жараён сегментар ёйда ёки олд илдизчада локализацияланган бўлади. Мушак, периферик нерв, олд илдизчалар ёки орқа мия касалликлари пай рефлексларининг сусайиши билан ҳамроҳликда кечади. Ёш таъсирчан

беморларда ёки уятчанлик кучли бўлган шахсларда пай рефлексларининг юқори эканлиги аниқланади.

Кўрик мобайнида ҳамроҳликдаги бошқа жисмоний хусусиятларнинг белгиларини ва тананинг ўнг ва чап томонидаги рефлексларни, юқори ва паст мучаларнинг рефлексларини баҳолаш зарур.

Пай рефлекси ўзгарган бўлса (агар у мавжуд бўлмаса), унинг тасвири учун синоним атама қўлланилади, масалан, гиперфаол, кўтарилган ёки патологик. Пай рефлекслари ўзгарган ёки кучайган идентификациялаш учун қуйидаги тавсиялар қўлланилади:

1. Стимуляция бўсағаси. Сарфланган куч пайни чўзиб, рефлекс чақирувини камайтира оладими, ёки рефлексни бошқа томондан чақирган афзалми? Агар мушакларнинг қисқариши болғача ўрнида ўрта бармоқ ишлатилганда намоён бўлаётган бўлса, унда рағбатлантириш бўсағаси камаяди, рефлекс эса кучаяди.
2. Рефлексоген ҳудудлар (зоналар). Одатда тизза усти боғламини кўзгатганда тизза рефлекси чақирилиши мумкин. Агар рефлекс болдир ўртасига зарб билан уриб чақирилса, унда рефлексоген ҳудуд кенгаяди, рефлекс меъёрда ҳисобланмайди.
3. Жавобнинг даражаси ва давомийлиги. Меъёрида бўлмаган рефлексда бир нечта мушак қисқаришларини кузатиш мумкин, у узокроқ давом этади ва бошқа мушаклар ҳам (аддукторлар ёки хатто карама-қарши томондагилари) қисқариши мумкин. Меъёрдаги тизза рефлексда тўртбошли мушакнинг қисқаришини ва оёқда ҳаракатнинг йўқлигини кўриш мумкин.

Анамал тизза рефлекси оёқнинг тўғри ҳолатидаги даражасигача кўтарилиши ва унинг секин релаксациясининг намоён бўлиши билан боғлиқ.

Рефлекслар касал бўшашган ва мучалари тутиб турганда, ётган ҳолида текширилади. Безовталиқ пайларнинг рефлексларини кучайтириши мумкин.

### **Жағ рефлекси (бешинчи бош мия нерви, чайнов мушаклари)**

1.18-расмда кўрсатилганидек, ўнг кўрсатгич бармоғингизни горизонтал ҳолатда беморнинг иягига қўйинг. Ўзингизнинг қўлингизга зарб етказинг, бемор оғзини 2 см чамаси очиши керак. Болғачани стрелкада кўрсатилгандек юқоридан пастга қараб йўналтиринг. Меъёрда бўлмаган реакция кузатилганда бемор жағини тез ёпиб олади. Кўпчилик одамларда жавоб реакцияси бўлмайди. Мазкур рефлекс сегментар жароҳатланишларни ташхислашда аҳамиятга эга эмас. Супрасегмент майдонларнинг бир томонлама шикастланиши пастги жағнинг аномал реакцияси билан кузатилмайди, икки томонлама шикастланишда - кузатилади




Расм. 1.18 Беморнинг оғзини бармогингиз билан бир оз очиб турганда, уриб кўйилади. Болга ҳаракатлари юқоридан пастга.

Бицепс рефлекс.

Бу С6 илдизчасининг бицепс ва елка мушаклари рефлекси. Бемор орқаси билан ётган ҳолда, қўллари ён томонда, тирсаклар 30-40 градусда букилган бўлиши керак.

Ўзингизнинг чап кўрсатгич ва ўрта бармоғингизни 1.19.-расмда кўрсатилганидек бицепс пайларига қўйинг. Бармоқларингизни тирсак чуқурчасига кучантиринг ва тирсак чуқурчаси терисини қўлингиз билан қисман супинациялаб чўзинг. Бу ҳаракатлар бицепт пайларини узайтириб, уни ўрганишга имкон беради. Кейин болғача ёрдамида кўзгатинг. Болғачани 1.19В расмда кўрсатилгани каби икки бошли мушакни бўйлама ўқи буйлаб параллел йўналишда ушланг.

Меъёрдаги жавоб икки бошли мушакни қисқариши ҳисобланади, лекин одатда, унча кучли бўлмай, билакнинг букилишини чақирмайди. Сегмент усти соҳаларининг шикастланиши билакларнинг букилишини чақириб, бошқа мушакларнинг қисқариши билан ҳамроҳликда ҳам кузатилиши мумкин (масалан, бармоқларнинг ва brakiodialiskul мушакларининг букувчилари). С6 илдизчаси сегменти даражасидаги шикастланиш бицепснинг қисқаришисиз кузатилади, лекин унча катта бўлмаган бармоқ букувчиларининг қисқаришларини кўриш мумкин. Бу реакция икки бошли рефлекснинг инверсияси деган ном билан маълум.



**Расм. 1.19 Икки бошли рефлексни текшириш**

### Елка-мушак рефлекси (супинатор-рефлекс)

Бемор худди икки бошли мушак рефлексини такшираётган ҳолатда ётади, лекин унинг билаги эгилган. Меъёрдаги жавоб реакциясида елка-мушак қисқариши кўринади, лекин билакнинг эгилиши учун етарли даражада унча кучли эмас. Сегмент усти шикастланишида бу ҳолат меъёрда ҳисобланмайди. С6 шикастланганида елка-мушак рефлекси сегмент даражасида чақирилмайди, фақатгина кўл панжалари букилади ( тескари ағдарилган супинатор-рефлекс).

### Уч бошли мускул рефлекси (Трицепс рефлекс)

Бемор чалқанчасига ётқизилади. Чап билакни қорин устидан, тирсакни тахминан тўғри бурчак остида жойлаштиринг. Чап кўлни аста-секинлик билан ўзингизга тортинг ва уч бошли мускул пайига (трицепсга) уринг. Меъёрдаги жавоб реакцияси икки бошли мушак реакциясига қараганда камроқ, яъни билак чўзилишини (кенгайишини) чақирмайди. Агар жавоб рефлекси қайд этилмаган бўлса, унда тирсак бўғинида букиш даражасини ўзгартиринг.

### Бармоқни букиш рефлекси.

Бармоқни букиш рефлекси ташхислашда сегмент даражасида аҳамиятга эга эмас. У кўп одамларда мавжуд эмас. Рефлекс бирта кўлда кузатилса, у маълумот даражасида аҳамиятга эга. Бемор кўлини 1.20а расмда кўрсатилганидек тутинг. Бемор билагида унча катта бўлмаган кенглик ҳосил қилинг ва унинг панжалари ва панжа ораси бўғимларини букинг. Кейин панжаларнинг тескари томонига болғача билан секинлик билан турткилаб, кўзғатинг. Беморнинг бармоқлари букилади, сизниг кўлларингизни нозиклик билан ушлайди.

Агар улар иккала кўлларда ҳам мавжуд бўлса, рефлекс ҳеч нарса англамайди. Қачонки у фақат бирта кўлда мавжуд бўлса, унда бу ҳолат

бармоқ мучаларини (охирини) букилишига тегишли супрасегментда шикастланиш мавжудлигининг аниқ исботи ҳисобланади.

### **Гофман рефлекси.**

Гофман рефлекси ҳам ташхислашда сегмент даражасида аҳамиятли эмас. У кўпчилик одамларда мавжуд эмас. Аммо шунга қарамай, бу ҳам бармоқларни букилиш тонусини баҳолашнинг бир усули ҳисобланади ва айниқса, бу жараён қўлнинг бир томони билан боғлиқ бўлса ташхислашда жуда фойдали. Беморнинг ўрта бармоғини бармоқлар орасидаги бўғим даражасида бош ва кўрсаткич бармоғлари орасида худди 1.20В расмда кўрсатилганидек масофада ушлаб туриш. Беморнинг ўрта бармоқ дистал суягини мажбур ва тез-тез букинг ва дарров қўйиб юборинг бармоқини очганида қалтираш пайдо бўлсин. Бу жараён беморнинг ўрта бармоқ букувчисини чўзади.

**Тизза рефлекси.** Бемор чалқанча ётган (ёки ўтириб) ҳолда, тахминан тўғри бурчак остида тиззасини букади. Агар бемор чалқанчасига ётган ҳолда бўлса, уни тиззасини қўл ёки ёстик билан ушлаб туриш. Ўнг ва чап тизза рефлекслари таққосланганда, тизза пайида букилиш (шу жумладан тўрт бошли мушакда ҳам), иккала оёқда ҳам бир хил бўлади. Болғача билан тизза усти боғламига уриш керак. Маъёридаги реакция тўрт бошли мушакнинг сезиларли қисқаришидан, то беморнинг оёқлари крават ёки столдан кўтарилганигача кузатилади.




### **Болдир-товон рефлекси**

Бу рефлексни чақирадиган бир нечта усуллар мавжуд. Энг қулай ва тез усул жуда кам сезиларли ва кам ишончли.

- Беморнинг оёқлари, худди 1.21А расмдагидек тиззаси чўзилган. Қўлингизни орқа томонини беморнинг оёқ кафтига қўйинг ва товонини аста-секинлик билан букинг. Сиз ахил пайини, оёқ-болдир ва япалоқ мушакни (камбалосимон мушак) чўзиш учун оёқни ричак сифатида ишлатдингиз. Бу усул ёрдамида мушаклар қисқаришининг чақирилиши рефлекснинг мавжуд эмаслигини билдирмайди.

Қуйидаги усулни қўллаб кўринг.

- Худди 1.21В расмдагидек (бу оддий усул), бир оёғингизни қарама-қарши болдирга тиззангизни букиб қўйинг. Оёқ кафтига енгил босим ўтказинг, кейин пайига болғача билан зарб беринг. Кейин ахилл пайига зарб беринг. Агар жавоб реакцияси бўлмаса, тиззани 1.21С расмдагидек, мушакни озгина букилиши ва чўзилиши учун оёқ кафтига енгил босим ўтказинг, кейин пайга зарб беринг. Агар шу усул қўлланилганда ҳам жавоб реакцияси бўлмаса, демак L5-S1 сегментида потология мавжуд.
- Оёқ кафтини аста-секин қўл билан, худди 1.21D расмда кўрсатилганидек, пайга тегмасдан уринг. Шунда мушакларнинг такрор силкинганини ёки клонусни кузатиш мумкин.



Расм. 1.21 Ахил пайи рефлексини текшириш



Клонус худди патологик рефлекс каби аҳамиятга эга. Клонуснинг мавжудлиги деярли сегмент усти шикастланиши мавжуд эканлигидан далолат беради.

Беморнинг сон ва тиззасини 30-45 градусда чалқанча ётган ҳолда букинг. Сўнгра оёқни секин букиб, болдир ва камбаласимон оёқ мушакларини тўсатдан, кескин силкитинг. Чўзилганда оёқ-болдир мушакларининг қисқариши, бўшатганда эса токи сиз нофаол букишни қўллаб тургунингизга қадар қисқариш давом этиб туради. Бу мушакларнинг такрорий силкиниши. Ҳамма одамларда ҳам икки ёки учта силикниш кузатилиши мумкин. Сегмент усти шикастланиш мавжудлигида, бу ҳол токи тўпикни букиб турганингизгача давом этади.

Билак ва бармоқларни, тизза копкогини пастга қараб кескин туртганда, билак букувчиларини кескин чўзганда клонус қўзғатилади.

Агар сиз, тизза рефлексини чақира олмаятган бўлсангиз, қуйидаги тарзда ўзингизга ёрдам беришингиз мумкин:

- Бемордан рефлекс қандай текшириляётганига қарамай, аҳамият бермасдан чалғишини сўранг.
- 1.22. расмда кўрсатилганидек бармоқларини бирлаштириб илдириб олишини сўранг. Сиз рефлекс чақиритиш учун тизза копкогига болғача билан урайтган вақтингизда, ундан бир қўлини иккинчисига узатишини сўранг.



**Расм 1.21 Пай рефлексини мустаҳкамловчи усул**

Агар яна рефлекс чақиритилмаса, беморни бармоқларини иккинчи қўли билан муштлаб сиқиб олишини сўранг. Рефлексни текшириш учун ундан қаттиқ, мустаҳкам муштлаб олишини сўранг.

### **Юзаки рефлекслар**

Шохчалар рефлекслари.

Шохчалар рефлексларини ўрганиш сегментар рефлектор ёйни ўрганишга ишора қилади ва сегмент усти тизимининг таламус даражасини бундан мустасно қилади.


### **Фарингеал рефлекс.**

Ютиниш рефлекси кўпинча мавжуд эмас. (тўққизинчи ва ўнинчи бош-мия нервлари жуфтликлари бўлимига қаранг).

### **Қорин рефлекслари**

Шохчалар рефлекси каби, сегментар шикастланиш ҳамда контролатерал суперсегмент шикастланиши натижасида ўзининг томонида қорин рефлекси мавжуд бўлмаслиги мумкин. Оғриққа оддий тегиниш билан стимуляция қилинганида жавоб реакцияси сифатида қорин девори мушакларининг қисқариши юзага келади.

Бемор чалқанча ётиши ва ўзини бўш тутиши лозим. 1.23. расмда кўрсатилганидек қоринга тўғнағич, қалам ёки болғачанинг ўткир учли томони билан тегиниш зарур. Ҳар бир стимуляциянгизда тахминан ҳар қайси индивидуал орқа мия нерв дерматомасигача яқин ушлаб туринг. Ҳар сафар кўзғатишни ўрта чизикқа нисбатан жойини алмаштиринг. Оддий жавоб мушаклар қисқаришининг ва киндик ҳаракатининг стимул томонга қараб йўналишидир. Стимулни асосий мушаклар бевосита чўзиладиган даражада каттиқ килманг. Стимул терига қилинади.



**Расм.1.23 Қорин рефлексини стимуляция қилувчи йўналишлар**

Th7 дан то Th11гача бўлган соҳалардаги орқа мия нервлари ёки илдизчаларининг шикастланиши қорин рефлексларининг йўқолишига олиб келади. Қорин рефлекси кўпинча пирамида йўли трактининг бир қисми бўлган, мультисинаптик (multisynaptic) сегмент усти тизимининг

яхлитлигидан келиб чиқади. Шундай қилиб, бир томонлама қорин рефлексининг йўқлигида сезучанликнинг бўлиши илк пайдо бўлган пирамида трактининг ўткир касаллигининг белгиси бўлиши мумкин. Одатда юмшоқ қоринли, қорин мушаклари чўзилган ва қари кишиларда қорин рефлекслари бўлмаслиги мумкин.

### **Кремастер рефлекси.**

Соннинг ички юқори қисмига тўғноғич ёки қалам билан тегининг. Стимул худди қорин рефлексларини чақиргандек бўлиши лозим. Жавоб реакцияси ўша томонда тухумчани (мойк халтасини эмас) кўтарилиши ҳисобланади. Биринчи ва иккинчи бел илдизчаларининг, ёки орқа мия сегментларининг ва худди қорин рефлексига ўхшаб, кортико-спинал трактнинг шикастланишида рефлекс йўқолади.

### **Бабинский рефлекси.**

Мазкур рефлексда жавоб реакцияси сифатида сенсор тегинишда оёқ кафтининг букилиши ҳисобланади. Шунга қарамай, бу рефлекс шикастланиш лаколизациясини аниқлашда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, аммо лекин ҳар бемор қандай сабаб билан комада ёки ётган бўлмасин, мазкур рефлекснинг мавжудлиги ташхисий жиҳатдан энг муҳим саналади. Сегментар бузилиш белгиси сифатидаги бу рефлекс ташхисловчи аҳамиятга эга эмас. Оёқ кафтини кўзғатганда кўпчилик одамларда мазкур ҳаракат тезлик билан тизза пайида чанок-сон мушагининг, тўпикнинг букилишига ва оёқ бармоқларининг оёқ кафтига томон ҳаракатланишига олиб келади. Бу каби ҳаракатлар мажмуаси кўрик чоғида ҳамма беморларда ҳам учрамаслиги аҳамиятлидир. Қўлланилган нормал реакция оёқ кафти букилиши реакцияси деб аталади. Патологик реакция деб бош ва бошқа бармоқларнинг букилиши ҳисобланади. Оёқ кафтининг бу букув реакциясида ёки Бабинский жавобида, бош бармоқнинг букилишига энг катта аҳамият бериш зарур.

- Пастки мучалар чанок-сон ва тизза пайлари тўғри ростланган бўлиши керак (яъни, бемор тўлиқ чалқанчасига ётган бўлиши керак)
- Кўзғатиш (стимул) қаттиқ ва кўзғатувчан бўлиши лозим.
- Оёқ кафтидан ўтказиш болғачанинг реффлектор қисмининг ўтмас тиг томони билан бажарилиши керак.
- Кўзғатиш (кўзғатиш) товоннинг ташқи томонидан бош бармоқ томонига қараб йўналган ҳаракатлар билан давом эттирилиши зарур.

Жавоб реакцияси олингач стимул тўхтатилиши мумкин. Болғача ҳаракати 3 см ёки ундан ҳам камроқ бўлганда, бош бармоқ букилишни бошлаши мумкин. Стимулнинг умумий ҳаракати оёқ товонининг ёни бўйлаб жимжилоқ томонга қараб йўналган, кейин эса оёқ кафти орқали оёқ кафти суягининг бошчасига ва бош бармоққа. Одатда, жавоб реакцияси оёқ кафтининг кўзғатилиши анчагина узоқ давом этгачгина пайдо бўлади. Агар бемор оёқ кафтига тегинишга рухсат бермаса, унда сиз афферент стимулни куйидагича қўллашингиз мумкин:

- Оёқ товонининг орқа ён юзасига, тўпикнинг орқа ва пастки латерал қирраси бўйлаб сийпалагансимон ҳаракат билан шу ҳаракатни токи товоннинг дорсолатерал қиррасигача давом эттиринг.
- Катта болдир суягининг қирраси бўйлаб, суяк дўмбоғини бармоқ билан қаттиқ босиб, болдир бўйлаб токи тўпик суягигача пастга тушилади.
- Болдир оёқ ва камбаласимон мушакларни қаттиқ сиқиб турилади.

Тан олиш керакки, мазкур кўзғатувчилар оёқ кафти буйлаб қилинган кўзғатувчи ҳаракатлардан кам ишончли.

### **Оддий рефлекслар.**

Барча оддий рефлекслар соғлом болаларда мавжуд бўлиб, улар туғма ҳисобланади, аммо вақт ўтган сайин олий нерв марказлари ривожланиши билан улар йўқолиб боради. Улар касаллик ёки шу марказларнинг шикастланиши билан қайта тикланиши мумкин.

Ушлаш рефлекслари.

Беморларда ушлаш рефлекслари мавжуд бўлиши мумкин ҳамда улар ярим ҳушсиз ҳолатда ётган касалларда икки томонлама рефлекс содир бўлиши мумкин. Худди товонни букиш кўзғатувчисига жавобан, бир хил клиник шароитларда, бу рефлекс фойдали аҳамиятга эга бўлган маълумотни ўзида сақламайди. Ўзингизни кўрсатгич ва ўрта бармоғингизни ёки болғача дастагини беморнинг кафтига қўйинг ва кафти бўйлаб охишта бош бармоқ ёки жимжилоқ томонга қараб юритинг. Беморнинг бармоқлари букилади ва болғача дастагидан тутади. Агар сиз бу ҳаракатни тез бажарсангиз, бемор қўлингизни тутгунга қадар кўзғатишни бекор қилишингиз мумкин. Баъзида беморнинг кафтига оддий ҳаракатсиз тегиниш ҳам унинг бармоқларини букилишига олиб келиши мумкин. Сиз маълум бўлмаган вақтдан сўнг кўзғатишни такрорлаб, бармоқларнинг букилишини чақиришингиз мумкин. беморга айтинг: “Буни (ручкани), қўлингизга қўйганимда сиқманг”, - у рефлексдан устун чиқиб, одатдагидек, биринчи марта сиқмаслиги мумкин, лекин бу фақатгина бир марталик ҳаракат бўлади. Бемор қўлини қисиб олгач, у одатда, буйруқ билан кафтини оча олмайди. Бу рефлекс пешана соҳасининг контролатерал касаллигига ишора қилади. Кортикоспинал трактнинг патологиясида бу рефлекс йўқолади.

### **Сўриш рефлекси.**

Беморга оғзини 2 см чамасида очишини сўранг, кейин тилнинг нам чеккаси билан тилнинг латерал қисмидан то ўрта соҳасигача тилини жойини ўзгартириб лабларига тегишини, кейин яна шу ҳаракатларни тескари томонга қараб такрорлашини айтинг. Жавоб реакцияси юқори ва пастки лабларнинг сўришга хос ҳаракатларини ташкил этади. Худди шундай жавобни болғача билан юқори ва пастки лабга секинлик билан уриб туриш ҳам беради. Бу рефлекс ҳам пешона соҳасининг касалланганидан, шунинг билан бир қаторда кортикоспинал трактнинг

икки томонлама шикастланганлигидан ва ўрта миячнинг шикастланганлигидан далолат беради.

### **Кафт-ияк рефлекси.**

Беморнинг кафтини болғача дастаги билан ишқаланг. Босим қаттиқ ва бармоқлардан билакка қараб йўналган, ёки аксинча бўлиши лозим. Ижобий жавоб қисқа муддатли мушак кимирлаши ёки ияк соҳасида чуқурчанинг мавжудлигидир. Бу белги пешана соҳасининг контралатерал касаллик мавжудлигидан далолат беради; бу рефлекс кортико-спинал тракт шикастланганда йўқолади, унинг ҳақиқикйлиги ва фойдалилиги исботланмаган.

### **ҲАРАКАТ ТИЗИМИ.**

Ташқи қийёфа

Изоҳ: - ҳар қандай ассиметрия ёки дефект

- *Мушаклар атрофияси*

- *Мушаклар гипертрофияси*

Агар сиз, бу ўринда иккилансангиз, пайнинг юқори/қуйи қайд этилган масофасининг айланма ўлчамини ўрганинг. Бу ҳаракатада иштирок этаётган мушаклар гуруҳига эътибор беринг.

- *мушакларнинг учиши* – машгулотдан сўнг ва мушаклар юзасига тегинганда мунтазам бўлмаган, ҳаракат бирликлари гуруҳининг норитмик қисқаришларини кузатиш мумкин. Мушакларнинг учиши соғлом одамларда ҳам кузатилиши мумкин, айниқса, кўзнинг айлана мускулларида. Уларни бир ҳаракат блокининг ўта фаоллигидан далолат берувчи “фибрилляция”лардан фарқлашни, тил мускулларидан ташқари, фақатгина электромиография ёрдамида амалга ошириш мумкин.

### **ТОНУС**

Назоратингиздаги беморни бўшашган ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил қилинг, унинг тирсак ёки билагини букиб, очиб тонусини навбатма-навбат баҳоланг.

Изоҳ:

- Тонуснинг пастлиги

- Тонуснинг юқорилиги

“*Буклама-пичоқ*”: ҳаракатга бошланғич қаршилик тўсатдан енгилган (марказий ҳаракат нейронининг шикастланиши);

“*Қўрғошинли-қувур*”: бутун ҳаракат жараёнида қаршиликнинг барқарор ўсиб бориши (экстропирамидал шикастланиш).

“*Тишли ғилдирак*”: қаршиликнинг силкинишсимон (зарбсимон) ўсиб бориши (экстропирамидал тизимнинг шикастланиши).

### **Куч**

Агар сиз пирамида тизимининг заифлиги ҳақида фикр юритаятган бўлсангиз (яъни мотор маркази ёки пастга тушувчи ҳаракат трактининг шикастланиши натижасида юзага келадиган фалажлик бўлса, унда қуйидаги сезиларли бўлсада, оддий ва тезкор тестдан фойдаланинг).

Беморингизни қўлларини узатилган супинация ҳолатида бир дақиқа мобайнида ушлашини сўранг. Кўзлар юмилган (акс ҳолда визуал компенсация содир бўлади). Заиф қўлда аста-секинлик билан пронация ва қўл пастга тушади.

Шикастланиш лаколизациясини аниқлаш учун орқа марказий пушта ёки тегишли нервларнинг (периферик мотонейрон) таъсирини аниқлаш зарур, бу эса алоҳида гуруҳларга мос мушаклар текширилишини талаб қилади.

Мушакларнинг алоҳида гуруҳини тестлаш учун, орқа мия қобиғининг ёки периферик иннервациянинг шикастланишини аниқлаш зарур.

### **Пастки мучаларни текшириш.**

#### **Куч**

Ҳар бир гуруҳни тестлаш жараёнида, қайси илдизчалар ва мазкур гуруҳ мушакларини қайси нерв иннервациялаётгани ҳақида ўйлаш керак.

#### ***Соннинг букилиши.***

іію-рsoас мушаги: сон нервларининг L1, L2, L3 илдизчалари.

Сон қаршиликка қарши эгилган

Чанок-сон мушак , ёки сон мушаги

Думба мушаклари, кичик думба мушаклари ва кенг тензор фасция: L4, L5 илдизчалари, S1 илдизи. Юқори думба мушаги.

Бемор чалқанча ётқизилган ва оёғи билан қаршиликка карама-қарши ҳаракат қилишга уринаяпти.

#### ***Тизза пайини букиш.***

#### **Тизза пайида букилиш.**

Тизза ости пайи: L5, S1, S2 илдизчалари. Қуймуч нерви.

Бемор товонини думбасига томон тортади ва шу ҳолатни қаршиликка қарши сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

#### ***Орқага букиш.***

Олдинги катта болдир мушаги: L4, L5 илдизчалари. Кичик чуқур мушак нерви.

Бемор товонини қаршиликка қарши езишга ҳаракат қилади. Баланд пошналар оёқ киймларда юришда қийинчилик сезиши мумкин.

Сонни ёзиш.

Катта думба мушаги: L5 илдизчалари, S1, S2 илдизи. Пастки думба нерви.

Бемор товонини краватда қаршиликка қарши сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Чанок-сонни боғловчи мушаклар

Чанок-соннинг ҳаракатга келтирувчи мушаклар : L2, L3, L4 илдизчалари.

Бемор чалқанчасига ётқизилади ва қаршиликда тиззаларини биргаликда келтиришга ҳаракат қилади.

Тизза пайини езиш

Тўрт бошли мушак: L2,L3, L4 илдизчалар. Сон нерви.

Бемор тиззасини қаршиликка қарши ростлашга ҳаракат қилади.

Оёқ кафтини пронациялаш

Увулдириксимон мушак, камбаласимон мушак: SI, S2 илдизчалари, катта болдир нерви. Юрганда оёқ бармоқларида оғирлик пайдо бўлиши, аниқланишидан олдин намоён бўлган бўлиши мумкин.

## КООРДИНАЦИЯ

Бемордан товони билан оёғининг қарама-қарши томонидаги тиззасидан пастга болдир бўйлаб оёғининг бош бармоғига қараб юргизишини сўранг. Атаксияни аниқланг (дискоординацияни). Бемордан полда бир неча муддат тепиниб туришини сўранг. адиодохокинезга (ҳарактни тез-тез алмаштиргандаги қийинчиликлар) эътиборингизни қаратинг.

### ***Ромберг тести***

Беморни тик туришини сўрангки унинг оёқ кафтлари биргаликда бўлсин, аввал кўзларини очган ҳолда, сўнг кўзлари юмилган ҳолда.

Тананинг ҳар қандай ҳаддан ташқари тебранишига ёки мувозанатни йўқотишига эътибор беринг. Аввал кўзларини очган ёки кўзлари юмилган ҳолда, мияча етишмовчилиги (мияча аткасияси)

Кейин фақатгина кўзлари очилган ҳолда (Ромбергнинг «позитив» тести) = проприоцептив етишмовчилик (сенсор атаксия).

### ***Юриш***

Эслатма:

- Қадамнинг узунлиги ва кенглиги ўрта чизикда меъёрда – меъёрдаги юриш.
- Оёқларнинг меъёрда бўлмаган ҳаракати – меъёрда бўлмаган юриш.

(масалан, ҳаддан ташқари баланд қадам)

Беқарорлик – ўзгарувчанлик (атактик юриш)

- Ассоциал постурал ҳаракат

(масалан, тос билан тебраниш)

Агар беморда координация бузилмаган бўлса, ғоз юриш билан ҳарактни такрорланг, яъни товондан оёқ учига қараб. Бу ҳар қандай беқарор мувозанатни юзага чиқаради.

## РЕФЛЕКСЛАР

*Тизза рефлекс:* L2, L3 L4 илдизчалар.

Беморнинг оёғини текширувчининг қўлига ёки кроватнинг чеккасига осилтириб қўйиб, унинг бўшашганлигига ишонч ҳосил қилинг. Тизза кўзи қопқоғига болғача билан уринг ва тўрт бошли мушакнинг қисқаришини баҳоланг.

Рефлекснинг пасайиши ёки кучайишига эътибор беринг.

**Ахилл рефлекс:** S1, S2 илдизчалари.

Беморнинг оёғини ташқи томонга қараб буриш. Оёғини сал эгиб, ушлаб туриш. Оёқ бўшашганига катта болдир мушагининг олд пайларини пальпация қилиб ишонч ҳосил қилиш. Агар у таранг тортилган бўлса, унда ҳеч қандай рефлексни чақириб бўлмайди.

Ахилл пайига босиб, мушакни ва товонни букилишини кузатиш.

**Рефлексни яхшилаш учун.**

Рефлексни чақиритиш мураккаблашса, унда бемордан тишларини-тишларига қаттиқ босишни ва бир-бирига чамбарчас боғланган қўлларини чўзишни сўранг (Ендрессика манёври - Jendressik 's).

**Оёқ кафти рефлекс.**

Беморнинг бош бармоғи бўшашганлигига ишонч ҳосил қилиш. Оёқ кафтининг латерал томонига оёқ ёстиқчалари орқали тезкорлик билан юритиш. Бош бармоқнинг бошланғич ҳаракатига эътибор беринг. Букилиш юзага келиши керак. Бош бармоқнинг қисқарувчиларининг ҳисобидан ёзилиб (“Бабинский” рефлекс) ростланиши – марказий ҳаракат нейронининг шикастланганлигига ишора қилади. Бу одатда, тиззанинг синхрон букилиши ва кенг фасциянинг тензори билан ҳамроҳликда кечади.

Товоннинг ёнлама чегарасини стимуляция қилиб, Чаддок (Chaddock) белгисини аниқлаш мумкин. Марказий ҳаракат нейрони шикастланган бўлса бош бармоқ ростланади.

Тушунмовчиликлар юзага келмаслиги учун оёқ кафтининг ички томонига ёки оёқнинг ўзига тегинманг.

5-бет

Оёқнинг бош бармоғини ростлаш.

Бош бармоқ ростловчилари: L5, S1 илдизчалари

Кичик болдир чуқур нерви.

Бемор қаршилиққа қарши бармоқларининг дорсал букилишини бажаради.

Оёқ кафтини ташқи томонга букиш? (Приведение стопы к наружи) – орқа катта болдир мушаги: L4, L5 илдизчалари, катта болдир нерви. Бемор оёқ товонини қаршилиқ билан пронациялайди.

Оёқ кафтини ичкарига букиш. Узун ва қисқа кичик болдир мушаги: L5, S1 илдизчалари. Юзаки кичик болдир нерви.

Бемор оёғини тескари қаршилиқда қайтариб олади.

6-бет

Сезувчанлик

**Тест ўтказиш.**

**Оғрик**

**Тактил**

**(Иситма)**

Худди юкори мучалардагидек дерматомаларда таксимланади.

**Мушак-пай сезгиси.**



Биринчидан, бош бармоқда букиш ва ростлаш ҳаракатларини намойиш қилиб кўсатинг. Кейин бемордан кўзларини юмган ҳолда бармоқларининг ҳаракат йўналишларини кўрсатишини сўранг.

Агар етишмовчилик бўлса, болдир ва товон суягини бирлаштирувчи бўғинда худди юқоридагидек тест ўтказинг.

### **ВИБРАЦИЯ**

Камертонни тўпикқа жойлаштириш йўли билан вибрацияни қабул қилиш тести. Агар сиз етишмовчилик топган бўлсангиз, у ҳолда кичик болдир суягининг бошчасининг юқорисига ёки қовурға ва қорин орасидаги суякнинг олд юқори соҳасига кўтарилинг.

7-бет

### **ТАНАНИ ТЕКШИРИШ**

#### **СЕЗУВЧАНЛИК**

Тақсимланган дерматомаларга, худди юқори мучалардагидек, тўғнағич билан кўлнинг сал тегиши каби санчиб кўринг.

Даражаларни эсда сақланг: T5 – кукрак соҳасида

T10 - киндик соҳасида

T12 – чов боғламлари соҳасида

Қорин рефлекслари: T7 - T12 илдизлари. Терининг киндик томонидаги ҳар бир квадрантида тезкор ёки енгил тирналаган каби ҳаракатларни кетма-кетликда амалга оширинг. Қорин мушакларининг қисқаришига ёки уларнинг йўқлигига диққат билан эътибор беринг. (семизликда, ҳомиладорликдан кейин ёки қорин бўшлиғидаги операциялардан сўнг рефлекслар кузатилмаслиги мумкинлигини эсингиздан чиқарманг).

Кремастер рефлекси: L1 илдизчаси. Соннинг ички томонидан тегишга доир ҳаракатларни амалга оширинг. Кремастер мушакнинг қисқариши нормада кузатилса, демак тухумларни кўтарилишига олиб келади.

#### **СФИНКТЕРЛАР**

Сийдик пуфагининг чўзилганлигини аниқлаш учун қоринни текшириб кўринг.

Изоҳ: сийдик ёки ахлатни ушлаш олмаслик белгиси.

Ректал текшириш жараёнида анал сфинктернинг тонусига аҳамият беринг.

*Анал рефлекс:* S4, S5 илдизчалар. Анус яқинидаги тери соҳасига тегишиш анал сфинктерининг рефлексор қисқаришига олиб келади.

#### **ПАСТКИ МУЧАЛАР – ТЕКШИРИШ**

Ҳаракат тизими.

Ташқи кўриниш: изоҳ:

- Ассиметрия ёки деформация, худди юқори мучалардагидек.
- Мушаклар атрофияси
- Мушаклар гипертрофияси

#### **Тонус**

Беморни ўзини бўш тутишига ҳаракат қилдириш ва кетма-кет тизза бўғимларини букиб, ростланг. Қаршилиқларга эътибор қилинг. Беморнинг

оёқларини бир томондан иккинчи томонга буринг. Тўсатдан сонини кўтаринг ва оёқнинг пастги қисмидаги жавоб реакциясига эътибор беринг. Оёқ тонусининг кўтарилиши билан оёқ юқорига сапчиб кетиши мумкин.

### ***Мушаклар клонуси***

Бемор ўзини бўшаштирганига ишонч ҳосил қилинг. Тўпикни тўсатдан ва қаттиқ букинг. Бу ҳолда нормал субъектнинг оёқ кафтада бир нечта тебранишли зарблар пайдо бўлиши мумкин, лекин бу ҳолат сақланиб қолса, унда бу юқори тонусга ишора бўлади.

8-бет

Трицепс рефлекси - C6, C7, C8 илдизчалари.

Билак нерви.

Беморнинг тирсак ўсимтасидан бир неча см юқоридан тирсак бўғимига зарб беринг. Тирсак бўғимининг букилишига ва уч бўғимли мушакнинг таранглигига эътибор беринг.

Хоффман рефлекси – C7, C8 илдизчалари.

Беморнинг дистал фалангасини енгил ушланг ва тўсатдан букув пайларини чузинг ва бармоқни қўйиб юборинг. Бош бармоқнинг букилиши – гиперрефлексия содир бўлади (пай рефлексларининг кучайишида, соғлом одамларда ҳам бўлиши мумкин).

### ***Релексларнинг кучайиши***

Рефлексларни аниқлаш қийинлашса, бемордан “тишини бир-бирига маҳкам босиш”ни сўралса, рефлекс кучайиши содир бўлади.

### **КООРДИНАЦИОН ТИЗИМ**

Атаксия – кўпинча миячага хос белги ҳисобланади. Тестлашдан олдин куч ва проприоцепциянинг меъёрда эканлигига ишонч ҳосил қилинг.

Бармоқ-бурун пробаси

Бемордан бармоғи билан ўзининг бурнига тегишини сўранг (кўзлари очик ҳолда). Узук ҳаракатларга – дисметрия ва интенцион треморга эътибор қилинг (тремор – фақат эркин ҳаракатларда пайдо бўлади).

Бемордан навбатма-навбат кўрстагич бармоғи билан, қанчалик тез қила олса шунчалик тезликда, ўзининг бурнига тегишини сўранг. Бу треморни кучайтириши ва дисдиадохокинезни намоёйиш қилиши мумкин – яъни навбатма-навбат бажариладиган ҳаракатларни бажариш қобилиятлари йўқлигини кўрсатади.

Буни яна бемор билакни супинациялаш ва пронациялаш ёки тезкор ва ўз-ўзини кесадиган такрорий ҳаракатларни бажарганида аниқлаш мумкин.

**Сапчиб туриш.** Пасаювчи босим ва чўзилган қўлни тўсатдан ташлаб юбориш, беморда ҳаддан ташқари кўп тебранишни чақиради.

**Сапчиб туриш феномени.** Қаршилиқ кўрсатилганда бемордан тирсагини букишни сўранг. Тўсатдан қўлни қўйиб юбориш, уч бошли мушак қисқаришини координация қила олмаслиги сабабли беморда ўзини юзига уриш реакцияси вужудга келиши мумкин.

Бўғимларнинг ҳолатини сезиши. (бўғимларнинг ҳаракат йўналишларини сезиши)

Бемор бармоқининг ён томонларини бош ва кўрсатгич бармоқларингиз билан ушланг ва “юқори ва пастга” ҳаркатлантинг. Худди шу ҳаракатларни беморни кўзини юмган ҳолда такрорланг. Бемордан ҳаракат йўналишини кўрсатишини сўранг. Бемордан кўзлари юмилган ҳолда кўрстагич бармоғи билан ёки чўзилган қўллари билан биргаликда бармоқларини бурнига теккизишини сўранг.

### **Вибрация**

Вибрациядаги камертонни (одатда 128 Гц) суякнинг бирор бир бўртиқ жойига жойлаштиринг, масалан, билак суягига. Бемордан вибрацияни ҳис қилиши тугаса, маълум қилишини сўранг. Жавоб суст бўлса, текширишни давом эттиринг ва уни проксимал йўналишда ўтказинг. Вибрацияни сезувчанлигини тестлаш демиелинизацияланган касалликлар ва периферик невропотиянинг бошланғич диагностикасида самара беради, лекин бошқа ҳолатларда аҳамияти чекланган. Агар юқорида кўрсатилган сенсор функциялар меъёрида бўлиб, пўстлоқнинг шикастланганлиги тахмин қилинаётган бўлса, қуйидагиларни текшириб чиқиш зарур бўлади:

Дискриминациянинг икки нуқтаси: иккита ўтмас нуқталарни, 5 мм (оёқлар учун 4 см) масофада бир вақтнинг ўзида бармоққа теккизганда фарқлаш қобилиятига аҳамият беринг. Сенсорга бепарволик (перцептив рақобат): иккала мучаларга баробар кўзгатиш теккизганда (тўғногич билан санчиш ёки тегиниш) стимулни пайқаш (сезиш) қобилияти.

Стереогноз: қўлда жойлаштирилган объектларни таниш қобилияти.

График сезги (ҳис қилиш): қўл кафтида ёзилган ҳарфларни сезиш.

### **РЕФЛЕКСЛАР.**

Бицепс рефлeksi: C5, C6 илдизчалари. Тери-мушак нерви.

Беморнинг қўллари бўшашганини ва унинг бир оз букилганига ишонч ҳосил қилинг. Бош бармоқ билан бицепс пайини пальпация қилинг ва унга неврологик болғача билан уринг. Тирсак бўғини ва икки бошли мушакнинг букилишини баҳоланг. Билак суягининг пастги қисмига болғача билан уринг ва тирсак бўғинининг ҳарактини ва бармоқларнинг букилишини кузатинг.

### **СЕЗГИРЛИК.**

#### **Оғрик**

Тестлашни амалга ошириш учун стерилланган нина ёрдамида санчиш, бу муҳим текширишнинг оддий усули бўлиб хизмат қилади.

Биринчидан, бемор нина билан санчишни “ўткир”, яъни оғрик каби ҳис қилдими, кейин ўз навбатида, ҳар бир дермомани тезкорлик билан текширинг. Агар C7 илдизчаси пастга қараб ўрта бармоққа ўтишини эсда тутсангиз, дермомаларнинг тақсимланишини эслаб қолиш осонлашади. Агар нина тўғногич билан санчиш оғриқни ҳис қилишни камайтирса, унда

патологик сезувчанликни аниқлашнинг анча юқори даражасига, яъни меъёрда бўлмаган соҳадан меъёрдаги соҳага ўтишга тўғри келади.

### **Тактил сезги**

Пахтанинг бир бўлагини ишлатиб кўргандек аниқланади.

### **Тана ҳарорати.** (температура)

Танада ҳароратни аниқлаш билан тест ўтказиш камдан кам ҳолларда қўшимча маълумот беради. Шунга қарамай зарур бўлганда, текшириш учун совуқ буюмлар ёки иссиқ ва совуқ пробиркаларни қўллаш мумкин.

**Олдинги тишли мушакни теслаш:** C5, C6, C7 илдизчалари. Узун кўкрак нерви.

Бемор қўллари билан деворга тақалиб туради.

Курак суяги соҳасида қанотчаларга қаранг, яъни йўналган куракларнинг кўкрак кафасидан кўтарилишига аҳамият беринг.

**Тирсак бўғининг букилиши** (икки бошли мушак): C5, C6 илдизчаларининг тери-мушак нерви.

Қаршиликка қарамай қўл эгилган, бунда текширувчи беморнинг қўлини супинация қилади.

Дельтасимон мушак: C5, C6 илдизчалар. Қўлиқ ости нерви.

Елкалар қаршиликка қарама-қарши кўтарилади (вертикал бўйлаб 15° дан юқорироққа).

**Тирсак бўғимини езиш:** C6, C7, C8 илдизчалари, билак нерви.

Бемор қўлини қаршиликка қарши езади.

**Бармоқларни езиш:** C7, C8 илдизчалари. Орқа суяклараро нерв.

Бемор бемор бармоқларини қаршиликка қарши езади

**Билак мушаги:** билак нервининг C5, C6 илдизчалари.

Қўл пронация ва супинация оралиғидаги ўрта ҳолатда ва қаршиликка қарши букилган.

**Бош бармоқни ростлаш** – дистал фаланга.

Бармоқ панжаларининг узун ва қисқа мушакларини езиш: C7, C8 орқа суяклараро нерв.

I ва II бармоқнинг чуқур мушакларининг букувчилари: C7, C8 ўрта нервларнинг илдизчалари.

III ва IV бармоқларнинг чуқур мушакларининг букувчилари: C7, C8 тирсак нервнинг илдизчалари.

Бош бармоқ езиш.

Текширувчи беморнинг ростланган дистал фалангаларини эгишга ҳаракат қилади.

### **Бармоқларни эгиш – дистал фланаглар**

Бош бармоққа қарама-қарши қўйилган мушак: C8, T1 илдизчалари. Ўрта нерв.

Бемор қаршилик кўрсатилганда 5-бармоқ асосига тегишга ҳаракат қилади.

### **Бармоқларни ёйиш.**

1-чи суяклараро тескари мушак: C8, T1 илдизчалар. Тирсак нерви.

Жимжилоқни тармоқловчи мушак: С8, Т1 илдизчалари. Тирсак нерви. Бармоқлар қаршиликка тескари тарқалган.

### **СЕЗУВЧАНЛИК ВА УНИНГ БУЗИЛИШИ.**

Соматосенсор импульслар перифериядан афферент нерв толалари орқали, орқа мия ганглияларида жойлашаган (орқа ганглия) биринчи нерв таналарига етказилади. Кейин импульслар, бирор-бир оралик синапсларсиз марказий нерв тизимига узатилади. Бу аксон, орқа миядаги иккинчи нейрон билан ёки, ўз навбатида, аксонлари марказий нерв томон кетаётган бош мия усугига синаптик ўзгариш қилади ва бутун йўли давомида турли даражаларда қарама-қарши томонга ўтиб, ўрта чегарани кесиб ўтади. Учинчи нейрон таламусда жойлашган учинчи аксон нейронлари бош мия қобиғининг турли соҳаларига қараб йўналади ва айниқса, унинг бошнинг тепа қисмидаги марказ орқа марказий пуштада жойлашган, бирламчи соматосенсор бош мия қобиғига бориши жуда муҳим саналади. Соматосенсор тизимнинг ва периферик регуляциянинг периферик компонентлари (тузилмалари).

#### **Рецепторлар.**

Рецепторларни махсус сенсор органлар ташкил этади. Улар организмдаги ички ва ташқи физик ва кимёвий ўзгаришларни қайд этиб боради ва уларни нерв тизими ёрдамида кейинги босқисчда қайта ишлов бериладиган электр импульсларга ўзгартиради. Улар афферент нерв тўқималарининг периферик охирида жойлашган. Баъзи рецепторлар ташқи муҳитга яқин жойлашган (экстерорецепторлар) ёки ташқи муҳитдан узоқ жойлашган (кўз ва кулоқ каби телерецепторлар) органлардаги ўзгаришлар ҳақида организмга маълумот беради. Проприорецепторлар, яъни масалан ички кулоқ лабиринти, бошнинг фазодаги ҳаракати ва ҳолати, мушак ва пайларнинг зўриқиши, бўғимларнинг ҳолати ёки уларни маълум бир ҳаракатни бажариши учун кучланиши ва ҳакозалар ҳақидаги маълумотни етказди. Ва ниҳоят, организм ичида содир бўлаётган жараёнлар, масалан ички рецептор йўллари, ҳамда висцерорецепция (улар ўз ичига осморецепторларни, хеморецепторларни ва барорецепторларни олади). Ҳар бир гуруҳ рецептори маълум бир ўзига мувофиқ турда ва шарт-шароитда содир бўладиган стимул жадаллигининг минимал бўсагадан юқори турадиган стимулга жавоб беради. Сизги органларининг касалликлари учун жавоб берадиган рецепторларнинг кўпчилиги терида жойлашган, лекин шу билан бир қаторда терининг чуқур қатламларида ва ички органларда жойлашганлари ҳам мавжуд.

#### ***Тери рецепторлари***

Кўпчилик тери рецепторлар экстерорецепторларга киради. Уларни икки синфга бўлишади: *эркин нерв охири ва инкапсулаланган ўсимталар охири*

Инкапсулаланган рецепторлар асосан енгил тегиш, дискриминацияланган сезги, вибрация, босим ва бошқалар каби сезгининг эпикритик турларини

қабул қилишга жавоб беради шу билан бир вақтда эркин нерв охирлари оғрик, иситма каби протопатик сезги турларини қабул қилади, аммо иккала рецептор синфлари орасида аниқ ишончли функционал фарқлар йўқ. Терининг ва тухумдоналарнинг туцли рецепторлари, шу билан бир қаторда механорецепторлар (хис қилиш ва босим), терморецепторлар (совуқ ва иссиқ) ва ноцицепторлар (оғрик). Бу рецепторлар асосан эпидермос ва дерма оралиғида жойлашган. Шундай қилиб, терини сезги органларини ёпиб турувчи яхлит орган сифатида ўрганиш мумкин.

### **Периферик нерв, орқа мия, орқа илдизча.**

Афферент импульсларнинг МАТдан ўтадиган кейинги “текширув пунктлари”дан бирига периферик нерв, орқа мия ганглияси ва орқа мия илдизчаси киради. Улар орқали нерв импульслари орқа миёга тушади.

**Периферик нерв.** Юқорида тасвирланган рецептор турларидан бирида пайдо бўлувчи сезги потенциаллари, орқа мия ганглияларида жойлашган биринчи соматосенсор нейронларнинг периферик ўсимталарини ташкил этувчи афферент толалар орқали МАТга ўтади (пастроққа қаранг). Тананинг органик соҳасидаги афферент толалар бир бутунга бирлашиб, периферик нервни ҳосил қилади. Периферик толалар, нафақат юзада жойлашган ва чуқур сезги толаларини (соматик афферент толаларни) ўз ичига олади, балки скелет мушакларини иннервацияловчи эфферент толаларни, ҳамда ички органларни иннервацияловчи ёғ безлари ва силлик мушак томирларини (висцерал афферент ва эфферент толаларни) ўз ичига олади. Бу турдаги барча толалар учтўқима боғловчилари қобиғи билан ўралган боғламчаларга (эндоневрий, перинервий ва эпинервияларга) бирикади ва “нerv кабеллари”ни ҳосил қилади. Периневияда ҳам нервларни озиқлантирадиган қон томирлари ётади (*vasa nervorum*).

**Нerv ўрамлари ва орқа илдизча.** Периферик нерв умуртқалараро ёрик орқали умуртқа каналига тушгач, афферент ва эфферент толаларнинг йўллари ажаралади: нерв иккига олд ва орқа орқамия илдизчаларига бўлинади. Олд илдизча орқамияни тарк этувчи эфферент нерв тўқимларига ва орқа орқамия эса аксинча унга кирувчи – афферент тўқималарга бўлинади. Периферик нервнинг кескин орқамия нервига ўтиш жойининг яққол кўринишини фақатгина кўкрак қафаси қисмидагина кузатиш мумкин. Бўйин ва бел-тос соҳаларида бундай ўтишни кузатиш мушкул, чунки периферик нерв аввал нерв ўрамларига киради (бўйин, елка, бел ва тос), ва фақат кейингина унда бошқа нервлар билан чирмашиб, нерв илдизига чиқади. Орқамия каналидан ташқарида жойлашган нерв ўрамлари орасидаги периферик нервнинг афферент толалари шундай чирмашиб кетадики, натижада бирта алоҳида нервнинг толалари турли орқамия нервлари таркибида, ҳар хил даражаларда жойлашиб қолади. Шу тариқа ҳаракат толалари ўзининг бошланишини бирта сегментар нервдан олиб, бир нечта периферик нерв таркибига кириб, кейин нерв ўрамлари орасига сингиб кетади. Шундай қилиб, аввал бирта периферик нерв

ичидан борувчи афферент толалар, кўп сонли қайта тақсимланишлар натижасида орқа мияга турли даражаларда тушади ва иккинчи нейронлар билан синаптик алоқаларни (контакларни) ҳосил қилишдан аввал турли баландликларга ҳам кўтарилади. Шу сабабли синаптик алоқалар афферент толаларнинг орқамияга кириш даражасига яқин жойда бўлиши билан бир қаторда, ундан анча узоқ масофада, ҳатто мия устунигача етиб бориши мумкин. Юқорида келтирилганларнинг хулосаси сифатида шундай яқун яшаш мумкинки, яъни периферик нерв таркибига ҳам афферент, ҳам эфферент толаларга тенг таалуқли бўлган бир нечта турли хилдаги сегмент илдизчаларидан ташкил топган толалар кирар экан.

***Орқа илдизчада соматосенсор толаларнинг жойлашиш тартиби.*** Сезувчанликнинг турли кўринишлари билан боғлиқ бўлган нерв импульслари, турли хилдаги периферик рецепторларда пайдо бўлиб, орқа илдизчаларда қатъий тартибда жойлашган афферент толаларнинг алоҳида гуруҳлари билан МАТга ўтади. Ўзларининг бошланиш нуқталарини мушак дукларидан олувчи, анчагина йўғон, миелинланган нерв толалари ***илдизчанинг медиал*** –проприоцептив сезувчанлик учун жавоб берадиган қисмига боради. Сезиш, босим, вибрация ва дискриминацион сезгилар учун жавоб берадиган рецепторлардан бошланадиган толалар илдизчанинг марказий қисмига боради, протопатик оғриқли ва тана ҳароратини сезувчи нозик миелинсиз толалар – илдизчанинг латерал қисмига.

***Орқамия тугуни.*** Олд ва орқа илдизчаларнинг кўшилган жойидан сал проксималроқ жойлашган ***ташқи орқамия тугуни*** орқа илдизчанинг йўғонлашгани каби кўринадди. Орқамия тугуни ичида псевдоуниполяр нейронлар жойлашаган. Псевдоуниполяр ҳужайра биртагина ўсимта ҳосил қилиб, шу ернинг ўзидаёқ иккига, Т ҳарфи шаклидаги, периферик ва марказий ўсимтага бўлиниб кетади. Периферик ўсимта, йўл-йўлакай кўп сонли коллатериал шохачалар чиқариб, периферик рецепторларга тушади, бунинг натижасида орқамия тугунидаги бирта ҳужайра кўп сонли рецепторлардан афферент маълумотларни қабул қилади. Орқа илдизча таркибидаги марказий ўсимта орқа мия ичига тушади ва иккинчи синаптик нейрон билан тўғридан-тўғри шу даражада ёки бир нечта даража юқорида мия устунини томонга кўтарилиб, синаптик алоқани вужудга келтиради. Орқамия боғламлари чегараларида синапслар йўқ.

***Соматосенсор сигналларни периферик нервлар ва нерв илдизчалари орқали етказиш.***

Алоҳида нерв илдизларининг толалари нерв чигалларига тақсимланиши натижасида турли периферик нерв таркибларига тушиб қолишади ва шунинг учун ҳам бу нервларнинг ҳар бирининг таркибида бошланишини бир нечта кўшни сегментдан оладиган толалари мавжуд (2.1. расмга қаранг). Аммо лекин ҳар бир сегментдаги толалар, ***дерматомаларни*** – уларга ажратилган алоҳида тери сегментини, иннервациялаши учун кейинги йўналишда бошқатдан периферияга йиғилади. Ҳар бир

дерматома бирта илдизчага мос келади, у эса, ўз навбатида – орқамия сегментига. Охирги атамани эмбрионга хос равишда ривожланиш жараёнида метамер сегментларга бўлинган орқамиянинг силлиқланишига қарамай, етилган орқамияга нисбатан ҳам қўллаш қабул қилинган. **2.2.** расмда тананинг дерматомаларга бўлинган олд ва орқа юзаси тасвирланган. Дерматомаларнинг метамер тақсимланишини ҳар доим кўкрак қафаси мисолида тушуниш осонроқ.


**2.1** расмда кўриниб турганидек, қўшни дерматомалар бири-бирини шу қадар кенг ёпиб турадики, бирта нерв илдизчасининг шикастланиши сезгининг кам миқдордагина бузилишига олиб келиши ёки умуман тери сезгисига таъсир қилмаслиги ҳам мумкин.

**Нерв илдизчаларининг шикастланиши натижасида сезувчанликнинг (сезгининг) бузилиши.** Сезгининг сегментар бузилишининг ифодаси, одатда, фақатгина бир нечта қўшни нерв илдизчаларининг шикастланганидагина аниқланади. Чунки ҳар бир дерматомага аниқ орқамия сегменти мос келади (аниқ жуфтлик илдизчлари), сезги бузилишининг дерматомада акс этиши, орқамиянинг ёки бир ва бир нечта нерв илдизчаларининг шикастланиш даражасинининг муҳим кўрстагичи ҳисобланади. **2.3.** расмдаги дерматоманинг схематик тасвири дидактик мақсадда, талабаларга бўйин, бел ва тос дерматомаларнинг жойлашиш чегаралари ҳақидаги билимларини яна бир бор эслашга ёрдам бериши учун мўлжалланган. Тактил сезувчанликнинг (сезгининг) дерматомалари бири-бирини, оғриқ ва тана ҳарорати дерматомаларига нисбатан кенгроқ қоплаган, шунинг учун ҳам бир ёки икки қўшни нерв илдизчаларининг тактил сезувчанлигининг дерматомик етишмовчилиги (дефицити), одатда, кам сезиларли; аммо оғриқли ва тана ҳароратиники – анча кўпроқ ифодаланган. Шундай қилиб, гипестезия ёки анестезияда эмас, балки гипалгезия ёки аналгезияда шикастланган нерв илдизчасини аниқлаш осонроқ.


**Периферик нерв шикастланиши натижасида сезувчанликнинг бузилиши.** Нерв ўрамларининг ёки периферик нервнинг нима сабабдан нерв илдизчаларининг шикастланишига нисбатан умуман бошқа ҳарактердаги бузилишлар чақиришини тушуниш унча мушкул эмас. Чигалларнинг шикастланиши сезувчанликнинг бузилиши билан ифодаланишидан ташқари ҳаракатдаги маълум бузулишлар билан ҳам ҳамроҳликда кечади, бу ҳақда келгусидаги, ҳаракат тизими ҳақидаги бобларда баён этилади.

Бир нечта нерв илдизчаларидан жамлаган толалардан иборат периферик нерв шикастлангач, бошқа периферик нерв ичидаги илдизчаларнинг ортидан йўналгантолалар ўзининг илдизчалари билан периферияда қайта бирлашмайди.





Расм.2.1 Афферент ва эфферент толаларининг нерв чигалларига тасирланиши





**Рис.2.2 Терининг сегментар иннервацияси, олд ва орқа курилиши**

Бошқача қилиб айтганда, шикастланган нерв ичидаги толалар белгиланган дерматомларгача етиб бормайди. Бундай ҳолатда бузилган сезгининг манзараси, илдизча шикастлангани натижасида келиб чиқадиган сезгининг бузилишигақараганда бошқачароқ кўринишга эга (2.4. расм). Бундан ташқари алоҳида периферик нервлардаги тери худудларининг иннервацияси бир-бирини нерв илдизчалари қоплагани каби мустаҳкам қопламайди. Бундан келиб чиқадики, нерв илдизчалари шикастланганидан кўра периферик нерв шикастланганда сезгининг бузилишини осонроқ аниқлаш мумкин.

**Тесқари алоқанинг периферик тизими (“рефлектор ҳалқалар”)**

Бу бобдаорқа ва бош миядаги юқорига йўналганогрикни, тана хароратини, ҳамда тактил ва босимни сезувчи сенсор йўллар кўриб чиқилади. Лекин бундан аввал бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган тескари алоқанинг периферик регулятор тизимларининг функциялари, бошқача қилиб айтганда “Рефлектор халқалар” билан танишиб чиқиш зарур. Мазкур боб сезги тизимларига бағишланган бўлсада, бу ерда қисқароқ бўлсада нафақат афферент (сенсорлар), балки “рефлектор халқалар” эфферент (мотор) ҳам тасвирланган.





**Расм 2.4** Переферик нерв оркали терининг иннервацияси

Соматосенсор тизимларнинг марказий бўлимлари.

Олдинги бўлимларда, биз нерв импульсларининг нерв тизимининг периферик бўлимларидан, то орқамиягача бўлган йўналишларини кўриб чиқдик, энди эса нерв импульсларининг кейинги йўналиши МАТ да қандай тақсимланишини кузатамиз.


### **Нерв илдизчаларининг кириш ҳудуди ва орқа шохча.**

Сезги толалари орқа илдизчанинг кириш ҳудудидан орқа миёга (Редлих-Оберштейнер ҳудудидан) кириб боради ва кейин орқа миёда бошқа нейронлар билан синаптик алоқа қилувчи кўп сонли коллатералларга беради. Маълум сезги турига тегишли ҳар бир тола боғламларига орқамияда алоҳида ўзининг жойи ажратилган (2.5. расм). Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, афферент толаларнинг илдизчанинг кириш ҳудудига ўтиши ва орқа шохчага кириб бориши сайин, уларнинг миелин қобиғи сезиларли даржада ингичкалашиб боради. Бундан ташқари нерв тизимининг периферик қисмидан то марказига қадар миелиннинг тури ҳам ўзгаради, чунки энди у ерда миелин леммоцитлардан эмас, балки олигодендроцитлардан ташкил топади.

Алоҳида соматосенсор системага ҳамкорлик қиладиган орқа миё афферент толаларининг йўллари (2.6) индивидуал тарзда баён қилинади.

### **Орқа ва олд орқа миё-миёча йўли.**

Таянч-ҳаракат тизимида (мушаклар, пайлар ва бўғимлар) пайдо бўладиган баъзи нерв импульслари, орқа миё-миёча йўллари орқали мувозанат ва координация маркази ҳисобланган миёчага кўтарилади. Орқа миёнинг ҳар бир бўлагига иккита орқа миё-миёча йўллари мавжуд – олд ва орқа (2.6.а расм).



**2.5.расм. Орқа илдизчадан чиқувчи турли соматосенсор толаларнинг бўлинишининг кўриниши**


**Орқа орқа мия-мияча йўли (Флексига йўли).** Мушак дуклари вапай органларидан келадиган тезўтказувчан IA гуруҳ толалари орқа мияга ўтади ва кўп сонли коллатералларга бўлинади. Бу коллатерал толаларнинг баъзилари олд шохаларда йирик а-мотонейрон таначалар билан синаптик алоқани шакллантиради (моносиноптик рефлектор ёй, 2.5.расм). Бошқа коллатерал толалар кўкрак, бел ва думғаза сохаларидан кўтарилиб, ядродаги устунни эслатувчи орқа шохча асосида ётган C8-L2 сегментлари орасида яқун топади ва турли номлар билан аталади: ён оралиқ устун, кўкрак ядроси, кўкрак устуни, Кларк устуни ёки Штиллинг ядроси. Шу ядроларда жойлашган иккинчи (постсинаптик) нейрон таначалари орқамия-миячанинг орқа йўлини бошлаб берадиган толалардир, бу толаларнинг тез ўтказувчан гуруҳлардан бирининг таркибига киради. Орқа орқамия-мияча йўли орқа мия латерал тизимчасининг орти буйлаб ўзига тегишли соҳадан (*инсилатерал*) юқорига чиқади ва кейин пастги мияча оёғчаси таркибида мияча **чувалчангига** киради. Буйин даражасида (соҳасидан) орқа мияга кирадиган афферент тўқималар, яъни оралиқ устундан юқорироқда, понасимон боғлам таркибида эргашади ва узунчоқ миянинг кўшимча понасимон ядросининг иккинчи нейронларда синаптик алоқани шакллантиради (2.7. расм), шу ердан уларнинг аксонлари миячага қараб тортилади.

**Олд орқа мия-мияча йўли (Говерс йўли).** Орқа мияга кириб борувчи IA гуруҳининг бошқа афферент тўқималари орқа шохчалардаги нейронлар ва орқа миянинг марказий қисмидаги кулранг модда билан синапсларни юзага келтиради (2.5, 2.6 ва 2.7. расмлар). Пастки бел соҳасидаги сегментларда пайдо бўладиган, номлари юқорида қайд этилган иккинчи нейронлар олд орқа мия трактини бошлаб беради. Бу тракт ўзининг томонидан чиқиши билан бир қаторда *орқа миянинг қарама-қарши томонидан* ҳам чиқади ва миячада яқун топади. Олд орқа мия-мия йўли ўрта мияга кўтарилиб, IV қоринча тубидан ўтиб, орқа орқамия-мияча йўлидан фарқли равишда унинг устидан орқага қайрилиб, миячанинг юқори оёғчаси ва юқори мияча елкани орқали мияча чувалчанги ичига киради. Мияча тананинг барча қисмидан проприоцептив сезгининг афферент импульсларини қабул қилади; ўз навбатида унинг полисинаптик эфферент тўқималари, тик турганда ва юрганда одам танасини вертикал тутиб туришини таъминлаб туришида иштирок этадиган, ҳамда бошқа ҳаракатларни бажаришини қўллаб турадиган мушак тонусига ва мушак-агонистлари ҳамда антогонистлари ишининг координациясига (мушакларнинг синергетик фаолияти) таъсир қилади.

Шундай қилиб, олдинги бўлимларда тасвирланган орқа миянинг ўзидаги анча паст регулятор занжирларга кўшимча равишда, бу анча юқори функционал схема. Ҳаракатни тартибга солиш учун бу схема а-мотонейронлари билан бир қаторда у-мотонейронлари иштирок этувчи бошқа пирамида йўллари ҳам ўз ичига олади. Бу жараёнларнинг барчаси онгсиз равишда юзага келади.

**Орқа тизимчалар.**


Биз буларда мучаларнинг ҳолатини ва мушакларнинг кучаниш даражасини ҳис қиламиз. Биз оёғимиз остида ерни ҳис қиламиз, яъни оёқ қафтларимиз бизнинг бутун танамизни ушлаб туриб, мустаҳкам тупроққа таянади.



Расм 2.6 а) олдинги спиноцеребеллар йул. б) орка фуникуляр йул. в) олдинги спиноталамик йул. д) ен спиноталамик йул.

Шу билан бирга биз бўғимларимизда ҳаркатни ҳис қилишимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳеч бўлмаса проприоцептив сезгиларнинг қандайдир *импульслари* бизнинг *онгимизгача* етиб бориши керак. Мушакларда, пайларда, фасцияларда, бўғим капсулаларида, бирлаштирувчи тўқималарда (Фатер-Пачини таначаси, Гольджи-Маццони

таначаси) (Vater–Pacini и Golgi–Mazzoni), ҳамда терида ётган рецепторларнинг импульслари шуларни ташкил этувчи **импульслар** ҳисобланади. Нерв импульсларини етказиб берувчи афферент толалар орқа мия ганглияларидаги псевдоуниполяр нейронларнинг дистал ўсимталаридан иборат. Айтиб ўтилган ҳужайраларнинг марказий ўсимталари орқа мия ичидан юқорига кўтарилади ва узунчоқ миyaning пастги қисмидаги ингичка ва понасимон ядроларда тугалланади (2.6б ва 2.7. расмлар).



расм 2,7 орқа миyaning юқорига кўтарилувчи тизимчалари мия ва миёча билан алоқалари

Сезгиларни олиб борувчи йўллarning кейинги йўналиши орқа тизимчаларнинг ўтувчиларида жойлашган. Оёқлардан чиқиб келаётган



орқа миянинг орқа тизимчасидаги афферент тўқималар ўрта чизикда жойлашган, қўллардан келадиган афферент тўқималар эса уларга бўйин сегментлари даражасида бирикади ва анча латерал издан боради. Шундай қилиб, орқа тизимча бўйин соҳасида икки томонлама иккита боғламчадан тузилган: медиал ингичка ёки нозик (Голл) боғламдан ва латерал понасимон боғлам (Бурдах). Бу боғламаларга борадиган толалар узунчоқ миянинг пастги бўлимидаги бир номли ядроларда тугалланади – яъни ингичка ва понасимон ядроларда. Уларда иккинчи нейронлар жойлашган, уларнинг аксонлари таламусга (бульба-таламик таркт) йўналтирилган. Бульба-таламик трактнинг барча тўқимлари юқорига чиқа туриб, бурилиш ясайди (ўрта чизик орқали қарама-қарши йўлга ўтиб олади) ва медиал илмоқ ҳосил қилади (2.6б, ва 2.7 расм). Бу тўқималар узунчоқ мия, кўприк ва ўрта мия орақали ўтиб, таламуснинг вентрал орқалатерал ядросида тугалланади. Бу ерда улар, ўз навбатида таламапўстлоқ трактини бошлаб берувчи учинчи нейронлар билан синаптик алоқалар ҳосил қилади. У ички капсула ва нурсимон тожни тешиб ўтади (пирамида трактининг орқасида) ҳамда марказ орти бурмасидаги бирламчи самотосенсор қобикқа томон йўналади. Сизги йўллариининг орқа тизимчаларда соматотопик тузилмаси орқа миядан то бош мия пўстлоғига қадар сақланиб қолинади (2.9. расм). Марказ орти бурмаларидаги соматотопик проекция боши билан турган одамчани эслатади – тесқари тўнтарилган гомункулус.

**Орқа тизимчаларнинг шикастланиши.** Орқа тизимчалар асосан тери рецепторлари ва проприорецепторлардан импульслар ташийди. Орқа тизимчалар шикастланганида бемор мучаларнинг ҳолатини сезмайди; у кўлида турган предметни пайпаслаб кўриб таний олмайди ҳамда текширувчининг бармоғи билан кафтида юритиб чизилган ҳарфлар ва сонларни англай олмайди. Дискриминацион сезувчанлик бузилади, шу билан бир қаторда босимни ҳис қила олмайди ҳамда оёғи остида таянчни сезмайди, унда тик турганда ёки юрганда (атаксик юриш) атаксия ривожланади, айниқса бу ҳолат қоронғуликда ёки кўз юмилган ҳолда кучаяди. Симптомлари айниқса орқа тизимчаларнинг ўзи шикастланганида кўпроқ ифодаланган, аммо ингичка ва понасимон ядро, медиал илмоқ, таламус ва марказ орти бурмаларининг шикастланишида ҳам кузатилиши мумкин.

Шундай қилиб, орқа тизимчалар шикастланганининг клиник белгилари қуйидагилар:

- *Ҳолатни ва ҳаракатни ҳис қилмаслик*(бошқача қилиб айтганда, проприоцептив ва кинестетик сезувчанлик): бемор кўзи юмилган ҳолда танасининг ва мучаларининг ҳолатини аниқлай олмайди;
- *астереогноз*: бемор кўзлари юмиқ ҳолда кўлидаги предметларни шаклига, оғирлигига қараб таний олмайди;

- *агрофестезия*: бемор кўзлари юмиқ ҳолатда врач бармоқлари ёки ўтмас нарса билан унингкафтида чизиб юритилган харф ва сонларни англай олмайди;
- *дискриминацион сезгининг йўқолиши*;
- *вибрацион сезгининг йўқолиши*: бемор суягига қўйилган камертон оёқчасидаги қимирлашни сезмайди;
- *Ромберг ҳолатида мувозанатни йўқотиши*: агар бемор оёқ товонларини олдинга суриб, кўзларини юмиб ўтирган бўлса, у шу заҳотиёқ мувозанатни йўқотади (чайқалади ва ҳатто йиқилиши ҳам мукин). Проприоцептив сезувчанликнинг йўқолишини, кўзларни очган ҳолда сезиларли даражада компенсациялаш мумкин, лекин фақатгина агар мияча шикастланган бўлса бундан мустасно.

Орқа тизимчаларнинг толалари ўзининг бошланишини орқа мия ганглияларидаги псевдоуниполяр нейронлардан ва орқа миядан ўтувчи сезги йўллариининг иккинчи нейронларидан бошланувчи орқа спиноталамик трактдан олади.

#### **Олдинги спиноталамик тракт.**

Ўрта қалинликдаги периферик нервнинг миелинланган толалари тери рецепторларида (перитрихионал нерв охирлари ва ҳис қилувчи таначаларни) пайдо бўладиган импульсларни орқа мия ганглияларидаги псевдоуниполяр нейронларга ва у ердан орқа қобикча орқали – орқа мияга ташийди. У ерда орқа мия ганглияларидаги ҳужайраларнинг марказий ўсимтачалари орқа тизимчаларга киради ва уларнинг таркибида 2-15 сегментларга кўтарилади, айна вақтда уларнинг коллатераллари орқа шохчанинг кулранг моддасида турли даражалардаги нейронлар билан синаптик алоқалар ўрнатиб, 1-2 сегментларга тушади (2. 16в. расм). Бу ҳужайралар (иккинчи нейронлар) спиноталамик трактнинг олдинги йўлини бошлаб беради. Уларнинг толалари эса орқа миянинг олдинги битишмаси таркибида қиясимон кесишмалар ҳосил қилади, ва кейин қарама-қарши томонга олд тизимча орқали таламуснинг орқалатерал вентрал ядросига чиқади. Шу ерда спиноталамик трактнинг латерал толалари ва медиал илмок билан биргаликда яқунланади. Таламуснинг орқалатерал вентрал ядросида улар сезги йўллариининг учинчи нейронларига ўзгаради ва уларнинг аксонлари таламо-кортикал тракти орқали марказ орти бурмасига тушади.


**Олдинги спиноталамик трактнинг шикастланиши.** Биз юқорида тушунтирганимиздек, биринчи нейронларнинг марказий ўсимтачалари бу йўллар ўзи томонидан (*инсилатерал*) турли узоқликдаги орқа тизимчалардан чиқиб боради ва иккинчи нейронларга йўл бўйи коллатераллар улашади. Уларнинг толалари ўрта чегарани кесиб ўтади ва қарама-қарши турган олдинги спиноталамик трактнинг таркибида юқорига кўтарилади. Шунинг учун бел ёки кўкрак соҳасидаги бирта олд спиноталамик трактнинг шикастланиши унча аҳамиятли бўлмаган

сезгининг бузилишига олиб келиши мумкин ёки умуман унинг бузилишисиз ўтиб кетиши ҳам мумкин, чунки афферент импульсларнинг катта қисми шикастланиш соҳасини четлаб, олдинги спиноталамик трактнинг ипсилатерал томонидан ўтиб кетиши мумкин. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, орқа миyanинг бўйин соҳасидаги шу тарктнинг шикастланиши қарама-қарши томондаги оёқда енгил гипестезияни чақиритиши мумкин.

#### **Латерал спиноталамик тракт.**

Оғриқ ва ҳарорат рецепторлари А гуруҳининг нозик толаларидан тўқилган, теридаги эркин нерв охирилари ёрдамида ва деярли С гуруҳининг миелинланмаган толалари орқали қабул қилинади, бошқача қилиб айтганда, орқа мия ганглияларида жойлашган псевдоуниполяр хужайраларнинг периферик ўсимталарида. Уларнинг марказий ўсимталари орқа илдизчаларнинг латерал қисмидан орқа мияга ўтади, кейин эса ивиган модданинг бир ёки икки сегментида бир нечта қисқа коллатералларга шохаланади ва тизимча нейронлари билан синаптик алоқа ҳосил қилади, уларнинг ўсимталари эса латерал спиноталамик трактга йиғилади. (2.16г. расм). Таламусга кўтарилишдан олдин, бу ўсимтачалар олдинги битишмалардан қарама-қарши томонга ўтиб олади ва бу ерда ёнлама тизимчага киради. Худди орқа тизимчаларда бўлгани каби, латерал спиноталамик йўллар қатъий соматотопик тузилмага эга. Фақатгина бирта фарқи уларнинг йўлларида оёқдан келаётган толалар латерал жойлашган, тана ва қўлдан келаётган толалар эса – медиал (2.8. расм). Оғриқ ва иситмани сезувчи толалар бир-бири билан шундай яқин ўтадики, уларни анатомик ажратиш асло мумкин эмас, шунинг учун латерал спиноталамик трактнинг шикастланиши икки турдаги сезгининг ҳам бузилишига олиб келиши мумкин, аммо баъзида бу даражадаги бузилишларни чақирмаслиги ҳам мумкин.

**Латерал спиноталамик трактнинг МАТдаги давоми.** Латерал спиноталамик тарктнинг толалари мия устунидан медиал илмок (сиртмок) толалари билан биргаликда ўтади ва таламуснинг олдинги орқа латерал ядросида яқунланадиган орқа мия илгагини ҳосил қилади. Таламуснинг орқа латерал вентрал ядросида жойлашган учинчи нейрон толалари, талама пўстлоқ таркти таркибидабошнинг тепа қисмидаги марказ орти бурмасига қараб йўналади (2.9. расм). Оғриқни ва иситмани ёмон фарқлаш таламусдаёқ бошланади, лекин анча нозик фарқлашларни фақатгина импульслар бош мия пўстлоғига етгандагина англаш мумкин.



расм 1.29 орқа мия кундаланг кесмасининг соматотопикаси

**Латерал спиноталамик таркатнинг шикастланиши.** Латерал спиноталамик тракти – оғриқ ва ҳарорат сезгисининг асосий магистрالي, шу сабабли кўпинча нейрохирурлар беморнинг оғригини енгиллатиш учун уни кесишган (хордотомия). Ҳозирги вақтда кичик инвазив усулларга таянилаётганлиги сабабли, хордотомия деярли қўлланилмаяпти. Бундан ташқари бу операциядан кечишнинг яна бирта сабаби бор. Гап шундаки хордотомия фақатгина озгина муддатга енгиллик олиб келар экан. Клиник амалиётда анчадан буён маълум бўлган бу феномен, шуни тахмин қилишни тақозо этадики, оғриқ импульслари орқа мияга бошқа йўллар билан, масалан, ўзининг боғлами таркибига кирадиган орқа мия (қўшимча) нейронлари билан ҳам кўтарилиши мумкин экан.

Орқа миянинг вентрал қисмидаги латерал спиноталамик трактнинг шикастланиши оғриқ ва ҳарорат сезгиларининг қарама-қарши томонида шикастланган жойдан 1-2 сегментпаст даражада бузулишлар беради, лекин тактил сезги сақланиб қолади (сезувчанликнинг диссоциал бузулиши).

**Орқа мия трактининг бошқа афферент (юқорига кўтариладиган, кўтарилувчи) йўллари.**

Юқорида кўриб чиқилган, орқа мия- мияча ва спиноталамик трактлардан ташқари, орқа мияда орқа мия устунининг турли тузилмаларида ва пўстлоқости ядроларида яқунланувчи бошқа афферент йўллар ҳам мавжуд. Бу йўллар ўзининг бошланишини орқа миянинг орқа шохчаларидаги иккинчи афферент нейронлардан олади ва олдлатерал тизимчалардан юқорига кўтарилади. Уларга қуйидагилар киради: *спиноретикуляр, спинотектал, спиноолив (Гельвега) ва*

**спиновестибуляр трактлар.** Спиновестибуляр тракт орқа мианинг буйин соҳасидаги С4 даржасидан бошланади ва вестибулоспинал йўлнинг (пастга тушувчи) қаршисидан чиқади (деярли унинг толалари орасидан). Спиновестибуляр тракт орқа спиноцеребелляр йўлнинг коллатерал толаларидан ташкил топганлиги мустасно эмас. 2.8. расмда орқа мианинг кўндаланг кесмаси унинг турли сезги йўллари билан тасвирланган. Схemaда, сиз йўлларнинг ўзаро фазовий (масофавий) жойлашишини баҳолашингиз учун уларнинг ҳаракат (пастга тушувчи) йўллари кўрсатилган. Ва ниҳоят, юқорига кўтарилувчи ва пастга йўналган йўллардан ташқари, орқа мия ўзининг кўтарилувчи ва тушувчи толаларидан таркиб топган, орқа мианинг бир нечта сегментлари орқали ўзининг боғламлари таркибида чўзилган ички нейрон аппаратига эга.

**МАТда соматосенсор маълумотни қайта ишлаш.**

2.7. расмда юқорида кўриб чиқилган орқа мианинг орқа илдизчаларидан бошланадиган ва орқа мианинг таркибида яқунланувчи, барча сезги йўлларининг анатомик ва фазовий ўзаро жойлашуви тасвирланган. Учинчи нейронларнинг аксонлари таламусдан ички капсуланинг орқа оёқчалари орқали чиқади, улар пирамида трактининг орқасида жойлашади ва кейин марказ орти бурмасидаги бирламчи соматосенсор пўстлоққа тортилади (citoархитектоник майдоналар 3а, 3б, 2 ва 1 Бродман бўйича). Юзаки ва қисман проприоцептив сезгиларнинг (тактил, босим, оғриқ, ҳарорат) сигналларини келтирадиган учинчи нейронлар шу ерда ўзининг йўлини яқунлайди. Аслида таламусдан келадиган сезгиларнинг барча афферент нейронлари ҳам соматосенсор толаларда яқун топмайди; уларнинг баъзилари марказ олди бурмасининг бирламчи ҳаракат (мотор) қобиғига ошиб ўтади. Демак, баъзи сезги ва ҳаракат майдонларининг пўстлоғлари қопланади, шунинг учун ҳам марказ олди ва марказ орти бурмаларини баъзида бир ном билан – соматосенсор соҳа (пўстлоқ) деб аташади. Бу соҳада кечаётган функционал интеграция кирадиган сенсор маълумотни таҳлил қилишга ва тезкорлик билан уни тесқари алоқа ҳалқаларининг сенсомотор регулятор ҳалқаларидан чиқувчи ҳаракат импульсларига ўгиришни имконини беради, кейинги бобларда бу ҳақда тўлиқ маълумот берилади.

Бу ҳалқалар таркибидаги пирамида йўлининг пастга тушувчи толалари, тўғридан-тўғри орқа мианинг олд шохчаларининг ҳаракат нейронларида (мотонейронларида) оралиқ мотонейронларига қўшимчалар қилиб ўтмасдан тугалланади. Ва ниҳоят, ҳаракат ва функционал худудлар шунга қарамасдан қопланади, шунинг эса сақлаш зарурки, марказ олди бурмалари ҳар доим фақатгина ҳаракатга тегишли худудлардир, марказ орти эса – фақатгина соматосенсор худуд.

**Соматосенсор кўзгатувчиларнинг келиб чиқиши ва сифати бўйича фарқлари.** Юқорида таъкидланганидек, соматосенсор пўстлоғда фазовий соматотопик тақсимлаш мавжуд: 2.9. расмда тасвирланган боши

билан тескари тўнтариб қўйилган “сезувчи гомункулу”. Бош мия пўстлоғининг соматосенсор проекцияси сезгиларнинг турига қараб фазовий бўлинган: оғриқ, ҳарорат ва бошқа сезгилар пўстлоғнинг турли қисмларига сочилган. Сезгининг хар-хил турлари яна таламусда ҳам фазовий тақсимланган бўлсада, бир хил бўлмаган қўзғатувчиларни англаб фарқлаш катта мия пўстлоғининг иштирокини талаб этади. Дискриминацион ёки қўзғатиш жойини аниқ белгилаш каби олий функциялар ҳам пўстлоқнинг фаолиятига боғлиқ.

Соматосенсор пўстлоқнинг шикастланиши тананинг бошқа томонида оғриқ, ҳарорат ва тактил қўзғотувчилар сезувчанлигини тўлиқсиз бузилишига олиб келади. Бунда дискриминацион сезувчанлик ва тананинг қарама-қарши томондаги ҳолатини ҳис қилиш сезгиси тўлиқ йўқотилади, чунки бу сезгилар соматосенсор пўстлоқнинг тўлиқ сақланиб қолган бўлишини талаб қилади.

**Стереогноз** – қўл кафтига қўйилган предметни пайпаслаб аниқлаш – нафақат бирламчи сенсор қобиғи ёрдамида, балки бошнинг тепа қисми соҳасидаги ассоциатив худудларлар орқали ҳам амалга оширилади, бу ерда предметнинг алоҳида сезгига хос хусусиятларининг интеграцияси юзага келади: ҳажми, шакли, консистенцияси, ҳарорати, айлана ёки ўткир кирра, юмшоқ ёки қаттиқ ва бошқалар, ҳамда аниқланган ҳиссий кечинмаларни хотирада сақланган аввалги тажрибалар билан таққослаш.

**Астереогноз** - бошнинг юқори соҳасидаги пастда жойлашган қисмининг пўстлоғи шикастланганга иккинчи қўлда турган предметни пайпаслаганда нима эканлигини аниқлаш қобилияти бузилади.

**Соматосенсор йўллارнинг шикастланиш даражаси билан боғлиқ бўлган сезгиларнинг бузилиши.**


Соматосенсор худудларда **пўстлоқ ёки пўстлоқ ости тузилмаларнинг шикастланиши**. Қўл ёки оёқ проекциясига тегишли соматосенсор худуддаги қобиқ ва қобиқ ости тузилмаларнинг шикастланишида парестезия чақиради (санчиқлар, этнинг жимирлаши) ва кўпроқ дистал соҳаларда ифодаланган тананинг қарама-қарши мучасида қарахтлик беради. Патологик ўчоқ бу пўстлоқ худудини қўзғотади вашамоллаб шикастланган нейронларда спонтан (эпилептик) туркумнинг пайдо бўлиши фокал сенсор эпилептик хуружларнинг ривожланишига олиб келади. Мотор қобиқ сенсор қобиққа бевосита яқин жойлашгани сабабли ҳаракат хуружларининг ривожланишига ҳам олиб келиши мумкин (Жексон хуружлари).

**Барча сезги йўллари**нинг таламусдан пастроқда шикастланиши тананинг қарама-қарши томонидаги барча сезги турларининг пасайиб келишига олиб келади:

- Агар оғриқ ва ҳарорат сезгиларининг шикастланишидан ташқари барча сезгиларнинг шикастланганида тананинг қарама-қарши

томонида ва юзда гипестезия пайдо бўлади, аммо оғриқ ва ҳарорат сезгиси сақланиб қолади.

- Аксинча, мия устунда уч шохли нерв илдизи ва латерал спиноталамик йўл шикастланганида тананинг қарама-қарши томонида ҳамда юзда оғриқ ва ҳарорат сезгиларининг бузилиши кузатилсада, лекин бошқа сезгилар жароҳатланмайди.
- Медиал илгак ва спиноталамик йўлнинг олдинги қисми шикастланганда тананинг қарама-қарши томонидаги сезгининг оғриқ ва ҳарорат сезгисидан бошқа барча турлари бузилади.
- Уч шохли нерв йўлининг ва латерал спиноталомик трактнинг спиноталамик ядроси шикастланганда оғриқ ва ҳарорат сезгиси ўша томондаги юзда ва қарама-қарши томондаги танада бузилади.
- Орқа тизимчаларнинг шикастланиши проприоцептив, вибрацион ва дискриминацион сезгиларнинг бузилишига олиб келади ва ипсилатор охирларда атаксия билан ҳамроҳликда кечади.
- Орқа миянинг орқа шохлари шикастланганда ипсилатор томонда оғриқ ва ҳарорат сезгиси пасаяди, аммо бошқа сезги турлари сақланиб қолади (сезгининг диссоцияланган бузилиши).
- Агарда шикастланиш бир нечта қўшни орқа илдизчаларга тегиб ўтган бўлса, илдизчали оғриқ ва парестезия юзага келади; агар шикастланган илдизчалар қўл ва оёқ иннервацияси ҳудудларига тегишли бўлса, унда шикастланган илдизчаларнинг иннервация ҳудудларида барча сезги турлари гипотония ёки афония, арефлексия ёки атаксия билан қўшилиб йўқолади.



расм 2,9 бош мия пүстлокидаги ички капсула ва таламусдаги сезги ўтказувчи йўллар

### Текшириш утказиш

Текширишнинг (тадқиқотнинг) бу қисми жуда мураккаб, натижалар эса ҳар доим ҳам кўринмайди. Текширишлар ҳар доим ҳам мукамал бўла олмайди, натижа эса бемор билан врачнинг ўзаро бир-бирларини тушунишлари ва интерпретацияга боғлиқ бўлади.

**Сенсор сезгилар ҳар доим субъектив.** Беморнинг оёқ қафтидаги оғриқсиз ярагинг ёки ўрта бармоқ ёнларида сигаретдан куйган жойнинг мавжудлиги етарли объектив белги ҳисобланади, лекин оғриқларнинг даражаси маълум маънода бемор буни қандай баҳолаётганига таяниб аниқланади. Сенсор сипмтоматика кўпгина ҳолларда беморнинг сўз бойлиги ва унинг ақлий идрокига боғлиқ бўлади. «Қарахтлиқ», «санчик», «санчиклар», «ухлайди» ёки «худди тиш анестезияси» каби тасвирий сўзлар энг кўп тарқалган ҳисобланади. Камдан-кам ҳолларда бемор: «бу қисми худди ўлгандек; ёки бу жойда умуман ҳеч қандай сезги йўқ», - дейиши мумкин. Бошқалари, бу қисми (масалан, юзнинг бир томони) яхши ҳис қилади ва ҳеч қандай эътиборга лойиқ томони йўқ, агар унга



тегилмаса, лекин соқолни олаётганда умуман бошқача сезгиларни ҳис қиламан. Бемор баъзида анча нозик сенсор белгиларни тасвирлайди, масалан, «Мен бармоғимни (ёки бармоқларим) худди шишгандек ҳис қиламан, худди сосиска бўкиб шишгандек», ёки «Териси жуда қаттиқ», ёки «Мен қўл панжаларимни худди қаттиқ қўлқоп каби ҳис қиламан». Пастги мучадаги симптомлар қуйидагича тасвирланиши мумкин: «Мен ўзимни, худди пахта устида юраётгандек ҳис қиламан» (орқа миянинг орқа устунлари шикастланган бўлиши мумкин) ёки «Менинг оёқ киймим, худди майда тошлар билан тўлдирилган каби, ёки оёқларим худди оловнинг ичида» (периферик нерв шикастланган бўлиши мумкин), шунинг билан бир қаторда анча оддий тасвирлашлар ҳам кузатилади: қарахтлиқ ва санчиклар. Проксимал ва периферик парестезик оғриқлари бўлган беморлардан: «Мен елкаларимда ва орқамда курак олдида оғриқ сезаман, жимжилоғим эса ухлайди», - деган шикоятни айтаётган бўлса, унда сенсор кўринишлар қаерда бўлаётганини аниқкўрсатиши мумкин. Бу симптомларни эшитганингизда, уларни бирма-бир деталларда ўрганиш лозим, ва агар зарур бўлса, келаси куни текширинг ва симптоматик соҳани аниқланг. Бемор бирор-бир симптоматик шикоятларсиз (оғриқ билан биргаликда), ва анамнезда объектив сенсор бузилишлар қайд этилмаган ҳолда бўлса, 5 дақиқа мобайнида текширилиши керак ва бу жараён қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Юзни, оёқни, қўлни ва танани токи оғриқни ҳис қилгунча босиб туринг.
- Тебраниш ҳиссини пассив ҳаракат сезгилари билан биргаликда оёқ ва қўл бармоқларида қўзғатинг?
- **Сезувчанликни текширишнинг асосий қоидалари:**
  - Чарчоқ

Узоқ давом этган кўрик сўнгида сезувчанликни текширманг; анчагина толиққан бемор, шубҳали жавобларни беради. Агар сенсор тизимни текшириш беморнинг ўзи билан алоҳида ўтказилса ишончли белгиларни беради.

### ***Тавсия***

Беморнинг қарорларига ўзингизнинг билвосита берган тавсияларингиз (инструкцияларингиз) билан аралашингизга йўл қўймаслик керак. Сиз икки томонлама санчикни ҳис қилиш сезгисини таққослаётганингизда, бемордан «Бу оғриқни ҳис қилишингиз (ўнг томонингизда ўтказилган синов) у томонингиздаги билан (чап томнингизда ўтказилган синов натижаси билан) бир хилми?». Агар беморнинг икки томонида сезги бир хил бўлмаса, унда бу ҳақда сўрамаслик лозим.

### ***Намойиш.***

Аввал нима қилмоқчи эканлигингизни намойиш қилиб кўрсатинг. Беморнинг муаммоли томонини текширишдан аввал, сизнингча аниқ

меъёрда ҳис қиладиган соҳасига оҳисталик билан аста-секин тегилиб кўринг. Беморга: «Ҳар маротаба кўл тегизилганини ҳис қилсангиз, марҳамат қилиб, менга «ҳа» деб айтинг деб, огоҳлантиринг». Беморнинг кўкрагининг ўртасига тебраниб турган камертонни кўйинг ва унга камертон овозини ёки камертон дастагининг босимини эмас, балки тебранишни баҳолаш кераклигини айтинг.

### ***Қисқалик***

Қисқа инструкциялар, қисқа жавоблар бериш ва қисқа текширишлар ўтказиш тавсия этилади. Ўзингизнинг инструкцияларингизни содда қилиб тушунтиринг. Бемордан ҳар бир тегиниш учун тезлик билан «ҳа» деб жавоб беришини ва нина ёки болғача учи билан текканда «ўткир» ёки «ўтмас» деб жавоб беришини сўранг. Сизга узун ва малакали жавоб керак эмас.

### ***Кўзлар юмилган.***

Беморни қандай қилиб текшириш ўтказаетганингизни кузатишига йўл кўйманг. Ёрдамчингиздан ёки бемордан чойшабни тортиб туришини сўранг, чунки бемор четдан сизнинг текшираётганингизни кузата олмаслиги керак. Агар текшириш қисқа бўлса ва узоқ давом этмаса (масалан, билакдаги ўрта нервнинг шикастланганида сенсор бузилишларни текшираяпсиз), сиз бемордан фақатгина кўзини юмишини сўрашингиз мумкин.

### ***Деменция, алахсираш ва чалкашлик ҳолат.***

Беморда бу ҳолатлар мавжудлигининг бирортасида ҳам сенсор ҳис қилиш сезгисини аниқлашни амалга ошириб бўлмайди, фақатгина ўта кўпол усул билан текширишдан ташқари, масалан, кўз шох парда рефлексини текшириш ёки қайта-қайта кучлироқ таъсир этилган игна санчишларда мучаларни узоқлаштириш шулар жумласидандир.

### ***Меъёрдаги текширишдан меъёрда бўлмаган текширишга ўтиш.***

Биз беморнинг қарахт бўлган фалаж оёқларининг сенсор даражасини аниқлашимиз зарур, бунда тананинг текширилаётган соҳасига пастдан юқорига қараб оғриқли кўзғатишлар етказилади. Штифтни қисқа тезкор қадамлар ёки анча секин, лекин катта масофа билан тери бўйлаб юритинг.

### ***Суд-тиббийёт амалиёти.***

Бемор бахтсиз воқеа оқибатида корхонада жароҳат олган бўлса ёки бунда учинчи томон иштирок этган бўлса, унда бу текшириш алоҳида эслатма талаб қилади. Агар бундай зарар кўрганларда сенсор ўзгаришлар бўлса, унда мучаларнинг ёки тана қисмларининг контурини чизиш керак ва меъёр бузилган соҳани соя билан белгилаш зарур. Оғриқни пасайтириш учун кескин ҳаракат қўлланг, қўл тегизишни камайтириш учун нукталарни қўлланг ва ҳоказо. Текширишни ўтказгач, дарҳол харитани чизинг.

### ***Аниқлаш.***

Оғриқсизлантириш: оғриқли ҳисларни баҳолашни йўқотиш.

Анестезия: барча сезгиларни йўқотиш.

Дизестезия: оғриқсиз стимулга нохуш ва меъёрда бўлмаган реакция.

Гипалгезия: оғриқ сезгиларини баҳолашнинг пастлиги.

Гиперестезия: ҳар қандай стимулга юқори аномал сезувчанлик

Гиперпатия: оғриқли стимулга юқори аномал сезувчанлик

Гипестезия: барча турдаги сезгиларнинг пасайиши.

Парестезия: меъёрда бўлмаган, спонтан сезги (масалан, санчиш ёки ўрмалаш).

### ***Енгил қўл теккизиш.***

Бу тестни бажаришда енгил қўл теккизиш учун одатда бир бўлакча пахта ишлатилади. Пахта толасини шундай олинки, олган бўлагингизни фақатгина кам миқдорини теккизишга имкон бўлсин. Беморни кўзи билан кузатишидан чегараланг. Беморга нима қилмоқчи эканлигингизни айтинг – унга енгил тегилинг ва унга ҳар бир тегилганингизда бемор «ҳа» деб жавоб беришини сўранг. Тегилганингизнинг кучи заиф бўлиб, терида деформация қолдирмаслиги керак. Теккизишингиз, бу сиз тегилганингизда қаршилиқ сезишингиз керак ёки пахтачабилан терини силашингиз керак дегани эмас. Бу фақат енгил китиклаш чақирадиган ҳис ва анатомик жиҳатдан бу оғриқли ўтказувчанлик билан боғлиқ эмас. Тананинг бошқа қисмларида баъзи чизгилар одатда эътиборсиз қолдирилади, аммо лекин, қоидага кўра 20 тадан бир ёки иккитадан ортиқ эмас. Тананинг эътиборсиз қолдирилган соҳалардаги тегилишларнинг сони турли қисмларда бир хилми? Тананинг сочли қисмистимуляцияцион тегилишга анча сезувчан бўлади. Сочнинг бурилган жойига тегинганда, худди юзаки сенсорлар каби чуқур сенсор тизимларни ҳам стимуляция қилади. Сочга тегилганда жавоб реакциясининг йўқлиги меъёрда бўлмаган ҳолат саналади.

### ***Галлюцинатор жавоблар.***

Стимулни мунтазам бўлмаган тарзда қўлланг, шундай қилинги, бемор учун қутилмаганда бўлсин. Баъзида, тўхтаб олиб, 5 сония ичида стимул қўлланилмаган вақтда бемор «ҳа» дейди. Бу ўтказувчанликнинг кечикиши бўлиб, охириги тегинишга жавобни англатади. Аммо шунга қарамай, бу бундай бўлмаслиги мумкин. Бундай «спонтан» ёки галлюцинатор реакциялар тананинг ўнг томонида бўлганидек, тананинг чап томонида ҳам, ёки худди меъёрдаги ҳудудлардаги каби симптоматик соҳаларда ҳам мазкур сезгиларнинг мавжудлиги ташхисловчи хусусиятга эга эмас. Агар стимуляциядан содир бўлаётган жавоблар фақатгина бутун тананинг бир томонида ёки бирта муча соҳасида бўлса, одатда, бу бир томоннинг потологияси ҳисобланади. Судбозликка мойил қўли қарахт бўлган тасодикий пациент, сизга бутун танасининг 90% теккизишингизга «ҳа» деб жавоб беради, фақатгина қўлидан ташқари. Ҳар маротаба қўлига теккизганингизда у «йўқ» деб жавоб беради. Бу сизга икки нарса ҳақида маълумот бериши мумкин. Биринчидан, у фикрламаяпти; иккинчидан, унинг сезгисининг бузилганлиги органик эмас.

### **Шикастланиш.**

Нервларнинг периферик шикастланишида текканда сезмаслик майдони, оғриқни сезмаслик майдонидан анча кенг бўлади. Орқа мия шикастланганида, агар беморда текканда сезмаслик бўлса, одатда, у юра олмаслиги керак. Сенсор импульсация бош мия пўстлоғига бир нечта трактлар орқали етказилади.

Бош миянинг тепа қисми жароҳатланганда кўп штрихли кўзғатувчилар қабул қилинмайди, лекин шу вақтнинг ўзиде шу интенсивликдаги бошқа турдаги кўзғотувчилар шу соҳанинг ўзиде тез-тез такрорландиган галлюцинатор жавоблар бериши мумкин.

Ҳис қилиш локализациясини аниқлаш анча сезувчан тест саналади. Агар сенсор сезги йўқ бўлса, теккизилган соҳанинг жойини бемор тўғри аниқлай олмайди. Шу сабабли теккизиш учун ишлатиладиган пахта толаси катта бўлмаслиги керак.

### **Юзаки оғриқ.**

Юзаки сезгиларни аниқлаш учун тестлашнинг умумий принципи контактли ҳисобланади. Стерилланган нина қўллаш афзалроқ, текшириш тугагач уни ташлаб юбориш мумкин. Ҳар маротаба бир хил санчмаслигингиз ҳақида беморни огоҳлантиринг.

Сезиш меъёрда бўлиши кераклиги аниқ бўлган тери нуқтасига санчиқ ўтказинг. Беморга бу «ўткир» эканлигини айтинг. Штифтнинг бошқа ўтмас томони билан ўша соҳанинг ўзига яна босинг ва беморга бу «ўтмас» деб айтинг. Кейин оғриқни ҳис қилиш сезгиларини беморнинг юзиде, оёқ ва қўллариде ҳамда танасиде текшириб кўринг. Меъёрдаги кафтнинг ва оёқ кафтининг қотган терисиде оғриқ унча сезилмайди.

Алоҳиде жойни эмас, унча катта бўлмаган майдонни текшириб кўринг. Қайта такрорланган кўзғатишларда гиперестезия қайд этилган жойнинг ўзидеёқ бемор томонидан, оғриқни сезиш, одатдагидан кўра жуда ўткир ҳис қилиниши мумкин. Такрорландиган стимуллар йиғилувчан бўлиб, юқори даражадаги оғриқ бўсағасини енгиб ўтиши мумкин. «Оғриқли нуқталар» ўткир нина санчиғини янада ўткирроқ ҳис қилади, баъзи штрихларда эса нинанинг ҳаракати оғриқни кучайтиради. Тананинг бошқа соҳалари кам сезувчан, оғриқли нуқталар ҳам кам. Шунинг учун контакт ҳаракатлар бажариш шарт ва нина билан нуқталарга бир меъёрда санчиб туриб, катта майдонда тананинг бир томонидаги гомологик соҳаларининг жавоблари билан тананинг иккинчи томонидаги жавобларини таққослаш зарур.

Агар сиз патологик ҳудудни аниқлаган бўлсангиз, унда бошқа сезгилар бу ерда нотўғри намоён бўлиши мумкинми? Спинал (сегментар) ва нерв тизимининг периферик тақсимланиши ҳудудларга мосми? Уларда орқа мия конфигурацияси мавжудми, агар мавжуд бўлса, унда даражалари борми? Тананинг гомологик соҳасиде қарама-қарши томоннинг нерв шохчалари мавжудми?

Оғриқни сезиш кесилган бўлиши мумкин. Бу меъёрдаги ҳолат эмас. Оёқ кафтининг тескари юзасига тегилинг ва бемордан сезган заҳотиёқ «ха» деб жавоб беришини сўранг. Сиз ҳали бармоғингизни терисидан кўтармагунингизча бемор деярли дарҳол жавоб бериши керак. Оғриқнинг дефектли локализацияланганлиги церебрал шикастланишни ташхислашда айниқса фойдали. Беморнинг кўзлари юмилган ҳолда штифт билан шу соҳага теккизинг ва ундан шу жойни бармоғи билан кўрсатишини сўранг. Қоидага кўра, бемор бу топшириқларни мучаларнинг проксимал қисмларидан кўра, дистал соҳаларда аниқроқ бажаради.

Оғриқли сезгиларни тестлашда галлюцинатор жавоблар бўлиши мумкин. Улар худди сенсор тестлаш реакцияси турига хос аҳамиятга эга.

Оғриқ йиғилиши мумкин. Тестлашнинг охирида, синалувчи худди шундай бир хил нина билан санчишларни, тажрибани бошидан кўра оғриқлироқ қабул қилади. Шундай қилиб, тестнинг охирида оғриқлар кучлироқ бўлганини тушунтиришни имконини берса, тестлашни тескари тартибда такрорлаш лозим.

### **Ҳарорат.**

Ҳароратни сезиш сезгисини текшириш учун резина пробкали катта пробиркаларни (250 мм узунликдаги) қўлланг. Ҳароратнинг фарқи мос бўлиши учун крандан 20°С совуқ сувни ва 45°Сга яқин даражадаги иссиқ сувни олинг.

Пробиркаларнинг ташқи томонини куруқ сақланг, улар нам сезилмаслиги керак, чунки пробирканинг нам учи касал томонидансовуқ пробирка деб қабул қилиниши мумкин.

Терига фақатгина пробирка тубини эмас, пробирканинг барча томонини теккизинг. Буни текширилувчи анча секин ҳис этиши керак. Стимулга меъёрдаги жавоб термик стимул қўлланилиши ва жавоб реакцияси орасида, оғриқ ёки сенсор стимуляцияга нисбатан анча кечикиши мумкин. Текширув давомида иссиқ ёки совуқ сув бўлсин, айниқса бу иссиқ сувга тегишли, ҳар маротаба пробирка тери билан фақатгина 2 дақиқа мобайнида контактда қолиши лозим.

Агар беморда парестезия бўлсаю, тест пайпаслаб ўтказилиши керак бўлса, унда бу нарса оғриқли сезгиларга олиб келади ва бу меъёрда ҳисобланади. Шунинг учун, баъзида ҳарорат сезгисини тестлаш фойдали маълумот олишга ёрдам беради.

Мақсад, муаммоли ва меъёрдаги соҳаларда совуқ ва иссиқ пробиркаларни сезгилар қандай қабул қилаётганини баҳолашдан иборат. Меъёрдаги соҳаларга нисбатан кам сезувчан соҳа аниқлангач, текширилувчининг дифференцияциялаш қобилятини аниқлаш учун иккала пробиркалардаги сувларнинг ҳароратидаги фарқларни камайтириш керак бўлади. Пробиркадаги сув 30°С га яқин бўлиши керак, соғлом одам 1°С даражани ҳам сезади. Кўпинча ҳароратни сезиш худуди чегараларини

пасайганини аниқлаш учун иссиқ пробирка тери бўйлаб секин ҳаракатлантирилади (меъёрдаги ҳудуддан шикастланган ҳудуд томон).

Ишни бошлашдан олдин 15 дақиқа мобайнида хона ҳароратида текшириладиган соҳани экспонация (терини иситинг) қилинг. Токи текширилаётган тери соҳаси совуқ экан ёки вазоконстрикция ҳолатида экан, сизишончли жавобни ола олмайсиз.

Эсда тутинг: стимул учун терига контакт пробирканинг кенгрок мадони билан ва 2 сониядан кам бўлмаган вақт мобайнида бўлиши керак.

### **Чуқур оғриқ.**

Оғриқни чуқур ҳис этиш жавоб реакциясига эга бўлиши мумкин, ҳаттоки агар нина билан санчиш меъёрда бўлган бўлса ҳам. Стимуляция ҳаракати билан ахилл пайини ёки икки бошли мушакни сиқинг. Мазкур ҳаракатга меъёрдаги жавоб секинлик билан пайдо бўладиган ҳамда ёмон локализацияланган тушунарсиз чуқур оғриқ ва айрим ҳолларда беморнинг кўнгли айниганини таъкидлаши билан ҳам кечиши мумкин.

### **ТЕБРАНМА (ВИБРАЦИОН) СЕЗГИ.**

Бир секундда 128 Гц тезликда тебранаётган камеротни қўлланг. Катта ёшдаги соғлом одам тўпиғида тебраниб турган камертонни 12-15 сонияда ва кўрстагич бармоғининг дистал фалангасида эса 15-20 сонияда сезади. Тебраниб турган камертонни кўкрагига ёки жағига қўйиб, беморга тавсиялар беринг. Камертоннинг тебраниши тугагач, ундан нимани билмоқчи эканлигингизни айтинг. Камертон тебранишини тугаши қандай бўлишини, камертоннинг тебраниб турган тишларини ушлаганда унинг дастаги беморнинг кўкрагига бориб каттиқ тақалган ҳолатини намойиш қилиб кўрсатинг. Камертонни тишларининг асосига яқин жойига қўлингизни билагига билан уриб, уни тебраниш ҳолатига келтиринг. Камертоннинг дастагини маълум масофа узоқликда суякнинг бўртиб чиққан жойига жойлаштиринг (масалан, бош бармоқ ёки тўпиқ суякка, агар бемор тебарнишни сезмаса, сиз суякнинг проксималроқ нуқтасига ўтинг). Бемордан тебарниш тугагач айтишини сўранг. Камертонни ўзингиз томонга тушириб, текшириш ўтказинг.

Бемор ўнг тўпиғида тебарниш тугагини айтгач, камертонни дастагини тезлик билан чап медиал тўпиққа жойлаштиринг (санчиғи билан қайта зарб бермасдан), бундай ҳолатда тебарниш яна бир неча дақиқа ҳис этилади. Баъзи дарсликларда бу сезги меъёрий деб кўрсатилган бўлишига қарамай.

Тебарнишни ҳис қилиш аста-секинлик билан юзага келади, бош бармоқ ва тўпиқда сезги бўлмайди ва 2-3 сонияда тиззада, 5сонияда қовурға билан қорин остидаги суякда ва 15 сонияда бел умуртқасининг биринчи қилтиқли ўсимтаси устида сезилиши мумкин. Бу маълумотлар асаб тизимининг периферик шикастланиши билан ёки орқа миянинг орқа устунларининг дегенератив касаллиги билан мос келади.

Агар тебраниш сезгиси тўпикда, тиззада ёки тос суяклариди ва бошқа килтикли ўсимталарда мавжуд бўлмаса, бу кўндаланг, компрессион ёки орқа миянинг деструктив жароҳатланганидан далолат бериши мумкин. Ҳар бири орқа миянинг орқа устунларининг турли сегментлари билан иннервацияланган тебраниш сезгиси ва нофаол ҳамкор ҳаракатлар касал томонидан патологик жиҳатдан турли хил қабул қилиниши мумкин. Агар шундай бўлмаганда эди, кекса соғлом одамларнинг тўпиғида тебраниш сезгиси пасайган ёки номаълум этиологияли сегментар периферик невропатия натижасида умуман бу сезги бўлмасди. Орқа миянинг ўрта комбинацияланган дегенерацияси тебраниш сезгисининг, бўғимларда нофаол ҳаракатнинг йўқолишига нисбатан паст ифодалангани билан таърифланади. Табес дорсалес (спинал сухотка) тескари ҳодиса ҳисобланади.

Миянинг таламусдан юқори соҳасишикастланганида тебраниш сезгиси бузилмайди, аммо шу вақтнинг ўзида фақатгина оёқнинг бирта бош бармоғининг нофаол ҳаракатида нуқсонни сезиш – бу жиддий жисмоний нуқсон белгиси бўлиб, бошнинг парасаггитал тепа қисмида менингиоманинг лаколизацияси бўлиши мумкин (яъни, бу пўстлоқ сезгиси).

#### **Нофаол ҳаракат сезгиси.**

Бемордан сизга қарашини сўранг. Агар бемор бу тестни бошлашдан олдин керакли намоиш ва кўрсатмани олмаса, ярим ҳолларда жавоб реакцияси нотуғри бўлиши мумкин. Нофаол ҳаракат фақат бирта бўғинда текширилади, энг дистал соҳалардан ёки бармоқлардан бошлаб. Беморнинг бош бармоғининг проксимал фалангаларини чап қўлингизга олинг ва уни маҳкам ушланг. Бош бармоқнинг дистал фалангасини ўнг бош бармоқ ва кўрстагич бармоқ орасига олинг. Беморнинг оёқ бармоғининг дистал фалангасини аста-секинлик билан юқорига қараб (эгилиш) жойини ўзгартиринг, ҳаракатларнинг тасодифий миқдоридан биртасида, беморга ҳар бир ҳаракат “юқорига” йўналганини айтинг. Оёқ бармоғини пастга қараб ўзгартираётганингизда ҳам худди шундай қилинг. Кейин ўз назоратингиз остида, фалангаларни юқорига ва пастга қараб тасодифий ҳаракатлантира туриб (масалан, учта юқорига, иккита пастга, бирта юқорига, тўртта пастга), беморингиздан ҳар маротаба фалангалари қайси томонга ҳаракатланаётганини айтишини сўранг. Иккинчи ҳолатда биринчи қадамларда нотуғри жавоблар меъёрда ҳисобланади. Ҳар маротаба дистал фалангани аста-секинлик билан, кетма-кетликда ва унча катта бўлмаган масофада ҳаракатларни ўзгартиринг.

#### **Позицион сезгилар**

Қизиқ, бемор космосда унинг мучалари қай ҳолатда жойлашини билладими? Бу ҳолатнинг камчилиги ноқулайлик билан ифодаланган ҳисларни чақиради. Бемор кўзлари юмилган ҳолда ўтиради, унинг қўллари эса олдинга узатилган (10.1. расмга қаранг), беморнинг нуқсонли кўлида

худди кўли оқим бўйлаб сузаятгандек ҳис пайдо бўлади. Бу муча кўпинча псевдоатетоз (pseudoathetosis) деб номланадиган безовта ҳаракатлар шакллантириб, секин ҳаракат қилади.

Беморнинг кўзлари юмилган ҳолда, меъёрда бўлмаган мучасини бир неча маротаба ҳолатини ўзгартириш ва ундан бошқа (меъёрдаги) кўрсаткич бармоғи билан уни кўрстатишини сўранг. Меъёрда бўлмаган мучасини маълум ҳолатга жойлаштириш ва бемордан кўзлари юмилган ҳолда меъёрдаги мучасининг ҳолатига тақлид қилишини сўранг. Агар пазицион сезги меъёрда бўлмаса, бемор бирор-бир ҳаракат қила олмайди. Бундай сезги орқа илдизчаларнинг, орқа устунчаларнинг ва бошнинг тепа қисмининг нуқсонли ҳолати ҳисобланади.

### **Стереогноз.**

Стереогноз, қачонки кўл билан оҳиста текканда, оғриқ, ҳарорат ва кўлда тебранишни ҳис қилиш сезгилари меъёрда бўлса, баҳоланади. Кўзлари юмилган ҳолда бемор кўлида жойлаштирилган ҳажмли нарсаларни аниқлай оладими? У ўзининг кўлидаги нарсаларни бош бармоғи ва бармоқлари билан пайпаслаб, жойини ўзгартира олиши керак. Фалаж кўл стереогнозни текишириш объекти бўла олмайди. Текшириш учун калит, танга, қаламтарош ёки ручка ишлатинг. Барча объектлар, ёки барча амалдаги объектлар мутлақо тўғри идентификацияланган бўлиши мумкин 15-20 сония бирта кўлни текшириш, иккинчи кўли эса 3 дақиқадан сўнг текширилади. Агар объект 15-20 сониядан сўнг танилган бўлса, мазкур натижа патологик ҳисобланади. Агар объектлар ҳар иккала кўлида ҳам танилмаган бўлсаю, лекин кўриб танилган бўлса, унда буни фақатгина бирта таърифи бор: беморда тактил агнозия мавжуд, лекин ҳеч қандай астереогноз эмас.

### **Рақамларни ёзиш.**

Рақамларни ёзиш ҳам пўстлоқ сенсор интеграциясини текшириш ҳисобланади. Беморнинг кафтига тўсатдан, бир разрядли сонларни ёзинг, аввал бемор сизга қарайди, кейин кўзлари юмилган ҳолда. Расм чизаётганда қаламнинг ҳаракати қанча қаттиқ ва тезкор бўлса, беморга шунча рақамни аниқлаш осон бўлади.

### **Икки марказли дискриминация.**

Бир-бирига яқин жойлашган, иккита теккизишдан биртасини айтиш қобилияти, периферик нервнинг, орқа мия орқа устунларининг, ҳамда бош миянинг шикастланиш натижаси бўлиши мумкин. Бу сезгини аниқлаш учун иккита бўлинган ўтмас нуқта ёки очилган симли қисқич (скрепка) ишлатилиши мумкин. Лабга яқинлиги тахминан 1мм.ни, кўрсаткич бармоғининг учига 3-5 мм.ни, орқада эса бир неччи сантиметр масофани ташкил этади. Иккита бўлинган нуқта терига бир вақтнинг ўзида бир хил босим билан жойлаштирилган. Кўрстагич бармоқда сезги тўлиқсиз бўлган бир вақтнинг ўзида, ораси 5мм иккига бўлинган масофани ташкил этган нуқта босимини бемор бирта нуқтага босилгани каби ҳис қилади, 9-10



мм.гача оралиқ масофа билан босилса ҳам, худди бирнуқтага босилгани каби сезилади, аммо шу вақтнинг ўзида меъёрда бўлган томонда 3 мм масофа оралиғида шу синов ўтказилса бемор босим нуқталарини алоҳида аниқлай олади. Беморнинг носоғлом томонига баъзи бир нуқтага босилган штрихлар ҳам бемор томонидан иккита нуқтага босилгани каби қабул қилинади.

#### БИР ВАҚТНИНГ ЎЗИДА ИККИ ТОМОНЛАМА ТАЪСИР БЕРИШ.

Тананинг бир томонида ёки бир мучада сенсор сезгиларни ҳис қилмаслик бош миядаги сенсор бузилишлар ёки церебрал сенсор бузилишларнинг бир қисми ҳисобланади.

Агар масалан, беморда бошнинг тепа қисминининг ўнг соҳасида шикастланиш бўлса, унинг чап томонидаги сенсор сезгиларни функционал баҳолаши унча тўғри бўлмаслиги мумкин. Шунга қарамай, бир вақтнинг ўзида агар сиз, шу жойнинг ўнг ёки чап томонини тесқари юзасини, беморнинг кўзлари юмилган ҳолда, кўзғатиб, ундан тегиниш қайси томонда бўлганини сўрасангиз, у ўз навбатида “чап томонда”, деб жавоб беради, ваҳоланки кўзғатиш бир вақтнинг ўзида икки томонлама олиб борилаяпти, яъни бемор бош миянинг чап томонидан келаётган маълумотни эътиборсиз қолдираяпти. Аммо қачонки сиз унинг фақатгина чап томонини кўзғотсангиз, у ҳар доим “чап томон” эканини таъкидлайди. Худди шу тарзда, фақат ўнг томон кўзғатилса, бемор тўғри жавоб айтади. Бир вақтнинг ўзида икки томонлама кўзғатиш билан аниқланган сенсор бузилиш ягона ёки сенсор патологиясининг барвақт аниқланган белгиси бўлиши мумкин.

## 2 БОБ. Бош мия нервлари

### Бош мия нервларининг келиб чиқиши, таркибий қисмлари ва вазифалари


Расм 3.1 – бош мия устунининг схематик кўриниши бўлиб, унда бош мия нервларининг ҳаракат ва парасимпатик ядролари ўнгда, соматосенсор ва махсус сенсорли ядролар чап томонда кўрсатилган. Латерал кўринишда ҳаракат ва парасимпатик ядроларнинг анатомик нисбати кўрсатилган, шунингдек, соматосенсор ва махсус сезги ядролари, навбат билан 3.2 ва 3.3 – расмларда берилган.

Бош мия нервларининг бошланиши, таркиби ва вазифалари 3.1 – жадвалда келтирилган. Бош мия устунидан, уларнинг функционал таркибидан, бошидан ва охиридан бошлаб, барча 12 бош мия нервларининг чиқишлари ҳақида умумий маълумот берилган. Барча 12 бош мия нервлари 1 (ҳид билиш нерви)дан 12 (тил ости нерви)гача расмда кўриш мумкин; шунинг ёдда тутиш керакки, иккинчи бош мия нерви – кўриш нерви аслида периферик нерв эмас, балки марказий нерв тизимининг бир бўлагидир.


Эслатиб ўтамиз, орқа мия нерв толаларини соматик афферент, соматик эфферент, вегетатив афферент ва вегетатив эфферент тарзда таснифлаш мумкин. Бош мия нерв толаларини таснифлаш икки сабабга кўра анча мураккабдир. Айрим бош мия нерв толалари махсус сезгир толалар (кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид сезиш)турига киради. Бундан ташқари, эфферент бош мия толаларининг айримлари ядроли ҳудудларда пайдо бўлади, улар эмбриологик равишда жабра равоқларида ҳосил бўлади; бу толалар жабра мушакларини иннервация қилади. Натижада, бош мия нерв толаларининг етти таснифи қуйидагича:

- *Соматик афферент толалар (оғриқ, ҳарорат, босим ва рецепторлардан теридаги ва бўғинлардаги проприоцептив туйғулар ва ҳоказо)*
- *Ички органлардан импульслар (оғриқ) олиб борадиган вегетатив афферент толалар (ёки миқдорли равишда висцерал эфферентли толалар)*
- *Махсус рецепторлардан (кўз, қулоқдан) импульсларни етказадиган махсус соматик эфферентли толалар*
- *Таъм билиш ва ҳид билиш билан боғлиқ импульсларни етказиб берувчи махсус висцерал эфферентли толалар*
- *Скелет мушакларига (кўзни ҳаракатлантирувчи, блокловчи, чекинувчи, тил ости нервлари) ҳаракат импульсларини олиб борувчи умумий соматик эфферентли толалар*





**3.2.расм. Ҳаракатланттирувчи ва парасимпатик бош мия нервларининг ядролари, ён томондан кўриниши (схематик расм)**




3.3.расм. Бош мия нервларининг соматосенсор ва махсус сенсор сезувчи ядролари, ён томондан кўриниши (схематик расм)

### 3.1. Жадвал . Бош мия нервлари

Бош мия нерви	Ҳаракат иннервациясига эга	Сенсорли қирув йўли	Автоном компонент	Бош мия устуни ядролари
I –қидлов нерви	-	Қидлов эпителийсининг биполяр сенсор хужайралари	-	-
II – кўрув нерви	-	Кўз тўр пардаси ганглионар аксонлари	-	Таламус Ўрта мия


III – кўзни харакатлантиру вчи нерв	Юқори қовокни кўтарувчи мушак. Юқори тўғри мушак. Медиал тўғри мушак Пастки тўғри мушак Пастки қийшиқ мушак	-	Гавҳар сфинктерига келувчи преганглионар парасимпатик толалар (торайиш ва аккомадация)	Эдингер- Вестфаль парасимпатик ядролари. Ҳаракат, кўзни харакатлантирув чи ядролар
IV – ғалтак нерви	Юқори қийшиқ мушак	-	-	Кўприк
V– уч шохли нерви	Чайнов мушаклари. Ноғора пардани тарангловчи мушак	Оғиз, бурун бўшлиғи шиллик қаватлари ва бурун атрофи синуслари. Бош ва юз териси	Цилиар, канот- танглай, қулоқ ва жағ ости ганглийлари	Кўприкдаги мотор ядролар. Кўприк, бош мия устунни ва орқа мия орқа шохларидаги сенсор ядролар
VI– узоклаштирувчи нерв	Латерал тўғри мушак	-	-	Кўприк ва узунчоқ миянинг бирикиш соҳаси
VII – юз нерви	Мимик мушаклар. Ички қулоқ узангича мушаги	Тилнинг олдинги 3/2 қисмининг таъм билувчи рецепторлари . Ташқи қулоқ сезувчи толалари	Тил ости ва жағ ости сўлак безларига, кўз ёш безига ва бурун шиллик қаватига борувчи парасимпатик секретловчи ва ҳаракат толалари	Кўприкдаги мотор ядролар. Узунчоқ миядаги сенсор ядролар
VIII – Дахлиз-чиғаноқ нерви	-	-	-	Узунчоқ миядаги чиғаноқ ядролари. Узунчоқ ва кўприкдаги вестибуляр ядролар
IX- тил-ҳалқум нерви	Бигиз-ҳалқум мушаги	Ҳалқум ва тилнинг орқа 1/3 қисми	Қулоқ олди безига парасимпатик секретор ва ҳаракатлантиру	Узунчоқ мияда ҳаракатлантирув чи ядро. Кўприкдаги парасимпатик

			вчи толалар	ядро
X- адашган нерв	Нутк учун иштирок этадиган ҳикилдоқ, ҳалқум ва танглай мушаклари	Ҳикилдоқ. Ташқи эшитув йўлининг бир қисми. Ошқозон-ичак, ўпка, юрак ва аорта равоғидан висцерал-сезги кирувчи йўли	Бронхларнинг, брохиолалар, жигар, сийдик пуфаги, меъда ости бези, ошқозон, ичак перистальтикаси ва буйракларнинг парасимпатик иннервацияси	Узунчоқ миядаги ҳаракатлантирувчи, сезувчи ва парасимпатик ядролар
XI- қўшимча нерв	Бош мия илдизчалари: ҳикилдоқ, ҳалқум ва танглай мушаклари. Орқа мия илдизчалари: трапециясимон ва тўш-ўмров-сўрғичсимон мушаклар	-		Узунчоқ миядаги калла илдизчаси. Орқа миядаги орқа мия илдизчаси
XII- тил ости нерви	Тил мушаклари	-	-	Узунчоқ мия



**3.4.расм. Бош мия нервлари: бош мия устунидан чиқиш соҳалари, компонентлари ва иннервацияси**





**3.5 расм. Калла бўшлиғидан бош мия неврларининг чиқиш соҳалари.** Чап томонда бош мия неврларининг калла суягидан чиқиш тешиклари, ўнг томондан эса бош мия неврларининг ўзи ажратилган ҳолда кўрсатилган.

### ҲИД БИЛИШ ТИЗИМИ (I жуфт БМН)

Ҳид билиш йўли ҳид билиш бурун эпителийси, ҳид билиш ипсимон йўли (ҳид билиш нерви – I жуфт БМН), ҳидлов пиёзчаси ва йўллари, ҳамда, мия пўстлоғидан (paleocortex), чакка бўлагидан олдинги перфорал субстанция бўйлаб медиал юзадан пешона бўлагиданиборат. Ҳидлов эпителийси ҳар бир бурун бўшлиғининг юқори қисмида 2 та 2 см лик майдонни ўз ичига қамраб олади. У хужайралар ва безларни (Боумен бези) ўз ичига қамраб олган, ҳамда, сероз суюқлигини чиқаради, бу хушбўй моддалар эритиб юборилиши эҳтимоли бўлган ҳидлов суюқлиги деб аталади. Сезувчи

хужайралар (ҳидлов хужайралари) биполяр хужайралардир, периферик ўсиқчалар ҳидлов эпителийнинг ҳидлов ипчаларида тугайди.

**Ҳидлов ипчаси ва ҳидлов пиёзчаси.** Ҳидлов хужайраларидаги марказий жараёнлар (невритлар) бирлашиб тутамларни ҳосил қилиб, ушбу тутамлар Шванн хужайраларининг пардаси билан ўраб олинган юзлаб миелинланмаган толалардан иборат. Икки томондан тахминан 20 га яқин бу иплар моҳияти жиҳатидан ҳидлов нервларини ташкил қилади. Шундай қилиб, ҳидлов нерви периферик нерв толаларидан иборат бўлиб, у ерда одатий маънода битта ҳам периферик нерв мавжуд эмас. Улар ғалвирсимон пластинканинг унча катта бўлмаган тешиклари орқали ўтиб ҳидлов пиёзчасига киради. Бу ерда ҳидлов йўлининг биринчи синапсини ҳосил қилади. Ҳидлов пиёзчаси бош мия пўстлоғида жойлашмаганлигига қарамасдан, аслида, у *telencephalon* нинг бирқисми ҳисобланиб, унинг чегарасида синапслар мажмуаси митрал, тутамли ва донадор хужайралар дендритларида шаклланган.

**Ҳидлов йўли.** Ҳидлов йўлининг биринчи нейрони биполяр ҳидлов хужайралари; иккинчи нейронлар ҳидлов пиёзчасининг митрал-тафтинг (*mitral and tufted*) хужайралари бўлиб ҳисобланади. Бу хужайралар йиғилиб ҳидлов йўлини ҳосил қилади (2-нейрон), ушбу йўл бош мия пўстлоғининг олдинги базал (орбитофронтал) соҳадан бир оз пастда жойлашган. Ҳидлов тракти олдинги тешилган субстанциянинг олд қисмида ён ва медиал ҳидлов эгатларига бўлинган бўлиб, унинг бошқа қисми ҳидлов учбурчагида тугайди, бу ҳам олдинги тешилган субстанциянинг олд қисмида жойлашган. Латерал эгатчанинг толалари оролча қобиғидан бодомсимон танага, ярим ойсимон бурма ва айлана бурмага (ноксимон олди соҳаси) боради. Бу 3-нейроннинг жойлашган жойи бўлиб, у парагипокампал бурманинг (Бродман бўйича 28-майдон бўлиб, ўз таркибида проекциянинг пўстлоқ майдонини ва ҳидлов тизимининг ассоциатив соҳаларини эгаллаб олган) олдинги соҳасини эгаллаган. Медиал эгат толалари тўсиқ соҳа ядроларида (*septal*), қадоқсимон тана тиззасининг пастида (қадоқсимон тана остида жойлашган соҳа) ва олдинги битишманинг олд қисмида тугайди. Толалар ушбу проекцион ядролардан чиқиб, қарама-қарши ярим шарга лимбик тизимга боради. Ҳидлов йўли ягона сенсор йўл бўлиб, таламус орқали ўтмасдан бош мия пўстлоғига боради. Унинг марказий бирикмалари жуда мураккаб ва ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаган.

**Ҳидлов тизими мианинг бошқа соҳалари билан боғлиқлиги.**

Иштаҳали хушбўй ҳид иштаҳани кўзғатади ва рефлектор сўлак ажралишни чақиради, ўз навбатида нохуш ҳид кўнгил айниш ва қусиш ҳиссини уйғотади. Бу жараёнлар қуйидаги ҳиссиётларни ўз ичига олади: баъзи ҳидлар ёқимли, бошқалари эса ёқимсиз. Бу ҳиссиётлар эҳтимол ҳидлов системасининг гипоталамус, таламус ва лимбик тизим бирикмалари орқали амалга оширилади. Унинг бошқа бирикмалари орасида тўсиқ соҳа бўлиб, у ассоциатив толаларни камар бурмага юборади. Ҳидлов тизимининг вегетатив соҳалар билан асосий бирикмаси бу олд миянинг медиал боғланмаси ва мия таламусининг пластинкаси ҳисобланади (*striae medullares thalami*). Олд мия медиал тугами латерал йўналишда гипоталамус орқали ўтади ва гипоталамус ядроларида шохлар беради. Унинг баъзи бир толалари вегетатив ядроларга тугаш учунбош мия устунига қараб давом этади. Бундай вегетатив ядроларга ретикуляр формация, сўлак ядролари ва адашган нервнинг орқа ядроси киради. Таламуснинг мия пластинкалари юган ядроларида тугайди (*habenula*). Бу йўл юган ядроларидан ретикуляр формация устунига қараб давом этади (*habenula*).

**Ҳидлов тизимининг бузилиши** миқдор ёки сифат бўйича тавсифланади. Миқдор бўйича ҳидлов тизимининг бузилиши гипосмия (ҳид билишнинг пасайиши) ва аносмия (ҳид билишнинг йўқолиши)ни ўз ичига олади. Улар, ёки периферик ҳидлов нервнинг зарарланиши, яъни ҳидлов толалари (масалан, тумов, ғалвирсимон пластинкадаги толаларнинг шикастланиши, ёки дориларнинг ножўя таъсирида) ёки ҳидлов пиёзчаси ва/ёки трактида (ҳидлов эгати мнингюмаси) иккинчи нейроннинг марказий зарарланиши оқибатида юзага келади. Ҳид билишнинг сифат бузилишига парасмия деб номланиб, у ёқимсиз каосмия (фекал ҳид), ёки гиперсмия (аномал кучли ҳид)дан иборат бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар марказий дисфункция натижасида юзага келиб, чакка эпилепсиясининг даракчилари бўлиши мумкин.

### **Текшириш.**

Кўп ҳолларда шифокорлар эътиборсизликлари туфайли тўғри ташхис қўя олмайдилар. Улар асаб тизимининг бошқа қисмларини синчковлик билан текшириб, таъм ва ҳидни аниқлаш учун ўтказиладиган синамаларга эътиборсизлик билан ёндашадилар.

### **Ҳид билиш синамалари.**

Текшириладиган объект муҳим аҳамиятга эга. Бурун шиллик қаватига акс таъсир кўрсатадиган (масалан, аммиак) моддаларни ишлатманг. Гранулали кофе, ялпиз ёғи ва камфара ёғини ишлатиш мақсадга мувофиқ. Бемордан кўзларини юмишини сўранг. Тажриба моддасини унинг бурнига

яқинлаштиринг ва узоқлаштиринг. Бемор бирор нарсани сезиши билан сизга маълум қилишини олдиндан сўранг. Мақсад, тажриба моддасини бемор бурнига яқинлаштирилганда сезишини билишдан иборат. Бемор тажриба моддасининг бор ёки йўқлигини сеза оладими? Тажриба моддасининг номи аҳамиятга эга эмас. Кўпчилик туйилган кофе, ялпиз ва камфорани ҳиди орқали аниқлай олмайди, ҳолбуки, ҳар бир инсон бу моддаларни ҳиди орқали ажрата олади. Бундан ташқари, атроф-муҳит текшириладиган моддага нисбатан муҳимроқдир, яъни шифохонадаги деярли барча текширувчилар ялпизни ёқимсиз деб таъкидлашади ва уни тиббиётга таалуқли ҳидлар билан боғлиқ деб қабул қилишади. Аммо, айнан шу ҳид ширинлик дўқонида ёқимли деб ҳисобланади.

### **Агар аносмия аниқланган бўлса, унинг сабаби интраназалми ёки интракраниалми?**

Шамоллаш, аллергия ринит, полиноз – булар ҳаммаси ҳидлов тизимини вақтинчалик пасайтиради. Ишонч ҳосил қилиш учун беморни қайта текшириб кўринг.

Икки томонлама аносмиyani аниқлаш жуда осон. Шу билан бирга, ҳаво бурун йўлакларида шу даражада тез тарқаладики, баъзан бир томонлама аносмия эмаслигини аниқлаш жуда қийин кечади. Кўп ҳолларда ҳидлов тизимининг бузилишига бошдан жароҳат олиш ҳисобланади. Бу ерда бурун шиллиқ қаватидан бошлаб ғалвирсимон пластинкадан ва ғалвирсимон суякдан ўтиб калла суягига кирадиган, ҳидлов пиёзчасига келиб қўшиладиган 20 нерв толаларининг зарарланишини айтиш мумкин. Бу “нервлар” пешона ёки орқа бош суяги жароҳат олганда ғалвирсимон пластинканинг синмасидан ҳам узилиши мумкин. (ҳолбуки, ҳидлов толаларининг сенсор хужайралари миелинашмаган, чунки улар нервлар эмас ва регенерация хусусиятига эга эмас.)Аносмия ҳар доим мавжуд.Бемор таъм билиш хусусиятини йўқотганлиги ҳақида шикоят қилди (биз таъм деб атайдиган кўп хусусиятлар аслида ҳид билиш), ва у хавф остида, чунки тутун, газ ёки чириш ҳидларини сезмайди. Ҳаётимиздаги асосий лазатлардан бири (овқат, ичимлик ва атир ҳидларини сезиш қобилияти)ни шунга ўхшаш беморлар абадий йўқотадилар. Олд ўйиқчаларнинг шишганлиги, менингиома, бош суяги ичи ва бурун-халқум метастазаси, саратон – кўп ҳолларда ҳидлов қобилиятининг йўқолишига сабаб бўлади. Пешона қисмида ўзгаришлар кўзнинг кўрмаслиги ёки кўз нерви дискининг шишишига олиб келиши мумкин. Сурункали аносмия билан оғриган бемор учун ҳидлов менингиомаси кўз нерви дискининг шишиши ва бошқа аномалиялароқибатида тушуниш мумкин. Ҳидлов синовдан ўтказилмагунча ташхис ноаниқлигича қолаверади.

**Деменция**, қарилық ва марказий нерв системасының саркоидозы аносмияны келтириб чиқариши мумкин. Ұзун кеч намоён қилган ушбу касалық бошидан жароҳатланган беморларга ташхис қўйыш учун уларның шикоятидан қатъий назар ҳидлов қобилияти текширилади.

Ёқимсиз ҳид асосида бўлган сурункали ўзгаришлар жуда кўп тарқалган шикоятлар турига киради ва баъзида тушнарсыз ҳисобланади. Қалта, кучли, қайтарувчан, беморга таниш, лекин у тушунтира олмайдиган ёқимсиз ҳид – бу чакка қисмидаги ирритация белгисидир. Ҳидлов қобилиятининг йўллари paleobiologically бу асосий ва муҳим сенсор системалардан бири бўлиб, ҳеч қандай таламик боғлиқликга эга эмас. Аносмия билан оғриган деменцияли беморларга белгилари бўлсада, марказий аносмиянинг ўзи мавжуд эмас. Хаёлий аносмия билан касалланган бемор баъзида аммиак ҳидини аниқлай олади.

Бу бурунни қитиклайди, кўз ёшини чақиради ва нафас олишни тўхтатади. Қитиклаш бешинчи бош мия нерви орқали берилади. Уч шохли нервнинг бошқа функциялари учун кўрик натижалари нормал ҳисобланади. Беморнинг айтишича, унинг бурни тагида кетма-кет аралаштирилган аммиак ваоддий сувни бир биридан фарқлай олмайди. Бу органик касалық билан боғлиқ эмас.

## Кўриш тизими (II жуфт БМН)

### Кўрув йўли

Сетчатка (3.6 а-расм) бу визуал маълумотларни кўриш учун юзаки рецептор ҳисобланади. Унинг жисмоний жойлашуви четроқда бўлишига қарамасдан, у ҳам кўриш нерви каби миянинг бир қисми, ҳамда марказий нерв системасынинг бўлаги ҳисобланади. Унинг асосий таркибий қисмлари бу сенсорли рецептор хужайралар ёки фоторецепторлар, ҳамда кўриш йўлини тузувчи бир неча турдаги нейронлар ҳисобланади. Сетчатканинг энг чуқур хужайра қатлами фоторецепторлар (таёқчалар ва колбачалар)дан иборат; иккита энг юқори қатламлари эса биполяр нейронлар ва ганглиоз хужайралардан ташкил топган.

**Таёқчалар ва колбачалар.** Ёруғлик сетчаткага тушганда, у таёқчалар ва колбачаларда рўй берадиган фотокимёвий реакцияларни индукция қилади, ўз навбатида импульслар пайдо бўлиб мия пўстлогининг кўриш зоналарига тарқалади. Ўтган даврларда таёқчалар ёруғлик ва заиф нурда кўриш қобилиятига, колбачалар эса рангларни ажратиш ва ёруғ нур асосида кўриш учун жавобгар деб ҳисобланарди. Кейинги тадқиқотлар натижасида бу гипотезаларни шубҳа остига қўйди. Эҳтимол, бу жараёнларнинг асосий механизми жудаям мураккаб бўлиши мумкин. Чуқурча сетчатканинг аниқ

ва тиниқкўриш жойи ҳисобланади ва фақат колбачалардан ташкил топган бўлиб, биполяр ҳужайраларидан кейинги нерв ҳужайра қатламларига бирга бир катталиқда проекцион етказди. Сетчатканинг қолган қисми таёқчалар ва колбачалар аралашмасидан ташкил топган. Сетчаткада визуал объектнинг қабул қиладиган сурати камера пленкасидагидай тепадан-юқорига, чапдан-ўнғга қараб тесқари ўғирилган.

**Кўриш нерви, кесишма ва тракт.** Таёқчалар ва колбачалардан ретинал биполяр ҳужайралар дендритларни ҳосил қилади ва ганглиоз ҳужайраларнинг марказий қатламга импульсларни юборади. Ганглиоз ҳужайраларнинг узун аксонлари кўз нерви(диск)нинг сўрғичидан ўтиб тахминан 1 миллион толалардан иборат кўриш нерви орқали кўзни тарқ этади. Бу толаларнинг ярми тўғри бурчак остида хиазма ҳосил қилиб кесишади, қачонки ҳар бир сетчатканинг чакка ярим қисмидаги толалар кесишмайди, шу вақтда ҳар бир сетчатканинг бурун ярим қисмидаги толалар қарама-қарши томонга ўтади (3.6-расм).Шундай қилиб, кўрув нервининг кесишмасигача бўлган дистал толалар чакка қисми ярмидан ипсилатерал сетчатка, ҳамда, бурун ярим қисмидан контрлатерал сетчатка кўриш трактига бирлашган. Кўрув нервининг бир қисми кўрув трактдан ажралиб тўрт тепалик дўнглигига ва пректерал (*pretectal*) ядро томонга йўналган. Бу толалар кўрув рефлексларининг ҳар хил эфферент бўлақларини,ва асосан қорачиқнинг ёруғлик рефлексларини ташкил қилиб қуйида кўриб чиқилади.

**Ён тиззасимон таначалар, кўрув шуъласи ва кўрув пўстлоғи.** Оптик тракт олти ҳужайрали қатламдан иборат бўлган ён тиззасимон таначаларга келиб тугайди. Кўрув тракти толаларининг кўп қисми шу ерда тугаб, ён тиззасимон нейронлар билан синапс ҳосил қилади. Улар ўз навбатида ички капсуланинг орқа томонидан борадиган толаларни шакллантиради, сўнг ён қоринчанинг чакка ва энса шоқлари атрофидан ўтиб, кенг тасма, яъни кўрув шуласини ҳосил қилади. Кўрув шуласи толалари энса бўлагининг медиал юзаси ва пих эгатидан пастда (Бродманн 17 соҳа) жойлашган пўстлоқнинг кўрув зонасида тугайди. Макулудан олинган толалар кўрув пўстлоғининг энг катта майдонини эгаллайди. Соҳа 17 бошқача йўл-йўл пўстлоқ номи билан ҳам маълум. Чунки у оқ тасмадан иборат бўлган ҳошияни таркибига олиб, горизонтал кирувчи толалардан ташкил топган, уни оддий кўз билан анатомик намуналарда кўриш мумкин.

**Кўрув йўлининг соматотопик шаклланиши.** Кўрув йўлининг толалари қисман тўғри бурчак остида хиазмада кесишса-да, индивидуал нерв толаларининг тўр пардадан кўрув пўстлоғигача бўлган бутун йўл давомида соматотопик шаклланишнинг қатъий нуқтаси сақланиб қолади. Визуал ахборот қуйидагича марказдаштирилган тарзда узатилади. Чап кўрув

майдонида жойлашган объект тасвирни чап тўр парданинг бурун томони ва ўнг тўр парданинг чакка томонида намоён қилади. Тўр парданинг бурун томоничап майдонидан олинган кўрув нерви толалари кўрув кесишмасининг чап томонига узатилади, шу орқали ўнг тўр парда чакка томонидаги толаларни ўнг кўрув трактида бирлаштиради. Кейин бу толалар ўнг латерал тиззасимон тананинг ретрансляцион станциясига ўтади, ундан сўнг эса кўрув шуласи орқали ўнг энса бўлагига ўтади. Шундай қилиб, пўстлокнингўнг кўрув соҳаси чап кўрув майдонида объектларни идрок қилиш учун жавоб беради; яъни, ўнг кўрув майдони билан боғлиқ бўлган барча визуал импульслар чап кўрув тракти орқали ўтказилади ва энса бўлаги чап кўрув пўстлоғида акс эттирилади (3.6б-расм). Макулдан олинган кўрув толалари кўрув нерви дискининг чакка соҳасида ва кўрув нервининг марказий қисмида жойлашган. Бу толаларнинг жароҳатланишини офталмоскопияда диск чакка қисми атрофияси сифатида (вактинчалик рангпарлик) кўриш мумкин.


*Кўрув йўли бўйлаб жароҳатланиш*

**Кўрув нервининг жароҳатланиши.** Кўрув нерви олдинги сегментда ёки ретробульбар сегментда (яъни кўз орқасида)сўрғич соҳасида зарарланиши мумкин. Сўрғичнинг зараланиш ўчоқларини (бош мия гипертензияси ва ҳар хил метаболик бузилишлар натижасидакўрув нерви дискининг шишиши) офталмоскопияда кўриш мумкин.Кўрув нерви олд қисми кўпинча васкулит (чакка артериити) туфайли азият чекади. Ретробульбар зарарланиш тарқоқ склероз диагностикасида (ретробульбар неврит) энг аҳамиятли топилма бўлиб ҳисобланади. Бу сегментларнинг ҳар қандай жойида зарарланиши келажакда зарарланган кўзда кўриш қобилятининг ёмонлашувиға ёки йўқолишиға олиб келади. Битта кўзда кўриш қобилятининг қисқа кўринишда бузилиши, яъни бир неча сониядан бир неча дақиқагача давомийликдаги (“ўтиб кетувчи монокуляр кўрлик”), ўтиб кетувчи кўрликни юзага келиши, одатда тўр пардадаги микроэмболиянинг натижасидир. Ундай ҳолларда ички уйқу артерияси кўпинча эмболиянинг манбаси ҳисобланади. Шунинг учун уйқу артериясини стеноз борлиғига текшириш керак. Кўрув кесишмасининг зарарланиш ўчоқлари, масалан, гипофиз ўсмалари, турк эгари дўнглигининг менингиомаси ёки краниофарингиомалар, ўз навбатида хиазманинг марказий қисмидаги кесишган толаларига таъсир кўрсатади. Кўрув майдонинг чакка қисмидаги қисчман кўрлик натижасида битемпорал гемианопсия (“милтилловчи феномен”) юзага келади. Кесишманинг пастки қисмидаги толалар, одатда бундай жараёнларга биринчи бўлиб жалб қилинади. Шундай қилиб, битемпорал устки тўртбурчак гемианопсияға жуда вақтли ташхис қўйиш мумкин. Биринчи ўринда турли рангларни ажратиш ёмонлашуви мумкин. Нисбатан кам ҳолларда хиазманинг зарарланиши биназал гемианопсияға олиб келади, бунда ўсма кесишма атрофида ўсиб

уни икки томондан қисиб боради (асосан, латерал жойлашган, иккала кўзнинг бурун қисмидан таъсирни қабул қилиш учун жавоб берувчи иккала тўр парда чакка қисмларидан олинган кесишмаган толаларга таъсир қилади). Ички уйку артерия аневризмаси ва базиляр менингит ҳам гемианопсиянинг сабаби бўлиши мумкин, аммо биназал гемианопсия бундай ҳолларда алоҳида бир ўзи кам учрайди. Битемпорал ва биназал гемианопсия гетероним гемианопсиядир, чунки улар иккала кўзнинг қарма-қарши ярмига таъсир қилади: биринчи ҳолатда ўнг кўзнинг ўнг ярим майдони ва чап кўзнинг чап ярим майдони таъсир қилади, ўз навбатида кейингиси ўнг кўзнинг чап ярим майдони, чап кўзнинг эса ўнг ярим майдони таъсир қилади. Кўрув трактининг бошқа томондан зарарланиши гомоним гемианопсияга олиб келади. Бунда кўрув ярим майдони ҳар бир кўзда ўз томонида жароҳатланади. Ўнг кўрув трактининг толалари узилганда ҳар бир тўр парданинг ўнг томонидан ҳеч қандай импульс белгилари кўрув пўстлоғига етиб бормайди. Бунинг натижасида ҳар иккала кўзнинг чап кўрув майдонида кўрлик юзага келади (3.6 б ва с – расм). Оптик трактнинг жароҳатланиши ўсма ёки базиляр менингит, кам ҳолларда травма натижасида юзага келади. Модомики, кўрув трактининг зарарланиши кўрув нервнинг толалари ва тўрт тепалик дўнглиги юқорисидаги ядроларга ҳам таъсир кўрсатганлиги туфайли, ўз навбатида жароҳат томонига нисбатан тўр парда ипсилатерал томонига тушаётган ёруғликка жавобан қорачиқ-ёруғлик рефлексини пасайтиради. Назарий жиҳатдан бу рефлексдан кўрув йўллариининг жароҳатланишини кўрув йўлидан нисбатан дистал жойлашган зарарланишларни фарқлаш учун фойдаланилади. Аммо амалиётда эса ёруғликни тўр парданинг фақатгина битта ярмига локал йўналтириш жуда ҳам қийинлиги туфайли, ушбу синама клиник ташхисотда қўлланилмайди.

**Кўрув шуъласининг зарарланиши.** Кўрув шуъласининг проксимал қисмидаги зарарланиши гомонимли гемианопсияни келтириб чиқаради, қайси-ки бу зарарланиш тўлиқ эмас, чунки, кўрув шуъласининг толалари улкан майдон бўйлаб тарқалган (3.6-расм). Гомонимли юқори тўртбурчакли гемианопсия олд чакка қисмининг зарарланишини ҳисобга олади, ҳамда Мейер илмоғи деб ном олган кўрув шуъласининг бир қисмини ўз ичига олади. Гомонимли пастки тўртбурчакли гемианопсия кўрув шуъласининг эса ва чакка қисмидаги зарарланишини билдиради.







3.6. расм. Кўрув нерви ва унинг ўтказувчи йўли. а.тўр парда таркиби. б.ўтказувчи йўли ва зарарланиш соҳалари в. кўрув майдонининг нуқсонлари

### Кўзнинг ҳаракатланиши (III, IV ва VI жуфт БМН)

Учта калла нерви кўз мушакларини иннервация қилади: кўзни ҳаракатлантирувчи нерв (III БМН), ғалтак нерви (III БМН) ва узоқлаштирувчи нерв (VI БМН) (3.8, 3.9 расм). Кўзни ҳаракатлантирувчи ва ғалтак нервларининг ўзақлари ўрта миёда *tegmentum*, ўз навбатида узоқлаштирувчи нервнинг ўзаги тўртинчи қоринча асосида ётувчи кўприк копқоғининг бир қисмида жойлашган.



3.8.расм. Ташки кўз мушаклари: ён томондаш кўриниши



### 3.9.расм. Ташқи кўз мушаклари: орқа томондаш кўриниши

Ушбу бобда кўз ҳаракатларини муҳокама қилиш нисбатан осон, чунки битта кўзнинг ҳаракатига юқорида санаб ўтилган учта нерв иштирок этади. Кўзнинг ҳаракатлари бир бирига боғланган бўлиб, битта йўналишда синхрон ишлайди (асосан горизонтал ёки вертикал) ва мушакларнинг ишлаши иккала кўзда баравар бўлади. Бир бирига боғлиқ бўлган горизонтал ҳаракатлар, иккала кўз тўғри чизиқга нисбатан қарама қарши томонга ҳаракатланади: биринчи кўз медиал, иккинчиси эса латерал ҳаракатланади. Кўз олмаларининг жуфт ҳаракатланиши кўзларнинг икки томондан ҳаракатга келтирувчи ядроларининг аниқ координацияланган ва иннервацияланган ҳаракатидир. Бундай ҳаракатларни амалга ошириш учун мураккаб марказий нерв бирикмаларини кейинги бобда кўриб чиқилади. Ниҳоят, мушакларни иннервация қиладиган нервлар бир қатор рефлексларда иштирок этади, булар: акомодация, конвергенция, корачикнинг нурга нисбатан реакцияси ва кўриш рефлексининг химояси.

### Кўзни ҳаракатлантирувчи нерв (III жуфт БМН)

Кўзни ҳаракатлантирувчи нервларнинг ядролари тўрт тепалик дўнглиги билан бир текисликда сув йўлини ўраб олган кулранг моддадан қисман олдинда жойлашган. Бу соҳа иккита асосий таркибдан иборат: (1) интраокуляр мушакларни иннервация қилувчи (сфинктер мушаклари *pirillae* ва қилиар мушаклар) медиал парасимпатик ядро, ядро деб аталувчи *Edinger-Westphal* (ёки қўшимча вегетатив ядролар), ва (2) кўз олмасининг олтига мушагидан тўрттаси учун латерал йўналишда жойлашган янада каттароқ ядровий комплекс (тепадаги, пастдаги, медиал тўғри мушак ва пастки қийшиқ мушак). Шунингдек, маймунсимон кўзни ҳаракатлантирувчи ядро комплексининг кўз қовоқлари мушаклари (*palpebrae*) (Уорвик диаграммасига қаранг) учун ҳам кичик ядро зонаси мавжуд. Шу ядро соҳаларидан чиқадиган илдизча ҳаракатлантирувчи толалари парасимпатик толалар билан бирга вентрал ўтган. Уларнинг баъзилари ўрта чизиқни кесиб ўтади (юқори тўғри мушак учун барча толалар ўрта чизиқни кесиб ўтади). Бирлаштирилган ҳаракатлантирувчи ва парасимпатиктолалар қизил ядрони четлаб ўтади ва оёқча оралиғи чуқурчасидаги латерал деворнинг пастки бўлимларига боради. Кўзни ҳаракатлантирувчи нерв аввал юқори мияча ва орқа мияча артериясининг орқасидан ўтади ва тенториал четга зич ёпишиб миянинг қаттиқ пўстлоғига киради, форсимон йўлакчалардан ўтиб юқори кўз ёригидан кўз косасига киради. Парасимпатик нерв шохларининг бир қисми шу жойдан киприк тугунларига қараб йўналган, преганглионар толалар тугаган жойда, ганглиоз хужайралар калта постганглионар толаларни бериб ички кўз мушакларини иннервация қилади. Кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг

соматик мотор толалари икки шохга бўлинган: қовоқни ва юқори тўғри мушакниқўтарадиган юқори шох, ҳамда, медиал тўғри пастки ва пастки қийшиқ мушакни иннервация қиладиган пастки шох.

### **Ғалтак нерви (IV жуфт БМН)**

Тўртинчи калла нервнинг ядроси кулранг моддадаги сув йўлидан олдинроқда, кўзни ҳаракатлантирувчи нерви ядро комплексининг пасткида, ҳамда, тўрт тепаликнинг пастки дўнглиги билан бир текисда жойлашган. Ички илдизча нервлари кулранг модданинг ташқи бўлимларини четлаб ўтади ва миянинг юқори елкани билан кесишади. Кейин ғалтак нерви бош миянинг устундаги дорсал юзаликдан чиқади (бу шу ишни қиладиган ягона калла нерви), ўрта мияни пастки дўнгликлар тагидан тарк этади. Унинг кейинги йўли ён томондан церебрал оёқчалар атрофидан айланиб, мия устунининг вентрал юзаси томон йўналганва кўзни ҳаракатлантирувчи нерв билан бирга кўз косасининг юқори қисмидаги тешигидан орбитага келиб тақалади. У юқори қийшиқ мушакни иннервация қилади. Бу мушакнинг ҳаракати кўз олмасини сал четлатиб (ички айланиш) пастга ва юқорига ҳаракатланишига ёрдам беради.

### **Узоқлаштирувчи нерв (VI жуфт БМН)**

Олтинчи калла нервнинг ядроси кўприк қопқоғининг каудал бўлимида тўртинчи қоринчанинг тагида жойлашган. Еттинчи калла нерви илдизчасининг толалари (юз нерви) узоқлаштирувчи нерв ядроси ва тўртинчи қоринча оралиғидан ўтади. Узоқлаштирувчи нерв илдизчасининг толалари кўприкнинг асосига қараб боради ва узунчоқ мия ва кўприкнинг боғланган соҳасидаги мия устунидан нерв бўлиб чиқади. Кейин узоқлаштирувчи нерв кўприкнинг вентрал қисмидан, базиляр артериядан олдинроқда, миянинг қаттиқ пўстлоғини тешиб ўтади ва каверноз синусда иккита қолган ҳаракатлантирувчи нервлар билан бирлашади. Синусда учинчи, тўртинчи, олтинчи калла нервлари уч шохли нервнинг биринчи ва иккинчи тутамлари биланва ички уйқу артерияси билан яқин боғланган. Ундан ташқари, ғорсимон халтачаларда нервлар фонасимон ғалвирли халтачаларнинг юқори ва ён қисмига жуда яқин жойлашган. 3.10-расмда кўз мушакларининг олтига диагностик нигоҳ йўналишлари тасвирланган. 3.11-расмда кўз ҳаракатини шакллантирувчи учта нервнинг фалажланиши оқибатида кўзнинг аномал ҳолати ва диплопия турлари кўрсатилган.

### **Кўз мушакларининг парези.**

Кўз олмасининг бир ёки бир нечта мушакларининг ҳолсизлиги зарарланган кўзнинг ҳаракатини ёмонлаштиради ва маълум бир йўналишга ёки йўналишларга қараш қобилятини чеклайди. Корнеал тест рефлексидан имтиҳон олувчи кўз олдидаги ўрта чизикдаги нуқтавий тегинишдан

бошлаб иккала роговицанинг пирпираш рефлексини белгилайди. Кўпинча кўзнинг тинч турган пайтида кўриш ўқи сал пал оғанида мўътадил асимметрия кўриниб қолади. Агар беморнинг ғилай кўзи йўналган томондаги тасвирга ўзи ҳам қараса, шунда иккала кўзда кўринаётган тасвир бир хил бўлиб яхлит тасвирга айланади. Ва шу ҳолатнинг тескариси, тасвирни қарама-қарши томонга, яъни сусайган мушак кўзни бурмоқчи бўлса тасвир иккига бўлинади (3.10-расм). Кўзнинг горизонтал ҳолатдаги оғиши бу - эзотропия (*esotropia*) (ичкарига оғиш), экзотропия (*exotropia*) – бу кўзнинг бир биридан узоқлашувчи ғилайлик (ташқи оғиш) дейилса, вертикал оғишларга гипертропия ва гипотропия (юқорига ва пастга оғиш) дейилади. Ядродаги бирор бош мия нервларининг зарарланиши кўз косасининг ҳаракатига тахминан худди шундай етишмовчилик, яъни периферик нерв системасининг зарарланиши таъсир кўрсатади. Ядровий зарарланишлар одатда зарарланган ядро атрофидаги мия устунлари тузилмаларига зарар етказилиши билан кўшимча етишмовчилиги туфайли нерв устунларининг зарарланиши клиник жиҳатдан фарқланиши мумкин.

### **Кўз ҳаракатлантирувчи нерв фалажи.**

Кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг тўлиқ фалажи қуйидаги клиник симптомлар йиғиндисига олиб келади (3.10. расм): юқори қовоқни кўтарувчи мушакнинг фалажи ва юз нерви томонидан иннервацияланадиган кўзнинг айлана мушагининг қаршилигига учрамаганлиги туфайли юзага келадиган протоз (пешона мушагининг қисилиши туфайли қовоқ бироз очилиши мумкин). Пастга ва ташқарига қараганда, ташқи тўғри мушак ва пастки қийшиқ мушак (бевосита VI и IV жуфт БМН иннервациялайдиган) қисқарганда, қаршиликка дуч келмаган ҳолда кўзнинг фиксацияланган ҳолати. Қорачиқ дилатацияси, pupillae сфинктери мушаклари қисқаришининг йўқолишидан юзага келади. Бу мушак кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг парасимпатик қисми томонидан иннервация қилинади; қорачиқ рефлексларининг йўқолиши (бир вақтнинг ўзида цилиар мушакларнинг фалажи туфайли). Интраокуляр, яъни сфинктер pupillae мушаги ва цилиар мушакларнинг изоляциялашган фалажи, **ички офтальмоплегия** дейилади. Кўз олмаси тўлиқ мобиллигини сақлаб қолади, аммо қорачиқ (pupil)нинг абсолют фалажи юзага келади, яъни қорачиқнинг ёруғликка тўғри ва ҳамкор рефлекслари ва аккомадациянинг йўқолиши кўрув ўткирлигининг хиралашувига олиб келади. Ички офтальмоплегия кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг танлаб фақатгина парасимпатик толаларини жароҳатланишига асосланган. Кўз олмасининг ҳаракати чегараланган, аммо кўзнинг вегетатив (парасимпатик) иннервацияси сақланган пайтда ташқи офтальмоплегия дейилади. Кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг фалажи, барча кўзнинг ҳаракатига таъсир қилувчи мушаклар (узоқлаштирувчи нервнинг фалажи нисбатан кўпроқ учрайди ва 40-50% атрофида) фалажлигининг 30% ини


ташқил қилади. Птоз кўпинча кўзни ҳаракатлантирувчи нервни ўзининг периферик зарарланишида учрайди, кам ҳолларда бош мия устундаги шу нервга таалуқли ўзаклар мажмуасининг зарарланишидан кейин юзага келади. Кўзни ҳаракатлантирувчи нерв бош мия устундан чиққандан сўнг, қорачиқни ҳаракатлантирувчи (pupillomotor) толалар нервнинг ташқи томонидан, бевосита эпиневррий остида жойлашади ва шундан келиб чиққан ҳолда, улар нервнинг бошқа толаларига нисбатан травма, ўсма ёки аневризма таъсирида тез жароҳатланишига мойилдирлар. Шу сабаб туфайли ҳам pupillomotor толалар кам ҳолларда қон-томир зарарланишлари оқибатида азият чекади. Бундан ташқари, кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг изоляциялашган фалажига нисбатан кўпроқ аневризмалар (30% атрофида), ўсмалар (15% атрофида) ва томир жароҳатлари (шу билан бирга қандли диабет ҳам, тахминан 15-20%) сабаб бўлади.

### **Ғалтак нерви фалажи**

Ғалтак нерви юқори қийшиқ мушакни фалажлантиради. Зарарланган кўз юқорига ва бироз ичкарига қараб оғади, яъни медиал соғлом кўз томонга (3.10 расм). Бемор пастга ва ичкарига қарашга ҳаракат қилганда, кўз олмасининг оғиши янада яққол ифодаланиб, диплопия эса яхшироқ намоён бўлади. Оғиш кўришнинг бошқа усули бу – зарарланган кўзни юқорига ва ичкарига ҳаракатлантириш, диплопияни юзага келтириш учун эса бемор соғлом кўзи билан нигоҳини объектга фиксация қилган ҳолда беморнинг бошини касал томонга қараб эгилтириш керак (Биельшовский (Bielschowsky) тести). Ғалтак нерви фалажининг сабаларига травмалар (30–60% ҳолларда), қон томир жароҳатлари ва ўсмалар сабаб бўлади.

### **Узоқлаштирувчи нерв фалажи.**

Ташқи латерал мушак фалажланганлиги учун зарарланган кўз тўғрига қараганда, ичкарига қараб силжиган бўлад. Ички ғилайликни яқинлаштирувчи ғилайлик ҳам деб аталади. Бурун томонга қараганда, пастки қийшиқ мушакнинг таъсири устунлик қилганлиги туфайли фалажланган кўз юқорига ва ичкарига қайрилади. Узоқлаштирувчи нервнинг фалажи, одатда изоляцияланган топилма бўлиб, кўпинча ўсмалар ёки томир зарарланиши натижасида келиб чиқади. Барча бош мия нервлари орасида узоқлаштирувчи нерв энг узун ўтказувчи йўлга эга бўлиб, субарахноидал бўшлиққача давом этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, узоқлаштирувчи нерв фалажи менингит ва субарахноидал қон қуйилишидан кейин ҳамда калла ичи босимининг кўтарилиши (калла ичи гипертензияси) натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Узоқлаштирувчи нервнинг бир томонлама фалажи умумий калла ичи гипертензияси асосида кузатилиб, латеризация белгиси бўлиши шарт эмас. Узоқлаштирувчи нерв фалажи баъзан люмбал пункциядан кейин кузатиладиган вақтинчалик калла ичи босимининг бузилиш оқибатида ҳам кузатилиши мумкин.



**3.10. расм.** Олтига диагностик ҳолатда кўз олмасининг туриш диаграммаси, бунда битта ёки бир нечта кўзнинг ташқи мушакларининг суствлиги осон аниқланади

**Кўзларнинг ҳамкор ҳаракати.**

Иккала кўзнинг тўр пардаларига тасвирнинг аниқ кўринишини таъминлаш учун бир вақтнинг ўзида кўз мушакларининг бир хил ҳаракати талаб этилади. Иккала кўзнинг агонист ва антагонист мушакларининг бир хил иннервация қилиниши талаб қилинади (Геринг қонуни - *Hering's law*), агонистнинг ҳар бир қисқариши шунга мос антагонистнинг бўшашига оиб келади (Шеррингтон қонуни - *Sherrington's law*). Иккала кўзнинг бир томонга бирлашган мос ҳаракатлари конвергенция (лотин тилида “turning” – “айланиш”), шу пайтда кўзларнинг бир бирига қарама қарши томонларга ҳаракатланиши дивергенция (конвергенция ёки дивергенция) деб аталади. Битта кўзнинг ҳаракати *duction* ёки *torsion* ёки айланиш дейилади (айланма ҳаракат).

**Горизонтал ва вертикал нигоҳ.**

Бирлашган горизонтал нигоҳ. Кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг марказий ядро реле системаси ретикуляр формавий кўприкнинг ўрта қисмида жойлашган (PPRF ёки “нигоҳнинг кўприк маркази” НКМ), у узоқлаштирувчи нерв ядроси ёнида жойлашган. PPRF (НКМ) ҳамкор горизонтал нигоҳни амалга оширишга иштирок этувчи барча нерв боғланишлар келиб чиқишининг бошланиши ҳисобланади, асосан узоқлаштирувчи нервнинг ипсилатерал ядросини ва кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг медиал тўғри мушакларни иннервация қиладиган контрлатерал ядросини бирлаштирувчи толалар иштирок этади. Бу толалар трактнинг оқ моддасида икки томонлама ўрта чизик бўйлаб мия устунидан кўтариладиган ва пастга тушадиган медиал бўйлама тутамни (МБТ) шакллантиради. Ўрта миядан орқа миягача бўйин бўлими бўйлаб чўзилган МБТ мушакларни иннервация қиладиган алоҳида ядроларни бир бири билан боғлаш учун хизмат қилади (3.11-расм). У яна бўйин бўлимидаги орқа миядан (олдин ва орқа бўйин мускулатуралари), вестибуляр ядролардан, базал ганглиялардан ва бош мия пўстлоғидан импульсларни етказди.

### **Ҳамкор горизонтал нигоҳнинг бузилиши.**

Агар (масалан) чап томондаги медиал бўйлама тутам зарарланган бўлса, ҳамкор нигоҳ ўнг томонга ташлашга ҳаракат қилинса беморнинг чап медиал тўғри мушаги бошқа активлашмайди ва чап кўз ҳаракати орқага қолади, яъни медиал ҳеч қандай ҳаракатни амалга оширмайди, фақатгина ўрта чизик бўйлаб ҳаракатланади. Шу вақтнинг ўзида ўнг узоқлаштирувчи нервга ёрдамчи бўлиб ўнг томонга ҳаракатни амалга оширадиган (олиб қочиш) монокуляр нистагм ўнг кўздакўринади. Бундай натижаларнинг бирлашмаси ядролар ўртасидаги офтальмоплегия деб аталади (3.12-расм). Шунини аниқ билиш керакки, ядролар ўртасидаги офтальмоплегия ўз ичига на ядровий, на кўз мушагининг периферик параличини қамраб олади: беморни ҳозир тасвирланганидек чап медиал тўғри мушаги иккала кўзнинг конвергенцияси учун нормал ҳолатда қисқаради. Аввал айтиб ўтилганидек, медиал бўйлама тутам ўрта чизик ёнида жойлашган; аслида иккала медиал бўйлама тутам бир-бирига яқин жойлашган бўлиб, уларнинг зарарланиши қоида бўйича икки томонламадир. Шундай қилиб, юқорида келтирилган натижаларга кўра ядролар ўртасидаги офтальмоплегия, қоидага асосан, нигоҳни турли йўналишга қаратишга ҳаракат қилишини кўриб чиқилади: кўзни узоқлаштириш ўрта чизикга нисбатан медиалдан ошмайди, шу вақтда узоқлаштирилган кўзда нистагм пайдо бўлади. Кўзнинг барча қолган ҳаракатлари тўлиқ ҳажмда ва зарарланмаган, шу қаторда қорачиқ рефлекси ҳам ўзгаришсиз. Тарқоқ склероз ядролар оар офтальмоплегиянинг энг кўп учрайдиган сабаби бўлиб ҳисобланади.



Бошқа турдаги касалликлар, шу билан бирга энцефалит ва томир бузилишлари (кекса ёшдаги беморларда) ҳам сабаб бўлиши мумкин.














### **Ҳамкор вертикал нигоҳ.**

Вертикал нигоҳ маркази ўрта мия ретикуляр формациясининг ростродорсал (*rostradorsal*) қисмида жойлашган бўлиб (3.11-расм), бир қатор махсус ўзаклардан ташкил топган: нигоҳни юқорига қаратиш учун учинчи қоринча орқа деворидаги *prestitial* ядро; нигоҳни пастга қаратиш учун орқа битишма ядроси; ва ҳамкор айлантирувчи ҳаракатларни амалга ошириш учун Кахалнинг (*Cajal*) интерстициал ядроси ва Даршкевич (*Darkschewitsch*) ядроси.


### **Нигоҳнинг бошқа ҳамкор марказлари.**

Нигоҳнинг вертикал ҳаракатлари тўрт теппалик юқори дўмбоғи олдинги четида жойлашган нейронлардан импульсларни ишлаб чиқаради. Шу соҳага таъсир кўрсатадиган муаммолар нигоҳнинг юқорига қараш фалажига олиб келади (Парино синдроми) (*Parinaud syndrome*). Энга қисмида пайдо бўладиган импульслар ҳам кўзнинг ҳамкор латерал ҳаракатини бошқариш учун кўприкнинг нигоҳ (*para-abducens nucleus*) контрлатерал марказига йўналади. Асосан латерал, баъзан эса юқорига ва пастга (нигоҳнинг латерал ҳаракатлари инсон учун энг муҳим ҳаракатларидан бири, чунки бу ҳаракатлар ҳар кунлик ҳаёт тарзида нигоҳнинг юқорига ёки пастга ҳаракатларига нисбатан кўпроқ фойдаланилади) ҳаракатланувчини нигоҳнинг ҳамкор ҳаракатини қўзғатиш мақсадида 18 ва 19 энга қисмида тажрибавий стимуляция ўтказилди (3.11-расм). Кўзнинг ихтиёрий ҳаракатлари пешона бўлагида олдинги марказий пуштадан олдинда (3.11-расм) жойлашган нейронлар орқали бошқарилади (Бродман майдони 8) (ва 6 ва 9 соҳа қисмлари ҳам иштирок этишлари мумкин). Асосан эпилептик хуружни қўзғатувчи ҳамкор нигоҳнинг қарама қарши томонга ҳаракати кўп тарқалган шу соҳадаги стимуляция ёки китиклаш натижасидир (девиация *conjuguée*, куйида қаранг). Кўзнинг бу ҳаракати баъзида бошнинг қарама-қарши томонга ҳаракати билан биргаликда кузатилади. Кўзнинг пешона соҳасидан бош мия устун ва кўзнинг ҳаракатини таъминловчи ўзакларгача бўлган йўл ва улар орасидаги боғлиқлик тўлиқ ўрганилмаган. Ҳозирги кунда бу йўлнинг толалари бош мия пўстлоғидан бошлаб, ички капсуладан ўтиб, мия устун оёқчаларига пўстлоқ-нуклеар йўл билан биргаликда йўналиб, аммо ундан фарқли ўлароқ бевосита кўзнинг ҳамкор ҳаракати ўзакларида тугамайди, фақатгина уларгача етиб бориб, оралиқ соҳани шакллантиради, шунинг ичига тўрт теппалик дўнглиги ўзаклари ретикуляр формация интернейронлари ва медиал бўйлама тутам киради (3.11-расм). Барча ихтиёрий ҳаракатлар фақатгина визуал, эшитув, вестибуляр ва проприоцептив таъсирловчилар назоратида бўлмай рефлектор ёй

таъсирида бўлади (бўйиндан ва энса мушакларидан спинал йўл ва ўрта мия томигача (*spinotectal tract*) ва медиал бўйлама тутамгача).

Нерв фалажи	Кўзларнинг ҳолати	Бошнинг компенсатор ҳолати (Энг кичик силжиш)	Нигоҳ йўналишига боғлиқ ҳолда икки тасвирнинг ҳолати
Кўзни ҳаракатлантирувчи нерв фалажи	<p><b>Тўғрига нигоҳ</b> (нигоҳнинг асосий ҳолати)</p>   <p><b>Энг кўп силжиш</b></p>  <p>Кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг тўлиқ фалажида фиксацияланган ва кенгайган қорачиқ</p>	<p>птоз бўлганлиги учун кузатилмайди, диплопия ҳам йўқ</p>	<p>Чап                      Ўнг</p>  <p>Асосан ички тўғри мушак парези</p>
Галтак нерви фалажи	<p><b>Тўғрига нигоҳ</b></p>  <p><b>Энг кўп силжиш</b></p>  <p>Бошнинг фалажланган мушак томонига қараб оғиши</p>	 <p>Бошнинг соғлом томонга оғиши</p>	<p>Чап                      Ўнг</p>  <p>Юқори кийшиқ мушак парези</p> 
Узоқлаштирувчи нерв фалажи	<p><b>Тўғрига нигоҳ</b></p>  <p><b>Энг кўп силжиш</b></p> 	 <p>Бошнинг фалажланган мушак томонга қараб оғиши</p>	<p>Чап                      Ўнг</p>  <p>Ташқи тўғри мушак парези</p>

3.11. расм. Кўзнинг ташқи мушаклар фалажида кўз ҳолати ва диплопиянинг вариантлари.




**3.12. расм. Кўзларнинг ҳамкор ҳаракатининг анатомик асоси:** кўзнинг ташқи мушакларини назорат қилувчи бош мия ядролари, медиал бўйлама тутам, ва ядро усти ва ядро ости ихтиёрий ҳаракат йўлининг вестибуляр ядролар тўплами билан ва кўзларнинг ҳамкор ҳарати рефлексии.

**Нигоҳ марказининг зарарланиши.**

Бир томондан 8 соҳанинг бузилиши қарама қарши томондаги худди шу соҳадаги ярим шарлардан келадиган импульслар устунликка эга бўлиб, бир бирига боғлиқ ҳамкор нигоҳларни шакллантириб зарарланган зона томон йўналтиради (яъни, ҳамкор оғиш фокус томонга қарайди). Нигоҳнинг оғиши баъзан зарарланиш ўчоғи томон беихтиёр бошни буришга мажбур қилади. Бемор бошқа томонга ихтиёрий равишда қарай

олмайди, лекин рефлектор равишда бу ҳаракатни амалга ошириши мумкин, худди контрлатерал нигоҳ майдонида секин ҳаракатланаётган жисм томонга қарагандай (аксинчаси энса қисмининг зарарланишида кузатилади, куйида тасвирланган). Нигоҳнинг оғиши, кўзнинг ён томонга ҳаракати пешона марказининг зарарланиши туфайли қисқа вақт ичида рўй беради. Деструктив зарарланишдан фарқли ўлароқ, соҳа 8 ни стимуляция қилиш ёки таъсирлаш (эпилептик тутқаноқ каби) натижасида ҳамкор нигоҳни фокусдан қарама-қарши томонга йўналтиради. Кўприкнинг зарарланишида эса иш бошқача тус олади, чунки пўстлоқ-кўприк (cortico-rontine tract) йўллари бир-бири билан кесишади (3.13-расм). Кўприкдаги кўрув марказини стимуляция қилиш ёки таъсирлаш натижасида нигоҳнинг ипсилатерал оғишига олиб келади, деструкция эса нигоҳнинг контрлатерал оғишига олиб келади. Кўприкнинг зарарланиши туфайли нигоҳнинг оғиши жуда кам ҳолларда учрайди.



**3.13. расм. Ядролараро офтальмоплегия, медиал бўйлама тутам жароҳати туфайли Кўзнинг ҳамкор ҳаракатлари рефлекси.**

Агар биз бирор жисмга ихтиёрий қарасак буни биз жуда тез ва аниқ кўз ҳаракатлари билан амалга оширамиз, бу саккадами деб ататлади. Кўпинча кўз ҳаракатлари реффлектор амалга ошади: қачонки жисм кўзнинг кўрув майдонига кирса бизнинг диққатимиз ва нигоҳимиз унга автоматик равишда йўналади. Агар жисм ҳаракатланаётган бўлса, тўр парда ёки тўр парданинг бир қисмида шу жисмнинг тасвири қолиши учун бизнинг кўзимиз ихтиёрий равишда уни кузатади. Бу ҳол кўринаётган жисм ҳаракатланаяптими ёки йўқми аҳамиятга эга эмас. Шундай қилиб, кўзнинг ҳамма ихтиёрий ҳаракатлари беихтиёр рефлекс ҳаракатлари тақибий қисмларига эга. Инглиз тили адабиётларида жисмнинг визуал тасвирини тўр пардада саклаб турадиган квази-реффлектор (quasi-reflex)жараёнларфиксацион рефлекс деб аталган.

Фиксацион рефлекснинг афферент қисми тўр пардадан кўрув йўли бўйлаб кўрув пўстлоғигача (соҳа 17) ўтади ва кейинги импульслар 18 ва 19 соҳаларгача боради. Бу соҳалардан эфферент қисм контрлатерал кўрув марказларининг энса ва кўприк соҳаларига эҳтимол кўрув шуъласидан (ҳали ҳанузгача бу толаларнинг жойлашган жойи маълум эмас) қайтади. Рефлектор ёйни тугатиш учун бу нигоҳ марказлари бош мия нервларининг ядровий проекцион соҳалари ва кўзнинг ҳамкор ҳаракатлари ҳисобланади. Баъзи эфферент толаларни тўғридан-тўғри мия устунининг кўрув марказигача чиқариш мумкин, бошқа толалар эса аввал пешона соҳасидаги кўзнинг бурилиш марказигача (соҳа 8) боради.


**Фиксацион рефлексга таъсир этувчи жароҳатлар.** Агар фиксацион рефлексга алоқадор энса соҳаси жароҳатланган бўлса, бу муносабат билан рефлекснинг ишлаш функцияси пасяди. Бемор ихтиёрий равишда нигоҳини хоҳлаган томонга қадай олмайди, у жисмни бошқа визуал кузата олмайди. Жисм унинг аниқ нигоҳи зонасидан чиқиб кетади, ва бемор уни қайта кўзларнинг ҳамкор ҳаракати билан топиши керак.

**Оптокинетик нистагм.** Агар инсон жисмга тўғридан-тўғри қараса ҳар бир жисмнинг тасвири тўр пардага тушади, ва бир жойда иккита жисм турганига қарамай тўр парда икки жисмнинг тасвирларини бир тасвир деб қабул қилади (кўшилиб кетиш). Агар объект кузатувчидан хоҳлаган яқин ёки узоқ, горизонтал ёки вертикал йўналишда ҳаракатланса, ҳар бир тўр пардага кўзлар тасвирни юмшоқ ҳаракатлар билан юборади. Агар объектнинг тасвири тўр пардадан ҳаракатланса, импульслар реффлектор ёй орқали тўр пардадан кўрув йўли орқали кўрув пўстлоғига ўтади, ундан кейин occipitotectal толалар орқали кўз мушакларини иннервация қиладиган калла нерви ядроларига қайтади ва тўр пардага тасвирни олиш учун мажбуран мушакларни қисқартиради (бу оптокинетик жараён дейилади). Масалан, бу аснода олинган кўзнинг конвульсив ҳаракатлари

ҳақидаги маълумотлар оптокинетик нистагм ҳисобланиб, поезд ёки автомобил ойнасидан алмашаётган манзарани кузатаётган инсонларда учратиш мумкин. Буларни шу шарт билан юзага чиқариш мумкинки, агар бемор йўл-йўл айланаётган барабанга қараб турса: беморнинг нигоҳи битта чизиқни то у йўқолгунга ва пайдо бўлгунга қадар кузатади, ёки бошқа чизиқни нигоҳи билан ушлаб олиш учун ва ҳоказо, бу ҳол бир неча марта такрорланади. Шундай қилиб, оптокинетик нистагм секин ва тез фазалардан иборат, яъни кузатувда нисбатан секин ҳаракатларнинг аниқловчи сакрашлар ва орқа йўналишда тез ҳаракатлар билан алмашинувидир. Агар оптокинетик нистагм учун рефлекс ёй бузилса, рефлекс йўқолади. Оптокинетик нистагмнинг йўқлиги ҳамма вақт патология саналади.

### **Конвергенция ва аккомодация**

Бу рефлекслар доим объектни кузатиш пайтида, объект кузатувчининг кўрув майдонига жуда яқин оралиқда ҳаракатлантиргандаюзага келади. Предметнинг яқинлашишига бўлган реакция учта жараён билан бирга келиб, бу жараёнлар бир вақтнинг ўзида амалга ошади: Конвергенция: иккала кўзнинг медиал тўғри мушаклари шундай қисқарадики, ҳар бир кўзнинг оптик ўқи бевосита кузатаётган объектни кўрсатишни давом эттиради. Бу ҳар бир кўзнинг тўр пардасида объектнинг тасвирини сақлаб қолади. Аккомодация: цилиар мушакнинг қисқариши гавҳарнинг осилган (suspending) аппаратини бўшаштиради. Бу ҳолат таранг структураларга хос бўлганлиги учун, линза янада сферик шаклни олади, бу эса ўз навбатида, нур синиш кучи коэффициентининг кўтарилишига олиб келади. Бу жараён объект кўзга яқинлашганида, унинг тасвирини кўз тўр пардаси фокусда сақлаб қолади. Ва аксинча, объект кўздан узоқлашгани сари ёки индивидуумнинг нигоҳи нисбатан узоқ нуқтага йўналтирилганда, цилиар мушакнинг релаксацияси осилган аппаратни дастлабки ҳолатига қайтишига имкон яратади, бу эса линзанинг ёруғликни синдириш хусусиятини пасайтириб, визуал тасвири фокусда сақлаб қолишни таъминлайди (3.14 расм).



3.14. расм. Патологик ўчоқ бош мия пўстлоғи ва кўприкда жойлашганда, кўзнинг ҳамкор ҳаракатининг бузилиши

**Қорачиқнинг торайиши:** қорачиқ кўз тўр пардасида кўриш ўткирлигини сақлаб, яқин объектнинг тасвирини ушлаб туриш мақсадида тораяди (бошқача қилиб айтганда, камеранинг очиб-ёпувчи механизми ишлаб кетади, яъни тасвирга олиш объекти қанча яқин бўлса, фокусни ушлаб туриш учун камеранинг тешиги шунча тор бўлади). Барча учта жараён ҳам ихтиёрий бўлиб, яқин объектга фокусни тўғрилашда фойдаланилади ҳамда узоклаштирилган объект кузатувчига яқинлаштирилади бошлаганда, рефлекслар кўринишида ҳам учраши мумкин.

Конвергенция ва аккомодациянинг анатомик боғланишлари (3.15 расм). Аfferent импульслар тўр пардадан кўрув пўстлоғига ўтади, эfferent импульслар эса кўрув пўстлоғидан претектал соҳага, кейин эса *Edinger-*

*Westphal* (вегетатив ядроларга тегишли) ядросига медиал ва вентрал жойлашган *Perlia* парасимпатик ўзакларга ўтади. *Perlia* ядросидан иккала томондан импульслар медиал тўғри мушакнинг ядро соҳасига (кўзнинг конвергенцияси учун) ва *Edinger-Westphal* ядросига йўналади, у ердан эса цилиар мушак (аккомадация учун) ганглийсига ва қорачиқ сфинктерига (қорачиқни қисқартириш учун) боради (3.15 расм). Цилиар мушакка ва қорачиқ сфинктерига боровчи ўтказувчи йўллар тахмин қилинишича, турлича, чунки аккомадациява ёруғлик рефлекслари турли шароитда ҳар хил таъсир қилади. Масалан, нейросифилисда Аргайл Робертсон (*Argyll Robertson*) феноменини топиш мумкин: қорачиқнинг ёруғлик рефлекси йўқолади, аммо конвергенция ва аккомадация сақланган бўлади.

### **Қорачиқни нур рефлекси ёрдамида созлаш.**

Қорачиқнинг кенгайиши нурнинг қандай тушишига боғлиқ: ёркин нур қорачиқни кичрайтиради, қоронғулик эса аксинча кенгайтиради. Қорачиқнинг нур рефлекси тўр пардага тушадиган нурни меъёрлайди, у фоторецепторларни зарарли ва жуда баланд ёруғликдан сақлаб, тўр пардага объектларнинг тасвирини аниқ ва тиниқ тушишини худди фотокамеранинг панжараси каби таъминлайди. Бу рефлекс тўлиқ ихтиёрий эмас, унда бош мия пўстлоғи рефлектор ёйга иштирок этмайди.

**Қорачиқ нур рефлексининг афферент ёйи (3.15-расм).** Афферент толалар трактнинг ва кўрув нервининг визуал толаларини қарийиб ташқи тиззасимон таначаларгача кузатади, лекин охиригача етиш ўрнига улар тўрт тепалик дўнглигига қараб бориб претектал соҳа ядроларида тугайди. Шу ерда жойлашган интернейронлар икки томондан парасимпатик ядролар *Edinger-Westphal* (вегетатив ядролар турига мансуб) томон боради (3.15-расм). Бу икки томонлама ядро иннервацияси *Edinger-Westphal* оммавий нурли жавобнинг анатомик асоси ҳисобланади: бир кўзда ёруғлик тушиши нафақат қорачиқнинг, балки контрлатерал қорачиқнинг ҳам қисқаришига, ҳамда афферент йўлининг жароҳатланишига сабаб бўлади. Кўрув пўстлоғининг кўрув шуъласи ёки тўрт тепаликнинг юқори дўнглигининг зарарланиши қорачиқнинг ёруғлик рефлексига ҳеч қандай таъсир қилмайди. Претектал соҳадаги зарарланиш рефлекснинг йўқолишига сабаб бўлади. Бу шунини кўрсатадики, аввалги таркиблар рефлектор ёйда иштирок этмайди, ҳамда рефлектор ёйнинг афферент қисми претектал соҳа билан кесишиши керак, лекин ҳозиргача бу йўлнинг анатомик локализацияси ўрганилмаган. Кўрув нервининг зарарланишида рефлектор ёйнинг афферент қисми бошқа жойда узилганда кўзга ёруғлик тушган пайти қорачиқ реакциясини зарарланган томонга қараб пасайтиради: на ипсилатерал, на контрлатерал қорачиқ нормал қисқара олмайди. Бошқа кўзга ёруғлик тушиши иккала қорачиқнинг нормал ҳолатда қисқаришига сабаб бўлади. Бу топилмалар қорачиқнинг афферент дефектини кўрсатади.




**Қорачиқ нур рефлексининг эфферент ёйи.** (3.15-расм) Бу эфферент толалар ядрода *Edinger-Westphal* пайдо бўлиб кўзни ҳаракатлантирувчи нерв гуруҳида кўз косасига қараб йўналади. Парасимпатик преганглионар толалар кўзни ҳаракатлантирувчи нервдан кўз косаси аторфида киприк ганглияси томон йўналган бўлиб, уларнинг ганглионар хужайралари синаптик ретрансляцион жойлашувни ҳосил қилади. Калта постганглионар толалар киприк ганглиясидан чиқиб, кейин қорачиқ сфинктерини иннервация қилиш учун кўз олмасига киради (3.15-расм).

**Эфферент йўлининг зарарланиши.** Агар кўзни ҳаракатлантирувчи нерв ёки киприк тугуни зарарланган бўлса, ядро *Edinger-Westphal* импульслар ипсилатерал кўзнинг қорачиқ сфинктерига етиб кела олмайди. Бунинг оқибатида мидриаз – рефлекснинг ёруғликни сезмаслиги ҳосил бўлади.

**Қорачиқнинг қисқариши ва кенгайишига таъсир этувчи бошқа омиллар.** Қорачиқнинг қисқариши ва кенгайиши фақат тушаётган ёруғликка боғлиқ эмас, балки кўздан ташқарида содир бўладиган бошқа таъсирлар натижасида ҳам бўлиши мумкин. Энг оғриқли омиллардан бири бу чуқур босим – энса мускулларининг қисилиши, ҳамда кучли ҳис ҳаяжон қорачиқларни қисқаришига сабаб бўлади. **Мидриаз** – узоқ вақт буни симпатик нерв системасининг юқори фаоллиги билан боғлиқ деб ҳисоблашарди, у қорачиқ дилататор мушагининг сиқилишига олиб келарди. Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатдики қорачиқ парасимпатик иннервацияси фаоллигининг пасайиши муҳим факторлардан бири ҳисобланади.

**Анизокория.** “Анизокория” сўзи юнон тилидан олинган бўлиб сўзма-сўз таржим қилинади, яъни қорачиқларнинг тенгсизлиги демакдир. Қорачиқларнинг қисқариши ва кенгайишининг енгил формадаги мос келмаслиги соғлом инсонларда ҳам учрайди (физиологик анизокория), лекин катта тенгсизлик бир томонлама ҳажмли жараён кўзни ҳаракатлантирувчи нервни қисиб қўйиш эҳтимоли катта бўлганлиги сабабли шубҳа уйғотиши керак. Шуни эсда тутиш керакки, клиник ҳолатларда бир кўзда дори препаратларини томизиш натижасида ёки дилатацион, ҳамда қисқартириш хусусияларида (кома ҳолатида ётган беморларга тавсия этилмайди) анизокорияни пайдо қилади.




3.15. расм. Конвергенция ва аккомодациянинг анатомик асоси. б.киприк мушагининг бўшашиши (узокқа қараганда) с.киприк мушагининг қисқариши (яқиндан қарашда)

**Кўзнинг симпатик ва парасимпатик иннервацияси.**

Кўзнинг парасимпатик иннервацияси (3.16-расм). Қорачиқ сфинктери мушакларининг парасимпатик иннервацияси ва цилиар мушаклар юқорида аккомодацион рефлекс борасида қорачиқ рефлекси муҳокама қилинган эди. Кўзга фаоллашган парасимпатик таъсир қорачиқларнинг


кичрайиши (миоз) ва аккомодация натижасида яқин турган жисмларга нисбатан аниқланади.

Кўзнинг симпатик иннервацияси (3.17-расм). Ядро соҳасидан пайдо бўладиган кўзнинг симпатик иннервацияси, (циллиоспинал (*cilio-spinal*) марказ деб ҳам аталади) орқа мианинг ён шохига C8 дан Th2 даражаларида жойлашган. Бу ердан преганглионар толалар юқори бўйин ганглиясида жойлашган ретрансляцион жойлашувга чиқиб, ундан постганглионар толалар ҳосил бўлади, кейин ички уйқу артерияси билан бирга юқорига чиқади, кейин кўз артерияси билан кўз косасига кириб қорачикни кенгайтирадиган мушакни, юқоридаги ва пастки мушакни, қовоқ юмшоқ суягини ва кўз косаси (*orbitalis*) мушагини иннервация қилади (3.16 ва 3.17 расмлар). Бошқа симпатик толалар тер безларини ва юзнинг ярим ипсилатер қон оқиш йўллариини иннервация қилади. Циллиоспинал (*cilio-spinal*) марказнинг афферент маркази: афферент толалар кўзнинг тўр пардасидан гипоталамус (супрахиазматик ядро) томон йўналган бўлиб марказий симпатик йўл ҳосил қилади. Бу йўл ўрта мия билан бир қатордаги ўрта чизикни кесиб ўтиб мия устунини орқали пастга қараб, орқа мианинг бўйин бўлимига циллиоспинал (*cilio-spinal*) марказга қараб йўналган.




### 3.16.расм. Қорачиқнинг ёруғликка реакцияси

**Горнер синдроми.** (Horner syndrome) (3.18-расм). Марказий симпатик йўл, цилиоспинал марказ, юқори бўйин ганглиялари, ёки уларнинг йўлтдаги постганглионар симпатик толаларнинг зарарланиши характерли ўзгаришларга, яъни Горнер синдромига олиб келади. Кўз симптомларининг триадаси куйидагилардан иборат: кўз ёриғининг торайиши (қовоқ тоғайи юқори мушагининг функцияси йўқолиши туфайли), миоз (қорачиқни кенгайтирувчи мушаклар функциясининг йўқолиши натижасида парасимпатик бўлим устунлигига ва қорачиқ сфинктери самарасининг пасайишига олиб келади) ва энофтальм (орбитал мушак функциясининг йўқолишига боғлиқ). Қачонки юз иннервациясида симпатик соҳа ёки цилиоспинал марказ ёки ундан чиқадиган эфферент толалар қатнашса, юзнинг ипсилатерал ярмида ангидроз ва вазодилатация кўринади.



3.17. расм Кўзнинг ички мушакларининг симпатик ва парасимпатик иннервацияси



**3.18. расм. Кўзнинг симпатик иннервацияси ва Горнер синдроми.** Кўз соҳасидаги симпатик эфферентлар фақатгина қорачиқни кенгайтирувчи мушакларни эмас, балки тарсал ва орбитал мушакларни ҳам иннервация қилади. Бундан ташқари, юзнинг тер безларини ва қон билан таъминланиши кўрсатилган.

### **Кўз пирпираш рефлекс.**

Агар кўз олдида бирданига объект кўринса, кўзнинг реффлектор ёпилиши, яъни пирпираш (пирпираш рефлекс) юзага келади. Бу реффлектор йўлнинг афферент импульслари тўр пардадан бошланиб, бевосита ўрта мия томига йўналади, кейин эса тектонуклеар йўл орқали иккала томондаги юз нервнинг ядросигача боради. Бу ядронинг эфферент толалари кўзнинг айлана мушагини иннервация қилади. Кейинги импульслар орқа мия олдинги шохларининг тектоспинал толаларига ўтади, улар бошни буришга иштирок этадиган бўйин мускулларини иннервация қилади.

ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИШ

## **Диплопия**

Агар бемор унинг кўзи иккита кўраётганлиги ҳақида шикоят қилаётган бўлса, унинг кўзлари битта чизикда жойлашмаган бўлади. Бундай ҳолларда беморда учинчи, тўртинчи ёки олтинчи бош мия нервлари ёки кўзни ҳаракатлантирувчи олтита мушаклардан биттасида патология ёки синапсларда касаллик кузатилади. Сиз нарсаларни ўзингизда ҳам кўзгатишингиз мумкин. Буни амалга оширинг, ва сиз беморнинг кўзда иккиланиш ҳақида нима деяётганини яхшироқ тушунасиз. Сиз иккала кўзингизни очик тутинг. Чап кўрсатув бармоғингизни горизонтал ҳолатда чап қовоғингизнинг устига қўйинг. Қорачикни тўсманг. Секингина чап кўзингизни пастга қараб босинг. Авторучкани горизонтал ҳолатда ўнг кўлингизга олиб чўзилган кўл узоқлигида тутинг. Пол томон йўналтирганингизда перога қаранг. Сиз устма-уст иккита ручкани кўрасиз. Сиз ручкани қанча пастга туширсангиз, икки тасвир орасидаги масофанинг катталашганини кўрасиз. Улар параллел бўлиб устма-уст жойлашган. Агар ўнг кўз ёпилса, тепадаги ручка (ҳақиқий образ, маккуляр тасвир, аниқ битта) йўқолади. Агар чап кўз ёпилса пастки ручка (ёлғон тасвир, ноаниқ битта) йўқолади. Кўзда иккиланиш бу нурнинг қайтиш натижаси, яъни объектдан қайтаётган нур битта кўзнинг тўр пардасига тушиши (биттаси фалажланмаган) ва иккинчи кўзнинг ён томондан тўр пардасига тушиши. Ҳақиқий тасвир битта тўр пардада акс этса, ёлғон тасвир тўр пардада акс этмайди. Фалажланган кўзни қанчалик даражада тўғрилана бошланса, иккита тасвирлар орасидаги масофа шунча узоқлашади. Агар бемор иккита кўраётганлиги ва унинг ўнг кўзи бурни томонга қайирилаётганлиги ҳақида айтса, демак унда ўнг латерал тўғри мушак сусайиши кузатилган. Агар унинг ўнг кўзи пастга ва ташқарига қайрилган ва унда ўнг юқори қовоқ осилган ҳамда қорачик кенгайган бўлса, беморда ўнг томондан учинчи жуфт нервнинг зарарланиши мавжуд. Шундай қилиб клиник амалиётда кўз ҳаракатларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

## **Таъриф**

**Узоқлаштириш:** ўрта чизикдан горизонтал сатҳда кўзларнинг ҳаракати.

**Яқинлаштириш:** горизонтал сатҳда ўрта чизикқа қараб кўзларнинг ҳаракати.

**Юмилган кўз билан ўтказиладиган синовлар:** максимал аниқ кўриш учун Снеллен (Snellen) диаграммасига тўғри чизик бўйлаб бемор нигоҳини фиксация қилади. Битта кўзингизни юминг. Агар иккинчи кўз ҳаракатланса ва уни бир нуқтага қадаса, бунда сиз кўришнинг иккиланишига эришасиз. Қайси кўз ёпилганлигига қарамасдан, юмилмаган

кўзда иккиланиш кўринади. Иккинчи томондан, агар ёпилган кўз ҳаракатланса ва у бир нуқтага қадалса, кўзни очганда phoria exists юзага келади, бошқа юмилмаган кўз ҳаракатланмайди.

**Пасайиш:** шунинг ўзи, фақат бурчаги баланд ва кичик.

**Баландлиги:** кўзнинг вертикал сатҳда юқорига ҳаракати.

**Эзофория:** кўриш стимули олиб ташланганда кўзнинг иккинчи кўзнинг йўналишига қараб оғиши.

**Эзотропия:** бир кўз кўрув ўқининг иккинчисига қараб оғиши; бошқача қилиб яқинлаштирувчи ёки ички ғилайлик дейилади.

**Экзотропия:** бир кўз кўрув ўқининг иккинчисидан оғиб кетиши; бошқача қилиб узоқлаштирувчи ёки ташқи ғилайлик ёки бельмо дейилади.

**Гетерофория (яширин ғилайлик):** бинокуляргона кўриш учун стимул олиб ташлангандан (юмилга кўз синовидаги каби битта кўзни юмиш) кейин кўзда параллелликни сақлай олмаслик. Текширувчининг боши ва офтальмоскоп бемор нигоҳини фиксация қилишга халақит берса ва кўз новбат билан текширилганда, фория режалаштирилмаган, олдиндан мўлжаллаб қўйилмаган ҳолда кузатилиб, кўз тўр пардасини текшириш пайтида намоён бўлади.

**Гипертропия:** кўрув ўқининг юқорига оғиши.

**Гипотропия:** кўрув ўқининг пастга оғиши.

**Айланиш:** (беморнинг юзи сизга қаратилган): кўзнинг ичкари ёки ички айланиши шундайки, шохпардадаги 12-соатлик нуқта бурунга келиб тақалади, яъни ўнг кўз соат мили бўйлаб айланади, ва чап кўз соат милига тескари айланади. Кўзнинг ташқари ёки ташқи айланиши шундайки, шохпардадаги 12-соатлик нуқта бурундан узоқлашади, яъни ўнг кўз соат милигатекари айланади, ва чап кўз соат мили бўйлаб айланади.

**Ғилайлик:** Бу сўз Шимолий Америкада кўз атрофидаги юз мушакларини “бураш”, яъни ёруғ нур орқали қараш деб тушунилади. Тиббиётда эса бу кўз ташқи мушакларининг фалажи ёки доимий ғилайлик (страбизм) деб аталади.

**Страбизм:** бемор енга олмайдиган кўз оғиши. Гетерофориянинг бошқа тури бу гипофория бўлиб, бир кўзнинг нигоҳ ўқи иккинчисидан пастга тушади; гиперфорияда эса бир кўзнинг кўрув ўқи иккинчисидан юқорига чиқади ва циклофория.

**Ғилайликка жавоб берадиган мушакларни қандай аниқлаш мумкин.**

- Учинчи, тўртинчи ва олтинчи бош мия нервларининг функциясини биргаликда текширинг.
- Беморни олдингизга ўтқазинг.



- Чап кўлингизни бемор бошининг тепа қисмига кўйинг, чунки у кўзини уёндан бу ёнга ҳаракатлантурса, бошини қимирлатишга йўл кўймайди.

Биз саккад ҳаракатларини (ҳар хил командалар билан) синаймиз, яъни беморга ўнгга, чапга, юқорига, пастга қараш ва жисмни нигоҳи билан кузатишни сўраймиз.

Иккала кўз ҳам синов тестидан ўтказилади. Баъзи касалликлар бир типдаги ҳаракатларни, бошқаси эса бошқа ҳаракатларга ўз таъсирини ўтказилади.

**1. Ручкани беморнинг бурнидан ярим метр узоқликда тутинг.** Агар ручка яқинлашса, унинг кўзлари ҳам бир бирига яқинлашади ва шу вақтда сиз бошқа ҳаракатларни ҳам ўрганасиз.

**2.** Агар кўзнинг ён томондаги ҳаракатларини текширсак, ручкани вертикал ҳолатда ушлаш лозим; юқори ва пастга ҳаракатларини текширсак ручка горизонтал ҳолатда бўлиши керак. Агар сиз кўзнинг ён томондаги ҳаракатларини текшираётган булсангиз, ручкани горизонтал ҳолатда тутинг, бемор ики тасвирни бир биридан узунлиги жиҳатидан иккита ручкани кўриш учун фарқлай олиши керак. Агар сиз ручкани вертикал ҳолатда ушлаб синовдан ўтказсангиз, бу икки тасвирни бир биридан ажратиш учун ручканинг қалинлиги кифоя қилади.

**3.** Ручкани у ёндан бу ёнга қараб ҳаракатлантинг ва беморга уни кузатишини сўранг. Ён томонлама бинокуляр нигоҳ майдони кўзнинг қанча чуқурда жойлашганига қараб бурун кўпригида тугайди. 4.1-расмда кўриниб турибдики, иккиталик кўриш агар жисм С ва В оралиғида бўлса. С ёки В да бинокуляр иккиланиш латерал бўлмайди.

**4.** Вертикал ҳаракатни бемор кўзлари билан текширинг, кейин ярим йўлда ўнгга бурилинг, яъни ўша пайт бемор олдинга ўнг кўзнинг ён томонлама нигоҳи билан қарасин, ҳамда чап кўзи билан ярим йўлда олдинга қараб ён томонлама чап нигоҳ билан қарасин.

**5.** Ён томонлама ҳаракатларни бошидан бошлаб кўзни чап ва ўнг томонга қараб ҳаракатлантириб текширинг. Бинокуляр майдонда бўлиш (3.7-расм).

**1-қоида.**

Диплопияни текшириш пайтида кўзни шундай ҳолатга келтирингки, тасвир иккига бўлинсин.

Масалан, тасвирнинг иккиланиши кўпроқ чап ва знг томонга қарашда ҳосил бўлади деб тахмин қиламиз.

**2-қоида.**

Ёлғон тасвир келадиган битта кўзни ўзингиз учун белгиланг. Ёлғон тасвир бу ноаниқ тасвир. Бу тасвирдан ташқаридадир, яъни агар диплопия иккиланувчи тасвирни келтириб чиқарадиган латерал томоннинг сабаби бўлса, ўрта чизикдан узоқлашган тасвир ёлғон тасвир ҳисобланади. Агар бемор юқорига қараган пайтда диплопияда тасвир иккиланган бўлса, яъни устма-уст максимал равишда бир биридан узоқ бўлса, унда ёлғон тасвир юқоридагиси ҳисобланади. Вертикал диплопияда пасга қараганда иккиланишдаги максимал бўлинишда пастки тасвир ёлғон тасвир ҳисобланади. Бунда кўз мушакларининг парези борлигидан дарак беради. Кейинги қадамда кўзларнинг биттасини ўз ичига қамраб олиши керак. Бемордан тасвир қачон йўқолишини сўранг. Унга бир нечта имконият беринг, яъни сиз унинг бир кўзини секин ёпиб очганингизда у нигоҳини шундай бир нуқтага қадасинки тасвирлар бир биридан максимал узоқликда бўлсин. Агар у сизни тасвирнинг ёнига ёки ичига эканлигингизни айтса ва тасвир унинг ўнг кўзини ёпганингизда йўқолса, унда ташқи образ унинг чап кўзини ёпганингизда йўқолиши керак бўлади. Ёлғон тасвир чап кўздан келаётган бўлади ва чап кўз парезли ҳисобланади.

### **3-қоида.**

Кўз олмасини қайси мушаклар шу томонга ҳаракатлантиришини ва қайси нерв бу мушакларни иннервация қилишини аниқланг. Кўзни максимал равишда тепага ва чапга йўналтиринг, ҳамда чап кўздан ёлғон тасвирни қабул қилинг. Чап кўзни юқорига кўтаринг, чап кўз учинчи жуфтлик бош мия нервлари томонида иннервация қиладиган юқори тўғри мушак ёрдамида узоқлаштирилган. Шундай қилиб, диплопиянинг сабаби чап томондаги учинчи жуфтликнинг парези ҳисобланиши мумкин.

### **Кўзнинг ташқи мушаклари функцияси.**

Олтита мушак ҳар бир кўзни ҳаракатлантиради, ва уларнинг ҳар бири бир нечта функцияни бажаради. Уларнинг ҳар бири катта ва кичик функцияларга эга. Олтита мушакнинг тўрттаси тўғри (медиал, ён томондаги, юқоридаги ва пастки) ва иккитаси қийшиқ (пастки ва юқоридаги).

### **Латерал тўғри мушак.**

Олтинчи жуфт бош мия нервлари (узоқлаштирувчи нерв) томонидан иннервация қиладиган латерал тўғри мушакнинг асосий функциялари.

1. Бу мушакнинг асосий функцияси узоқлаштирувчи ҳисобланади, кўп ҳолларда тарқалган экстраокуляр парез билан сиз ҳали учрашасиз.
2. Мушакнинг постурал ҳолати – жуда ҳам муҳим. Чап латерал тўғри мушакнинг парезини қандай аниқлаш мумкин, бемор иягини чап елка томон буриб сизнинг юзингизги қарайди. Шундай қилиб, кўзлар чап латерал тўғри мушак соҳасидан бошқарилади.

3. Тасвир яқинда; ташқи образ бемор бурнидан узоқда жойлашган (парез ёки ёлғон тасвир), чап кўз ёпилса тасвир йўқолади. Бошқа томондан, ички тасвир ўнг кўз ёпилганида йўқолади.

4. Агар жисм унча узоқ бўлмаган масофада турган бўлса ва ён тўғри мушак парези диплопиянинг сабаби бўлса, унда диплопия катта кучга эга.

**Кўшимча функция.** Ён тўғри мушак кўзнинг вертикал, яъни пастга ва юқорига ҳаракатида камгина, лекин аниқ тормозланишга эга. Чап ён томон тўғри мушак парезида бемор чапга қараса иккита тасвирни кўради, яъни чап кўзга кўринувчи кўпроқ латерал ва ўнг кўздаги – медиал. Агар у чап ва юқорига қараса, кўпроқ чап кўздаги ён тасвираниқроқ кўринади, лекин ҳозир икки тасвирни вертикал бўлиниши ҳам бор, юқорида – ўнг кўздан. Агар у чапга ва пастга қараса, кўпроқ аниқ ён тасвир – чап кўзидан, бу ҳолатда тасвирнинг иккига бўлиниши, пастки – ўнг кўзидан. Бундан мантиқий хулоса шуки: (а) чап ён тўғри мушакнинг парези (тўғри) ва (б) ўнг юқори ва пастки қийшиқ мушак (нотўғри). Қачонки, чап ён тўғри мушагининг парези пайдо бўлса кўзнинг ҳаракатини секинлаштирадиган функция пасаяди ва узоқлаштирувчи нерв азобланишида мушакларнинг кучи камаяди. Шундай қилиб кўз юқорига ва пастга ҳаракатини кучайтиради, агар чапга ҳаракатланса кўпроқ кучсиз ён тўғри мушак унга ҳалақит бера олмайди. чап кўзнинг бундай тез бқорига ва пастга ҳаракати нтўғри талқин қилиниши мумкин, яъни ўнг кўз юқорига ва пастга ҳаракати худди чегаралангандай кўринади. Хулоса қилиб айтганда, латерал тўғри мушак фаолияти кўз олмасини узоқлаштириш учун муҳим, ҳамда иккинчи томондан узоқлаштирилган кўзни кўтариш ва туширишни камайтиради.

### **Медиал тўғри мушак.**

Медиал тўғри мушак учинчи жуфт (кўзни ҳаракатлантирувчи нерв) бош мия нерви томонидан иннервация қилинади

1. Унинг асосий функцияси кўзни яқинлаштиришдан иборат
2. Унинг иккиламчи функцияси латерал тўғри мушакни кўтарилиши ва тушишини пасайтириш
3. Агар ўнг медиал тўғри мушак парезланган бўлса, бемор сизнинг тўғрингизда ўзининг қайрилган ияги билан чап елка томонига қараб турган бўлиб, унинг ўнг кўзи узоқлаштирилган бўлади
4. Агар тасвир яқинда жойлашган бўлса, бемор чапга қараганда, энг кўп бўлиниш юзага келади. Ташқи тасвир сиз кўзингизни ёпган пайтда йўқолади.

### **Юқори тўғри мушак**

Юқори тўғри мушак (кўзни кўтарувчи иккита мушакдан бири) парез юзага келганда ўзининг асосий функцияси бўлмиш кўзни юқорига кўтара олмайди, чунки мушакнинг узун ўқи кўзнинг олдинги орқа ўқига параллел эмас.

1. Юқори тўғри мушак учинчи жуфт (кўзни ҳаракатлантирувчи нерв) бош мия нерви томонидан иннервация қилинади. Ўнг кўзни ҳаракатлантирувчи ядродан бошланган толалар чап юқори тўғри мушакка боради ва аксинча. Бу кўз узоқлаштирилган пайтда, кўзнинг тўғри кўтарилиши.

2. Қачонки, ўнг кўз яқинлаштирилган бўлса, юқори тўғри мушак ички айланишга таъсир қилади – бу унинг иккиламчи функциясидир

3. Бошқа барча ҳолларда у иккита функцияни бажаради – кўзни кўтариш ва айлантериш

4. Агар юқори тўғри мушакда парез содир бўлганда, бемор иягини юқорига кўтаради, боши эса қарама-қарши томондаги елкага йўналтирилган бўлади

5. Қачонки, иккита тасвир бир-бирига устма-уст жойлашганда (балким, бемор қовоғини бармоқ билан ушлаб туришга тўғри келади), шу пайтда тепага ва ўнгга максимал бўлиниш (ўнг томондаги фалажланган юқори тўғри мушак учун) юз беради.

### **Пастки тўғри мушак.**

Пастки тўғри мушак кўзни пастга ҳаракатлантирувчи иккита мушакдан бири.

1. Пастки тўғри мушак учинчи жуфт (кўзни ҳаракатлантирувчи нерв) бош мия нерви томонидан иннервация қилинади.

2. Асосий функцияси – кўзни пастга ҳаракатлантириш

3. Унинг иккиламчи функцияси – кўз яқинлашган пайтда (қарама-қарши томондаги юқори тўғри мушак) ташқи айлатириш.

4. Қачонки, ўнг пастки тўғри мушак фалажланган бўлса – беморнинг ияги пастда, тасвирнинг бўлиниши максимал, беморнинг нигоҳи паст ва ўнг томонга қаратилганда, ёлғон тасвир полга яқин бўлади.

### **Юқори қийшиқ мушак.**

Юқори қийшиқ мушак кўзни пастга туширадиган иккита мушаклардан биридир.

1. У тўрттинчи бош мия нервлари (ғалтак нерв) билан иннервация қилинади. Анатомик эслатма: тўрттинчи бош мия нерви ягона калла нерви ҳисобланиб, у мия устунининг юқорисидан чиқади. Ундан ташқари, тўғри бурчак остида кесишадиган нервлар пайдо бўлишидан олдин, чап ғалтак нерви ўнг юқори қийшиқ мушакни иннервация қилади ва аксинча. Қийшиқ мушак кўз косасининг тепасига чиқади ва унинг пайи ғалтак орқали ўтади, кейин экваторнинг орқа томонидан кўзнинг орқа қисмига постлатерал киради.

2. Унинг асосий вазиваси кўзни пастга тушириш ва яқинлаштиришдир.

3. Унинг иккиламчи вазифаси узоқлаштирилган кўзни ротация қилиш.

4. Агар ўнг томондаги юқори қийшиқ мушак фалажланган бўлса – беморнинг ияги пастга тушган ва боши пастга тушиб чап елка томон бурилган (ишончсиз).

5. Бемор узоқлаштирилган ўнг кўз билан пастга қараётган бўлса тасвирнинг бўлиниши нисбатан кўпроқ. Бир тасвир иккинчисидан юқорида; ёлгон тасвир патрокда ва ўнг кўзда пайдо бўлади.

#### **Пастки қийшиқ мушак.**

Юқори қийшиқ мушак кўзни юқорига йўралтирадиган иккита мушаклардан биридир.

1. У учинчи жуфт бош мия нервлари билан иннервация қилинади.

2. Унинг асосий вазифаси яқинлаштирилган кўзни тепага кўтаришдир.

3. Унинг иккиламчи вазифаси узоқлаштирилган кўзни ташқи айланттиришдир.

4. Қачонки, ўнг пастки тўғри мушак фалажланган бўлса – бемор ўнг яқинлаштирилган кўз билан қараса тасвирнинг бўлиниши нисбатан кўпроқ кузатилади.

Сохта тасвир ҳақиқий тасвирдан юқорида ўнг кўзда намоён бўлади.

Учламчи вазифа.

1. Юқори ва пастки тўғри мушак аддуктор бўлиб хизмат қилади ва ўрта мушакка кўзни яқинлаштириш учун ва самарали бўлиши учун ёрдам беради, бу учламчи функция кўз узоқлашганда нолга тенг. Юқори ва пастки қийшиқ мушаклар кўзни узоқлаштиришда латерал тўғри мушакка ёрдам беради. Уларнинг функцияси кўз яқинлашганда нолга тенг.

#### **Кўз айланишини қандай текшириш керак.**

Агар кўтарувчи ва туширувчи мушакларнинг ҳар иккаласи ҳам нормал ишласа биз айланишни кўролмаимиз, чунки юқори ва тўғри мушак, юқори қийшиқ мушак (ичкарига) ва пастки тўғри мушак ҳамда пастки қийшиқ мушак (ташқарига)ларнинг айланттирувчи самараси бир-бирини мувозанатлаштиради. Учинчи жуфт нерв зарарланганда, латерал тўғри мушак томонидан қаршиликка учрамасдан кўз ташқарига узоқлаштирилган бўлади. Медиал тўғри мушак фалажланганлиги туфайли кўз олмасини ичкарига ҳаракатлантириб билмайди. Юқори қийшиқ мушак узоқлаштирилган кўзни пастга туширолмайдди. Кўзни айланттирувчи функциясига аниқлик киритиш учун юқори қийшиқ мушакни текширишда фақатгина чап томонга кўз олмаси ҳаракатланишини кўриш мумкин, ташқи айланттириш учун иккала мушак ҳам (пастки қийшиқ ва пастки тўғри мушаклар) фалажланганлиги туфайли юқори қийшиқ мушакнинг ички айланишига қаршилик кўрсата олмайди.

Қуйидаги ҳаракатларни бажаринг:

- Кўз шох пардасида чакка томонда конъюктивал халтачани танланг, иккинчи томондан кўзнинг бурун қисмидан унга қаранг.

- Бемордан пастга ва ташқарига қарашни сўранг; унинг ҳаракатлари қайд қилинмайди..
- Агар тўртинчи жуфт калла нервлари ва юқори қийшиқ мушак ишласа, халтача юқорига ҳаракатланади, брун томондан эса пастга ҳаракатланади (яъни бурилиш ичига).

### **Паралитик ғилайлик, ҳамкор (фалажланмаган) ғилайлик.**

#### **Ҳамкор ғилайлик**

Ҳамкор ғилайлик бу кўзнинг оғиши бўлиб, бунда оғиш бурчаги нигоҳ йўналишига қараб ўзгармайди ёки кўзнинг бир нуқтага қадалиши. Фалажланган ғилайликда кўзнинг оғиши кўпроқ кузатилади, чунки кўз фалажланган мушак функцияси томон йўналади.

Ғилайликка олиб келувчи бир қатор сабаблар мавжуд. Уларга иннервациядаги нуқсонлар, рефракциялар, аккомодация ва генетик мойиллик, ҳамда сабаби аниқланмаган катта гуруҳ касалликлари сабаб бўлиши мумкин. Энг кўп сабабларга рефлекс яқинидаги дисбаланс (аккомодацион ғилайлик) ва болаларда бир томонлама кўриш ўткирлигининг пасайиши. Тахминан 7 ёшларга келиб аккомодацион рефлекс ўрнатилади. Мушак дисбаланси шу ёшга етгунга қадар ғилайликка олиб келади. Мушак дисбаланси шу ёшдан кейин, паралитик тип ҳисобланади. Буни ҳамкор ёки паралитик ғилайлик ўртасида таснифлаш осон кечмайди. Ҳамкор ғилайлик одатда диплопияга олиб келмайди. Қачонки беморда яширин ғилайлик (фория) мавжуд бўлса, чарчоқлик ёки оғир касаллик, ёки яққол ғилайликда (тропия) у тўсатдан юзага келадиган иккита кўришга шикоят қилиши мумкин. Агар икки тасвир орасидаги масофа хоҳлаган томонга қараганда бир хил бўлса, у ҳолда бу паралитик ғилайликка кирмайди. Кўзнинг ҳамкор ҳаракатларида ғилайлик ҳамма йўналишларда монокуляр, оғиш бурчаги нигоҳнинг ҳамма йўналишларида бир хил, бирламчи ва иккиламчи оғишларда қайси кўз нуқтага қадалганидан қатъий назар бир хил бўлади.

#### **Паралитик ғилайлик.**

Кўз фалажлиги, паралитик ғилайликда бирламчи ҳолатдаги ғилайликдан, иккиламчи ҳолатда ёки иккиламчи оғишда нормал кўзда кўпроқ.

Масалан: чап латерал тўғри мушак парезида, чап кўз ўрта чизикдан оғади, шу вақтда ўнг кўз тўғрига қарайди. Чап кўзни 5 градусга яқинлаштириш мумкин. Агар ўнг кўз тўсилса (ёпилса) чап кўз тўғри чизикда қадалади, ўнг кўз 10 градусга яқинлаштирилади. Бу иккиламчи оғиш. Қанча кеч паралитик ғилайлик бўлса, нигоҳнинг ҳар хил йўналишида оғиш бурчаги шунча катта бўлади. Экстапокуляр мушакнинг бирламчи фалажлигини ўша рўй берган куни аниқлаш осон кечади. Вақт ўтиши билан фалажлик даражаси камаяди. Бу ўз ичига (А) жуфт мушакларнинг ўта кучли реакцияси (яъни ўнг ён тўғри мушак ва чап мидилал тўғри мушакжуфт ҳисобланади, ҳар қайси кўзни ҳаракатлантирувчи мушак бошқа кўзнинг мушаги билан жуфт ҳисобланади); (Б) контрактура паретик мушакнинг

ипсилатерал агонистидан қаршилик кўрмайди.; ва (с) контрлатерал жуфт мушаклар функциясига кўра, агонист билан боғлиқликда (б).

### **Бошқа маълумотлар**

#### **Бошнинг аномал ҳолати.**

Кўзида бўлиниш билан ҳар қандай беморни текширганда, бошини қандай тутишини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Қачонки бошда бурилиш бўлса, бемор бошини фалажланган мушак майдони томон бурса; яъни, агар чап латерал тўғри мушакфалажланган бўлса, у иягини чап елкаси томон буради. У қандай сизга қараяпти, чап кўзини яқинлаштиради ва ўнг кўзини узоқлаштиради. Бу ҳолда у битта врачни кўради – у касал инсон учун етарлидир! Шундай қилиб бемор тескарисини қилиши мумкин, бизнинг мисолда, у иягини ўнг елкасига буриб ўнг кўзининг бурун чеккасидан сизга қарайди, чап кўз худди узоқлашгандек, чунки латерал тўғри мушак нимжонлигидан дарак беради. Тасвирнинг иккига бўлиниши шу даражада катта ва сохтаки, бу дефект кўринмасдир.

#### **Кўздаги боғич.**

Бемор ҳамма вақт фалажланган кўзини ёпади. Миастения сабабли иккиланишкўз олмасининг бир нечта мушакларини сусайишига олиб келадики, ҳатто боғич шу томонга керак бўлмай қолади. Шунга қарамасдан, битта кўзнинг бир ёки иккита мушаги фалажланган бўлса, фалажланган кўз ёпилади.

Бемордан икки кўзини очиқ қўйиш учун боғични ечишишни сўранг ва бошини шундай бурсинки кўзида иккиланиш бўлмасин. Агар унинг боши аввалги ҳолатига қайтса, демак унинг кўзини кўтарадиган суст мушаклари мавжуд. Агар унинг боши қулоғи билан елкасига қисилган бўлса, у ҳолда қийшиқ мушакларнинг фалажлиги мавжуд. Юқори қийшиқ мушакнинг фалажлигида бош айланади ва соғлом томонга қияланган бўлади.

#### **Монокуляр диплопия.**

Монокуляр диплопия шишасимон таначанинг, хрусталик ёки шох парданинг хиралашгани, ёки хрусталикнинг чиқиши (Марфан синдроми), ҳамда астигматизм ва эрта катаракта сабаблиюзага келади. Шундай хужжатлаштирилган ҳолатлар ҳам борки, улардан бош мия пўстлоғининг энса қисми жароҳати туфайли иккала кўз монокуляр диплопия ва квадрат анопсияга учраган.

### **ОЛТИНЧИ ЖУФТ КАЛЛА НЕРВЛАРИ ЖАРОҲАТИНИНГ САБАБЛАРИ ВА ТОМОНЛАРИ.**

1. Кўприкдаги сабаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:
  - а. Тарқоқ склероз
  - б. Инфаркт
  - в. Ҳажм (масалан, глиома ёки туберкулома)
  - г. Вернике синдроми
2. Ипсилатерал томондан излаймиз:

- Еттинчи жуфт бош мия нервларининг зарарланиши
- Нигоҳ фалажлиги
- Горнер синдроми
- Юз гипестезияси
- Ядролар оралиғидаги офтальмоплегия
- Атаксия

3. Контрлатерал томонда излаймиз:

- Гемипарез
- Нистагм (эхтимол бир неча йўналишда)
- Тана, оёқ ва қўллардаги гемисенсор оғриқлар билан бирга ҳарорат сезгисининг йўқолиши

4. Бош миянинг асосига қуйидаги сабаблар киради:

- а. Акустик невринома
- б. Менингит

в. Субарахноидал қон қуйилиш гуруҳи

г. аневризма ёки аномал томирнинг компрессияси

- д. Базал менингиома
- е. Бурун ҳалқум карциномаси
- ё. Хордома
- ж. Вегенер гранулематози

*Бешинчи, олтинчи ва саккизинчи жуфт калла нервларининг иштирок этиши белгиларини излаймиз.*

3. Чакка суяги ва чакка суяги қисми билан боғлиқ сабаблар қуйидагиларни ўз ичигв олади:
- а. Чакка суягининг инфекцияси, синиши, ёки шишиши

Юз парестезиясида ва гиперестезиясида оғриқни (бир томонда) ва карликни изланг

4. Кўз ёриғидан юқорида жойлашган каверноз бўшлиғидаги патологик ўчоқ қуйидаги сабабларни ўз ичига олади:
- а. Аневризма (уйку артерияси)
  - б. Каротид-каверноз ёриғи (жароҳат)
  - в. Гипофиз шиши, бурун-ҳалқум менингиомаси ёки карциномаси
  - г. Толос-Хант синдроми
  - д. Каверноз синусининг тромбози
  - е. Мукормикоза (қандли диабет билан оғриган беморларда)
  - ж. Ўраб олувчи герпес



*Учинчи ва тўртинчи жуфт, ҳамда бешинчи жуфт бош мия нервнинг биринчи ва иккинчи шохлари иштирок этиш белгиларини излаймиз.*

5. Кўз косасида сабаблар қуйидагилар
  - а. Шиш
  - б. Жароҳат
6. Умумий ва кўп тарқалмаган сабаблар
  - а. Вирусдан кейинги инфекциялар (асосан болаларда)
  - б. Диабет
  - в. Юқори қон босими
  - г. Люмбал пункция (Postlumbag прокол) ёки миелогламма
  - д. Бош мия қон босимининг юқорилиги
  - е. Мигрень
  - ж. Саркоидоз артерит ёки васкулит
  - з. Гийен – Барре синдромининг Фишер варианты
7. Узоқлаштириш дефектини ўз ичига олган бошқа сабаблар
  - а. Тироид офтальмопатия
  - б. Миастения
  - в. Кўз косасининг сохта шиши
  - г. Жароҳат
  - д. Дуэйн синдроми
  - е. Конвергенция спазми

## **КЎЗНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ НЕРВ ЗАРАРЛАНИШИНИНГ САБАБЛАРИ ВА ТОМОНЛАРИ.**

Шуни эсда тутинг, ўнг юқори тўғри мушак чап кўз ҳаракатлантирувчи нерв ядросининг бир қисмидан иннервация қилинади ва аксинча. Фақат битта ўрта ядовий таркиб мавжудки, у қовоқни кўтарадиган ҳам ўнг ва ҳам чап юқори мушакларни иннервация қилади.

1. Ўрта мияда қуйидаги касаллик сабабларини ўз ичига олади
  - а. Бир томонлама тўлиқ ядровий зарарланиш, эхтиоллиги бору, лекин ноаниқ
  - б. Қисман бир томонлама (ядровий ёки тутамли) инфаркт ёки қон қуйилиш, демиелинизация, ёки шиш.

Контралатерал томондан изланг

- Гемипаркинсонизм белгилари (Hemiparkinsonian)
- Гемигипостезия Hemihypesthesia
- Юздаги, қўлдаги ва оёқдаги гемипарез
- Атаксия ва титраш мумкинлиги

2. Мия устунининг оёқчаларидаги сабаблар қуйидагилар
  - а. Аневризма (орқа туташтирувчи артерияда ёки асосий артерияда)
  - б. Менингит
  - в. Инфаркт (қандли диабет билан оғриган беморларнинг қорачиғи нормал ҳолатда, инфаркт ҳолатидагиларга эса жуда оғриқли)
3. Мияча чегарасидаги (ҳажмли жараён сабабли ункуснинг қотиши) сабаблар қуйидагилар
  - а. Контралатерал белги бу мотонейроннинг зарарланиши
  - б. Витал функциянинг сусайиши
  - в. Кучли ривожлананётган уйқучанлик
4. Узоқлаштирувчи нервлардаги сабаблар худди каверноз бўшлиқ атрофидаги сабабларга ўхшайди (юқорига қаранг).
5. Узоқлаштирувчи нервлардаги сабаблар худди кўз косаси атрофидаги сабабларга ўхшайди.

Ундан ташқари, тиреоид офтальмопатия медиал тўғри мушак билан боғлиқ сабабларга ҳам эга бўлиши мумкин, яъни кўзни узоқлаштирувчи дефект, ҳамда пастки тўғри мушакнинг чегараланганлиги ва дефектини кўриш мумкин.

6. Умумий ва кўп тарқалмаган сабаблар, лекин ноаниқ томондан қуйидагилар
  - а. Мигрень
  - б. Диабет (умумий)
  - в. Юқори қон босими
  - г. Артерит
  - д. Коллаген-томир касалликлари

## **ҒАЛТАК НЕРВИ ЗАРАРЛАНИШИНING САБАБЛАРИ ВА ТОМОНЛАРИ.**

Ғалтак нерви зарарланишининг сабаблари ва жойлари худди кўзни ҳаракатлантирувчи нерв зарарланишига ўхшайди. Жуда кўп тарқалган сабаблардан бири бу жароҳат, кейингиси диабет. Охиргиси,

### **ПТОЗ**

Птоз сурункали ривожланиб борувчи ташқи офтальмоплегия (СРБТО) да кўп учрайдиган симптом бўлиб ҳисобланади. Агар птоз икки томонлама ва анча аввал шаклланган бўлса бу эҳтимол СРБТО.

Агар птоз бир томонлама бўлса, яқин орада райдо бўлган бўлса, унда унга ташхис қўйиш жуда ҳам қийин.

Қовоқлар орасидаги бўшлиқ (кўз ёриғи) алмашувчан. Ортикча симпатик таъсир кўз ёриғини катталашувига олиб келади, яъни бу кўпчилик одамларда учрайди. Кўзнинг оддий ҳолатида, бу бўшлиқ вертикал ўрта чизик бўйлаб тахминан 7-12 мм ни ташкил этади. Шох парда вертикал бўйлаб 10,5 мм; юқори қовоқ одатда кўзнинг 0,5-1 мм ни ёпади, пастки қовоқ эса пастки чегарага тегиб туради.

### **Блефароспазм ёки Птоз?**

Блефароспазм кўзнинг айланма мушаклари таъсирида кўзни мажбурлаб ёпишдир. Птоз бу кўзнинг қисман ёки тўлиқ ёпилиши, яъни юқори ёйсимон мушакнинг ёки қовоқни кўтарувчи мушакнинг фалажлиги оқибатида юзага келади. Блефароспазм кўзнинг касалланиши таъсирида ёки оғриши натижасида пайдо бўлиши мумкин, ёки бу беморнинг диплопиядаги сохта образни яшириш учун қилган хоҳиший ҳаракати бўлиши мумкин. Бу дистониянинг оқибати ҳам бўлиши мумкин, чунки МНС нинг органик касаллиги туфайли беихтиёр ҳаракатланади, бу ҳолатда блефароспазм ҳамма вақт икки томонлама бўлади. *Агар жараён бир томонлама бўлса, блефароспазмдан птозни қандай ажратиш мумкин?* Блефароспазмда қошлар кўз косасининг юқори чегарасидан пастроқда бўлади. Птозда улар чегарада ёки юқорида бўлади. Агар улар тепада жойлашган бўлса, бемор пешона мушакларинишига солиб пешонасини чимирса, у ҳолда у қовоқларини ёпишини компенсация қилади.

*Птоз учинчи жуфтлик нервнинг бузилиши оқибатими ёки Горнер синдромими?*

Птоз томондаги катталашган қорачиқнинг, экстраокуляр мушакнинг фалажлиги билан бирга ёки усиз учинчи жуфт нервларнинг зарарланганидан далолат беради. Агар қорачиқ ўша томонда кичрвйган бўлса, бу Горнер синдромидан дарак беради. Учинчи жуфт нервларининг зарарланиши тўлақонли птозга олиб келади, Горнер синдроми учун бу характерли эмас. Юқорига қараган пайтда, птозда учинчи жуфт нервларининг фалажлигида ўзгариш йўқ, Горнер синдромида эса у кичраяди.

Агар қорачиқлар тенг бўлса, унда пастки қовоққа эътибор қаратиш зарур. Пастки ёйсимон мушак (пастки қовоқни пастга тортадиган) Горнер синдромида фалажланган бўлади ва пастки қовоқ нормал соғлом пастки қовоқдан нисбатан юқорида туради. У кўзнинг кўпроқ четини (лимба) қамраб олади. Бошқа белгиларсиз икки томонлама птоз учинчи жуфтлик нервнинг зарарланиши оқибатида бўлиши мумкин ёки бу, базиляр артериянинг инфаркти кеинчалик ишемияга ўтиш билан симпатик жароҳат

ҳисобланади. Птоз бу ҳар томонлама ёпиқ топилма бўлиши мумкин. Қорачиқ ва кўз ҳаракатлари ўзгаришсиз, лекин бемор безовталанди ва ҳушёр тортди.

### **Қорачиқлар**

Қорачиқларнинг диаметри, ўнг ва чап қорачиқларининг бир хиллиги, бемор эс-ҳушида ёки кома ҳолатида бўлганида қорачиқнинг турли хил таъсирловчиларга жавоб реакцияси каби белгилар қорачиқлар фаолиятини баҳолаш учун муҳим кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Қорачиқларнинг диаметри ёруғликнинг кучига, реакциянинг яқинлигига ва симпатик ёки парасимпатик асаб тизимининг таъсирига боғлиқ. Янги туғилган чақалоқлар ва кекса кишилар ёшлардан кўра кичик диаметрга эга бўладилар. Шизофренияси бор беморлар ёки кўрққан одамлар кенгайган қорачиққа эга. Кўк кўз одамлар жигар ранг кўзли одамларга нисбатан кенг қорачиққа эга ҳамда узокни яхши кўрмайдиган одамларнинг ҳам қорачиқлари кенг бўлади. Қорачиқнинг ўлчамини аниқлаш учун тиниқ, шаффоф чизғичдан фойдаланилади. Ёшларнинг қорачиқлари ритмик такрорланувчи усулларда кўпинча тораяди ва кенгаяди. Бу кўринишни гиппус (нафас олган пайтда қорачиқнинг кенгайиши ва нафас чиқарганда, қорачиқнинг торайиши) дейилиб, бу нормал ҳолатдир. Аммо унинг бўлмаслиги ҳам нормал ҳолат бўлиб, патология ҳисобланмайди. Кўпгина қорачиқларнинг ўлчами кўрув пайтида 2-5 мм ни ташқил қилади. Кўпчиликда қорачиқлар бир ихил ўлчамда бўлади. 15-20% беморларда улар ҳар хил ўлчамда (анизокария) бўлиб, буни тушунтириб бўлмайди, аммо улар ўлчамининг фарқи 1 мм дан ошмайди. Агар улар орасидаги фарқ ёрқин ва хира ёритилишда бир ҳолда турса, бу катта аҳамият касб этмайди. Агар қорачиқларнинг ўлчами бироз ёритганда ўзгарса, бундай ҳолда патология мавжудлигини билдиради. Горнер синдромида торайган қорачиқ хира ёритишда соғлом кўзнинг қорачиғи бу шароитда кенгайиши мумкинлигидан кўра камроқ кенгаяди. Қорачиқларнинг кенгайиши учинчи жуфт бош мия нервининг қисман парезида юзага келиб, унда ҳам ёрқин ёруғликда қорачиқлар етарлича тораймайди. Шундай қилиб, қорачиқлар ўлчамини ўртача хона ёруғлигида, ним қоронғуда ва ёрқин ёруғликда ўлчаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қорачиқлар ўлчамининг ҳар хил бўлишига олиб келмайдиган жараёнлар:

1. Бир ёки икки томонлама кўрув ўткирлигининг пасайиши ёки йўқолиши, ёки кўрув майдонининг периферик нуқсонлари
2. Иккала кўз орасида рефракциядаги фарқ. Қорачиқлар рангдор парда марказининг бурун қисмига қараб бироз силжиган ва улар айлана шаклда. Эксцентрик қорачиқлар албатта патология бўлмаслиги ҳам мумкин, улар шаклининг бир текис бўлмаслиги, одатда травмадан кейин кузатилиши мумкин.

**Қорачиқларни қандай текшириш керак.** Бемор маълум миқдорда сал ёритилган шароитда ўтирганда, унинг қорачиқларнинг ёруғликка реакцияси текширилади. Текширувчининг чўнтак фонарини вертикал ҳолатда, юқорига йўналтирилган, кўзга бурчак остида ушланган ва фақатгина бемор ёноғининг олдинги қисмидан ёндашган ҳолда қорачиқлар текширилади ва таққосланади. Кейин беморни узоққа қараш сўралади ва ёўруғликни аввал би кўзга кейин эса иккинчи кўзга йўналтирилади. Бунда иккала кўзга бир вақтнинг ўзида ёруғлик тушмаслигига эҳтиёт бўлиш зарур. Иккала қорачиқ ҳам ёруғликка навбат билан бир хил тезликда ва бир хил даражада жавоб қайтариши керак. Бу синовлар иккинчи жуфт бош мия нервлари ва кўрув йўлининг бошқа қисмлари (афферент) ва учинчи жуфт бош мия нервининг (эфферент) қорачиқ толаларига таалуқли.

*Ёруғликка тўғридан-тўғри ва ҳамкор реакцияси.* Қорачиқнинг ёруғликка тўғридан-тўғри реакцияси деганда, ўнг қорачиққа ёруғлик йўналтирилганда, ўнг қорачиқнинг торайиши тушунилади. Ҳамкор жавоб реакцияси эса, чап кўзга ёруғлик йўналтирилганда, ўнг кўз қорачиғи тораяди ва аксинча. Агар ўнг кўзда нормал ёруғликка тўғри жавоб реакцияси мавжуд бўлиб, аммо ҳамкор жавоб реакцияси нормал бўлмаса, бунда чап кўзнинг эфферент йўллариининг зарарланиши борлигидан далолат беради. Агар ўнг кўз аномал тўғри жавоб реакцияси ва нормал ҳамкор жавоб реакциясига эга бўлса, ўнг кўзнинг афферент йўллариининг патологияси мавжудлигини билдиради. Агар ўнг кўзда ҳам тўғри, ҳам ҳамкор реакциялар бўлмаса, бунда ўнг томондан эфферент йўллар зарарланган бўлади (учинчи жуфт бош мия нервининг парези). Ўнг кўз косаси чўққисининг рефлексни таркиби бўлмиш ҳам эфферент, ҳам афферент толаларнинг зарарланиши билан бирга келиши ҳам ўнг кўз учун тўғри ва ҳамкор реакцияларнинг бузилишига олиб келади.

*Жисмнинг яқинлашувидаги реакция.*

Агар қорачиқларнинг ёруғликка рефлекси нормада бўлса, унда жисмнинг яқинлашишига рефлекс қатнашади. Агар бир ёки иккала қорачиқлар ёруғлик нурига бефарқ бўлса. Бемордан узоқдаги деворга, кейин қалам учига қарашини сўранг, қалам учи беморнинг бурнидан 5-10 см узоқликда бўлиши керак. Агар унинг кўзини кўриш аниқлиги пасайган бўлса, унда бемордан бармоғингизни бурни олдига тутинг ва унинг учига қарашини сўранг. Икки нарсага қаранг: бемор нигоҳини узоқдан яқинга келтирганда икки томонлама қорачиқнинг кичрайиши ва кўзнинг конвергенцияси. Аккомодация ҳам худди шундай рўй беради. Бу гавҳарнинг қийшайишини кўпайтиради ва цилиар мушакнинг қисқаришига ва ушлаб турувчи бойламнинг сусайишига олиб келади. Агар ўнг кўз ёруғликка қорачиқнинг тўғри реакцияси чапнинг тўғри реакциясига нисбатан суст бўлса, лекин яқиндаги реакцияси кучли бўлса, унда зарарланиш ёруғлик рефлексининг афферент толаларидаги ўнг охириги бўлинмаларида мавжуд.

*Қорачиқнинг афферент дефекти, сузаетган чироқ тест синови ва Марк Ганннинг қорачиги.*

Ўнг кўрув нервнинг ретробульбар неврити бўлган бир ишни кўриб чиқамиз. Унинг кўриш қобилияти ўнг томондан 20/80, чап томондан 20/20; периферик майдонлар ўзгармаган, кўз нервнинг тўр пардаси ва ўрта тузилишдар патологиясиз. Ғира-шира ёруғликда қорачиқнинг жавоб реакциясини ўрганинг. Ёруғ нур унинг фақат чап кўзига йўналтирилган. Иккала қорачиқ ҳам худди кутганимиздек кичрайган. Чап кўзни ёруғликдан ҳимоя қилиб ўнг кўзга нурни йўналтирамыз. Ўнг қорачиқ бир зумда кичрайгандай кўринади, кейин чапга ўхшаб бирдан катталашади. Ёруғликни чап кўзга қайтадан йўналтиринг ва иккала қорачиқ ҳам кичраяди.

Чап кўздаги юқори интенсив ёруғлик индукция импульслари нормал ҳолатда претектал соҳаларга ва Эдингер-Вестфал ядроларига таъсир кўрсатади. Эфферент йўллариининг тизими (учинчи нерв) нормал ҳисобланади, чунки қорачиқлар кичраяди. Агар ёруғлик ўнг кўзга йўналтирилса, қорачиқ кичрайишдан ҳамкор нормал ҳолатга енгил реакцияга нисбатан дилатациянинг паст интенсивлик тўғри реакциясига асосан келади. Бу паст интенсивлик жавоби ўнг кўзнинг патологик афферент тизимларининг камайганлиги туфайлидир. Чап қорачиқ худди шу кўздаги ҳамкор жавобга қараб кенгаяди, афферент тизимнинг ўнг томондаги фаолиятини билдиради.

### **Қорачиқлар патологиясининг турлари ва сабаблари**

Аргайл-Робертсон қорачиқлари

Аргайл-Робертсон қорачиқлари, жараённинг икки томонлама кузатилишига характерли бўлиб, асаб тизимининг учламчи сифилиси, қандли диабет, ёки икки томонлама юқори тонуслиқорачиқларнингкечки белгиларидан иборат. Қорачиқлар кичкина, нотўғри ва би хил ўлчамда бўлмайди. Улар ёруғликка жавоб қайтармайди, фақат яқин масофадан жавоб қайтаради, мидриатикларга (mydriatics)ёмон жавоб қайтаради ва қороғуликда кенгаймайди. Шунга қарамасдан, улар миотониклар таъсирида торайиши мумкин. Ёруғликка суст реакция яқиндан яхши аниқланади, у нисбатан бўлиши мумкин. Қорачиқнинг ёруғликка бўлган реакцияси йўқолмаслиги керак, аммо нисбатан пастроқ намоён бўлади. Кўрув ўткирлиги бузилмаган.

*Горнер синдроми.* Горнер синдроми ёки окулосимпатик фалажлик (бир томонлама зарарланиш) птоз, яқиндан ёруғликка яхши жавоб реакциясиги эга бўлган кичкина қорачиқни ўз ичига олади. Нормал ва нормал бўлмаган ўлчамга эга қорачиқлар орасидаги фарқ қоронғуликда янада кўпаяди. Зарарланган томондаги қорачиқ кечроқ ва кам кенгаяди. Симпатик толаларнинг зарарланиши бош мия устунда орқа миянинг бўйин

соҳасида, ўпка чўққисида, каротит қобикда ёки орбитада бўлиши мумкин. Синдромнинг кўшимча яққол белгиларидан бири – юзнинг ипсилатерал томонида энофтальм борлигидир. Бир қатор фармокологик дори воситалари зарарланиш жойлашган соҳани ва ташхисотни осонлаштириши мумкин. Зарарланиш локализацияси марказий, преганглионар ёки постганглионар структураларда жойлашган бўлиши мумкин. Горнер синдроми юзнинг ва пешона ипсилатерал томонидаги кўздаги оғриқ билан, уйқу артериясининг зарарланиши ёки уйқу артерияси зарарланмасдан кластерли бош оғриқлар билан бирга кечади.

*Кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг зарарланиши (бир томонлама)*

Қорачиқ ўртача катталиқда. Ёруғликка ёки яқин объектларга реакция йўқ, ёруғлик интенсивлигини оширганда қорачиқдаги ўлчам ўзгармайди (Горнер синдромидан фарқли ўлароқ). Мидриатик ва миотиклардан фойдаланиш самарали. Кўзни ҳаракатлантириш нервнинг қандли диабетдан кейинги парези одатда нормал қорачиқларга эга, уларнинг жароҳати эса оғриқни келтириши мумкин.

**Эйди синдроми.** Эйди синдроми ёки тоник қорачиқ (бир томонлама ёки ассиметрик икки томонлама бўлиши мумкин), “катта, секинлашган қорачиқ” атамаси билан маълум. Қорачиқнинг ҳолати катталашганда кўриниб, ёруғликка реакцияси бўлмайди ёки жуда ёрқин ёруғлик таъсирида 15-20 дақиқа давомида тораяди. Узоқ стимуляция таъсирида деярли торайиб қолади. Қорачиқнинг ўз ҳолига қайтиши, яъни дилатацияси ҳам шунча давомийликдаги вақтни талаб қилади. Қорачиқлар диаметридаги фарқ ёруғликда яхшироқ намоён бўлади. Қорачиқлар мидриатик ва миотиклар таъсирига яхши жавоб қайтариб, денервацион юқори сезувчанликни намоёиш этади, яъни тоник қорачиққа 2,5% ли Месхолуl ёки 0,125% ли пилокарпин эритмасини томизганда, у тораяди. Нормал қорачиқлар бундай суст таъсирга жавоб реакцияси қайтармайди. Аккомодация ҳам қорачиқларнинг ёруғликка бўлган реакцияси каби секин кечади ва бу шикоят сифатида бўлиши мумкин. Чуқур пай рефлекслари пасайганда ёки йўқолганда Холмес –Эйди (Holmes-Adie) синдроми деб аталади. Сабаби номаълум.

*Яхши сифатли анизокория.* Одатда яхши сифатли анизокориядан бошланиб ёш инсонларда учрайди. Бемор қорачиқлари ҳажмининг фарқига эътибор беради. Бу фарқ қанча узоқ давом этса, унинг потология бўлганлик эҳтимоллиги шунча кам. Беморнинг бир нечта эски фотосуратларини сўранг, қорачиқларини текшириб кўринг. Ёруғликка ва яқинлашаётган жисмларга реакцияси иккала кўзда ҳам нормал ҳолатда, хира ёруғликда қорачиқлар ўлчами орасидаги фарқ катта эмас, мидриатик ва миотикларга бўлган реакциясига жавоб нормал ҳолатда, бу ҳолда патология мавжуд эмас.

*Тақлид қилувчи катта қорачиқ.* Баъзида патентланган кўз томчилари ҳар хил кўшимчалардан иборат бўлади ва улар таркибида атропин ва унга ўхшаш моддалар бор. Беморлар атропинли кўшимчалари бор мазьлардан фойдаланганларида беихтиёр кўзлариги киритишлари мумкин. Баъзида атропинни хафа қилган одамга қасдан киритишлари мумкин. Беморнинг қорачиғи сиз кўришга муваффақ бўлган энг каттасидир. Ўшанда, ёруғликка ёки яқиллаштирилган жисмга ҳеч қандай реакцияси йўқ. Фарқи ўта ёруғ нурда пайдо бўлиши мумкин, шунда ҳам на мидриотиклар ва на миотиклар қорачиқни ўзгартира олади. Бемор билан суҳбатлашинг (хоҳлаган нарса ҳақида), ҳамма анамнезни тўпланг, ўраб турган атроф-муҳитни ўзгартиринг ва кўзни ҳар куни 3 кун давомида баҳоланг. Агар бу қорачиқ дорилар таъсирида кенгайган бўлса, унда кундан-кун унинг ёруғликка реакцияси яхшилана боради, Пилокарпин атропин таъсиридаги қорачиқни торайтирмайди; у Эйди синдроми бор қорачиқни торайтиради.

*Ўрта миянинг зарарланиши.* Ўрта миянинг зарарланишида қорачиқлар катталашган бўлади, асосан бу учинчи жуфт бош мия нервнинг парасимпатик толалари зарарланганда яққол намоён бўлади. Агар ўрта мия симпатик толалари билан биргаликда тўлиқ узилганда ҳам, қорачиқлар катталашган, аммо кам даражада бўлади.

*Уйқу артерияси окклюзияси.* (бир томонлама). Окклюзияда ипсилатералтомонда кенгаган қорачиқ атерома ва Такаюсу касаллигида кузатилади. Қорачиқ ёруғликка ёмон жавоб қайтаради (тўғри ва ҳамкор реакциялар). Бу ҳолатни эҳтимол, нервнинг касаллиги эмас, балки рангдор парданинг ишемик атрофияси билан тушунтириш мумкин.

*Кўприк зарарланиши натижасидаги миоз (икки томонлама).* Кичкина қорачиқнинг (1 дан то 1,5 мм гача) классик белгиси бу кўприк инфаркти ёки геморрагиясидир. Текширувчи қорачиқлар кенглигини катталаштирувчи ойна орқали аниқлаган пайтда қорачиқларга етарлича ёрқин ёруғлик таъсир қилганда, улар торайишини кузатиш мумкин.

### **Аккомодация ва конвергенция**

Яқин нигоҳда кўзлар бир-бирига яқинлашади (конвергирланади), (яъни ўрта чизикка қараб оғади), қорачиқлар тораяди, линзалар эса қалинлашади. Текширишни тугатиш мақсадида, бемор шифокорга ёрдам бериши керак. Иккита медиал тўғри мушак бир вақтнинг ўзида қисқарса, конвергенция юзага келади. Ҳамкор ён нигоҳда унга мос бўлган мушак, яъни контралатерал латерал тўғри мушак фойдаланилгандан кўра, конвергенцияда кўзлар турли хил марказий боғламга эга бўладилар. Аккомодациянинг сустлиги кўпинча қарилик билан боғлиқ, чунки бу ёшда



гавҳарнинг таранглиги пасая боради. Парасимпатик нерв толалар аккомодацияга ўз ҳиссасини кўшади, улар объект қорачиққа яқин жойлашганда, тасвирни аниқ кўришга ёрдам беради, аммо бу боғлиқлик учинчи жуфт нервнинг фалажлигида тўлиқ узилади. Назорат қилиб бўлмайдиган диабет, ёки касалликнинг дастлабки бошланишида, тўсатдан линзанинг синдирувчи кучи ошиб кетиши мумкин, яъни яқиндан кўриш ўткирлигининг тўсатдан яхшиланиши худди шундай симптом бўлиб ҳисобланади. Антихолинергик воситаларни катта дозада қабул қилганда, масофа камайганда, кўриш ўткирлигининг ёмонлашиши кўринишидаги шикоятлар пайдо бўлишига олиб келади.

### **Предмет яқинлашганда қорачиқларнинг реакцияси.**

1. Агар қорачиқ ёруғликка жавоб қайтарса, у предметнинг яқинлашишига ҳам жавоб қайтаради
2. Агар қорачиқлар ёруғликка жавоб қайтармаса, унда шуни аниқлаш керакки, бу реакцияяқинлашишга аномал жавобми ёки йўқми.
3. Агар узоқлашишга дефект бўлса, унда конвергенциянинг сақланганлигини аниқлаш керак. Миоз билан биргаликда кузатиладиган конвергенцияга реакцияни аниқлаш керак.
4. Ҳар қандай, кўзнинг икки томонлама ташқи мушакларининг парезида, конвергенцияни баҳолаш текширишнинг бир қисми бўлиб, зарарланишнинг диагностикаси ва уни локализация қилишга ёрдам бериши мумкин.
5. Узоқлашувчи ғилайлик, лекин кўзнинг тўлиқ монокуляр ҳаракатлари билан бирга бўлган кутилмаган диплопия, конвергенция парезининг натижаси ҳисобланади.
6. Яққол намаоён бўлган конвергенция бир томонлама ёки икки томонлама латерал тўғри мушакнинг фалажидай кўринади. Бемор бурни учига қарайди. Бу кўпинча истерик ҳолатнинг намаён бўлишидан дарак беради. Агар бемор ён томонга, яъни гапираётган томонга қараётган бўлса, у бу ишни қила олмайди, қорачиқлари тораяди ва бу шундан далолат берадики конвергенция ҳанузгача сақланган. Бу бошидан жароҳат олганлиги сабабли органик зарарланиш бўлиши ва сув йўлининг окклюзия синдроми мумкин.
7. Клостридин ботулинум токсини жавоб қайтармайдиган катта қорачиқлар, аккомодация фалажи, птоз ва мушакларнинг экстраокуляр фалажини келтириб чиқариши мумкин. Бемор бедор ҳолатда, лекин нафас олишда кучайиб бораётган етишмовчилик бор. Қусиш ва қабзият бўлиши мумкин. Дифтерия – аккомодация фалажи, юрак ритмининг бульбар бузилишларига олиб келиши мумкин.

## **КЎЗНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ НЕРВЛАР ВА ҚОВОҚ МУШАКЛАРИНИНГ БОШҚА КАСАЛЛИКЛАРИ.**

### **Миастения**

Миастения кўпинча кўзни ҳаракатлантирувчи бир гуруҳ нервларнинг патолгияси бўлиши мумкин ва унга жуда кеч ташхис қўйилади. У бир кўзни бир мушагининг ёки хоҳлаган мушаклар комбинациясининг сустлигида намоён бўлади. Бу касалликнинг асосий моҳияти ўта кучли ҳорғинлик, бемор нигоҳини юқорига тута олмайди, юқори қовоғини очик ҳолда тутиб туришга ҳоли йўқ. Миастениядаги, ҳаммасидан ҳам мумкин бўлган мушаклар комбинациясининг сустлиги (кўз, ҳалқум ёки скелет формаси) бу икки томонлама флюктуирланган птозда кўпроқ намоён бўлади. Беморнинг кўзларини нигоҳи қадалган ҳолда текшириш лозим. У уч марта кўзини очиб ёпиши мумкин, кейин шу очиб ёпишлар орасида шу интервал ва шу давомийликда пирпираши мумкин, лекин кўзларҳар бир пирпирашдан кейиночилмайди. Кейинги пирпирашда кўзлари 10-20 сония давомида ёпиқ туради. Дам олгандан кейин кўз очилганда узок пирпирайди, лекин птоз камроқ намоён бўлади ва кўзларини кўпроқ кузатиш мумкин. Кейинчалик қайта кетма-кет пирпирашда птоз кучаяди, пирпираш эса узаяди. Бу ҳолатда миастения эканлигини тахмин қилиш мумкин. Агар кўзни очиб ёпувчи мушаклар сустлашган бўлса, у ҳолда кўпроқ миастения ёки СРТО ташхиси қўйилади. Агар беморда птоз бўлса, унда кўзни ёпувчи мушакларни текшириш керак. Миастенияни тасдиқлаш учун, иммунологик, нейрофизиологик, фармокологик ва терапевтик методларни қўллаш муҳимдир.

### **Сурункали ривожланувчи ташқи офтальмоплегия (СРТО).**

СРТО бир қатор касалликларда намоён бўлади. Ҳамма вақт птоз ва ривожланиб борувчи кўзлар ҳаракати диапозониничегараланиши мавжуд. Баъзи ҳолларда фақат птоз мавжуд. Беморнинг птоз касаллиги мавжуд оила аъзолари орасида қовоқнинг тушиш симптоми мавжуд эмас. Касаллик сурункали эмас ва диплопияни келтириб чиқармайди. Кўпинча у билан боғлиқ симптомлар кўз олмасининг патолгик ҳаракати билан боғлиқ эмас. Бу гуруҳ касалликларига қуйидагилар киради:

1. Окулофаренгиал дистрофия – Common. Канадалик французларда доминант – аутосом тури мавжуд. Птоз нигоҳ чегараланганлигидан кўра кўпроқ намоён бўлади ва кўпроқ ютишда бўладиган муаммолардан шикоят тушади.
2. Миотоник дистрофия – перкуссиядаги миотоник феноменнинг фаоллашувига айтилади. Бўйин мушаги, кўкрак-сўрувчисимон мушаги, чакка, чайнов мушаклари ва мучалар мушакларида кучсизлик кузатилади; птоз мавжуд; катаракта эрта ривожланади.

3. Қалқонсимон без патологиясидаги кўз миопатиясида – диплопия ривожланади, қалқонсимон без ҳолати нормал ҳолатда бўлиши мумкин, экзофтальм мавжуд эмас, лекин пастга қарашда ковоқ ҳаракатининг кечикиши кузатилади. Кўз олмасини кўтариш ҳаракатининг йўқлиги касалликнинг кўп тарқалган асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Бу миопатия медиал тўғри мушакларни эргаштириб, узоқлаштирувчи иккиламчи чегараланишни келтириб чиқаради, улар ён томон тўғри мушагининг фалажлигини ёлғондан намоён қилади.

*Синдромлар:*

- Стивенс – наслий оилавий СРТО бунга қўшимча периферик нейропатия ва мияча атаксияси
- Кернс-Сайер – СРТО болалиқдан бошланади, пигментнинг ретинал дегенерацияси мавжуд, юрак ғалтаги ва ривожланиб бораётган энцефалопатия, баъзида мияча белгилари иштирок этади, паст бўйлилик ва бу патологиянинг оилада намоён бўлиши.
- Bassen-Kornzweig-абеталипопротеинемия
- Тарқоқ склероз
- Сурункали миастения
- Миотабуляр миопатия

## **Нистагм**

Нистагм кўзнинг ёки кўзларнинг ритмик тебранишида намоён бўлади. Нистагм одатда калла суяги чуқурчасининг ёки периферик вестибуляр аппаратнинг касаллик белгилари ҳисобланади. Кўпроқ краниоцервикал ўтиш йўли билан бир текисликда жойлашган каудал нейрон тўри, ҳамда рострал тузилмалар зарар кўради ва нистагмга олиб келади. Нистагмнинг ўзи уни чақирадиган зарарланган соҳани аниқлаб бериши мумкин. Узоқлаштирилган кўздаги нистагм мия ички устунининг зарарланганлиги оқибатидир, вертикал нистагм эса ҳеч қачон вестибуляр келиб чиқишга эга эмас. Баъзи ҳолларда зарарланиш ўчоғини аниқ локализация қилиш номаъдум. Алкоголь ва бошқа наркотик моддалар - нистагмнинг одатий сабабларидан бири, тарнзиторли ҳамкор горизонтал ва вертикал нистагмнинг эса кўп тарқалган асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Нистагм бир неча турларга бўлиниб уларорттирилган ва туғма, турткили ва маятниксимон бўлади. Кўзларни нигоҳнинг бирламчи позициясига қўйинг, агар бемор вертикал ҳолатда, орқаси билан ётганда, ёки боши бурилган ҳолатда, ёруғликда ёки қоронғуликда турганида нистагм борлигини баҳоланг.

## НИСТАГМ ТУРЛАРИ

**Турткили.** Турткили нистагм энг кўп тарқалган турлардан бири ҳисобланади. Бемордан текширувчининг бармоғини ўнг томонга қараб кузатишни сўрашса, унинг кўзлари қадалган нуқтадан (бармоқ ортидан) орқага ўрта чизикқача бўлган масофада дайдиб қолади. Кейин улар бармоқда тўхтаб қолади. Нистагм йўналиш бўйлаб ҳаракатнинг таркибий тезлигига қараб ҳисобланади, яъни ўнгга. Ўнг ён томон нигоҳдаги турткили нистагм. Турткили нистагмда иккита ҳаракатни ҳеч қачон бир хил тезликда аниқлаб бўлмайди.

**Маятниксимон.** Маятниксимон нистагм кўзларнинг бир томондаги бир хил тезликдаги ҳаракатида, ва шу ҳолат бошқа йўналишда ҳам кузатилади. Шу сабаб маятниксимон нистагмни ўнг ва чап деб атаб бўлмайди. Уни бир хил юзадаги ҳаракати бўйлаб, яъни горизонтал, вертикал ёки ротаторли деб аташ мумкин. Маятниксимон нистагм орттирилган ёки туғма бўлиши мумкин.

### **Қадалган нигоҳ.**

Кўзнинг бирламчи ўрнида нистагм маълум эмас.

- Бемордан нигоҳнинг асосий йўналишлари бўйлаб кўзларидан 60 см узоқликда бармоғингизни тутиб кузатишини сўранг, иккала кўз ҳам очик бўлиши керак.
- Бемордан яна шу ҳаракатларни бир кўз билан, кейин иккинчи кўз билан давом эттиришини сўранг.
- Беморга бармоғингизни жуда яқин келтириб бошқа асосий йўналишларга қараётган пайтда конвергенция қилишга уни мажбурлаб текширувни такрорланг. Бу ҳаракатлар натижасида аниқланган нистагм “чапга қарашдаги икки томонлама турткили нистагм” деб ҳисобланади.

### **Кўзнинг бирламчи позицияси.**

Агар бемор ўз олдига қараса, бунда нистагм иштирок этиши мумкин. У турткили ёки маятниксимон бўлиши мумкин. Кўпинча нистагмни кўриш учун кўзнинг тўр пардасини офтальмоскоп билан кузатишга муҳтожлик сезилади. У вертикал (такиби жиҳатдан тез) ёки ён томонлама. Бемор иккала томонга қараётган пайтда у дағалроқ бўлиши ёки йўқолиши мумкин.

### **Туғма.**

Туғма нистагм кўпинча маятниксимон бўлади. Анамнез ҳаётий муҳим аҳамиятга эга. Бемор врачга кўзининг 16 ёшдан бошлаб “сакраши” бошланганини айтиши мумкин. Нистагм қоидага асосан, иккала кўзда горизонтал бўлиши мумкин, ҳамда конвергенцияда камаяди. У бирламчи

ҳолатида маятниксимондан ўзгариб ён томонлама нигоҳда пайдо бўлади. Бу беморлар ўқишга ҳаракат қилган пайтда бошида титраш ҳосил бўлади, ёки титраш кучаяди. Бемор бошининг ва кўзининг шундай ҳолатини қабул қиладики, унда нистагм бўлмайди, бу ҳолат нолинчи ҳолат дейилади. У частотали-ритмик характеристикага эга бўлиб, туғма маятниксимон нистагмга характерлидир. Беморнинг кўзи беш ёки олти марта тўлқинланади, кейин ҳаракати қарийиб нольга тенглашган 1-2 сониялик пауза, ундан кейин тўлқинлар тугайди. Жуда кўп тарқалган нистагмнинг сабаби иккала кўздаги туғма кўриш қобилияти ёионлигининг ҳар хил этиологияларидир.

### **Латентли.**

Латентли нистагм ҳам туғма ҳисобланади. Беморнинг иккала кўзи очик ва кўзлари бирламчи ҳолатда бўлса нистагм йўқ. Битта кўзи ёпилган бўлса, иккала кўзда очик кўз томонга қараб тезлик фазасида турткили нистагм аниқланади. Битта кўз ёпилган бўлса нигоҳ ўткирлиги камаяди. Кўпгина беморлар бу турдаги нистагм билан кўзларида ғилайлик мавжуд.

### **Зарарланиш томони.**

Агар бемор тез ҳаракат томонга қараса, нистагм амплитудаси ҳам катталашади. Нистагмнинг тезкор таркиби бош миянинг қарама-қарши ярим шарларининг бутунлигига, яъни уларнинг базал ганглиялари ва диэнцефал тузилмаларигабоғлиқ. Ўткир деструктив ўнг томонлама вестибуляр зарарланиш кўзнинг ҳамкор оғишига, нистагм эса чапга оғишига сабабчи бўлади. Агар беморга кўшимча ўнг томон ўрта мия артериясининг инфаркти бўлса, нистагм бўлмайди.

### **Мия устунлари, мияча ядролари ва уларнинг бошқа йўллари билан боғлиқлиги.**

1. Туртки бу кўп тарқалган нистагм турининг орттирилган касалликлари натижасида юзага келган.

а. Узоқлаштирувчи кўзда бўлиши мумкин, унинг интенсивлиги тезлик фазаси томонга қараганда ортади. Кўпинча тез йўқолувчи, узоқлаштирилган кўзда уч ёки тўртта дағал туртки бўлиши мумкин, кейин тўхтаб қолади.

б. Иккала кўзда ҳам бир текисда бўлиши мумкин.

Бу яқинлаштирилган бошқа кўзнинг чегараланганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин, худди ядролар орасидаги офтальмоплегиянинг бир қисмидай.

в. Бирламчи нистагм ва кўзнинг жойлашуви ҳақида ёзилган бўлимда айтилишича, кўзнинг бирламчи жойида пастки турткини кўриш жуда ҳам қийин. Бу ҳолларда ҳамкор нигоҳда пастда қараганда, ён томондаги ҳамкор нигоҳда икки томонга қараганда нистагм дағаллашади.

Одатда ҳамкор нигоҳда юқорига қараганда нистагм нолга айланади. Агар вертикал ҳолатдан горизонтал ҳолатга ўтиш, яъни ётишда нистагм кучаяди. Зарарланиш сабабларига мияча чурраси, Арнольд-Киари аномалияси, дегенерация ёки ривожланиш камчиликлари киради.

г. Юқори туртки (икки турда). Биринчи тур кўзнинг бирламчи жойлашувида қатнашади ва нигоҳ юқорига кўтарилаётганда кучайиб, пастга тушаётганда сусаяди. Зарарланиш мияча қуртининг олдинги қисмида жойлашган. Юқори нистагмнинг иккинчи турини кўзнинг бирламчи жойлашувида кўриш қийин бўлиб, у шуниси билан қизиқки, нигоҳ пастга тушаётганда кучаяди. Зарарланиш тегментал кулранг моддадаги медулляр-кўприк ўтиш йўлида ёки кўприкнинг ўрта мияга ўтишида бўлиши мумкин. Нистагмнинг пастки ва юқори турткилари ўзгариши мумкин, ёки бошни пастга туширганда пайдо бўлиши мумкин.

2. Ротаторли нистагм.

3. Аралаш роторли турткили нистагм билан

4. Орттирилган маятниксимон нистагм кўпчилик йўналишларда (вертикал ва горизонтал) қатнашади ва иккала кўзда бир-бири билан фарқ қилади. Бу шу яқин атрофдаги структураларнинг касаллик белгилари билан бирга кузатилади, масалан, гапиришдаги ноаниқлик, мучалаларнинг атаксияси ва юриши, диплопия ва титраш (тремор).

### **Вестибуляр зарарланиш.**

Вестибуляр зарарланишдаги нистагм фақат бир томонлама бўлади, яъни зарарланиш ўчоғидан узоқда. Бу қоидага кўра аралаш, ён томонлама ва айланма. У ҳеч қачон визуал нигоҳ қадалганда вертикал ёки ротаторли бўлмайди, ва ҳамма вақт кучли бош айланиш, қулоқдаги шовқин ва эшитишнинг йўқолиши билан бирга кузатилади.

### **Оралик мия.**

Бу тезкор таркибсиз, маятниксимон нистагм. Яна кўзнинг ҳамкор айлантурувчи ҳаракатлари ва ҳар хил қизиқ вертикал ҳаракатлар мавжуд. Ичкарига айланадиган кўз кўтарилади, ташқарига айланадиган кўз эса пастга тушади. Саккад вертикал ҳаракатлар фақат нигоҳнинг пастга тушиши билан боғлиқ. Бу ҳолат кўпинча туғма бўлиши мумкин. Бу нистагм турига жаоб берадиган томоннинг зарарланиш ўчоғи ҳанузгача тўғри аниқланмаган.

### **Ассоциацияланган белгилар ва симптомлар.**

1. Бош мия устунининг ёки миячадан ташкил топган нистагм билан,

а. Атаксия, дизартрия, диплопия, ядролар орасидаги офтальмоплегия, калла нервларининг бошқа зарарланишлари, кортик-спинал ҳаракат тракти ва сенсор белгилар

б. Бош айланиши йўқ ёки енгилгина, бемор кўзини ёпиб ётса ҳолати яхшиланади.

2. Вестибулярда ҳосил бўлган нистагм билан,

а. Бош айланиш ва қусиш интенсив ҳолатда, бошланиши бирданига, ва бемор одатда ётишга мажбур ва ҳаракатланиш учун тура олмайди, бемор зарарланган томонидан ҳамма нарса айланаётганини сезади.

б. Чиғаноқ нерви дисфункциясининг бошқа белгиларининг борлиги. Бу ҳолатда бош мия устунининг ёки миячанинг ҳеч қандай касаллик белгилари йўқ, лекин кўзлар зарарланган томон қарашга мажбур.

в. Анамнезда кулоқда шовқин ёки эшитишнинг пасайиши кўрсатилган.

г. Агар бемор туришга ёки юришга мажбур бўлса, у зарарланган томонга каловланади.

## **БОШҚА МАЪЛУМОТЛАР**

Нистагмнинг охирги нуқтаси. Бемор четги нуқталарни ён томон нигоҳи билан кўрса бу нормал ҳолат. Нистагмнинг охирги нуқтаси унча катта бўлмаган, сакровчи турдаги турткиларни ўз ичига олади, ва булар узоқлаштирилган кўзда яққол намоён бўлади. Агар камгина спиртли ичимлик истеъмол қилинса бу яққол ва кучли кўринишда белгиланади.

### **Конвергенцион нистагм.**

Конвергенция асосан туғма нистагмни ва периферик вестибуляр нистагмни сусайтиради. Нистагмни фақат кўз олмаларини яқинлаштирганда кўриш мумкин ва у ўрта мия орқа қисми синдроми бўлиши мумкин.

### **Акс эттирилган нистагм.**

Агар бемор чапга қараса биз турткисимон пульсацияланаётган нистагмни кузатамиз. У тўхтайди, бемор кўзларини аввалги ҳолатига қайтарса нистагм ўнг томондан худди бирамчи кўз жойлашувига қараб пульсацияланаётган нистагм кўринишида пайдо бўлади. Бир неча сониядан кейин нистагм яна тўхтайди. Бу мия устунининг ёки миячанинг зарарланиши демакдир. Беморнинг кўзларини кузатиш жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки уларнинг аввалги ҳолатига қайтишида бирор хил нистагмни кўришнинг ягона йўли шу ҳисобланади.

### **Даврий ўзгарувчан нистагм.**

Бу жуда кам учрайдиган, аломат турдаги нистагм. Бемор бир томонга йўналган ихтиёрсиз доимий турткили нистагмга эга; у бир неча сониядан

кейин тўхтайтиди. Қисқа интервалдан кейин нистагм йўқолади, у қарама-қарши йўналишда бошланади. Бу алмашинувлар доимий давом этади. Бу орқа калла суяги чуқурчасининг ортирилган ва туғма функцияларининг бузилишида катта аҳмиятга эга. Бу соғлом инсонларда ҳам бўлиши мумкин.

### **Конвергенцион – ретракцион нистагм**

Юқорига қарашга уринганда, такрорланадиган тез ҳаракатлар, яъни кўзларнинг тортилиши билан бирга яқинлашиши ҳам кузатилади. Зарарланиш ўрта мияда жойлашган.

### **Ихтиёрий нистагм.**

Ихтиёрий нистагм ҳақиқий нистагм бўла олмайди. Бу жуда тез, у томондан бу томонга қараб кўзларнинг бирламчи ҳолатида ихтиёрий кучли конвергенция билан тўлқинсимон ҳаракати ёки айланишидир. Ихтиёрий нистагми бор инсон уни бир неча сония сақлаб тура олади холос. Бу касаллик аломатлари эмас.

### **Оптокинетик нистагм**

Оптокинетик нистагм (ОКН) темирйўлчилар нистагми ҳам деб аталади. Агар сиз поездда юрганингизда ойна ортидан ўтиб кетаётган устунларни кузатган бўлсангиз, поезд ҳаракатланаётган томонга қараб сизга ОКН мавжуд (яъни тезкор фаза).

- Клиник ҳолатда, бемор навбатма-навбат жойлашган вертикал қора ва оқ чизиқлардан иборатноғоранинг айланаётганини кузатаётганда, худди шу нарсани ҳис қилади.
- 1 м ўлчамдаги оқ чойшабга ораси 15 мм бўлган 15 дона қора лентали матони ёпиштириб чиқамиз. Уларга сонларни ёзамиз ва беморга лентадаги ёзилган рақамларга қараш сўралади ва бу рақам то йўқолмагунча уни кузатиш керак. Ундан сўнг бошқа рақамга қараб, уни ҳам то йўқолмагунча кузатиш керак. Жараёни ўнгдан чапга қараб такрорлаш керак. Беморнинг кўзларини кузатиш. Лента ҳаракатланишдан ёки ноғора айланишни тўхтагандан сўнг бир неча сония давомида спонтан нистагм кўринади. Кўпчилик инсонларда ОКН учрайди. Текширув пайтида секинлашган фаза йўналиш бўйлаб ҳаракатланса, тезкор фаза лентага қарама – қарши томонга ҳаракатланади. У горизонтал ёки вертикал текисликда намоён бўлади.

### **Қайси ҳолларда ОКН ни аниқлаш мумкин?**

1. Беморнинг уйқучанлик пайтида ёки лента “орқали” қараётганида текширувдан бош тортган пайтда. Бу ҳолатда ОКН ни ўнгга, чапга, юқорига ва пастга қараб аниқлаш мумкин.



2. Бемордаги қадалган нигоҳ нуқсони. ОКН ни аниқлаш учун қадалган нигоҳ аниқ бўлиши керак.

а. Макула функцияси ва кўришнинг ўткирлиги нормада бўлиши керак.

б. Объектларнинг чегаралари ва контрастлари аниқ бўлиши керак. Кўринган объект беморнинг диққатини ўзига жалб қилиши керак.

3. Нигоҳи фалажланган бемор. Нигоҳ фалажланган томонда ОКН бўлмайди.

4. Беморнинг абсолют ёки қисман бир турдаги кўрув майдони нуқсониди – ОКН нуқсон йўналишида бўлмайди. Бу кўпроқ ўзгармас ҳолат, нимагаки зарарланиш оптик нурланишнинг ўрта ёки орқа қисмида жойлашган, яъни бош миянинг теппа бўлагиди. Агар ОКН ҳам ўнгда ҳам чапда аниқланса, нуқсон ташхис қилинмаган бўлса, у ҳолда зарарланиш локализацияси энса қисмида бўлиши мумкин.

5. Туғма нистагмни бемор. Кўпчилик беморларда ОКН реакцияси кутиш мумкин бўлгандан қарама-қарши томонга бўлади, яъни “тескари айланган” деган атамабилан маълум. ОКН нинг жавоб реакциясини орттирилган нистагмни туғма нистагмдан қиёсий ташхис қилиш учун қўллаш мумкин. Агар бемор ўнг томонлама вестибуляр нистагмга чалинган бўлса, ва тавсия этилган лента ундан чап томонга ҳаракатланса, у ҳолда ОКН ни вестибуляр нистагм деб қараш мумкин. Агар нистагм тўхтаса ёки лентага қараб йўналишини ўзгартирса, у ҳолда бу туғма нистагм ҳисобланади. Бу орттирилган нистагмдан туғма нистагмни қиёсий ташхислаш учун ишончли усулдир.

### **НИГОҲНИНГ ҲАМКОР ФАЛАЖЛИГИ ВА МАЖБУРИЙ ҲАМКОР ОҒИШ.**

Нигоҳнинг ҳамкор фалажлиги ёки мажбурий ҳамкор нигоҳ бош миянинг, оралиқ миянинг, мия устунининг, миячанинг ёки периферик лабиринт аппаратининг патологияси натижасида юзага келиши мумкин.

Нигоҳнинг ҳамкор фалажлиги жисмлар тасвирининг иккига бўлинишига олиб келмайди. Беморлар одатда кўз олмалари ҳаракатининг бузилиши ҳақида билишмайди. Онг даражасининг пасайиши кўпинча нигоҳ фалажлиги ёки нигоҳнинг мажбурий ҳамкор оғиши билан бирга касалликнинг ўткир даврида кузатилади.

Агар беморда чап томонда нигоҳнинг ҳамкор фалажлиги мавжуд бўлса, у иккала кўзи билан ўрта чизикдан чап томонга қарай олмайди, лекин унда чап ён томон тўғри мушакнинг ёки медиал тўғри мушакнинг парези мавжуд эмас. Нигоҳнинг фалажлигини аниқлашнинг бир неча турлари мавжуд, усулнинг ўзи муҳимаҳмиятга эга. Агар бемордан чап томонга қарашни сўрашса, у буни уदдалай олмаса, бемор ундан чап томонга ҳаракатланаётган объектни текшира олмайди. Унинг ияги чап елкаси томон бурилганда ҳам ўзининг олдидаги ҳаракатсиз жисмга нигоҳини

қадаб узоқ кузатиши мумкин. Одатда беморнинг кўзлари худди қўғирчоқ кўзлари каби текширувга эътибор бериши мумкин. Шундай қилиб, нигоҳнинг фалажлигида кўз олмаларининг ҳаракати ҳар хил анатомик зарарланишда ихтиёрий, кузатувчи, ёки рефлектор (супратенториал, мия устуниси ёки периферик бўлмалар) бўлиши мумкин.

Кўзнинг мажбурий ҳамкор оғишлари одатда оғир беморларнинг ўткир зарарланишларидан келиб чиқади ва кўпинча беморларни онг даражасининг бузилишида кузатилади. Ҳамкор нигоҳ билан боғлиқ барча марказлар контрлатерал жойлашган марказлардан иборат. Агар ўнг пўстлоқ маркази бирдан ривожланган бош мияда қон айланишининг ўткир бузилишида (БҚАЎБ) чап томондаги ҳамкор нигоҳ билан боғлиқ бўлса, кўзлар ўнг томонга бурилишга мажбурдир. Зўраки ҳамкор нигоҳ зарарланишнинг оқибати, ёки кўрув марказининг таъсири, ёки лабиринтнинг зарарланиши натижасидир.

### **Супратенториал кўрув марказлари.**

#### **Олдинги ёки фронтал ёки ихтиёрий саккадик марказ**

Ўрта пешона пуштасининг орқа соҳалари (Бродман бўйича 8-майдон) кўзнинг ихтиёрий ҳаракатлари учун жавоб бериб, кўришни кўзғатувчиларига боғлиқ бўлмайди.

Қуйидаги зарарланишларни кўриб чиқамиз:

1. Бу соҳани таъсирланиши оқибатида эпилептик тутқаноқлар кузатилиши мумкин, кўзлар ва бош қарама-қарши томонга қайрилган бўлади. Бу кўриниш тажрибада тасдиқланган бўлсада, қайрилиш йўналишининг қарама-қарши томонга оғиши доим ҳам учрамайди.
2. Пешона бўлаги ва унинг бирикмаларининг ички капсула орқали зарарланиши. Бу вазиятда кўзлар зарарланмаган пўстлоқдан ва фалажланган қўл ва оёқдан қарама-қарши томонга, зарарланган ўчоқ томонга қайрилади. Жараён сурункали кўринишга ўтган сари кўзлар яна дастлабки ҳолатини эгаллайди ва яна зарарланган ўчоқ томонга силжий бошлайди. Вақт ўтган сари кўзлар ўрта чизикни гемипарез томонига қараб кесиб ўтмайдилар. Инсульт билан касалланган бемор фалажланган қўл ва оёғи томонига қараб қолмайди. Тутқаноқ пайтида бемор одатда тутқаноқ тутаётган мучалари томонига қарайди.

Зарарланган ўчоқ мия устунисида эмас, балки бош мия ярим шарларида жойлашганини аниқлаш учун қуйидаги муолажалардан фойдаланилади:

- бемор бошини тез ҳаракатлар ёрдамида нормал қўл ва оёқ томонига ўнгирганда, унинг кўзлари ҳамкор равишда парез томонига ҳаракатланади (бу қўғирчоқ кўзлари тести ).

- фалажланган кўл ва оёқ томонини ташқи кулоқ йўлини совуқ сув билан ювилганда, кўзлар ҳам шу томонга буралади.

Агар бемор ҳушида бўлса, унинг нигоҳини 0,5 м атрофидаги масофада ўзингизнинг бармоғингизга қаратинг. Бемор бошини фалажланган кўл ва оёғидан қарама-қарши томонга бураётган пайтда бемор сизнинг кўлингизга қараб туриши керак. Агар кўзлар ҳаракатланмаётган бармоққа қимирламасдан қараб турса, улар ҳамкор равишда гемипарезга қарама-қарши томонига қараб силжий бошлайди. Агар нигоҳ фалажининг сабаби мия устунисида бўлса, бу учта муолажа нигоҳнинг ҳамкор ҳаракатини келтириб чиқармайди.

Агар беморда нигоҳнинг ҳамкор фалажи ўрта чизик бўйлаб ёки шу соҳада гемианопсия бўлса, аниқлаш қийин бўлади. Беморда ҳар иккаласи ҳам бир вақтда кузатилиши мумкин. Айниқса, бемор ҳушсиз ётганда, дисфазияси ёки бир вақтнинг ўзиде иккаласи ҳам кузатилса, бу қийинчиликлар янада чуқурлашади,

Кўрув майдонидаги нуқсонларни қуйидагича аниқлаш мумкин:

- кўлингизни бемор кўзига қараб тез ва таҳдид қилаётган ишора билан яқинлаштиринг

- агар текширувчининг кўли бир томондан келаётганида, беморнинг кўзлари доимий пир-пираб турса, эҳтимол унда гемианопсия мавжуд

- агар бемор кўзлари иккала томондан келаётган кўлга жаобан пир-пираб турса, унда фақат нигоҳ фалажи бўлиб, кўриш майдони сақланган бўлади. Нигоҳнинг ҳамкор фалажи бор бўлган беморлар пешона бўлаги ва унинг бирикмаларидаги нигоҳ марказидаги томир касалликларида, одатда неврологик танқисликсиз тузаладилар ва кўзларнинг ҳаракати сақланган бўлади. Фалажланган нигоҳ фалажланган кўл ва оёққа нисбатан яхшироқ тикланади.

### **Орқа ёки энса кузатув маркази**

Бу марказ (тахминан Бродман бўйича 18 майдон) нигоҳнинг олдинги маркази каби яхши аниқланмаган. Бу соҳада зарарланишлар кам учрайди. Энса марказининг зарарланиши кўзларни ўчоқ томонга оғишига олиб келади, стимуляция эса патологик ўчоқдан қарама-қарши томонга оғишига таъсир қилади. Бу марказ кўзларнинг ноихтиёрий ҳаракатини назорат қилади. Пешона бўлагини ёки лабиринтни кўзгатганда, унга жавобан беморнинг кўзлари кўғирчоқ кўзларига ўхшаш ҳаракатланади, аммо ҳаракатланаётган жисмни кузатмайди. Ҳамкор нигоҳнинг йўқолиши деярли доим нигоҳ фалаж бўлган томонда гемианопсия ва оптикокинетик нистагм билан бирга келади.

### **ҲАМКОР ОҒИШ**

Таламуснинг медиал қисмида бир томонлама ўткир деструктив жароҳатлар (қон қуйилишлар) тананинг контралатерал томонида гемипарезларга ва парез томонида кўзларнинг ҳамкор оғишига олиб келади.

## **МИЯЧА НИГОҲ ФАЛАЖИ**

Мияча нигоҳ фалажи ўткир бир томонлама мияча патологиясида юзага келади. Кўзлар қарама-қарши йўналишга қараб оғади. Лабиринт стимуляциясига кўзларнинг жавоб реакцияси нормал бўлади.

## **ПАСТГА ҚАРАГАН МАЖБУРИЙ НИГОҲ**

беморнинг пастга қаратилган мажбурий нигоҳи, четдан худди бемор ўзининг бурнига қарагандай туюлади. Бу кўпинча бемор комада бўлганида, маълум турдаги конвергенцияда кузатилади, ҳамда бемор нигоҳини пастга қадаганда кузатилади. ўрта мияга қон қуйилиш бу фалажликнинг энг кўп тарқалган сабабларига киради. Паринонинг ўткир синдромида кўзлар фиксацияланган ҳолда пастки ҳолатда бўлади. Бу белги бундан ташқари, калла ичи босими юқори бўлганда ҳам кузатилиши мумкин.

## **Нигоҳнинг пастга қараш фалажи**

Нигоҳнинг пастга қараш фалажикам учрайдиган топилма бўлиб ҳисобланади. У туғма ёки наслий бўлиши мумкин. Агар у орттирилган бўлса, демак таламуснинг орқа қисми зарарланган ёки мезенцефалик кулранг модданинг ва акведук вентрал қисмининг жароҳатланиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Пастга қараб билмаслик Парино синдромидаги ривожланиб борувчи ядро усти фалажининг бир тури бўлиши мумкин. Кўриш вақтида қийналиш унинг эрта симптомларидан биридир.

## **Нигоҳнинг юқорига қараш фалажи**

65 ёшдан ошган кўпчилик кишиларда ва паркинсонизм синдроми бор бўлган беморларда нуқсонли, симптомсиз юқорига йўналган ҳамкор нигоҳнинг йўқолиши содир бўлади. Бу ҳолат текширув вақтида кўринади. Аммо шунга қарамасдан, агар улар кўз билан бир текисликда ва тўшга эгилтирган ияк сатҳида жойлашган ҳаракатланмаётган жисмга нигоҳларини қадасалар, кўзлар юқорига қараб ҳаракатланади. Претектал соҳанинг икки томонлама зарарланиши нигоҳнинг юқорига қараш фалажига олиб келади.

## **БЕЛЛ ФЕНОМЕНИ**

Белл феноменида одам кўзини юмганда, кўзларнинг нормал айланиши амалга ошади. Бу ҳолат еттинчи жуфт нервнинг фалажи мавжуд беморларда яққол кўринади, чунки фалажланган томонда кўзни юма олмаслиги туфайли кўз олмасининг ҳаракати кўриниб туради. Бу юқорига қарашда нуқсонли бор беморларни баҳолашда бу феномендан фойдаланилади. Бу феноменни чақириш учун бемор сизнинг тўғрингизда ўтиради, сиз бемор кўзларини кучи борича юмишни айтинг ва беморнинг юмилган кўзларини сиз очишга ҳаракат қилганингизда, бемор унга шунча қаршилиқ кўрсатиши зарур. Сиз унинг кўз атрофидаги айлана мушагининг кўрсатаётган қаршилигини енгиб чиқсангиз, кўз олмаси юқорида

турганини кўришингиз мумкин. Бу нормал ҳолат бўлиб, деярли ҳамма одамларда кузатилади. Бу рефлекснинг йўли кўзнинг айлана мушаги ва кўз олмасининг ташқи мушаги орасида, бош мия устунни сатҳида жойлашган. Чакка соҳасининг патологияси Белл феноменининг бузилишига олиб келади. Кўзлар церебрал патологиядан қарама-қарши йўналишда ён томонга қараб оғади.

### **ПАРИНО СИНДРОМИ**

Парино синдроми (ўрта мия орқа қисми синдроми ёки сильвиев сув йўли синдроми атамаси билан машҳур) ядро усти тектал ёки претектал соҳанинг (глиомалар, гидроцефалия, герминома, пинеаломалар ёки томир касалликлари) зарарланиш оқибатида юзага келади. Унинг клиник белгилари юқорига қараш нигоҳининг фалажи ва нистагм ёки юқорига қарашга ҳаракат қилганда, конвергенцион нистагмнинг юзага келиши билан характерланади. Бундан ташқари, кўз олмасининг тортилиши ёки птоз бўлиши ҳам мумкин. Қорачиқлар кенгайган ёки ёруғликка сушт жавоб реакциясига эга, аммо яқинлашаётган жисмга нормал жавоб қайтаради. Конвергенция бўлмаслиги ёки спазмда бўлиши мумкин. Пастга қараш ҳам нотўлиқ бўлиши мумкин ва вертикал диплопия кузатилиши мумкин, бу белги эса кенг тарқалган белгилардан бири бўлиб ҳисобланади. Аксарият беморларда кўрув дискининг шишуви кузатилади. Юқорига кўтарилувчи оптикокинетики нистагм бўлмайди. Синдромнинг учта энг кўп тарқалган компонентлари:

Нотўлиқ ҳамкор юқорига қараган нигоҳ

Нотўлиқ конвергенция

Аккомодациядан кўра, ёруғликка яхшироқ жавоб қайтаридиган катта қорачиқлар

### **РЕТИКУЛЯР ФОРМАЦИЯНИНГ ЗАРАРЛАНИШИ**

Бир томонлама, доимий ипсилатерал ҳамкор горизонтал нигоҳ фалажи ретикуляр формациянинг зарарланиш натижаси бўлиб ҳисобланади. Агар жараён ўткир характерда бўлса, қарама-қарши томонга мажбурий ҳамкор оғиш содир бўлади.

Агар патологик ўчоқ рострал ва олтинчи жуфт бош мия нервига яқин жойлашган бўлса, лабиринтли кўзғатиш (совуқ сув билан) ипсилатерал томондаги кўз ўша томонга қарайди. Агар патологик ўчоқ олтинчи жуфт ядро сатҳида жойлашган бўлса, бунда лабиринтли кўзғатишга ҳеч қандай жавоб реакцияси содир бўлмайди. Вертикал ҳаракат ва конвергенция меъёрида.

### **Ядроларо офтальмоплегия**

Ядроларо офтальмоплегия (ЯАОП) медиал бўйлама тутамда (МБТ) зарарланиш кузатилаганда юзага келиб, демиелинизация, ўсмалар, томир касалликлари, Вернике касаллиги, тизимли қизил югурик ва бошқа касалликларнинг асорати сифатида келиши мумкин. МБТнинг олдинги учида зарарланиш кузатилганда, конвергенциянинг нуқсонига олиб

келади. Орқадаги зарарланиш нигоҳга нисбатан конвергенцияга яхши медиал тўғри мушак функциясига эга. Бир томонлама ЯАОП ипсилатерал кўзда медиал тўғри мушакнинг сустлигига олиб келади, бу эса турли хил ўзгаришларга, жумладан тўлиқ фалажликдан нотўлиқ фалажликка, бундан ташқари узоқлаштирилган контралатерал кўзда нистагмнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Нистагм узоқлаштирилган кўзда жуда кўпол, секин ва тез йўқоладиган бўлиши мумкин. Икки томонлама ЯАОП кўзни ўнгга ва чапга тўлиқ бўлмаган яқинлашишини ва нигоҳнинг иккала йўналишида ҳам кўзни узоқлаштирганда нистагмни кўрсатади. Бундан ташқари, конвергенцияда яхшироқ кўринадиган нистагм ҳам аниқланиши мумкин, лекин доим турли хил, кичик амплитудали ва кам частотали бўлади.

**«Бир яримта синдроми»**га биринчи марта С. Миллер- Фишер томонидан таъриф берилган. Бу (масалан, томир ёки демиелинизацияли касалликлар) кўприк-ретикуляр структураларнинг ҳамда ипсилатерал медиал тутамнинг зарарланишидир. Клиник жиҳатдан ипсилатерал кўз ичкарига ёки ташқарига ҳаракатланиб билмайди. Контралатерал кўз эса фақат оғиши мумкин, аммо бурун йўналишига қараб ўрта чизикни кесиб ўта олмайди. Масалан, ўнг томондан ретикуляр формация зарарланишида иккала кўзда ҳам нигоҳнинг ўнг томонга ҳамкор ҳаракати амалга ошмайди, МБТ ўнг кўзни яқинлашишига йўл қўймайди, ва ягона сақланган ён томонга ҳаракат бу кўзни чапга узоқлаштиришдан иборат. Вертикал йўналишда кўзларнинг ҳаракати нормал, қорачиқлар каби.

### **Ғилайлик**

Кўзнинг қийшиқ оғишида бир кўз кўтарилиб, иккинчи кўз пастга тушади. Бемор одатда, иккита кўришга шикоят қилади. У кўзини кўта олишини ҳам, кўзини айлатиришни ҳам намоёиш қилиши мумкин. Қийшиқ оғишлар вақтинча бўлиши мумкин ва кўпинча асосий артериянинг ишемияси, мигрень, ўсмалар ва травмаларнинг асорати сифатида келиши мумкин. Зарарланиш мия устунининг ва миячанинг кузатилиши мумкин, аммо сабаби тўлиқ ўрганилмаган.

### **Кўғирчоқ кўзлари синови ва иссиқликни сезиш синовлари**

Бемор кома ҳолатида бўлганда мия устунининг бутунлигини аниқлаш учун амалиётда жуда катта аҳамиятга эга. Кўғирчоқ кўзи синови текширувлари ишончли ва жуда катта ёрдам бериши мумкин. Бу тестни бемор ҳушида бўлганида ёки ғушсиз ётганида ҳам ўтказиш мумкин. Бемор чалқанча ёстиксиз ётибди. Стенд кроватнинг бош томонида жойлашган беморнинг кўзларини катта бармоқлар ёки лента билан очик ҳолда тутинг. Бошини тезда бир томонга буриб шу ҳолатда сақланг. агар бош мия устунини шикастланмаган бўлса, у ҳолда рефлекслари сақланган ва кўзлари бош айланишига қарама қарши томонга ҳаракатланади. Сиз буни чапдан ўнгга ва пастга ҳамда юқорига қилиб текширишингиз мумкин. Агар сиз ҳуши жойида бўлган беморни текшираётган бўлсангиз, ундан нигоҳини объектга

кадашни сўранг. Иссиқлик тест синови ҳушсиз ётган беморни текширишда муҳим маълумот олишда ёрдам беради. эшитиш соҳасидаги йўлни 20 мл сув ва муз билан ювиш лозим. Бу ҳолда кўзлар шу томонга қараб ҳаракатланади (агар иссиқ сувни ишлатсангиз у ҳолда кўзлар қарама қарши томонга ҳаракатланади). Агар бу оддий тестлар кўзнинг лойиқ ҳаракатларини кўрсатса, кома ҳолатига келтирган зарарланиш бош мия устунда жойлашмаганидан далолат беради. Агар бош мия устун зарарланган бўлса, кўзлар ҳаракатланмайди. *Иккита огоҳлантириш:* агар наркотикларнинг седатив передозировкаси ёки музлатиш кома ҳолатига олиб келган бўлса, яъни кўғирчоқ кўзлар ва иссиқлик тест синовлари сизни бу рефлексларнинг йўқолганлиги мия устунининг зарарланганидан бўлиши мумкин деган хаёлга етаклайди. Улар бўлмаслиги ҳам мумкин. Кўзларнинг реффлектор ҳаракатини ҳар куни, бир неча кун давомида текширмасангиз сиз тўғри хулоса қабул қилишда адашишингиз мумкин.

### **Конвергенциянинг фалажи**

Конвергенция фалажлигида жисмнинг бемор кўзига нисбатан узоқ жойлашганидан кўра, жисм беморга яқин жойлашганда, тасвирларни катта бўлиши билан иккиланишига шикоят қилади. Бу латерал тўғри мушак фалажига қарама-қарши бўлиб, бунда жисм кўздан қанча узоқ жойлашган бўлса, тасвирнинг бўлиниши шунча катта бўлади. Бундан ташқари, бўлиниш нигоҳнинг барча йўналишларида бир хил бўлиб, алоҳида кўз мушакларини, айниқса, медиал мушакни синовдан ўтказишда, унинг ҳаракат диапазони тўлиқ ҳажмда эканлигини кўриш мумкин. Конвергенциянинг сустлиги органик ёки функционал бузилишлар натижасида бўлиши мумкин.

Агар сиз бемордан кўз олмаларини конвергенлашни сўрасангиз, яъни бурун учидан 30 см масофадаги ўзининг бармоқ учига қараганда, сиз конвергенцияни кўрмайсиз, аммо беморнинг қорачиқлари тораяди, бу ҳолатда органик характердаги конвергенция ҳақида сўз боради. Агар қорачиқ тораймаса, бу ерда органик жароҳат бор деб тўлиқ айта олмаймиз.

### **ЯДРО УСТИ КОНВЕРГЕНЦИЯНИНГ ФАЛАЖИ**

Конвергенцияга боғлиқ бўлган пўстлоқда “марказ” бўлиб, бу эҳтимол энса бўлагининг орқа соҳаларида жойлашган. Шу соҳада бош миянинг жароҳатида конвергенциянинг нуқсони аниқланган.

### **Уч шохли нерв (V жуфт БМН)**

Уч шохли нерв аралаш нерв бўлиб ҳисобланади. Унинг кўп қисми юзнинг сезувчи толаларидан иборат, кам қисми эса чайнов мушаклари учун мотор толалардан ташкил топган.

**Уч шохли нерв тугуни ва бош мия усутни ядролари.** Уч шохли нерв тугуни (ганглийси) юзнинг сенсор иннервацияси учун орқа мия тугунининг аналоги бўлиб ҳисобланади. Спинал ганглий каби у псевдоуниполяр ганглиоз ҳужайралардан ташкил топган бўлиб, периферик

ўсиқлари тегилиш, тактил дискриминация, оғриқ ва ҳарорат, босим учун керакли рецепторларда тугайди, ўз навбатида уларнинг марказий жараёнлари уч шохли нервнинг асосий сенсор ядросида (тактил ва дискриминация сезгиси учун) ва уч шохли нервнинг орқа мия ядросида (оғриқ ва ҳарорат учун) амалга ошади.

Уч шохли нервнинг мезенцефал ядроси, алоҳида ҳолат бўлиб, чунки унинг хужайралари орқа илдизча тугунининг орқа мия хужайраларига мос келади, холбуки, у бош мия устунида жойлашган бўлса ҳам. Бу ядро маълум маънода периферик ядро бўлиб, марказий асаб тизимига кўчирилган деб тушунтирилади. Бу ядро нейронларининг периферик ўсиқлари чайнов мушакларида жойлашган периферик рецепторлардан ва босимга таъсирланадиган рецепторлардан импульсларни қабул қилади. Ҳозиргина айтиб ўтилган учта ядро орқа мия бўйин қисмидан токи ўрта миягача чўзилган бўлади (расм 3.24). Уч шохли нервнинг тугуни бош мия асосида чакка суяги чўққиси устида, форсимон синус орқа ён томонидан латералроқ жойлашган. Удан юзнинг турли соҳаларига борувчи уч шохли нервнинг учта шохи ажралиб чиқади, булар калла суягидан юқори кўз ёриғи орқали чиқадиган офталмологик (V1), айлана тешик орқали чиқадиган юқори жағ нерви (V2) ва овал тешик орқали чиқадиган пастки жағ (V3) нервларидир.

**Уч шохли нервнинг соматосенсор толалари.** Уч шохли нервнинг периферик толалари 3.23 расмда кўрсатилган. Унинг соматосенсор қисми юз терисидан бошлаб, бош чўққисигача иннервацияни таъминлайди. 3.24 расмда ушбу нервнинг ҳар бир шохининг иннервация қиладиган тери соҳалари кўрсатилган. Уч шохли нервнинг терига тақсимланиши, иккинчи ва учинчи нерв илдизчаларининг дерматом бўйича чегаралари (биринчи бўйин илдизчаси C1, соф ҳаракатлантирувчи бўлиб, калла суяги ва юқори бўйин умуртқасига бирикадиган энса мушакларини иннервация қилади). Бундан ташқари, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватлари, бурун ва бурун атрофи бўшлиқлари уч шохли нервдан соматосенсор иннервациясини олади. Бундан ташқари, иннервация ташқи кулоқ атрофи, фақат кулоқ супрасининг олдинги қисми ва ташқи эшитув йўли ва ноғора парданинг бир қисми уч шохли нерв томонидан амалга оширилади. Ташқи эшитув йўлининг қолган қисми оралик нерв ва тил-ҳалқум нерви ва адашган нерв томонидан соматосенсор иннервацияни олади.


Чайнов мушаклари ва қаттиқ танглайдан **проприоцептив импульслар** пастки жағ нервдан ўтади. Бу импульслар тишлаш кучини назорат қилиш учун қайта боғланиш механизмининг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Уч шохли нервнинг барча соматосенсор толалари кўприкнинг дорсолатерал қисмида жойлашган уч шохли нервнинг асосий соматосенсор ядросида тугайди. Иккинчи нейрон аксонлари ўрта чизикни кесиб ўтиб, юқорига кўтарилади ва таламус орқа медиал ядросининг вентрал қисмида контралатерал медиал илмокни ҳосил қилади (3.24 расм). Уч шохли



нервнинг соматосенсор толалари бир қатор муҳим рефлетор ёйларнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

*Шох парда рефлекси.* Кўзнинг шиллиқ қаватидан соматосенсор импульслар кўз нерви (V1) таркибида уч шохли нервнинг асосий сенсор ядросига боради (афферент ёй). Шу томондаги синапсдан кейин импульслар олдинги юз нерви ядросига қараб, кейин эса юз нерви орқали иккала томондаги кўзнинг айлана мушагига (эфферент ёй) йўналади. Бу рефлетор ёйнинг унинг хоҳлаган афферент компонентида (уч шохли нервнинг) ёки унинг афферент компонентида (юз нерви) узилиши шох парда рефлексини бузади, ва бунда кўз шох пардасига бирор нарса билан тегизилганда, иккала кўзнинг юмилиш рефлекси йўқолади.

*Аксириш ва сўриш рефлекси.* Бошқа соматосенсор толалалар аксириш рефлексини шакллантириш учун бурун шиллиқ қаватидан уч шохли нерв ядро соҳасига йўналади. Бир қатор турли нервлар унинг афферент ёйини ҳосил қилади, булар: V, VII, IX и X жуфт бош мия нервлари, ҳамда нафас чиқаришда қатнашадиган бир қанча нервлар. Лабларга тегилганда, сўриш ҳаракатлари пайдо бўладиган чақалоқларнинг сўриш рефлекси, бу уч шохли нервнинг афферент ёйи ва ўз таркибига турли хил нервларни қўшадиган эфферент ёйлардан иборат бўлган рефлекс бўлиб ҳисобланади.




Уч шохли нерв сезувчи қисмининг терида 3га бўлинган соҳалари.

### 3.23 расм

**Оғриқ ва ҳарорат, уч шохли нерв толалари.** Оғриқ ва ҳарорат сезгиларини амалга оширадиган толалар каудал йўналиб, уч шохли нервнинг спинал трактига бориб, уч шохли нерв спинал ядросида тугалланади, бу ядронинг пастки қисми орқа мия бўйин соҳасигача давом этган. Бу ядро Лиссауэрнинг (Lissauer) юқори кенгайган соҳаси ва орқа

шоҳ желатинсимон субстанцияси бўлиб ҳисобланади. Улар оғриқ ва ҳарорат ҳақидаги маълумотларни юқори бўйин сегментларидан олади. Уч шоҳли нерв спинал ядросининг *дум* (*pars caudalis*) қисми юз ва бошнинг тескари соматотопик тасвирига эга: кўз нерви (V1) ноцицептив толалари нисбатан каудалроқ кесишади, кейин эса каудал қисмдан рострал йўналишга қараб, юқори жағ ва пастки жағ таркибида йўналади. Уч шоҳли нерв спинал тракти бош мия нервларидан ҳам ноцицептив толаларга эга. Булар VII (*Nervus Intermedius*), IX ва X жуфт бош мия нервлари бўлиб, улар оғриқ ва ҳарорат сезгисини кулоқнинг ташқи қисмига, тилнинг орқа учдан бир қисмига, ҳиқилдоқ ва ҳалқумга етказиб беради (3.40 ва 3.41 расмлар).



**3.24. расм. Соматосенсор сезувчи периферик толалари ва уч шоҳли нервнинг мотор толалари**

Уч шоҳли нерв спинал ядросининг *ўрта қисми* (*pars interpolaris*) ва *рострал қисми* (*Pars rostralis*), улар ўз ичига тегилиш ва босимни сезишни таъминлайдиган афферент толаларни олади (бу соҳадаги функционал анатомия ҳозирги кунгача тўлиқ тушунарли эмас). Ўрта қисми бундан ташқари, тишлар пульпасидан ҳам ноцицептив толаларни қабул қилади.

Иккинчи нейронлар ва уч шохли нерв спинал ядросидан чиқадиган уларнинг аксонлари ўрта чизикдан ўтиб, умумий елпигичсимон йўлни ҳосил қилади (fanlike tract) . бу толалар кўприкни ва ўрта мияни кесиб ўтиб, ён спиноталамик йўл билан жуда яқин масофада юқорига таламусга қараб йўналиб, таламуснинг вентрал орқа медиал ядросида тугалланади (3.24 расм). Таламуснинг аксонлари (учинчи нейрон) ички капсула орқа оёқчаси таркибида юқорига кўтарилиб, орқа марказий пуштанинг каудал, яъни дум қисмига боради.

*Уч шохли нервнинг ҳаракатлантирувчи толалари.* Бешинчи жуфт нервнинг ҳаракат толалари шаклланадиган (кичик қисми) ҳаракатлантирувчи ядроси кўприк томи ён қисмида, уч шохли нерв асосий сенсор ядросидан медиалроқ жойлашган. Уч шохли нервнинг бу қисми овал тешик орқали калла бўшлиғидан чиқиб, пастки жағ нерви билан биргаликда чайнов, чакка, ҳамда медиал ва латерал қанотсимон мушаклар, танглайни тортувчи мушак, ноғора пардани тарангловчи мушак, жағ-тил ости мушаги ва икки қоринчали мушакнинг олдинги қоринчасини иннервация қилади (3.23 ва 3.24 расм). Ҳаракатлантирувчи ядро (у орқали чайнов мушаклари ҳам) пўстлоқ марказларининг таъсири остида туради, бу марказларда пўстлоқ-ядро йўллари проекцияланган. Бу ядро усти йўллари кесишади, аммо ипсилатерал таъсир ҳам мавжуд. Уч шохли нерв ядро усти, яъни кортико-нуклеар йўллариининг бир томонлама зарарланиши чайнов мушакларининг кўзга кўринадиган сусайишига олиб келмайди. Кортико-нуклеар йўллар олдинги марказий пушта каудал қисмининг нейронларидан бошланади(3.2, 4.30 расм).

*Уч шохли нерв ҳаракат қисмининг зарарланиши.* Уч шохли нервнинг ядроли ёки периферик зарарланиши чайнов мушакларининг суст парезига олиб келади. Бир томонлама периферик зарарланишда, бемор чайнов мушакларини қисганда, ёки жағи билан ҳаракатланган пайтда чайнов ва чакка мушакларини пайпаслаб кўрилганда парез аниқланади. Зарарланган томонда мушакларнинг нормал қисқариши кузатилмайди. Агар бемор оғзини очса ва пастки жағини олдинга ҳаракатлантирса, жағ зарарланган ўчоқ томонга силжийди, чунки контралатерал жойлашган қанотсимон мушакнинг кучи устунлик қилади. Бундай пайтда чайнов ёки жағ-силташ рефлекси кузатилмайди (бу одатда, чайнов мушакларини чўзиш учун бемор иягига неврологик болғачани босиш орқали аниқланади).

*Уч шохли нерв касалликлари*


**Уч шохли нерв невралгияси.** Уч шохли нерв невралгиясининг классик турлари ўзининг интенсив приступлари, яъни уч шохли нервнинг биттасида ёки бир нечта шохларида чакмоқдай оғриқ (ёки "отилаётган" оғриқ) каби характерланади. Оғриқни юзидаги битта ёки бир нечта ўта сезувчан соҳаларига ("триггер соҳа") тегилганда юзага келади. Оғриқни

чақирадигган оддий ҳолатлар бу ювиниш, соқол олиш ва тиш чўткасининг тегишидир.

Азобли юз пирпирашининг французча маъноси (бу бир оз ҳақиқатдан четлаштиради, чунки ҳар бир юзнинг пирпираши, оғриққа рефлектор жавоб бўлиб ҳақиқий юз пирпираши эмас). Неврологик текширув натижасида юзда сезувчан бузилиш кўринмайди. Бу ҳолатнинг патофизиологияси ҳанузгача номаълум. Марказий ва периферик оғриқлар механизми таклифи берилди. ("уч шохли нервнинг идиопатик невралгияси" термини классик ҳолатни таърифлашда кенг қўлланилмайди, чунки бу савол ҳалигача ечилмаган). Гарднер (1959) ва Janettанинг (1982) хулосаларига қараганда, уч шохли нерв невралгияси уч шохли пўстлокнинг қон айланиш томири, яъни мияча артерияси билан компрессияланганлиги, кўприкдан чиққан заҳоти проксимал, миелинизинланмаган пўстлокнинг бир қисми атрофида чигалланиш оқибатидир (3.25 расм). Бу фараз 80% беморларда микротомирли декомпрессия номи билан машхур нейрохирургик муолажалардан, яъни томирли илмоқ нервдан узоқлаштирилади, синтетик материалдан тайёрланган кичкина губка бу тузилмаларни бир биридан ажратиш учун қўйилади, кейин оғриқнинг камайиши кузатувлар натижасида тасдиқланади. Монотерапияда карбамазепин ёки габапентин қўлланилганда оғриқ кўп ҳолларда пасаяди, ёки 80-90% ҳолларда тўлиқ йўқолади. Агар дори воситалари билан оғриқни енгиш қийин кечса, бу ҳолда нейрохирургик даволанишни қўллаш мумкин. Нейрохирургик даволанишда қуйидаги вариантлар қўлланилади: микросусидик декомпрессия, уч шохли нервнинг сайланган ноцицептив термокоагуляцияси.

*Уч шохли нервнинг симптоматик невралгияси* кўп ҳолларда тарқоқ склероз натижасида юзага келади. 2.4% ТС билан оғриган беморларда уч шохли нервнинг невралгияси ривожланади. Шу беморларнинг 14% да икки томонлама оғриқ мавжуд.

Уч шохли нервнинг бошқа, яъни жуда кам учрайдиган симптоматик оғриқлари - тиш жароҳатлари, синуситлар, суяк синишлари, мияча-кўприк бурчагининг шиши, бурун ва оғизни қамраб олади. Кўзда ёки пешонадаги оғриқ глаукома ёки иритга шубҳа уйғотиши керак. Ўткир глаукома оғриғи уч шохли нервнинг классик невралгиясини сохта кўрсатиши мумкин.



**3.25.расм. а.** Уч шохли нерв марказий толаларининг турли хил бирикмалари ва уларга мос ядролар **б.** Уч шохли нервнинг ҳаракатлантурувчи илдизчаси **Градениго синдроми** уч шохли нервнинг ипсилатерал узоқлаштирувчи фалажлик билан кузатиладиган офтальмик қисмини иннервация қиладиган соҳасида пайдо бўлади. Бу тошли ғорнинг бўшлиқларидаги инфекция оқибатида бўлади.

*Дифференциал таъхис:* Тригеминал бузилишлар қатнашмайдиган юз оғриқларининг касалликлари.

Чарлин невралгияси кўзнинг ички кантусларида ва бурун томирида намоён бўлиб, кўз ёшининг оқиши билан бирга кузатилади. Бунингсабаби цилиар ганглийнинг таъсирланишидар.

**Кластер бош оғриқлари** Бинг – Хортон синдроми (Bing Horton syndrome) ва гистамин бош оғриғи деган номлар билан маълум. Бу кўпинча тунги

пайтда, шу билан бирга уйқу пайтида (уч шохли нерв невралгиясидан фарқли ўлароқ) қисқа оғриқ хуружлари билан характерланади. Бу хуружлар юз эритемаси, кўз ёш оқиши, бурундан сув оқиши билан бирга кузатилади. Буларни қўзғатувчи омиллар: катта баландлик (тоғ тепалиги), спиртли ичимликлар ичиш, ҳамда нитроглицерин қабул қилиш ҳисобланади. Ҳужумлар бир неча марта содир бўлади, кластерларнинг даврий кузатилиши бир ҳафтагача ва ундан ортиқ, бош оғриқларининг интерваллари икки ҳафтадан узоқроқ чўзилиши мумкин. Шунга қарамадан касалликнинг патофизиологияси бўйича бир тўхтамга келинмади. Унинг даволаниши эмпирик ҳисобланиб, триптанлар ёки бошқа дори воситалари билан амалга оширилади.

### **Периферик анатомия.**

Биринчи ёки кўз шохи, калла суяги гумбазининг кўз ёриғидан чиқиб юзнинг юза қисмига кўз косаси орқали чиқади. Бу қисм 3.22 – расмдаги “1” ёзувли соҳа бўлиб кўз шох пардасини, буруннинг юқори шиллиқ қаватини ва миянинг бир неча қатламларини иннервация қилади.

Иккинчи ёки юқори чакак соҳаси шохи, овал айлана ёриқдан ва ташқи юзани инфра – орбитал ёриғидан ўтиб калла суягини тарк этади. Бу қисм 3.22 – расмдаги “2” ёзувли соҳа бўлиб буруннинг пастки шиллиқ қаватини, юқори чакакни, юқоридаги тишларни ва танглайнинг юқори қисмини иннервация қилади.

Учинчи ёки пастки чакак шохи, калла суяги гумбазини овал ёриғидан чиқиб, юзага ментал ёриқ орқали чиқиб тарк этади. Бу қисм уч шохли нервнинг ҳаракатланувчи қисмига эга бўлиб, птеригоидлар, чакка чайнов мушаклари, икки қоринчалик мушакнинг олдинги қоринчасини иннервация қилади. Бу бўлинув (сенсор қисм) 3.22 – расмда 3 ёзувли соҳа билан белгиланган бўлиб, тилни, пастки жағ тишлари ва оғиз бўшлиғининг пастки шиллиқ қаватини, ёноқлар ва пастки лабни иннервация қилади. Соҳалар орасида уч шохли нервнинг периферик шохларини иннервация қилиб бир бирини ўрнини босишлар йўқ. Учала қисмнинг ҳаммаси қаттиқ мия қатламининг сезувчанлигини таъминлайди.

### **Сенсор тест синови**

Ҳамма сенсор етишмовчилик субъектив характерга эга. Шундай рефлекслар борки, сенсор функциянинг реакция нвтижасида чақириладиган ўтказувчанликнинг тезлигини баҳолай олади. Беморнинг сенсор тизимлари ҳақидаги кўпгина маълумотларни бемор ётоғи олдида ёки клиникада игна, камертон, пахта бўлаги, ҳамда бошқа жағал жисмлар орқали олиш мумкин. Фақатгина бемор сезаётган ҳислари сифати ҳақида ҳукм чиқариши мумкин. Кўпгина беморлар савол қандай берилганлигига қараб бир томон иккинчи томондан сезувчанлиги пастлиги ҳақида айтишлари мумкин.


Сиз бемор билан шундай ишончли алоқа ўрнатингки, у чарчагани, аҳволи ёмонлиги туфайли унинг жавоблари бемаъни бўлмаслиги керак. Саволларингиз ва кўрсатмаларингизни оддий ва қисқа қилиб беринг. Агар бемор бола ёки ақлий заиф катта инсон бўлса, одатда сиз қисқа ва охирги жавобни оласиз.

**Оғриқни қабул қилиш** беморга зарар етказмайди. Стерил игнани ишлатинг. Чап ва ўнг томондаги уч шохли нервнинг биринчи, иккинчи ва учинчи шохлари орасидаги оғриқларни солиштиринг. Игнани беморнинг ўнг томонига бир неча марта тегизинг. Шу ҳолни беморнинг чап томони билан такрорланг ва бемордан сезш даражаси ўхшашми ёки йўқми сўранг. Кейин ўнг ёноғи билан чап ёноғини ва ўнг ияги билан чап иягини таққосланг.

Худди шундай муолажани тегиниш билан текширинг. Бемордан кўзларини юмиб, унинг юзига пахта билан ҳар сафар тегилганингизда “ҳа” дейишини сўранг. Пахтани беморни юзи бўйлаб тортманг, бу уни қитиқлаб оғриқни қабул қилиш ҳиссини ўзгартиради. Тегиниш контактнинг охирги нуқтаси ҳисобланади. Баъзи ҳаракатларни бемор тан олмаслиги мумкин. Беморнинг кўзлари юмилган бўлса юзининг ўнг ва чап томонидаги бир хил ҳаракатларни сеза оладими? Марказий тегинишлар ва оғриқ ҳар хил. Шундай қилиб, юзнинг шу томонидаги бир сезгини йўқотиб иккинчисини сақлаган ҳолда ҳараланишни йўқотиш мумкин.

### *Шох парда рефлекси*

Шох парда оғриққа сезгирдир. Шох парданинг зарарланиши оқибатида икки томонлама пирпираш ҳосил бўлади. Бемордан тўғри олдинга қарашни сўранг. Шох пардага бир бўлак ўралган мато парчаси ёки пахтани теккизинг. Куйидаги расмда шох парда рефлексини аниқлашда учта кенг тарқалган хатолик кўрсатилган. (а) Огоҳлантирувчи киприкка тегади. У ҳамма вақт пирпирашни ҳосил қилади, бу ҳолатда шох парда рефлекси борлиги ҳақидаги маълумотни олиб бўлмайди. (б) Огоҳлантирувчи склерага тегади. Бу шох парданинг сезувчанлиги паст соҳа ҳисобланиб, рефлексни чақирмайди. (с) Огоҳлантирувчи қорачиқ олдида жойлашади ва у яқинлашаётганини бемор кўради. Агар шох пардага тегиниш бўлмаса ҳам, бемор пирпирашга зўрға тоқат қилади. Расмда огоҳлантирувчининг шох пардага тўғри тегиши кўрсатилган.



Куйидаги ҳолатларда шох парда рефлекслари нотўғри чакирилади. а,б,с. шох парда рефлекси куйидаги ҳолатда тўғри чакирилади. в .

Агар бемор сизга унинг шох пардасига тегишга қўймаса, ундан юқорига ва чапга қарашни сўранг, шунда сиз шох парда рефлексини ўнг томондан текшира оласиз. Чап томондаги шох парда рефлексини текшириш учун бемор юқорига ва ўнгга қараш лозим. Беморнинг қовоқлари катта бўлса ва улар кўзга бирор нарсани яқинлашишга қўймаса, рефлексни текшириш жуда қийин кечади. Ундан оғзини мажбуран кучи борича катта очишини сўранг. Бу ҳолат кўз шох пардаси рефлексини текшириш учун 5 дан 10 сониягача бўш вақт имконини беради.



Беморда ўнг шох парда рефлексни текширганда, бемор чап томонга қараш ва таъсир пастдан ўнг томонга берилади.




Шох пардадан рефлекс:

- Кўпинча уч шохли нервнинг биринчи шохи ёки пўстлоқ зарарланганида сиз тегилган пайтда 3.22 – расдаги 1 ёзувли соҳада кўрсатилган сенсор бузилишларни (оғриқ ёки ҳарорат сезгиси) намойиш қила олишгиздан олдин йўқолади.
- Контакт линзалар шох пардани ёпганда йўқолади.
- Кўпинча катарактани олишда жарроҳлик амалиётидан кейин йўқолади.
- Кўпинча ёши улуғ инсонларда номаълум сабабларга кўра йўқолади.
- Таламуснинг қарама-қарши қисмида устки ядро боғлиқлиги мавжуд. Таламусда ўткир зарарланишларда (қон қуйилиш), шох парданинг контрлатерал рефлекси мавжуд бўлмайди, бир неча кун ёки бир ҳафтадан кейин яна пайдо бўлади. Ярим шарларнинг юзаки зарарланиши шох парда рефлексининг йўқолишига сабаб бўла олмайди.

### **Уч шохли нервнинг орқа мия йўли ядроси**

- Кўприкнинг ўртасидан уч шохли нервнинг пўстлоққа киришдаги текислигидан бошлаб орқа миyaning бўйин юқори сегментларигача локализацияланади.
- Орқа мия бўйин соҳасидаги желатинли субстанция билан бирлашади.
- Оғриқ функциясини ва ҳарорат сезгисини бошқаради. Орқа миyaning рoстрал охирида жойлашган асосий сенсорли ядро билан алоқа қилади. Кўз қисмидаги нервдан кўп қисми пастки жағдан келадиган вентрал томондаги толалардан кўпроқ дорсал жойлашган, пастки жағдан келадиган толалар медиал томонда жойлашган. Уч шохли нервнинг орқа мия йўли ядроси трактдан медиал томонга жойлашиб уч соҳага бўлинади, яъни 3.19 – расмдаги А, В ва С. А соҳаси учта периферик бўлимдан ўтади ва ядронинг рoстрал қисмида ҳужайраларнинг таркибий қисмидан иборат, В соҳа оралиқ ҳисобланади, С соҳа эса ядронинг кадуал охири билан боғланган. Юздаги оғриқ сезгиларининг йўқолиши уч шохли нервнинг учала периферик шохлари иштирок этиши сабаб бўлади.



Терининг оғриқни сезиши уч шоҳли ядро спинал қисмининг 3 та соҳаси орқали амалга ошади. С-ядронинг рострал қисмида ўзининг хужайра компонентларига эга. А-соҳа ядронинг қисмида жойлашган. В-соҳа эса оралик бўлиб ҳисобланади.

Орқа мия йўли ядросининг зарарланиши.

### **Ҳарорат сезгирлиги.**

Одатда иссиқ ва совуқ сезгиларни юзда текширмайдилар. Агар оғриқ сезгиларини текшириш пайтида бемор юзида оғриқ ва увишишдан шикоят қилса, ва сезги бузилишлари аниқланмаса, юзда ҳароратни қабул қилиш пасайган. Бу оғриқни қабул қилишнинг бузилишига олиб келади. Ҳарорат сезгиларини текшируви мунтазам текшириш деб қарамаслик керак.

### **Ҳаракатланиш функцияси**

Уч шоҳли нервнинг ҳаракат функцияси пастки жағ орқали учинчи шох таркибида намоён бўлади. Уч шоҳли нерв зарарланишида энса, чайнов ва қанотсимон мушакларнинг фалажлиги ва атрофияси юзага келади. Агар оғиз очик бўлса, пастки жағ фалажланган томонга қараб оғади.

- Беморнинг бир неча марта оғиз очишини кузатинг, ва пастки жағнинг оғиз очадиган томонига эътиборингизни қаратинг.
- Кўрсатувчи бармоқларингизнинг учини беморнинг чайнов мушаклари олд чегараси бўйлаб кўйинг.
- Буни беморнинг оғзи ёпиқ ҳолда, лекин жағлари эркин ҳолатда бўлса бажаринг.
- Ундан қаттиқ жисми тишлашини сўранг.

Расмда кўрсатилганидек сизнинг бармоқларингиз олдинга ҳаракатланади. Агар битта чайнов мушаги сустроқ бўлса, бармоқ ҳаракатсиз туради. Бир томонда тишларнинг йўқлиги ва ишламайдиган ёки дефектли тишлам чайнов ҳаракатларини сусайишига олиб келади. Визуал кўришдан кўра, чакка мушакларига тегиниб кўпроқ маълумот олиш мумкин.



Чайнов мушакларини кискаришини текшириш учун шифокор бармоги билан мушак четини босади ва бемор каттик тишлайди бу вақтда шифокор бармоги олдинга ва тўғрига силжийди.

### **Уч шохли нерв касалликлари**


Уч шохли нерв касалликларининг асосий намоишларидан бири буюздаги оғриқ. Мумкин бўлган сабаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Уйқу артериясининг аневризмаси
- Бурун ҳалқум карциномаси
- Редернинг паратрегинал невралгияси
- Калла суюгининг асосида метастаза
- Ўраб олувчи герпес
- Кластер бош оғриқлари
- Стенокардия
- иннервация қилинадиган соҳаларда битта ёки иккита нервнинг сезгир шохларида айланадиган уч шохли нерв невралгияси, ёки қисқа, ўткир, азобли оғриқлар. Пастки жағ нерв шохининг зарарланиши кўп учрайдиган ҳоллардан биридир. Оғриқ сония давомида давом этиб 20 дан 200 гача кунга хуруж қилади, у гапирганда, овқатланганда, сув ичганда, юзни ювганда, ёки совуқ ҳаво таъсирида кучаяди. Кўпинча триггер нуқтасини аниқлашади; унга тегилса оғриқ пайдо бўлади. Тригеминал невралгия ўрта ва ундан юқори ёшларда учрайди, баъзан тарқоқ склероз билан касалланган ёшларда учрайди.

## **Юзда увишиш (анестезия, гиперестезия ёки парестезия).**

Сабаблари қуйидагилар:

- кўприк- -мияча бурчагининг зарарланиши, масалан невриномада VIII жуфт калла нервлари, у юқорига қараб ўсади, тенториумни тешиб уч шохли нервнинг илдизчасини кўтаради ва чўзади. Кейинчалик бу ҳолда еттинчи калла нервнинг зарарланиши аломатлари бўлади.
  - Тарқоқ склероз, мия устунни инфаркти, глиома, синрингобульбия, баъзи дори воситалари, масалан стрептомицин, пиридоксин, изониазид, ҳамда пенициллиннинг баъзи турлари.
  - Юз суягининг ёки калла суяги асосининг синишлари ёки метастазаси ва бирламчи шиши.
  - Одатда аёлларда номаълум этиологиянинг тригеминал нейропатияси. Бу икки томонлама ривожланиб борадиган патология бўлиб, юзнинг ҳамма томонини қамраб олади.
  - Икки томонлама оғиз атрофи анестезияси, бемор икки томонлама зарарланган дегани эмас. Координацион сенсорли хуружлар, соматик мигренли парестезиялар ёки транзиторли ишемик ҳужумлар ўрта чизикдан икки томонга қараб оғиз атрофининг увишишига олиб келади. Оғиз бўшлиғи, лаб ва тилнинг вакиллиги иккала ярим шарларда жойлашган. Чуқур ва юзаки сезгининг тригеминал-таламик трактлари ярим шарлар билан кесишган ва кесишмаган боғланишлари мавжуд.
- Жағда ҳаракатнинг сустлиги.** Миотоник дистрофия чакка ва чайнов мушакларининг икки томонлама сусайишига ва чарчашига олиб келади, лекин жағлар очилганда улар кучлидай туюлади. Миастения оғизни очганда ва ёпганда иккала жағнинг сусайишига олиб келади. Ён томонлама амиотрофик склероз ва полиомиелит ҳам оғизни очганда ва ёпганда иккала жағнинг сусайишига олиб келади. Бир томонлама синиш ёки янги ҳосил бўлган шиш, овал ёриқнинг яллиғланиши; жағни зарарланмаган томон птеригоидларидан фалажланган томонга қараб тортади. Юқори мотонейроннинг бир томонлама зарарланишида жағнинг очилиб ёпилиши нормал ҳолатда бўлади. Иккала ярим шарлар жағни очиб ёпадиган ўнг ва чап мушакларни иннервация қилади.
- Юқори ҳаракатлантирувчи неронларнинг икки томонлама зарарланиши псевдобульбар фалажланишнинг бир қисми бўлган чайнов аномалиясига олиб келади.



**3.26.расм.** Бош миё нервининг миелинлашмаган илдизчаси (тўқ сарик, чапдан) ва ёнида қон томир илмоғи (тўқ кизил рангда, ўнг томондан), улар шу соҳадаги нерв илдизчаларини таъсирлантириши мумкин. Схематик кўринишда юқори миёча артерияси кўрсатилган бўлиб, у уч шоҳли нерв невралгиясига олиб келиши мумкин.


### **Юз нерви (VII БМН) ва оралиқ нерв (Nervus Intermedius)**

Юз нерви икки қисмдан иборат. Асосий қисми - бу ҳаракатлантирувчи ҳисобланиб, юзнинг мимика мушакларини иннервация қилади (3.28 - расм). Бу қисм ҳақиқатан ҳам юз нерви ҳисобланади. У ундан ҳам висцерал ва соматик афферент толалар, ҳамда висцерал эфферент толалар мавжуд ингичка нерв (интермедиус нерви) билан бирга келади (3.2 - жадвал).

#### *Юз нервининг ҳаракатлантирувчи қисми*

Юз нервининг ҳаракатлантирувчи ядроси тегментум кўпригининг вентролатерал қисмида жойлашган (3.1 ва 3.2 жадвал, 3.29 расм). Бу мотор ядросининг нейронлари иккинчи жабра ёйидан эмбриологик олинган орқа миё хужайраларининг олд шоҳлари билан ўхшашдир. Бу ядронинг илдизча толалари қийин йўлни шакллантиради. Бош миё устунида, улар узоқлаштирувчи нерв ядроси атрофидан ўтиб (юз нервининг ички тиззасини

ҳосил қилиб, 3.1 расм), тўртинчи қоринча остида унча катта бўлмаган дўнглик ҳосил қилади (юз дўнгчаси). Кейин улар компакт тугун ҳосил қилиб, кўприкнинг каудал охирига вентрлатерал ҳаракатланади, ундан кейин устундан чиқиб, кўприк-мияча бурчагидаги субарахноидал бўшлиқни босиб ўтади ва интермедиус нерви ҳамда бош мия нервларининг саккизинчи жуфти билан бирга эшитиш йўлига киради (дахлиз– чиғаноқ нерви). Эшитув йўлида юз нерви ва оралиқ нерви саккизинчи нервдан алоҳида ён томондан юз нерви каналидан ўтиб тиззасимон тугунга қараб кетади.



**3.29.расм. Юз нервнинг периферик қисми**

Ганглий билан бир текисликдаги юз нерви канали кескин пастга қараб бурилади (юз нервнинг ташқи тиззаси). Каналнинг пастки қисмида юз нерви шилососцевид ёриқ орқали калла суягидан чиқади. Унинг алоҳида мотор толалари кейинчалик юзнинг ҳамма соҳаларига тарқалади (уларнинг баъзилари қулоқ ёни беши орқали ўтади). Улар ҳамма юз мимикаси мушакларини иннервация қилади, яъни оғиз ва кўзнинг айлана мушаклари, энса ва пешона мушаклари ва шу соҳадаги майда мушаклар, ҳамда

узангисимон, пўст тагидаги, бигизсимон тил ости мушаклари ва икки қоринчали мушакнинг орқа қоринчаси (3.28 - расм).

**Юз нервнинг рефлексларда қатнашиши.** Юз нервнинг ҳаракатлантирувчи ядроси бир неча рефлектор ёйларда қатнашади. Шох парда рефлекси юқорида айтиб ўтилган.

#### *Пиртираш рефлекси.*

Визуал огоҳлантиришни тектобульбар трактнинг кўпригида жойлашган тўрт тепаликнинг юқори дўнглиги чақиради, яъни юз нервнинг ядросига импульслар юборади, ва шу заҳоти кўзлар ёпилади. Шунга ўхшаш стапедиус рефлекс чақирилади, овознинг огоҳлантирувчи кучига қараб эшитув импульслари трапециясимон танадаги дорсал ядродан юз нервнинг ядросига узатилади ва узангисимон мушакнинг қисқариши ёки бўшашига олиб келади.

#### **Юз нерви зарарланиши билан боғлиқ ҳаракатнинг бузилиши.**

Пешона мушаклари иккала ярим шарлардан ядро усти иннервациясини қабул қилади, юзнинг бошқа мимика мушаклари эса контрлатерал прецентрал пўстлоқ томонидан бир томонлама иннервация қилинади (3.29 – расм). Агар торайиб борадиган супрануклеар йўл бир томонда узилса, юз нервнинг фалажлиги тўлиқ эмас (3.30а – расм), бемор қошларини кўтариб кўзини юма олади. Юз нерви фалажлигининг бу тури юз нервнинг марказий фалажлиги деб аталади. Ядровий ёки периферик зарарланишда юзнинг зарарланган томонидаги мимика мушаклари паретик ҳисобланади (3.30б – расм). Шундай қилиб, уларнинг ҳар хил клиник кўринишлари натижасида марказий ва ядровий ёки периферик юз нерви фалажи аниқланади. Юз нервнинг ҳаракатлантирувчи ядроси нафақат юзнинг пўстлоқ вакили билан иннервация қилинади, балки мимиканинг ҳис-туйғуларини ифодалашда катта роль ўйнайдиган диэнцефал соҳа билан ҳам боғлиқ. Кейинги иннервация базал ганглийлар томонидан амалга оширилади. Базал ганглийларнинг зарарланишида (масалан. Паркинсон касаллигида), гипомимия ёки амимияни кўриш мумкин. Мимика мушаклари ва юзда акс этган ҳар хил аномал ҳаракатдаги ифодаларга таъсир кўрсатадиган дискинезия синдроми ҳам мавжуд. Юуни гемифациал спазмда, юз дискинезиясида ва блефароспазмда кўриш мумкин. Бу синдромларнинг ҳосил бўлиш сабалари ҳанузгача номаълум.

**Юз нервнинг идиопатик фалажи (Белл фалажи).** Бу бз нервини зарарлантирадиган кенг тарқалган касаллик ҳисобланади. Йилига 100 000 дан 25 нафаргача инсон бу касалликка чалинади. Унинг сабаблари ҳали ҳам номаълум. У мимика мушакларининг фалажлиги, пешона мушаклари ҳам шуни ичига қиради, ва зарарланган жойига қараб турли жароҳатларни ҳам келтириб чиқариш хусусиятига эга. Юз нерви каналидаги нервнинг

зарарланишидан келиб чиқадиган ҳар хил синдромлар 3.31 – расмда кўрсатилган. Дифференциал диагностика ўткир юз фалажи ҳолларида катта аҳамиятга эга, чунки ҳамма ҳолатлар ҳам идиопатик бўлавермайди: 10% ташқи эшитув йўлининг ўраб олувчи герпес туфайли, 4% ўрта отит туфайли, ва 2% ҳар хил шиш турлари туфайли (қулоқ атрофи шишлари, невриномалар ва ҳоказо). Даволашсиз тўриқ соғайиш 60-80% беморларда кузатилади. Илмий текширишлар натижаларида исботланган ҳолда юз нерви невропатиясини биринчи 10 кунлигида даво воситаси сифатида стероид (преднизолон, 1 мг/кг тана оғирлиги нисбатида ҳар куни 5 кун давомида) дори воситаларидан фойдаланиш 90% ҳолларда тўлиқ соғайишга олиб келади. Идиопатик юз нерви невропатиясидан кейин мимик мушакларининг қисман реиннервацияси кўпинча юз контрактураси ёки патологик ҳаракатлар – юз мушаклари синкинезиясига олиб келади. Бундан ташқари, нотўғри шаклланган реиннервация “тимсоҳ кўз ёши” феноменини тушунтириб беради. Бу феноменда бемор овқатланганда унинг кўзидан ихтиёрсиз равишда кўз ёш ажралади. Феномен юзага келишининг сабаби, сўлак безлари учун бириктирилган регенерацияланаётган секретор толалар кўз ёш безини иннервация қилувчи дегенерацияга учраган толаларнинг шванн қобиғи атрофида нотўғри йўналишни олади. Шундан келиб чиққан ҳолда сўлак ажралиши учун хизмат қиладиган баъзи импульслар кўз ёши ажралишини таъминлайди.

### **Оралик нерв.**

Бу нерв ўз таркибида бир қатор афферент ва эфферент толаларни сақлайди (3.2 жадвал).

**Таъм билиш афферент толалари.** Таъм билувчи афферент толаларнинг ҳужайрали таначалари тиззасимон ганглийда жойлашган ва спинал ганлийларни эслатадиган псевдоуниполяр ҳужайралари мавжуд. шулардан баъзи бир афферент толалар тилнинг олдинги 2/3 қисмидаги таъм билувчи сўрғиччаларда юзага келади (3.22 – расм). Бу толалар биринчилар қаторида тил нерви билан бирга келади (уч шохли нервнинг пастки жағ шохи), бундан ташқари ноғора торининг тиззасимон ганглияга ўтишини таъминлайди, кейин эса оралик нерв солитар йўл ядросига қараб йўналади. Бундан ташқари бу ядро тил – ҳалқум нервидан тилнинг орқа 1/3 қисмини таъм сезишига жавоб берувчи толаларни, ҳамда ҳиққилдоқ усти соҳасининг таъм билишини таъминловчи адашган нервдан ҳам толаларни қабул қилади. Шундай қилиб, таъм билиш икки томондан уч та ҳар хил нервлар (VII, IX ва X) билан таъминланган. Шуларни ҳисобга олиб, юз нервининг зарарланишида тўлиқ агевизия бўлиши мумкин эмас.


**Таъм билиш импульсларининг марказий тарқалиши.** Солитар ядронинг йўли ҳамма таъм билиш толаларининг реле ядроси ҳисобланади. У таламуснинг контрлатерал томонига таъм билиш импульсларини



юборади (уларнинг аниқ йўналиши номаълум) ва ундан кейин таламуснинг вентрал орқа медиал ядросидаги медиал таркибига юборади. Таъм билиш йўли таламусдан прецентрал соҳанинг каудал бўлинмаларигача боради (3.32 – расм).

**Афферент соматик толалар.** Бир неча соматик афферент толалар, кулоқнинг унча катта бўлмаган ташқи соҳасини (кулоқ чиғаноғи), ташқи эшитув йўли ва ноғора пардасининг юза қисмидан ўтиб, юз нервининг тиззасимон ганглиясигача, ва ундан уч шохли нервнинг сенсор ядроларигача боради. Ташқи эшитув йўлининг ўраб олувчи герпесдаги терининг зарарланиши соматик афферент толаларнинг иштироки билан боғлиқ.

**Эфферент секретор толалар** (3.33 – расм). Оралиқ нерви ҳам парасимпатик афферент толалардан иборат бўлиб, юқори сўлак ядроларидан чиқади (3.33 – расм), ҳамда юз нервининг ҳаракатлантирувчи ядросига нисбатан медиал ва каудал жойлашган. Бу ядро илдизчаси толаларининг бир қисми тиззасимон ганглия билан бир текисликда юз нервининг асосий устунини қолдириб, қанотли танглай ганглиясига, кўз ёши безига ва буруннинг шиллиқ қавати безларига ўтади. Бошқа илдизча толалар кўпроқ каудал йўлни танлайди ва ноғора тори ҳамда синаптик реле жойлашган жағ ости нерви ганглияси томон йўналади. Постганглионар толалар сўлак ажратишни чақириб тил ости ва жағ ости безларини иннервация қилади (3.33 – расм). Юқорида айтиб ўтилганидек, юқори сўлак ядроси орқа узунчоқ тутам орқали ҳид ва таъм билиш тизимидан маълумот олади. Бу боғлам рефлектор сўлак ажратиш учун иштаҳавий ҳидга жавобан анатомик асосни ташкил қилади. Кўз ёши безлари гипоталамусдан марказий кириш йўлини устуннинг ретикуляр формацияси йўли билан ҳамда уч шохли нервнинг орқа ядросидан (конъюнктиванинг таъсирланиши) олади.



3.33. расм. Аfferент таъм билиш толалари ва таъм билиш йўли. Расмда периферик рецепторлар (таъм билиш рецепторлари), таъм билувчи толаларнинг периферик қисми (оралик, тил-ҳалқум ва адашган нерв билан бирга), ва мия устунига мос ядролар билан марказий боғланишлари.

### Юз нервнинг функциясини қандай текшириш керак

1. Бемор тинч ҳолатда бўлганида, шу билан бирга гапираётганида, кулаётганида ва пирпираётганида унга эътибор беринг.
2. Ундан пешонасини икки уч марта тириштиришини сўранг (3.27 а – расм). Икки қошнинг тезлиги ва ҳаракат даражасини баҳоланг. Бемор тинч ҳолатда турган пайтда бармоғингизни унинг қошларига қўйинг ва ундан

сизнинг енгил қаршилик кўрсатишингизга қарамай пешонасини тириштиришини сўранг.

3. Ундан кўзини эҳтиёткорлик билан ёпишни, кейин зич ёпишни сўранг (3.27в – расм). Бемор қаршилик кўрсатаётганда уларни очишга урининг. Агар у пешонасини тириштириб кўзларини ёпса, у холда юз нервининг зараланиши йўқ.

4. Энди юзнинг пастки ўнг томони билан чап томонини таққосланг ва марказий ҳаракат нейронининг зарарланиш оқибати туфайли бир томондаги нисбатан заифликни топинг. Бемордан кўзларини кўлидан келганича қаттиқ ёпишини сўранг. Бемор бажарди:

- Қовоқ чеккалари орасида киприкларидаги бурмалар ўнгда ва чап томонда бир хилми? Улар юз нервининг зарарланган томонига бурмалалар ҳосил қилмайди.

- Бурун лаб бурмаси ўнг ва чап томонларда бир хилми? У юз нерви зарарланган томонда чуқурлашмайди.

- Беморнинг оғиз бурчакларини ткисланг, улар ўрта чизикдан бир хил узоқликдами ёки ўнг ва чапдами? Мимика мушакларининг сусайган томонидаги оғиз бурчаги ҳаракатланмайди, ҳаракат чегараланган (3.27 в – расм).

5. Бемордан тишларини кўрсатишини сўранг. Бемордан тишларини теккизишни ва оғиз бурчакларини бекитишини сўранг. Эътибор беринг, оғизнинг икки бурчаги бир хил узоқликда ва тезликда ҳаракатланаяптими. Баъзида юз мушаклари сусайишининг кўриниши оғиз бурчагининг биттаси кескин орқада қолиши, яъни 1 сониядан кейин ҳаракатланади.



**3.27.расм.** А. пешона мушакларини ва еттинчи жуфт БМН ни текшириш синови Б. кўзларни қаттиқ юмиш киприklarнинг симметриклигини кўрсатади, кўзларнинг қаттиқ юмилиши бурун-лаб бурмасининг чуқурлигини ҳам намоён қилади ва оғиз бурчакларининг тортилиши кўринади.

6. Бемордан хуштак чалишини сўранг. Ундан лабларини қисиб ёноқларини шиширишини сўранг: аввал биринчи кейин иккинчи шиширилган ёноқларидан бирма бир босиб кўринг. Ҳаво фалажланган томондан лабларининг четидан чиқиб кетади (3.28-расм).

7. Бемордан оғзини кўлидан келганча катта очишини сўранг. Оғиз бўшлиғи айланаси ва икки томондан кўринадиган тишлар сони ўрта чизик ҳисобидан бир хил бўлиши керак. Фалажланган томон соғлом томондан кўра кўпроқ тишларни камраб олади. Беморнинг платизмасини кўриш учун сиз сиз модел сифатида ҳаракатланишингиз керак (3.28-расм).

Намуна сифатида қуйидаги ҳаракатларни бажаринг, кейин ундан буларни такрорлашини сўранг.

8. Тишларингизни бирлаштиринг ва оғиз бурчакларини куч билан ва юз ифодаси билан пастга тортинг, шу билан бирга ўзингизнинг платизмангизни таранглаштиринг.



**3.28.расм. а.** бемор лабларини зич ёпиб, лунжини ҳаво билан тўлдиради, бармоғи билан аввал битта лунжини, кейин иккинчисини босади, суст томондан ҳаво чиқади. **б.** тишларни кўрсатиш ва оғиз бурчагини кучли икки томонга тортиш, оғизнинг ва платизманинг симметриклигини кўрсатади.

Юз нерви билан зарарланган беморнинг тинч ҳолатида фалажланган томонда қуйидагилар кузатилади:

- Кўз соғлом томондан кўра каттароқ очилган; у пирпирамайди; курук ёки таъсирланган шох парда қўзғатилса кўз ёши кўпаяди ва фалажланган ёнокдан оқади.
- Текис пешона
- Текис, баъзида осилган ёнок
- Оғиз бурчаги соғлом томонга қараганда пастроқда
- Унинг айтишича “осилган” бўшашган ёнок

- Оғизнинг ўрта сагиттал чизиғи тинч ҳолатда соғлом томонга қараб кетган, юзнинг бўшашган мушаклари билан оғриган бемор соғлом кўриниши мумкин ёки камгина асимметрия кўриниши мумкин. Шуни билинги, соғлом ёши улуғ инсонлар тинч ҳолатда юзнинг пастки қисми асимметриясига эга бўлиши мумкин. Бу асимметрик тишларнинг тушиб кетиши, умри давомида оғиз чети билан гапиришга одатланганлиги, ёки вақт ўтиши билан юзага келади. Бош мия нервларининг еттинчи жуфти зарарланганида бемор ихтиёрий рефлексларни, ёки ҳис туйғуларини юзининг ярми билан амалга оширолмайди. Бундан ташқари, юз мушакларининг фалажи бор бўлган бемор юзининг пастки қисмидаги мушаклари ихтиёрий ҳаракатлар қилганда бўшдир, лекин у кулганида соғлом ва симметрик кўринади.

### **Пирпираш.**

Беморнинг пирпирашини баҳоланг. Агар бемор кам пирпираса, у паркинсон касалига чалинган бўлиши мумкин, ёки тинчлантирувчи дориларни суистеъмол қилиши мумкин. Пирпираш бир хил ҳолатда кечади ва кўз ҳар бир пирпирашда тўлиқ ёпилади. Агар у ўнг томондан камроқ пирпираси ёки кўзини охиригача ёпмаса, у ҳолда ўнг томондаги юз нервининг қисман зарарланиши кузатилади. Бу кўриниш юз нервининг мотонейрони сустлиги ёки уч шохли нервнинг зарарлангани натижаси эмас. Асинхрон пирпираш Белл фалажи билан оғриган беморнинг қисман тузалганлиги ҳақида дарак беради.

### **Сенсор ва вегетатив қисм.**

Оралик нерв ёки бош мия нервларининг 7 жуфт сенсор илдизчаси юз нервининг ҳаракат илдизчаси ва вестибуляр (саккизинчи) нервлар ораси бўйлаб мия устунидан чиқади. агар у калла нервлари орасида шахсий номерга эга бўлганида эди, уни 7 ½ деб ҳисобласа бўларди.

Оралик нерв функциялари.

- Таъм билиш – таъм билиш хужайралари тиззасимон ганглияда жойлашган бўлиб тилнинг олдинги 2/3 қисмидан маълумот олади, у якка ядронинг рострал қисмида тугайди. Периферик йўл ноғора тори ва тил нерви орқали амалга оширилади.

- Сўлак ажралиш –хужайралар дорсолатерал ретикуляр формацияда жойлашган бўлиб, юқори сўлак ядроси ҳисобланади. Преганглионар ва парасимпатик толалар оралик нервдан, кейин ноғора тори ва тил нервдан жағганглиясига ўтади. Постганглионар толалар жағ ости ва тил ости сўлак безларига боради.

- Кўз ёши оқиши – сўлак ажралишда айтилганидек, худди шундай ретикуляр формацияда хужайралар мавжуд. Парсимпатик ва преганглионар толалар оралик нерв билан бирга чиқиб, юзаки тошсимон нервга қанотли танглай ганглиясига киради. Постганглионар толалар кўз

ёши безига қараб, ҳамда секретор ва вазомотор толаларга бориб бурун ва оғиз шиллик қаватига яқинлашади.

- Оғриқ сезиш толалари – ташқи эшитув йўлидан чиқиб кулоқ орқасига киради. Толалар оралик нервнинг бир қисми. Ядро эса уч шохли нерв орқа мия тракти ядросининг бир қисми ҳисобланади. Юз нерви фалажи билан оғриган кўпгина беморлар ёноғининг увишишидан шикоят қилишади, лекин ҳисларнинг бузилиши кўринмайди, оғриқ ёки ҳарорат сезгилари бузилиши ёноғида ёки бошқа жойини текширганда кузатилмайди.

*Таъм билиш, кўз ёши ва сўлак*

Тилнинг олдинги 2/3 қисмидаги таъм билиш юз нервнинг эфферент функцияси ҳисобланади. Тил ва танглайнинг орқа томонидаги таъм билиш тил халқум нерви орқали ўтади, бу шшу функцияни бажарувчи юз нервдан кўра муҳим аҳамиятга эга. Тилнинг олд 2/3 қисмидаги йўл қўйидагича шаклланади: (а) толалар аввал жағ ости нервнинг шохи ҳисобланмиш тил нервига қараб боради (уч шохли нервнинг учинчи шохи); (б) кейин улар нервнинг ноғора торига қараб (юз нерви шохи) тиззасимон ганглийнинг хужайра релесига боради; (с) бу ердан юз нервнинг сенсор илдизчаси бўлган оралик нервдан ўтади. Марказда толалар якка тракт ядроси билан бирлашади, кейин ипсилатерал ва контрлатерал толалар таламусга йўналиб бош миянинг сенсор пўстлоғига тугайди.

*Таъм билиш қандай текширилади*

1. Бемордан тилини чиқаришини сўранг. Тилнинг дорсал юзига чап кўрсатувчи бармоғингизни горизонтал ҳолатда иякка қарши қўйинг. Тилни кўрсатувчи бармоғингиз устига қўйинг. Қачон тил бармоқ устида бўлса, катта ва кўрсатувчи бармоқ билан тилни ушланг (3.28 – расм). Беморга тилини тортишини ман қилинг, қўли билан бирор ҳаракат қилишни хоҳласа уни тутинг.

2. Салгина намланган аппликатор таёқчасини гранулали шакарга ёки тузга ботириб уни ишлатинг. Буни суюқ эмас, балки қуруқ ҳолда ишлатиш мақсадга мувофиқ. Суюқлик тил остига томиши мумкин ва сиз буни қайси томондан синовдан ўтказаетганингизни билмай қоласиз. Таъм билиш кўпгина беморларда тахминан 3-10 сонияда билинади. Тилни қўйиб юборманг. Аппликатор таёқчасини ўша моддага ботириб яна кучайтиринг, инсультда тилнинг бошқа томонида таъм билиш вақти чўзилади. Бир томонда 5 сонияда таъм билиш сезгиси ишласа бошқа томонда эса 30 сония вақт талаб этишини аниқлашингиз мумкин. Зарарланган томонда таъм билиш қобилияти сусайган бўлади. Тилни қўйиб юборишингиз билан текшириш тугайди. Кўпгина қисмлардан кейин шакар оғиз ичига қабул қилинади. Синовни 5 дақиқадан кейин, яъни бемор оғзини чайқагандан кейин такрорласа бўлади.



**3.28.расм.** таъмни аниқлаш учун тилни расмга кўрсатилганидек, ушланг ва аппликатор ёрдамида текшириладиган моддани таъсирлантиринг

Ёдда тутинг:

- Тил учуда таъм билиш ҳислари унча кўп эмас.
- Ёши улуг инсонлар кўпинча таъм билиш ҳиссини ва таъм билиш рецепторларини йўқотадилар.
- Баъзи инсонлар шакарни тилининг иккала томони билан ҳис эта олмайдилар. Бундай беморга оғзини чайишни айтинг ва бошқа модда беринг.
- Умуман олганда, таъм билиш тилнинг орқа томонида, танглайда ва ҳалқумда тилнинг олд томонидан кўра кучлироқ.
- Фақат тўрт хил таъм мавжуд: ширин, нордон, аччиқ (хинин) ва шўр.
- юз нервнинг зарарланиши калла суягидан чиқадиган жойда бигизсимон сўрғич тешик олдида (одатда жароҳатланганда ёки кулоқ олди безининг касаллигида) юқорида айтиб ўтилганидек таъм билишни йўқотмасдан ва гиперакузиясиз юз нервнинг зарарланишига олиб келади.
- Тиззасимон ганглияга нисбатан дистал зарарланиш (Белл фалажи кўп тарқалган ҳисобланади) фалажликка, юқорида кўрсатилгандек, шу томонда тилнинг 2/3 олд қисмида таъм билишнинг йўқолиши, гиперакузия, ҳамда сўлак ажралишининг камайишига олиб келади.
- Тиззасимон ганглияга нисбатан проксимал зарарланиш (кўприк-мияча бурчаги шиши кўп тарқалган) юқорида айтиб ўтилган ҳамма симптомларга ва яна шу томонда кўзнинг қуришига олиб келади.

### **Юз нерви касалликлари**

Юз нерви касалликлари қуйилагиларни ўз ичига олади:




- Белл фалажлиги, ҳамма ёшларда кулоқ орқа томони вапастга бўйиннинг ташқи ён томонида оғриқлари билан бирга учрайди. Сабаби номаълум. Юз нерви каналидаги зарарланишда, бемор шу томондаги ёноғининг увишиши ва гиперакузияга, ҳамда юз нервининг фалажига шикоят қилади. Текширувлар бош мия нервларининг еттинчи жуфти томонидан иннервация қилинадиган ҳамма мушаклар сустлигини ва ипсилатерал томонда тилнинг олд 2/3 қисмида таъм билишнинг йўқлигини кўрсатади. Бу икки томонлама, баъзида эса ривожланиб бораётган бўлиши мумкин. Кўпинча натижа яхши чиқади.
- Гийен – Барре синдроми (инфекцияли полневрит деб аталмиш) – кўпинча икки томонлама бўлади, у бош мия нервларининг еттинчи жуфт нервининг зарарланишидан бошланиб, оёқ қўллар фалажланганидан кейин юз мушакларига ўтади.
- Саркоидоз, васкулит, кулоқатрофи безларининг шиши, инфекцияли мононуклеоз ва Лайм касаллиги.
- Ўткир ёки сурункали ўрта отит ва мастоидит.
- Юз нерви кўприк-мияча бурчагининг шиши, унинг клиник белгилари жуда кам ва кеч намоён бўлади. Одатда, карликдан ва уч шохли нервнинг зарарланишидан бошланади. Ипсилатерал кўзда кўз ёши оқиши мавжуд эмас.
- Тиззасимон ганглия герпеси – ўраб олувчи герпес ташқи эшитув йўлида, кулоқ чиганоғида ва кулоқ ортида жойлашади. Қулоқда оғриқ, Белл фалажига ўхшаш юз мушакларининг фалажи ва ўша томонда таъм билиш хусусиятининг йўқолиши билан намоён бўлади. Герпес, оғриқ ва юз мушакларининг сусайиши бирданига ёки бир неча кун давомида пайдо бўлиши мумкин, таъм билиш хусусиятининг тикланиши қийин ёки нолга тенг.
- Қон томир касалликларида, полиомиелитда, ҳажмли ҳосилаларда, демиелинизацияланган зарарланишларда, сирингобульбияда.

### **Юз нервининг икки томонлама фалажи**

- Белл фалажи
- Гийен – Барре синдроми
- Энцефалит
- Варолиев кўприги шиши
- Менингит, криптококкли ёки сил, орттирилган иммунитет танқислигининг бир қисмидай
- Саркоидоз, тизимли қизил югурик

### **Юз мушаклари фалажини чақирувчи касалликлар**

Юз нерви ядросидан юқоридаги марказий ҳаракатлантирувчи нейроннинг ички капсуласида ёки бошқа бир қисмида содир бўладиган ҳамма зарарланишлар (масалан, томирларнинг зарарланиши, ҳажмли ҳосилаларда, асцессда ёки жароҳатда) ҳаракатлантирувчи нейронларнинг зарарланишига ва юз юқори мушакларининг сусайишига олиб келади.



**Паркинсонизм.** Паркинсонизм ниҳоятда бир томонлама бўлиши мумкин, ёки бир қўл ва бир оёқда ўзини намоён қилиши мумкин, агар юзда акс этса, унда икки томонлама бўлади. Бемор пешонасинин тириштириши, кўзини юмиши, тишларини кўрсатиши, ҳуштак чалиши мумкин ва ҳоказо, бу ҳолатларда юзда аниқ фалажлик кузатилмайди. Шунга қарамай, юзда ҳис-

туйғу реакциялари кўринмайди. Ҳис туйғули экспрессиянинг гемифациал дефекти контрлатерал томондаги таламуснинг зарарланиши оқибатида юзага келиши мумкин.

**Даҳлиз - чиғаноқ нерви (VIII БМН)** – эшитиш аъзоси ва кохлеар таркиб. Мувозанат ва эшитув аъзолари чакка суяги тошсимон қисмидаги эмбрионал япроқда ҳосил бўлган: утрикулус учта ярим айлана каналлари мавжуд вестибуляр тизимга қарашлидир, саккулус эса, чиғаноқли ички кулоққа киради.

Кортиев аъзоси (спирал аъзо) бутун узунлиги бўйлаб даҳлиздан то чўққигача базал мембранада жойлашган. У тукли хужайралардан ва қўллаб қувватловчи хужайралардан ташкил топган. Тукли хужайралар эшитув аъзосининг рецептори ҳисобланиб, товуш механик энергиясини электркимёвий бирикмаларга айлантиради. 3500 ички тукли хужайралар борки, улар бир чизикда жойлашган ва 12 000 000-19 000 000 та ташқи тукли хужайралар уч ва ундан ортиқ чизикда жойлашган. Тукли хужайраларнинг ҳар бир ячейкаси 100 стереоцилиядан иборат бўлиб, баъзилари текториал мембранагача тарқалган. Агар базиляр мембрана титраса, стереоциляр хужайралар букланади, ва неосциляр текториал мембрана билан алоқага киради; бу эса механик стимул бўлиб эшитув рецепторларини кўзғатади. Сенсор хужайраларга кўшимча (тукли хужайралар), Кортиев аъзосининг бир нечта таянч хужайралари, яъни Дейтерс хужайраси ва бўш бўшлиқлар (тунеллар) мавжуд. Узангичанинг овал тешикдаги ҳаракати базиляр мембрана толалари бўйлаб тўлқин ҳаракатига нисбатан тўғаноқ ҳаракатга мослашган югураётган тўлқинни ҳосил қилади. Базиляр мембрананинг аниқ жойи билан боғлиқ берилган частотанинг аниқ тони қўлланилади, яъни у мембрананинг максимал равишда оғишини таъминлайди (яъни максимал амплитудани ҳосил қилади). Шундай қилиб, базиляр мембрана тонотопик бирлашмаларга эга бўлиб, юқори частоталар базал қисмида аниқланса, паст частоталар апикал қисмларда аниқланади. Буни фортепианонинг клавишлари билан таққослаш мумкин, яъни частота чапдан ўнгга қараб кўтарилади. Базиляр мембрана базиляр тугашда апикал томондагига қараганда кенгрокдир.

**Спиралсимон ганглия** 25000 биполяр ва 5000 униполяр нейронлардан ташкил топган бўлиб, марказий ва периферик ўсмачаларга эга. Периферик ўсмачалар ички тукли хужайралардан кирувчи маълумотларни қабул қилади, марказий ўсмачалар эса бирлашиб кохлеар нервни ҳосил қилади.

**Чиғаноқ нерв ва эшитув йўллари.** Ганглия хужайраларининг марказий спиралсимон ўсмаларидан ташкил топган чиғаноқ нерв вестибуляр нерв билан бирга ички эшитув йўли бўйлаб ўтади, кўприк-мияча бурчагидаги субарахноидал бўшлиқни кесиб ўтиб, кейин фақат миячанинг пастки оёқчаси орқасидан мия устунига киради. Вентрал кохлеар ядроларда

кохлеар нервнинг толалари икки шохга бўлинади (“Т” сингари); ҳар бир шох вентрал ёки дорсал кохлеар ядрода жойлашган кейинги реленинг ўрнига ўтади (эшитув йўлининг иккинчи нейрони). Иккинчи нейрон марказдаги ҳар хил йўллар бўйлаб (уларнинг баъзилари бошқа синаптик релеларга эга) импурьсларни проекциялайди. Вентрал кохлеар ядродан олинган нейронлар (аксонлар) трапециясимон таначанинг ичидаги ўрта чизиқни кесиб ўтади. Бу нейронларнинг баъзилари бошқа нейрон билан трапециясимон таначанинг ўзида синапсларни ҳосил қилади, шу билан бирга қолганлари ретрансляцион релели ядронинг юқори оливиға, яъни латерал илмоқчага ёки ретикуляр формациясига ўтади. Чикувчи эшитув импульслари латерал илмоқча орқали тўрт тепаликнинг пастки дўнглигига қараб йўналади (баъзи бир толалар тахминларга кўра тўрт тепалик дўнглигини айланиб ўтиб медиал тиззали таначага ўтади). Орқа кохлеар ядрода ташкил топган нерв толалари миёча пастки оёқчасининг орқасидан ўрта чизиқни кесиб ўтади, баъзилари медулляр эгатчадан ўтади, бошқалари эса тўрли ҳосилалардан ўтиб, кейин чиғаноқ ядронинг вентрал қисмидаги нейронлар билан бирга латерал илмоқча бўйлаб тўрт тепалик пастки дўнглигига қараб чиқади. Тўрт тепаликнинг пастки дўнгликлари йўлларда кейинги нейронларда қўшимча синаптик релеларга эга бўлиб, ўз навбатида таламуснинг медиал тиззали таначаларида проекцияланади. Шу ердан, импульслар ички капсуланинг орқа оёқчасида жойлашган эшитув шуъласига (auditory radiation) ўтади, ва чакка тўғоноқ эгатчасининг (яна тўғоноқ эгатча ёки Гешля (Heschl) илмоғи деб ҳам аталади) (Бродман бўйича соҳа 41) бирламчи эшитув пўстлоғига қараб йўналади. Товуш частотасининг тонотопик тарқалиши йўлнинг давомийлиги бўйлаб, яъни Кортиев эшитув аъзосидан эшитув пўстлоғининг ҳамма йўналиши бўйлаб сақланади.

*Товуш импульсларининг икки томонлама проекцияси.* Бош миё устун ичидаги ўрта чизиқни эшитув толаларининг ҳаммаси ҳам кесиб ўтмайди: йўлнинг бир қисми ипсилатерал томонда қолади, бунинг натижасида битта латерал илмоқчанинг зарарланиши тўлиқ бир томонлама карликни чақирмайди, лекин қарама-қарши томонда қисман карликни, ҳамда товушнинг йўналиш бўйлаб қабул қилиш бузилади.

**Эшитув соҳаларининг ассоциациялари.** Бош миё пўстлоғининг бирламчи эшитув соҳалари билан бир қаторда чакка қисмининг ташқи юзасида иккиламчи эшитув зоналари ҳам мавжуд (42 ва 22 бўлимлари), унда аниқланган товуш қўзғатувчилари анализ қилинади. Олдиндан аниқланган эшитув хотиралари билан таққосланганда намоёиш қилингандек таърифланади, яъни улар шовқин, тон, музика, ёки гап ва сўз бўлиши мумкинми. Агар бу соҳалар зарарланган бўлса бемор товушларни ёки гапларни фарқлай олмайди (сенсорли афазия).

**Ҳар хил рефлектор ёйлардаги товушни ишлов бериш интеграцияси.**Кортиев аъзодан бирламчи эшитув пўстлогигача бўлган йўл 46 нейрон узунлигига эга; бу йўлдаги ҳар бир ретрансляцион станцияларда (юқори ядро олиив, ретикуляр формация, латерал илмоқчанинг ядроси ва тўрт тепаликнинг пастки дўнглиги) бир қатор рефлектор ёйларда иштирок этадиган коллатерал толалар ҳосил бўлади.Баъзи импульслар миячадан ўтади, шу пайтда бошқалари кўз олмалари мушакларини иннервация қиладиган ядро учун ва товуш томонга кўзлар ҳамкор ҳаракатини чақирадиган медиал узунчоқ тутамдан ўтади. Баъзи импульслар тўрт тепаликнинг пастки ва юқори дўнгликлари орқали претектал соҳага ўтади, кейин текстобульбар тракти бўйлаб, бош мия устунининг ҳар хил ядроларидан, шунинг ичига юз нерви ядроси ҳам киради (узангисимон мушак), ёки орқа мия бўйин соҳасидаги ҳаракат мотонейронларининг олд шохлари қобик-орқа мия тракти йўли ёрдамида ўтади. Орқа мия бўйин соҳасидаги пастга тушувчи импульслар товуш келган томонга қараб бош ҳаракатини ўзгартиради. Бошқа импульслар ретикуляр формациянинг чиқаётган активлашган ретикуляр тизимига қараб йўналади (уйғониш реакцияси). Шунга қарамасдан, қолганлари медиал илмоқчага тушиб, интернейронлар ёрдамида базиляр пластинанинг тортилишини тартибга солувчи таъсир кўрсатади. Пастга тушувчи импульсларнинг баъзилари, тахмин қилинганидек, ингибиторли таъсир кўрсатади; кўриниб турибдики, уларнинг функцияси бошқаларни, яъни қўшни частоталарни босиб маълум частоталарни қабул қилишни яхшилаш.

### **Эшитувнинг бузилиши**

*Ўтказувчи ва сенсо-неврал эшитувнинг бузилиши*

Эшитувнинг йўқолиши икки хил клиник кўринишга эга: ўрта қулоқнинг зарарланиши ва эшитувнинг (ўтказувчан) йўқолиши ва ички қулоқнинг зарарланиши (сесоневрал) паст эшитиш.

Ўтказувчи типдаги эшитувнинг йўқолиши ташқи эшитув каналига таъсир қилувчи жараёнлар ёки кўпроқ ўрта қулоққа таъсир қилувчи жараёнлар оқибатида юзага келади. Ҳаводаги тебранишлар (товуш тўлқинлари) ички қулоққа зўрға етиб боради ёки умуман етиб бормади. Суякчадаги тебраниш аввалгидай Кортиев аъзоси томонга йўналган бўлиши мумкин ва у эшитилади (Ринне тест синовига қаранг). Ўтказувчи типдаги карлик сабаблари ноғора пардасининг дефектини (serotympanum, mucotympanum ёкиhemotympanum); жароҳат ёки яллиғланиш туфайли эшитув суякчалари занжирининг узилиши; суякчаларнинг кальцификацияси (отосклероз); холестеатома каби деструктив жараёнлар; ва шишларни (глобус шишлари, камроқ эшитув йўлининг карциномаси) ўз ичига олади.

**Ички қулоқ ёки нейросенсор карлик** Кортиев аъзога ёки марказий эшитув йўлига таъсир қилувчи кохлеар нервнинг зарарланишига

асосланган. Қулоқнинг ички функциясига ривожланишнинг туғма нуқсонлари, медикаментоз дори воситалар (антибиотиклар), ишлаб чиқариш захарлари (бензол, анилин ва органик эритувчи кабилар), инфекциялар (эпидемик паротит, қизилча, темиратки), метаболик бузилишлар ёки травмалар (шикастланишлар ва акустик жароҳат) салбий таъсир кўрсатади.

**Эшитиш йўқолишини диагностик баҳолаш.** Ринне синовида товуш таъсирловчиларини ҳаво ёки суяк орқали ўтказилишига баҳо берилади. Тебранаётган камертон дастагини сўрғичсимон ўсимтага қўйилади. Қачонки бемор тонни эшитмай қолса, камертон унинг қулоғига яқинлаштирилади. Нормал ҳолда текширилувчи камертонни эшитиши керак (нормада-Ринне синови ижобий). Эшитувнинг ўрта қулоқда йўқолишида, бемор тонни ҳаво ўтказувидан кўра суяк ўтказувидан яхшироқ эшитади (патология – Ринне синови салбий). Вебер синовида тебранаётган камертон дастаги беморнинг боши устига қўйилган, яъни ўрта чизик бўйлаб. Текширилувчи нормал ҳолатда ўрта чизик бўйлаб тонни эшитади; бир томонлама кондуктив қарлиги бор бемор тонни зарарланган томонига локализация қилади, шу вақтнинг ўзида бир томонлама нейросенсор қарлик билан биттаси зарарланмаган томонига уни локализация қилади. Ўрта қулоқнинг зарарланишини оториноларингология бўлимида ўрганилади, лекин кохлеар нерв ва эшитув йўли ўрта қисмининг зарарланиши неврологларнинг муаммоси ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилган текширувлар, ўтказувчи типдаги ва нейросенсор эшитувни йўқотишни дифференциациялашда муҳим аҳамиятга эга, лекин аниқ диагностик баҳолашда етарли эмас. Аудиометрияни ўтказиш эшитув қобилиятини миқдорий эшиттиришни аниқлайди. Ҳаво ва суяк ўтказувчанлиги учун эшитув чегаралари ҳар хил частоталарда ўлчанади. Ўтказувчи типдаги қарликда ҳаводаги ўтказувчанлик чегараси суяк ўтказувчанлигидан ёмон. Сенсоневрал қарлик асосий зарарланиш ўчоғига боғлиқ. Юқори частотали эшитувнинг йўқолиши қариганда ва ўткир ёки сурункали эшитувни йўқотишнинг бошқа формаларида ҳам учрайди, паст частотали эшитувнинг пасайиши Меньер касаллигида кузатилади.

***Эшитувнинг йўқолишида сабаб бўладиган неврологик бузилишлар.***

**Меньер касаллиги** ички қулоқда патолгик бузилиш ҳисобланиб, эшитувнинг йўқолиши ва бошқа неврологик кўринишларни юзага келтиради. У клиник триада билан характерланади: кўнгил айниши ва қусиш билан бирга бош айланиши ёки тўлиқ эшитувнинг йўқолиши ва қулоқдаги шанғиллаш. Бу эндолимфа мувозанатининг осмотик бузилиши билан боғлиқ бўлиб, эндолимфал бўшлиқнинг истисқосига ва эндолимфа ва перилимфа орасидаги тўсиқнинг бузилишига олиб келади. Даволашда

ноғора текислигининг перфузиясини камайтиришчун препаратлар ишлатилади. Профилактика учун бета-гистидин қўлланилади.

**Эшитувнинг тўсатдан йўқолиши**, одатда қулоқда шанғиллаш билан бирга кузатилади. Кўп ҳолларда унинг сабаби вирусли инфекция ёки лабиринтли артерия соҳасидаги ишемия (унинг охириги қисми) ҳисобланади. Бош мия устунининг марказий эшитув боғламларига томир жараёнлари, яллиғланиш, инфекциялар ва шишларэшитувнинг йўқолиши билан бирга сабаб бўлади. Фақат бош мия устунисидаги эшитув йўллариининг узилиши икки томонлама карликка олиб келади.

**“Акустик невринома”** шиш учун умумий белги ҳисобланиб, аслида вестибуляр нервдан ҳосил бўлади ва гистология бўйича шваннли ҳисобланади.

**Даҳлиз – чиғаноқ нерви (VIII БМН)** – вестибуляр миқдор ва мувозанат тизими. Мувозанатни тартибга солиш учун учта ҳар хил тизимлар иштирок этади: вестибуляр тизим, проприоцептив тизим (яъни мушаклар бўғимлар ҳолатини қабул қилиш) ва кўрув тизими.

**Вестибуляр тизим**– лабиринтдан, саккизинчи бош мия нервнинг вестибуляр қисмидан (яъни вестибуляр нерв, даҳлиз – чиғаноқ нервнинг бир қисми), бош мия устунининг ўзининг марказий боғламлари билан вестибуляр ядролардан ташкил топган.

Лабиринт чакка суягининг ичида жойлашган ва қопчадан (эллиптик қопча - **utricle**) **сферик қопчадан – саккулюс (sacculе)**, ҳамда учта ярим айлана каналлардан иборат. Мембранали лабиринт суяк лабиринтдан майда бўшлиқ билан ажратилган ва перилимфа билан тўлдирилган. Пардали аъзонинг ўзи эндолимфа билан тўлдирилган. Эллиптик ва сферик қопчалар утрикулюс ва саккулюсда, ҳамда ярим айлана каналлар ампулаларида мувозанатни сақлайдиган рецептор аъзолар мавжуд.

*Учта ярим айлана канал* ҳар хил текисликларда жойлашган. Ён томондаги ярим айлана канал горизонтал текиликда, қолган иккита ярим айлана каналлар унга ва бир бирига перпендикуляр жойлашган. Орқа ярим айлана канал чакка суяги ўқи устида жойлашган, шу пайтнинг ўзида олдинги ярим айлана канал эса унинг йўналиши бўйлаб кўндаланг мослашган. Чакка суягининг ўқи ўрта чизикқа нисбатан 45° бурчак остида жойлашгани сабабли, битта қулоқнинг олдинги ярим айлана канали иккинчи қулоқнинг орқа ярим айлана каналига параллел жойлашади ва аксинча. Иккита ён томон ярим айлана канали бир текисликда жойлашган (горизонтал текислик). Ярим айлана каналларнинг ҳар бири эллиптик қопча билан алоқада бўлади. Ҳар бир ярим канал “тароқча” (*crista ampullaris*) деб аталадиган вестибуляр тизимнинг рецепторлари жойлашган ампулани ҳосил қилиш учун охирида кенгайди. Ҳар бир ампула тароқчасининг сезгир тукли хужайралари купула деб аталмиш отолитлар мавжуд бўлмаган чўзинчоқ желатинли субстанциянинг охири билан боғланган. Ярим айлана каналлардаги эндолимфа ҳаракати кинетик рецепторлар

(ҳаракат рецепторлари) деб аталадиган тароқчанинг сенсор тукчаларини кўзғатади. Қўшимча рецепторлар бу ҳаракатсиз доғлар (*macule*) ҳисобланиб, *utricle vasacculе* ларни ўз ичига олади. Утрикуляр макула қопчанинг тагида калла суяги асосига нисбатан параллел жойлашган, саккуляр макула эса қопчанинг медиал деворига нисбатан вертикал жойлашган. Макуланинг тукли хужайралари отолит деб аталадиган, карбонат кальцийнинг кристалларини ўз ичига олган желатинли қобикда ўрнашган. Улар устунли хужайраларга келиб бирлашади. Бу рецепторлар бош мия устунига бошнинг макондаги ҳолати ҳақида статик импульслар юборади. Улар мушаклар тонусига таъсир кўрсатади. Лабиринт рецепторларида ҳосил бўладиган импульслар кўз олмаси мушакларини, энса ва танани координациялашга хизмат қиладиган реффлектор ёйнинг афферент қисмини ҳосил қилади, бу ҳолда бошнинг ҳар хил типдаги ҳаракатларида мувозанат баланси сақланади.

**Даҳлиз – чиғаноқ нерви.** Вестибуляр тизимга импульсларни юборишнинг кейинги босқичи бу даҳлиз – чиғаноқ нерви ҳисобланади. Вестибуляр ганглия ички эшитув каналида жойлашган бўлиб, биполяр хужайраларни ўз ичига олади. Ҳамма периферик толалар вестибуляр аппаратнинг рецепторлари билан алоқада бўлади, унинг марказий толалари вестибуляр нервни ҳосил қилади. Чиғаноқ нерв билан бирга у кўприк – мияча бурчаги йўналиши бўйлаб ички эшитув каналини ва субарахноидал бўшлиқни кесиб ўтиб, кўприк ва узунчоқ мия билан бир текисликдаги мия устунига киради. Унинг толалари тўртинчи қоринча тагида жойлашган вестибуляр ядроларга қараб йўналади. Вестибуляр ядро мажмуаси куйидагилардан иборат:

- Юқори вестибуляр ядро (Бехтерев ядроси)
- Латерал вестибуляр ядро (Дейтерс ядроси)
- Медиал вестибуляр ядро (Швальбе ядроси)
- Пастки вестибуляр ядро (Роллер ядроси)

Вестибуляр нервнинг толалари вестибуляр ядро мажмуаси алоҳида гуруҳ хужайраларининг кириш жойида икки шохга бўлинади, ва улар иккинчи нейрон билан синаптик ўтказгич ҳосил қилади.

**Вестибуляр ядроларнинг афферент ва эфферент алоқалари.** Вестибуляр ядроларнинг афферент ва эфферент алоқалари ханузгача маълум эмас. Вестибуляр нервнинг баъзи толалари миячанинг (*archicerebellum*) коптокча-тугунли (*flocculonodular*) қисмига олд арқонсимон йўл (*juxtarestiform*) орқали миячанинг пастки оёқчаси томонга борадиган йўлдан тўғридан тўғри импульс юборади.

Коптокча-тугунли (*flocculonodular*) йўл мияча чодирининг ядросига боради, ва илмоқсимон тутам (Рассел тутами) билан биргаликда вестибуляр ядрога қайтади. Баъзи бир толалар вестибуляр нерв орқали лабиринтнинг ички хужайраларига қайтади, ва улар тартибга соладиган ва



тўхтатадиган ҳаракатларни амалга оширади. Ундан ташқари, архицеребеллум юқорининг, медиал ва пастки вестибуляр ядроларнинг иккинчи қатор толаларга эга ва эфферент толаларни тўғридан тўғри вестибуляр ядро мажмуасига, ҳамда мияча-ретикуляр ва ретикулоспинал йўл орқали орқа мия ҳаракатлантирувчи нейронларга юборади. Асосий латерал вестибулоспинал тракт вестибуляр ядролардан бошланади (Дейтерс ядроси) ва олд тутамлар орқали орқа мия альфа ва гамма ҳаракат нейронларигача, ҳамда кесишма соҳасигача ипсилатерал пастга тушади. Латерал вестибулоспинал тракт орқали юбориладиган импульслар экстензор рефлексларни енгиллаштиради ва мувозанатни сақлаш учун бутун тана мушаклари тонусини сақлашга хизмат қилади. Медиал вестибуляр ядро толалари узунчоқ тутамнинг икки томонидан медиалроқ ўтиб орқа мия бўйин соҳасининг олдинги шохлари ҳужайраларига, медиал вестибулоспинал тракт эса орқа миянинг юқори кўкрак соҳасига тушади. Бутолалар четки эгатнинг бир тутамга ўхшаб (*sulcomarginal*), олдинги ўрта эгатга ёпишиб турганорқа миянинг бўйин соҳаси олд қисмига тушади, ва бўйинниг олдинги шохларига ва юқори кўкрак текислигидаги ҳужайраларга тақсимланиб кетади. Улар бошнинг турган ҳолатига жавобан чакка мушакларига таъсир ўтказади ва кўл ҳаракатлари билан тартибга солинадиган мувозанатни сақлашдаги рефлексларга қатнашади. Ҳамма вестибуляр ядролар медиал узунчоқ тутам орқали кўз олмасини иннервация қиладиган ядролар билан боғлиқ.

Вестибуляр ядро ва миячанинг коптокча-тугунли қисмидан ташкил топган ядролар мажмуаси мушаклар тонуси ва мувозанатини сақлашда муҳим рол ўйнайди. Спинноцеребелляр ва корикоцеребелляр ҳосилалар билан ҳам мувозанатни сақлаш мумкин.

**Мувозанатнинг бузилиши.** Бош айланиши ва мувозанатнинг бузилиши кўпинча беморларни шифокор ҳузурига етаклайди. Оддий тил билан айтганда, “бош айланиши” кенг кўламдаги патологик сезгиларга киради. “Бош айланиши” баъзида бош ҳақиқий айланишини билдиради, яъни қайсидир томонга ҳаракат ёки айланиш сезилади. Беморлар чархпалакда айланаётгандай, кемадагидай, ёки лифтда ҳаракат бошланишида ёки тўхтаётганида бўлган ҳисларини таърифлаб бериши мумкин. Кўпгина беморлар, бу сўзни бошқа ҳолатларда ҳам эркин ишлатишади. Улар орасига ҳайрон қолмоқ, ҳозир ҳушидан кетиш сезгиси, лиқилламоқ (кекса ёшдаги инсонларнинг асосий шикоят), енгил хавотирга тушмоқ ёки клаустрофобия киради. “Бош айланиши”га шикоят қиладиган беморлар билан аниқ характерини билиш учун обдон савол – жавоб қилиш керак. Бош айланиш ўзининг хусусиятига асосан атроф-муҳитга нисбатан ҳаракат (субъектив вертиго) бўлиб патологик ва хавотирли туйғудир, ёки атроф-муҳит бир жойда турганда, худди айланаётгандек (объектив вертиго) туюлади. Боши айланадиган беморларда осцилопсия (*oscillopsia*), визуал

иллюзия мавжуд бўлиб, худди объектлар орқа олдинга ҳаракатланаётгандай туюлади. Агар “бош айланиши” ҳақиқатан ҳам шу терминга мос бош айланиши бўлса, у ҳолда вестибуляр ёки визуал тизимларнинг, ёки иккаласининг ҳам бирданига бузилиши оқибатида юзага келиб, обдон текширишни талаб қилади. Бошқа томондан, ўзини йўқотувчи иккиланиш ҳисси, ёки ҳушсизланиш олди ҳолатиюррак-томир бузилишлари, интоксикация ёки депрессияда намоён бўлиши мумкин. Кўпинча бош айланишларнинг сабаблари мияга учта ҳар хил перцептив тизим: кўрув, вестибуляр ва соматосенсор (проприоцептив) орқали ўтадиган ҳаракат билан боғлиқ сенсор импульсларнинг мувозанати бузилиши ҳисобланади. Бу гипотеза сенсор тўқнашув ёки полисенсор тўғри келмаслик деб аталади. Соғлом одамларда ҳам ҳар хил жисмларнинг “ғайриоддий” ҳаракати бош айланишини чақиритиши мумкин. Тез-тез ва қатъий намоён бўладиган чайқалиш вегетатив (кўнгил айланиши, рангпарлик, гипотония, чарчоқ, эснаш, кўп терлаш ва қусиш) ҳисобланади, лекин шу вақтнинг ўзида бош айланишининг ўзи зўрға сезилади ва беморни кам безовта қилади. Шундай сенсор тўқнашув борки, соғлом инсонлар ҳаракатнинг оғир касаллигидан азият чекадилар, яъни инсон худди катта кеманинг пастки палубасида турганидек. Бу ҳолатда, кўрув тизими атроф-муҳит ҳаракатсиз турганини хабар қилади, ва тўхтовсиз ҳаракат билан қарама-қаршиликка кириб вестибуляр тизимга хабар юборади. Асабийлаштирадиган ҳаракатлар камайгандан кейин, чайқалиш кейинги 24 соат ичида секин аста тўхтайтиди.

**Вестибуляр бузилишлар** ўзига хос характерли бош айланишини чақирмай бош айланишини келтириб чиқаради. Вестибуляр тизимдаги (вестибуляр тизимдаги тўпловчи термин, даҳлиз-чиғаноқ нервини, вестибуляр ядроларни ва уларнинг марказий боғламларини ўз ичига олади) бузилиш сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин. Вестибуляр бош айланиш айланма ёки илгарилаш (ярим айлана каналлар ва отолитларга мос равишда) каби сезилиши мумкин ва нистагм билан боғлиқ бўлади. Вестибуляр аъзонинг ёки даҳлиз-чиғаноқ нервининг бир томондаги зарарланиши вестибуляр ядролар активлигини икки томондан фарқини келтириб чиқаради, ва марказий вестибуляр аппарат билан шундай тушуниладики, у кўпроқ активликка эга томонга кўрсатади (яъни соғлом томонга). Бу вистибулоокуляр рефлексни индукция қилади, яъни нормал кулоқ томонга тез таркибли ва зарарланган томонга секин таркибли нистагм ҳосил бўлади (вестибуляр невритларга қаранг). Вестибуляр нистагм кўпинча айланма (торсион) таркибга эга бўлиб, Frenzel кўзойнаклари ёрдамида нигоҳ қадалишининг оғишини, бемор тез фаза томонга қараётган пайтда уни осон кўриш мумкин (Александр қонуни). Вестибуляр бош айланиш бошланғич этапларида зарарланган томонга йиқилиш мойиллиги билан бирга кўнгил айланиш ва қусишни келтириб чиқаради. Кузатувчи нистагм

атроф-муҳитнинг иллюзор ҳаракатини кўрсатади – осцилопсия. Шунинг учун бемор вестибуляр тизимнинг таъсирланишини олдини олиш мақсадида кўзларини юмиб туради, бошини кулоқлари юқорида бўлган ҳолда, бошининг жойлашуви нормал ҳолатда бўлмаган ҳолда ҳаракатсиз тутати. Тўртинчи қоринча тубидаги вестибуляр ядроларнинг зарарланиши ана шундай симптомларга олиб келади. Вестибуляр зарарланишнинг қанақалигини билиш учун юқорида кўрсатилганларни ўзингизга эксперимент тариқасида қўллашингиз мумкин.

**Проприоцептив бош айланиши** (ёки проприоцептив беқарорлик) – ҳаракат чегараланган ва йўлланмаган, бу орқа мия бўйин соҳасида ҳосил бўладиган проприоцептив импульсларининг аномалияси билан боғлиқ. Бу яна периферик невропатия ёки орқа мианинг орқа устунларининг зарарланиши оқибатида юзага келиши мумкин, буларнинг ҳар бири пастки мучалардан марказий келадиган проприоцептив импульсларнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Охирги типдаги проприоцептив беқарорлик нистагмсиз беқарор юриш билан характерланади. Бу юришнинг бузилиши кўзлар юмилганда, ёки инсон қоронғуликда кетаётганига ўхшаш бўлиб, у ўзини визуал бошқара олмайди, ва проприоцептив маълумотнинг етишмаган қисмини компенсация қила олмайди.

### **Вестибуляр ёки периферик зарарланиш**

Позицияли бош айланиши. Безарар позицияли пароксизмал бош айланиши (БППБА) йўналган бош айланишининг энг кўп тарқалган сабабларидан бири бўлиб, унинг 20% ни ташкил этади. БППБА билан оғриган беморлар одатда бошини тез ҳаракатлантирганда, яъни бош олдинга эгилган ёки зарарланган кулоқдан бир томонга юқорига қараб бурилгандан (масалан, бемор тўшакда бўлса) сўнг қисқа вақт ичида интенсив айланма бош айланишининг қисқа хуружлари ҳақида айтишади. Бош айланиши 10-60 сония ичида тўхтади. Бу тирдаги бош айланиши сталолитли мембранадаги отолитлар томонидан чақирилади. Оғирлик кучлари остида бу отолитлар лабиринтнинг пастки қисмига боради, у ердан улар бемор чалқанча ётганида орқа ярим айлана каналга осонгина ўтказилади. Отолитларнинг ажралиши ён томондаги ярим айлана каналларга ҳам кириши мумкин (жуда кам ҳолларда). Зарарланган ярим айлана канал юзасидаги ҳаракат эндолимфанинг нисбий ҳаракатини (каналолитиаз; поршень эффекти) белгилаб кристалларнинг ҳаракатланишига олиб келади, ҳамда купулага берилади. Зарарланган ярим айлана каналдан бошланган импульслар стимуляцияланган ярим айлана канал юзасидаги ҳаракат ва нистагм ҳиссини келтириб чиқаради, улар қисқа интервалдан сўнг сал кечикиб бошланади ва 60 сония ичида тўхтади. Бош ҳаракатини такрорлаш симптоматик жавобнинг қисқа вақтда камайишига олиб келади

(кўникма ҳосил бўлади). Зарарланган ярим айлана канал юзасида тез репозицион маневрлар асосида даволаш мумкин, бунинг ёрдамида отолитларни каналдан чиқариб олиш мумкин.

БППБА нинг дифференциал диагностикасида марказий позицион бош айланиши, тўртинчи қоринча тубининг зарарланиши оқибатида, вестибуляр ядро ва уларнинг боғламлари иштирокида бўлишини ҳисобга олиш керак. Масалан, мияча қуртининг зарарланишида, бош оғанида дағал позицион нистагм ҳосил бўлади. Марказий позицион бош айланиш баъзида кучли қусиш билан бирга, лекин кўпинча нисбатан енгил кўнгил айланиши билан давом этади. БППБА дан фарқли ўлароқ, марказий позицион бош айланишида, нистагм ва бош айланиш кўпинча тезликка боғлиқ, қайсики бемор йўналишни ўзгартириб уни узоқ вақт сақлашга интилади, у бошнинг ҳолатига қараб нистагмнинг йўналишини ўзгартириши мумкин.

### **Вестибуляр невропатия**

Ўткир бир томонлама вестибуляр етишмовчилик (вестибуляр нейропатия ёки неврит – бир вестибуляр аъзонинг ёки вестибуляр нервнинг ўткир эшитувнинг йўқолиши) айланма (тизимли) бош айланишининг иккинчи кўп учрайдиган сабабларидан бири ҳисобланади. Кўпинча вирусли келиб чиқиши юз нервнинг идиопатик фалажи (Белл фалажи) ва ўткир эшитувнинг йўқолиши натижасида юзага келади.

Вестибуляр невропатиянинг асосий симптоми бўлиб, ўткир бошланган, бир неча кун давом этадиган ва бош ҳаракатлари ҳамда қайрилишларида кучаядиган бош айланиш бўлиб ҳисобланади. Бу одатда соғлом томонга йўналтирилган маятниксимон, ротатор нистагм, кўнгил айланиш, қусиш ва кучли ҳолсизлик билан бирга келади. Қисқа муддатли, ўтиб кетувчи енгил бош айланиш ҳисси кўринишидаги продромал давр баъзан бир неча кун олдин бош айланиш хуружининг ўткир бошланишидан дарак беради. Одатда, эшитиш бузилмайди, аммо эшитишда бузилишлар кузатилса, қизамиқ, тепки, мононуклеоз, боррелиоз, нейросифилис каби инфекцион касалликлар билан, бундан ташқари, ташқи эшитув йўлининг ўраб олувчи темираткиси, акустик невринома, лабиринт артерияси соҳасида ишемия, Меньер касаллиги билан қиёсий ташхис ўтказиш керак. Вестибуляр нейропатия кўпинча, 30 дан 60 ёшгача бўлган кишиларда учрайди. Калорийли синамада зарарланган лабиринтда кўзгалувчанликнинг пасайиши ва бошқа бошқа бош мия нервларининг зарарланиши, миячанинг ёки бош мия устунни функциясининг танқислиги каби неврологик белгилар бўлмаслиги билан бирга келади. Бош айланиш ва юришдаги гандираклаш секинлик билан 1-2 ҳафта давомида ўтиб кетади, барча симптомлар одатда 3 ҳафта ўтганидан сўнг сўниб боради. Даволашда ётоқ режим ва бош айланишга қарши дори воситалари берилади, воситаларни биринчи 2-3 кун давомида берилади. Беморлар махсус гимнастик машқларни, мувозанатни

сақлаш машқларини бошлашлари керак, бу машқларни бемор тез ўрганади, улар жуда осон бўлиб, уй шароитида ҳам бажариш мумкин.

### **Эшитув нерви невриномаси**

Юқорида айтиб ўтганимиздек, “эшитув нерви невриномаси” деган атама аслида олганда, шваннома учун нотўғри бўлиб ҳисобланади, шванномалар даҳлиз-чиғаноқ нервнинг вестибуляр толаларидан ўсиб чиқади. Ўсма бу толаларни дастлаб секин шикастлаб бораверади ва шу орқали зарарланган томонда вестибуляр аппарат қўзғалувчанлиги секинлик билан ёмонлаштириб боради; бемор кам ҳолда бош айланишга шикоят қилади, чунки бу танқислик вестибуляр маълумотни қайта ишлаб чиқадиган марказнинг нисбатан юқори қисмларида компенсацияланади. Калорийли синама орқали ассиметрик қўзғалувчанлик баҳоланиши мумкин. Ўсманинг тез ёки секин ўсишига қараб, чиғаноқ нерви толаларининг таъсирланиши ёки компрессияланиши кузатилади, бу эса эртами кечми клиник жиҳатдан юқори частотадаги эшитишнинг йўқолишига олиб келади. Аудиометрияда эшитишнинг йўқолиши ва эшитиш орқали чақирилган потенциалларни ўлчаш орқали ўтказувчанлик вақтининг чўзилганлиги натижасида эшитиш невриномаси ташхиси тасдиқланиши мумкин. Бундан ташқари, МРТ орқали ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўсма ўлчами ва эшитиш йўқолишининг оғирлик даражаси ўртасида аниқ, исботлан боғлиқлик йўқ. Ўсма ўсишни давом эттираверса, қўшни структураларни (масалан, устунмияли, юз нерви, уч шохли нерв) босиб қўяди, бу кейинги бош мия нервларининг танқислигига (масалан, ноғора тори дифункияси кўз ажралишининг ва таъм сезишнинг бузилишига), бош мия устунии ва миячанинг симптоматик копрессиясига олиб келади. Икки томонлама акустик невриномаси мавжуд беморларда одатда, II типдаги нейрофиброматоз (икки томонлама акустик нейроматоз деб ҳам аталади) муҳим ўрин эгаллайди. Эшитув йўли невриномасини даволаш ҳозирги кунда нейрохирурглар ўртаси жадал баҳс-мунозараларни келтириб чиқаряпти. Ҳозирги кунда кўплаб жароҳатланишларни стереотаксик радиохирургия (яъни, гамма пичоқ ёки стереотаксик чизмасимон тезлатгич) ёрдамида даволашмоқда.

### **Эшитув нерви**

Бу специфик сезгир нервнинг зарарланиши карликка олиб келади. Нерв хужайралари чиғаноқнинг спирал ганглияларида жойлашган. Унинг ташқи қисми Кортиев аъзосининг эшитув хужайралари билан, марказий қисми эса кохлеао ядролар билан боғланган. Кейинги нейрон бу латерал илмоқ ҳисобланади. Товуш билан боғлиқ импульслар кохлеар ядрога етиб борганида, уларнинг ўтиши икки томонлама характерга эга (шунинг учун бир томонлама ядродан юқори зарарланиш карликка олиб келмайди).

Агар беморнинг эшитиши қисман йўқолса бу сенсоневрал карлик ёки ўтказувчи тизим карлиги деб аталади. Ўтказувчи тизимнинг карлиги ташқи

каналнинг, ўрта қулоқнинг ёки суякчанинг касалликлари чақиради. Неврал карликнинг муҳим хусусиятлари бу:

- Юқори частотали товушларни қабул қилишнинг йўқолиши;
- Товушнинг суяк ўтказувчанлигининг йўқолиши.

### **Эшитишни текшириш усуллари.**

Эшитишнинг расмий синови бу 6 метр узоқликдан пичирлаб гапиришдир. Беморни текшириш учун кўпинча тинч хонани топиш қийин бўлиб қолади. Қуйидаги усулларни қўлланг:

- Сизга нисбатан беморнинг юзи тўғри бурчак остида 6 метр узоқликда жойлашган.
- Бемордан сиздан узоқда жойлашган қулоғини бармоғи билан ёпишини сўранг. Бир қатор рақамларни айтинг ва ундан ҳар бирини кетма-кет сиздан кейин такрорлашини сўранг. Нормал эшитиш қобилиятига эга бўлган одам бундай пичирлаб гапиришда 10 тадан 9 та рақамни бу масофада туриб эшитади ва такрорлай олади. Кейин иккинчи қулоғини текшириш учун беморни қарама-қарши томонга қараб буринг ва муолажани такрорланг. Сизнинг пичирлаб гапиришингиз пастдан нормал овозда гапиришгача ўзгариши мумкин. Шундан кейин сиз буларни бир неча марта такрорлаганингиздан кейин, сизга аниқ манзара ҳосил бўлади ва синов ишончли бўлади. Унинг эшитиш қобилияти “6 метр узоқликдан пичирлаш” чапдан ва ўнгдан нормал ҳолатда деб ёзиб қўйинг. Агар сиз унинг чап қулоғини синовдан ўтказишда беморга яқинлашиб рақамларни айтсангиз, у ҳолда, масалан, “чап томондан пичирлаб гапириш” деб ёзиб қўйинг. Агар бемор бир қуоғи ёки икки қулоғида карлик аломатлари бўлса, унда “ўнгдан 4 метр, чапдан 6 метр” деб ёзиш керак бўлади.

Аниқланган карлик қулоқнинг ўтказувчи тизимининг ёки нервнинг нуқсонлигини аниқлаш учун қуйидаги амалларни бажаринг:

- 256 Гц да тебранаётган камертон дастагини беморнинг сўрғичсимон ўсимтасига қўйинг.
- Ундан тебраниш эшитилмай қолганида сизга хабар беришини айтинг.
- Шу пайт камертоннинг тебранаётган тишчаларини беморнинг қулоғига яқинроқ келтиринг.

Агар товуш яна пайдо бўлса, демак суяк ўтказгичидан кўра ҳаво ўтказгичи яхшироқдир. Бу натижалар кўп инсонларда учрайди ва биринчи нерв азобланади. Агар сизнинг эшитиш қобилиятингиз нормал ҳолатда бўлса, 256 Гц да тебранаётган камертон дастагини беморнинг сўрғичсимон ўсимтасига қўйинг, агар у эшитмаётганини айтса, дастакни ўзингизнинг сўрғичсимон ўсимтангизга қўйинг. Агар сиз сўрғичсимон ўсимта орқали бемордан кўра узоқроқ эшитсангиз, демак бу нерв зарарланганлигининг натижасидир. Агар нерв тўлиқ зарарланган бўлса, у ҳолда суяк ўтказгич ҳамёки ҳаво ўтказгич ҳам баҳоланмайди. **Бу Ринне синови.** У икки

томонлама эшитувнинг йўқолишида ишончли ҳисобланади. Қарама – қарши ҳолат, ҳаво ўтказгидан кўра суяк ўтказгичи кўпроқ бўлса, патологик ўзгаришлар ўтказувчи тизимда ёки ўртақулоқда бўлиши мумкин.

Неврал карликдан ўтказувчи тизимнинг зарарланиши билан боғлиқ карликни табақалаштиришда яна бир усул мавжуд. 256 Гц да тебранаётган камертон дастагини бемор бошининг маркази устига қўйинг. У тебранишни қайси томонда яхши эшитаяпти, бир қулоғидами, иккинчи қулоғидами ёки боши марказидами, сўраб кўринг. Агар бемор эшитув ўтказувчи тизимининг бузилиши бир қулоғида бўлса, у шу қулоғи билан камертон тебранишини эшитади. Сизнинг эшитишингиз нормал ҳолатда бўлса, буни ўзингизда синаб кўришингиз мумкин. Тебранаётган камертон бошингизнинг тепасида бўлса бир қулоғингизни ёпинг. Товуш шу қулоқда кучаяди. Бу орқали сиз эшитув ўтказувчи тизимининг пасайишини билиб оласиз. **Бу Вебер синовидир.** Агар беморнинг бир қулоғида неврал карлик бўлса, у ҳолда у камертон тебранишини бошқа қулоғида, яъни соғлом қулоғида эшитади. Вебер синови икки томонлама карликда ёрдам бермайди, агар бир қулоқда бирданига ҳам неврал, ҳам ўтказувчи карлик бўлса у ишламайди. Неврал карлик бу суяк ўтказувчанлигининг пасайиши ва юфори частотали товушнинг йўқолиши. Ўтказувчан карлик эса, ҳаво ўтказувчанлиги ва паст частотали товушларнинг йўқолиши оқибатидаюзага келади. Эшитувнинг умумий йўқолиши ҳамма вақт неврал карликни билдиради.

### **Нервнинг вестибуляр қисми**

Нервнинг вестибуляр бўлагини ва вестибуляр аппаратни (яриа айлана каналлар, utricle ва saccule) текширишда кўзларнинг ҳаракати ва жойлашувига қараб ўтказилади. Бу ўрта мия функциясини баҳолашда ҳам ёрдам беради. Беморда ўткир бир томонлама вестибуляр зарарланиш бўлса, унда бош айланиши, қусиш, юришда зарарланган томонга қараб чайқалиш кузатилади. Бош айланиши атрофнинг (бош айланиш объекти) қарама-қарши томонга айланиш ҳиссини уйғотади. Унинг кўзлари зарарланган томонга қарашга мажбур, қарама-қарши томонга нистагм (тез таркиб) мавжуд. Сурункали ёки секин ривожланиб бораётган ярим айлана каналларнинг ёки вестибуляр нервнинг зарарланишида бу белгилар ва симптомлар кузатилмайди.

*Вестибуляр функцияни қандай синаш мумкин.* Отоневролог ёки клиник нейрофизиолог саккизинчи бош мия нервларининг ҳар иккала қисмини текширишда қийин усуллардан фойдаланади. Бемор тўшагида асосий синов усулларида бири, бу кўзларнинг ҳаракатларига жавобан қулоқнинг ташқи йўлига иссиқ ва совуқ сув қуйишдир, яъни калорияли синов ўтказилади. Совуқ сув ярим айлана каналларнинг функциясини пасайтиради, иссиқ сув эса, аксинча кучайтиради. Агар икки томон

орасида мувозанат бузилиши юзага келса, у ҳолда тизим текширилиши мумкин. Иссиқ сув эшитув ташқи йўлини таъсирлаганида сохта ўткир деструктив лабиринт юзага келади, яъни кўзлар сув қуйилган томонга қарайди, нистагм эса қарама-қарши томонда пайдо бўлади.

ЛОР

- Беморни орқага ташлаган боши билан энса қисмини ушлаб ўтқазинг, нигоҳи юқорида, ёки у чалқанча ёстикда ётган ҳолда боши горизонтал ҳолатдан  $30^\circ$  га эгилган. Унинг горизонтал ярим айлана канали энди вертикал жойлашган.
- Стетоскоп билан ташқи кулоқни кўринг. Ташқи каналдан олтингугуртни олиб ташланг. Агар ноғора пардаси тешилган ёки қизарган бўлса текширишни тўхтатинг.
- Қулоқ устига сувли идиш қўйинг ва бўйин томонга қараб қайрилган томони бўлсин. Унга  $20-30^\circ$  температурага эга сув солинг, сувли идиш тагига мато парчаси қўйинг, секин ва авайлаб 20мл совуқ сувни қуйинг (20 С). Нистагмнинг бошланишини, давомийлигини ва йўналишини белгиланг. 10 дақиқадан сўнг шуларни бошқа кулоқ билан давом эттиринг (олтингугуртнинг борлиги, тешилганлиги ва бошқаларга текширинг). Интервал ва давомийлик иккала кулоқда бир хил бўлишикерак, ҳамда ноқулайликнинг келиб чиқиши, кўнгил айланиши ва қусиш ҳисларининг пайдо бўлиши билан бир қаторда.

Танаффусдан кейин иссиқ сув билан (42 С) сув қуйишни такрорланг. Агар беморда ўткир лабиринт ёки сурункали ривожланиб борувчи бош айланиши, атаксия, қусиш бор деб ҳисобласангиз, биринчи ўринда иссиқ сув билан текшириш ўтказишни бошланг. Иссиқ сув билан суғориш бундай беморларда кам самара беради.

*Беморнинг ҳушсиз ётганидаги вестибуляр функцияси*

“Қўғирчоқ кўз ва калорияли синов” бўлимини қайта ўқиб чиқинг. Сиз топа олган совуқ сувни ишлатинг. Бу иссиқ ёки ўрта иссиқликдаги сувдан кўра кучли кўзғатувчи ҳисобланади. Текширув мўлжали ўзгарди. Бу кома ҳолатига олиб келган зарарланишни йўқотишга уринишдир. Кўзларнинг бир томонга тўлиқ оғиши ва бошқа томондаги нистагм вестибуляр нервнинг, ядроларнинг, медиал узунчоқ тутамнинг, кўзни ҳаракатлантирувчи нерв ядроларининг, мия устунининг, ретикуляр формациянинг ва яри шарларнинг бутунлигини баҳолайди.

- Агар команинг сабаби кўприкнинг зарарланиши бўлса – реакция мавжуд эмас. Огоҳ бўлинг! Агар команинг сабаби ҳаддан ташқари совуқда қолган ёки наркотик мастлик бўлса, реакциянинг сохта йўқлигини олиш мумкин. Агар сизда шубҳа уйғонса, текширувни 12 ва 24 соатдан кейин такрорлашингиз мумкин.




- Агар реакция нормал ҳолатда бўлса (ёдда тутинг, хушсиз ҳолатдаги беморда нистагм бўлмайди ва кўзларнинг оғиши нормал ҳисобланади) бош мия устундаги ўчоқнинг йўқотилиши команинг сабаби бўла олмайди.
- Агар сиз битта кўз узоқлашиши орқали жавобга эга бўлсангиз, команинг сабаби ўрта миядаги ўчоқ ҳисобланади. Бу ҳолда кўзни ҳаракатлантирувчи ядролар гуруҳи зарарланган ва аддукция бўлиши мумкин эмас.


**VIII жуфт бош мия нервнинг касалликлари.** Агар беморда бош айланиши, қулоғида шанғиллаш ва эшитишнинг пасайиши каби шикоятлар кузатилганда, ташхисни қидириш етарлича катта ҳажмни эгаллайди. Обдон анамнез йиғиш зарур. Кекса ёшлардаги атеросклеротик ўзгаришлар ва узоқ муддат трициклид антидепрессантлар қабул қилиб юрган беморларда постурал бош айланиш кузатилади. Бу чакка эпилепсияси симптомокомплексининг бир қисми ҳам бўлиши мумкин ёки бўйи баланд ёш эркакларда яхши сифатли кўринишда ҳам кузатилиши мумкин, чунки бу ёш эркаклар тез ўсади, шунинг учун у тез ўрnidан турса, хона айланиб кетгандай туюлиб, кўриш қобиляти йўқолиб йиқилиб кетиши ҳам мумкин. Карлик айнан нервнинг ўзими, унинг ўтказувчанлигимиде, ёки аралаш типдами, бундан ташқари, зарарланиш ўчоғи бўлса, эшитув нерви невриномаси, отосклероз, Меньер касаллиғи, сурункали кулоқ инфекцияси, сурункали равишда спиртли ичимликларни кўп қабул қилиб келиш, жароҳатлар ёки наркотик моддалар таъсиридан келиб чиққанлиғи билан қиёсий ташхислаш керак.

Қулоқда шовқин. Қулоқдаги шовқинни худди қўнғироқ чалингандек, хуштак чалишдек, кулоқ олдида бирон ҳашарот учаётгандек ёки кулоқ олдида келиб бирон киши баланд овозда бақиргандек тасвирлаш мумкин. Шовқин битта кулоқда ёки иккала кулоқда ҳамкузатилиши, ҳаттоки баъзан бошқа кишиларга ҳам эшитилиши мумкин. Қулоқдаги шовқин кўп учрайдиган бемор шикояти бўлиб, аммо кам учрайдиган симптом бўлиб ҳисобланади. У ўзининг келиб чиқиши бўйича периферик (нervнинг зарарланиши ёки ундан дисталроқ қисм) бўлиб, аммо марказий ҳолда ҳам кузатилиши мумкин. Қулоқдаги шовқин дастлаб эшитув нерви невриномаси билан қиёсий ташхисланади. Меньер касаллиғи мавжуд беморлар кучли бош айланиш хуружлари, кулоқдаги шовқин, қусиш мавжуд бўлса ҳам карлик ривожланганлиғидан кейингина шифокорга мурожаат қилади. Аспирин кулоқдаги шовқинни келтириб чиқаради ва кучайтиради, аммо баъзи беморлар бу боғлиқликни топа олмайдилар. Овозлар турткисимон ёки лўқилловчи бўлиб, кўпинча кечкурун тинчликда баландроқ эшитилади. Бу шовқинни сизлар беморда стетоскоп орқали эшитишингиз мумкин. Агар бемор кекса ёшда бўлса, инвазив текшириш усуллар у учун хавfli бўлиши мумкин. Баъзан калла ичи босими юқори бўлган беморлар бошдаги лўқилловчи шовқинга шикоят қилишади. Бошдаги баъзи томирлар қисилади. Агар бемор ёнбошига ётганда, у орқа

қулоқ артериясининг энса шохини калла ва ёстиқ орасида қисиб қўяди. Бу эса пульсацияловчи, ҳуштаксимон товушни келтириб чиқаради.



3.35.расм. Эшитув йўли. Эшитув нервининг марказий боғланишлари



3.36.расм. Вестибуляр нервнинг марказий боғланишлари

## Вагус тизими (IX, X жуфт БМН ва XI жуфт БМН нинг калла қисми)

### Тил-ҳалқум нерви (IX жуфт БМН)

Тил-ҳалқум нерви оралиқ нерв, адашган нерв ва қўшимча нервнинг калла қисми билан кўплаб умумий функцияга эга. Бу нервлар ягона “адашган тизим” сифатида қаралади. Барча бу нервлар аралаш (сенсор ва мотор)

бўлиб, уларнинг баъзи компонентлари эса мия устунни умумий ядроларидан юзага келади (ambiguus ядроси ва solitarius ядроси).

**Анатомик маълумотлар ва тақсимланишлар (3.40 расм).** Тил –ҳалқум, адашган ва қўшимча нервлар калла ичидан биргаликда бўйинтуруқ тешиги орқали чиқади. Бундан ташқари бу тешик тил-ҳалқум нерви тугунларининг, яъни юқориги (калла ичи) ва пастки (экстракраниал) жойлашган жойи бўлиб ҳам ҳисобланади. Овал тешикдан чиққандан кейин тил-ҳалқум нерви ички уйқу артерияси ва бўйинтуруқ веналари орасидан бигиз-ҳалқум мушаги йўналиши бўйлаб ўтади. У бигиз-ҳалқум ва бигиз-тил мушаклари орасида жойлашиб тил илдизини, ҳалқум шилликаватини, бодом безларини ва тилнинг орқа 1/3 қисмини иннервация қилади. Бундан ташқари қуйидаги ҳосилалар ажратилади: ноғора нерви – пастки ганглиядан ноғора бўшлиғига ва ноғора чигалига (Якобсон), кейин эса кичик тошсимон нерв, эшитув ганглия аксонлари билан қулоқ орти безига боради (3.33-расм). Бу нерв ноғора бўшлиғи шиллик қаватини ва евстахиев найининг сезувчанлигини таъминлайди. Ҳалқум шохлари, адашган нерв шохлари билан бирга, ҳалқум чигалини ҳосил қилади. Бу чигал ҳалқум мушакларини иннервация қилади.

*Каротид синусининг шохлари, уйқу артериясидан каротид синусига ва каротид танага боради.*

**Тилнинг орқа учдан бир қисмидан таъм билиш импульсларини юборадиган лингвал шохлар.**

*Тил-ҳалқум нервининг зарарланиши*

Изоляцияланган тил – ҳалқум нервининг зарарланиши кам учрайдиган ҳолат; адашган ва қўшимча нервлар ҳам жуда кам зарарланади. Тил – ҳалқум нерви зарарланишининг сабаблари қуйидагилар: калла суяги асосининг шикастланиши, бўшлиқнинг сигмовидли тромбози, орқа калла чуқурчаси каудал қисмининг шиши, умуртқа поғонаси ёки базиляр артериянинг аневризмаси, ятроген шикастланишлар (жарроҳлик муолажалари таъсирида), менингитлар ва невритлар.

Тил – ҳалқум нерви зарарланишининг клиник синдромлари қуйидагича характерланади:

- Тилнинг орқа учдан бир қисмида таъм билиш ҳисларининг камайиши ёки йўқолиши (агевзия);
- Танглай рефлексининг пасайиши ёки йўқолиши;
- Ҳалқум, бодом безлари соҳасидаги ва тилнинг асосидаги анестезия;
- Ютишнинг енгил бузилиши (дисфагия);
- Қулоқ олди безлар томонидан сўлак ажралишнинг бузилиши.

Тил – ҳалқум невралгияси тригеминал невралгияларнинг 1% ни ташкил этади. Тил – ҳалқум невралгияси интенсив, пароксизмал оғриқлар билан

характерланади. Оғриқли хуружлар одатда бирданига ҳалқумда, бўйинда, бодом безларида ва тилда пайдо бўлиб, бир неча сония ёки дақиқа давом этади. Улар ютишда, чайнашда, йўталишда ёки гапиришда пайдо бўлиши мумкин. Бемор пайдо бўладиган оғриқдан кўрқиб ҳеч нарса емайди. Бу синдром одатда касаллик бошланганидан кейин олти ой ичида ҳал бўлади. Бу бир хилликнинг анатомик сабаблари ҳалқумда шиш борлигини хаёлга келтиради. Даволаш аввал карбамазепин ёки габапентин дори воситалари ёрдамида ўтказилади. Агар бу даволаш баъзи ҳолатларда ёрдам бермаса, микромир декомпрессияси кўринишида нейрохирургик аралашув ўтказилади.

### **Адашган нерв (X БМН)**

Адашган нерв бўйинтуруқ тешиги олдида жойлашган иккита ганглиядан иборат: юқори (бўйинтуруқли) ганглиядан ва пастки (тугунли) ганглиядан. *Анатомик маълумотлар.* Адашган нерв пастки жабра ёйларидан ташкил топган. Пастки ганглия остидан нерв ички уйқу ва умумий уйқу артериялари билан бирга пастга йўналади, кейин эса кўкрак апертураси орқали кўкс оралиғига ўтади. Бу ерда, ўнг адашган нерв устунни ўмров ости артерияси устидан ўтади, шу пайтда чап адашган нерв устунни эса аорта равоғи бўйлаб ўтади. Кейин иккала устун қизилўнгачнинг қисмига, яъни ўнг адашган нерв устунининг толалари билан орқа томонига, ва чап адашган нерв устунининг толалари билан олд томонига айланади. Адашган нервнинг охириги шохлари кейин қизилўнгачни диафрагманинг қизилўнгач тешиги орқали қорин бўшлиғига кузатади.

### **Адашган нерв шохлари.**

Қорин бўшлиғига йўнала туриб адашган нерв қуйидаги шохларга тармоқланади (3.40, 3.41-расмлар):

- Дурал шохлар: юқори ганглиядан бошлаб орқага қайтиб бўйинтуруқ тешиги орқали орқа калла чуқурчасининг мянининг каттиқ пардасига боради.
- Эшитув шохлари: адашган нерв юқори нерв ганглиясидан бошланиб ташқи кулоқ орқа юзасининг терисига ва ташқи эшитув йўлининг орқа қисмига боради.бу адашган нервнинг ягона тери шохи.
- Ҳалқум шохлари: улар тил-ҳалқум нервининг толалари ва ҳалқумдаги симпатик чигал билан бирга келиб, ҳалқум ва юмшоқ танглай мушакларини иннервация қилади.
- Юқори ҳиққилдоқ нерви: пастки ганглийдан ҳиққилдоққа қараб йўналади. Бу нерв мустақил равишда иккита шохга бўлинади. Ташқи шохи ҳалқум мушаги констрикторига шохча бериб, кейин узукқалқонсимон мушагини иннервация қилади. Ички шохи сезувчи нерв бўлиб ҳиққилдоқ шиллиқ пардасини ҳамда ҳиққилдоқ усти шиллиқ пардасини иннервация


қилади. Бундан ташқари у ўз таркибида ҳиқилдоқ усти учун таъм билувчи толаларни, шиллиқ безлар учун эса парасимпатик толаларни сақлайди.

- Қайтувчи ҳиқилдоқ юқори бўйин кардиал нерви: бу шох ўнг томондан ўмров ости артерияси атофидан, чапдан аорта равоғи бўйлаб ўтади (3.41 - расм), кейин эса ҳиқилдоқ йўналишига қараб юқорига трахея ва қизилўнгач орасидан боради. У узук-қалқонсимон мушакдан ташқари ички ҳиқилдоқ мускулатурасининг моторикасини иннервация қилади, ҳамда ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари пастадаги шиллиқ қаватнинг сезувчи иннервациясида қатнашади.

- Юқори бўйин кардиал ва кўкрак кардиал шохлари: улар юрак чигали йўли билан симпатик толаларни юраккача олиб келади.

- Бронх шохлари: улар бронхлар деворига ўпка чигалларини шакллантиради.

- Ошқозон, жигар, қорин бўшлиғи олдинги ва орқа шохлари ва буйрак шохлари: йўл-йўлакай қорин бўшлиғига ва ичак тутқичи чигалига, симпатик толалар билан бирга қорин бўшлиғига (ошқозонга, жигарга, ошқозон ости безига, ўт пуфагига, буйракларга, буйрак устига, ингичка ичакка, ва йўғон ичакнинг проксимал қисмига). Қорин бўшлиғида адашган нервнинг ўнг ва чап толалари симпатик нерв тизими билан боғлиқ бўлиб, улардан бошқа ажралмайди.



3.41.расм. Тил-ҳалқум ва адашган нервнинг марказий боғланишлари ва иннервация қиладиган аъзолари

***Адашган нервнинг бир томонлама зарарланиш синдроми.***


Бу синдромда юмшоқ танглай зарарланган томонга қараб осилади, қусиш рефлекси пасаяди, бемор бурнидан гапирётганга ўхшайди, чунки бурун бўшлиғи оғиз бўшлиғидан изоляцияланмаган. Ҳиқилдоқ мушакларининг фалажида, бемор агар узун овоз чиқарса танглай тилчасининг соғлом томонга оғишига олиб келади. Натижада овоз пайчалари фалажидан (қайтувчи ҳиқилдоқ нервининг зарарланиши билан бирга ҳиқилдоқ ички мушакларининг фалажи, узук-қалқонсимон мушакдан ташқари) фарқли

ўлароқ хириллаш юзага келади. Бу синдромнинг бошқа компонентларидан бири дисфагия, баъзида эса тахикардия ва юрак аритмиясидир.

Адашган нервнинг зарарланишида, шу билан бир қаторда ривожланишнинг камчиликлари (масалан, Киари аномалияси, Dandy-Walker синдроми ва ҳк.) шиш, қон қуйилиш, тромбоз, инфекциялар, яллиғланишлар, ён томонлама амитрофик склероз ва аневризмаларни келтириб чиқаради. Адашган нервнинг периферик зарарланиши неврит, шиш, безларнинг бузилиши, травма ва аорта аневризмаси оқибатида бўлиши мумкин.

### Қўшимча нервнинг краниал қисми (XI БМН)

Қўшимча нерв иккита илдизчадан иборат, бош мия ва орқа мия (3.42 - расм).



### 3.42.расм. Қўшимча нервнинг марказий боғланишлари ва иннервация қилинадиган соҳалари

Қалла қисми илдизчасини ҳосил қиладиган нейронлар икки ёқлама ядрога (*ambiguus*), адашган нервда ўтадиган жараёнлар нейронлари билан бир жойда жойлашган. Бу ўн биринчи жуфт бош мия нервини адашган нервнинг функционал компоненти деб қаралса мақсадга мувофиқ бўларди, чунки унинг функцияси икки ёқлама ядрога ҳосил бўладиган адашган нерв бир қисмининг функцияси билан бир хил. (Бошқа томондан, қўшимча



нервнинг орқа мия илдизчаси мутлақо бошқа функцияга эга.) Адашган нервга бирлашиш учун бош мия илдизчалари орқа мия илдизчаларидан бўйин тешигида ажралган. Шундай қилиб, қўшимча нервнинг бу қисмини ”адашган нервнинг тизими”га киритиш мумкин. Орқа мия илдизчалари ва уларнинг функцияларини кейинги бўлимларда кўриб чиқилади.



**3.39.расм.** А. Чап тўш-ўмров мушагини нотўғри текшириш. Бемор бошини қаршилиқдан ўнг томонга оғишга ҳаракат қилади. Б. Чап тўшўмров мушагини тўғри текшириш. Бемор бошини ўнг томонга қаршилиқсиз айлатирди. энди бемор қаршилиқ кўрсатган вақтда текширувчи беморнинг бошини дастлабки ҳолатига келтиришга ҳаракат қилади

*Умумий ядро гуруҳи ва IX ва X жуфтлик БМН ни тақсимлаш.*

Икки ёқлама ядро (*Nucleus Ambiguus*)

Икки ёқлама ядро тил-ҳалқум ва адашган нервнинг ҳаракат ядроси, калла қисмининг қўшимча ядроси ҳисобланади (3.40, 3.41, 3.42 - расмлар). У пўстлоқ-ядро йўли орқали бош миянинг иккала ярим шарларининг пастга тушувчи қисмидан импульслар олади. Ядро икки томонлама иннервацияга эга, шу билан бирга марказий пастга тушувчи толаларнинг узилиши ҳаракатлантирувчи икки ёқлама ядрога тақсимлашда ҳеч қандай жиддий тақчилликка олиб келмайди. Икки ёқлама ядро ҳосил бўладиган аксонлар тил-ҳалқум ва адашган нервларга ва қўшимча нервнинг краниал қисмида юмшоқ танглай, ҳалқум ва ҳикилдоқ, ҳамда қизилўнгачнинг

тўғоноқ-йўл-йўл юқори қисмидаги мушакларига йўл олади. Икки ёқлама ядро уч шохли нервнинг орқа мия қисмидан ва солитар йўл ядросидан афферент иннервацияни қабул қилади. Бу импульслар асосий рефлектор ёйлар учун афферент ҳисобланиб, улар ёрдамида нафас олиш йўлларининг ва овқат ҳазм қилиш трактининг шиллиқ қаватида йўталиш рефлексини, ютишни ва қусишни ҳосил қилади.

### **Парасимпатик ядролар IX ва X БМН**

Адашган нервнинг дорсал ядроси ва сўлак безларининг пастги ядроси икки парасимпатик ядро бўлиб, толаларни тил-ҳалқум ва адашган нервларга юборади. Юқори сўлак ядроси кўшимча нерв учун юқорида айтилганидек парасимпатик ядро ҳисобланади (3.40, 3.41 – расмлар).

Адашган нервнинг дорсал ядроси. Адашган нерв орқа мия эфферент аксонлари ядроси адашган нервнинг преганглионар толалари сифатида бошнинг парасимпатик ганглияларига, кўкрак ҳужайраларига ва қорин бўшлиғига қараб боради. Шундан кейин, постганглионар толалар, синаптик реле каби висцеромотор импульсларни нафас йўлларининг силлиқ мускулатурасига ва ошқозон ичак тракти пастидан, чап ичак қийшиқлигига, ҳамда юрак мушагига беради. Адашган нервнинг парасимпатик толаларини кўзғатиш юрак қисқаришларини камайишига, бронхлар силлиқ мушакларининг торайишига ва бронх безларининг секрециясига олиб келади. Ошқозон – ичак трактидаги перистальтика ошқозон безларидаги ва ошқозон ости безларидаги секрецияга сабаб бўлади. Адашган нервнинг дорсал ядроси гипоталамусдан, хид билиш тизимидан, ретикуляр формациядаги вегетатив марказлардан ва солитар трактнинг ядроларидан афферент маълумотлар олади. Бу боғламлар юрак қон-томир, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш функцияларини назорат қилиш учун рефлектор ёйларнинг асосий компонентлари ҳисобланади. Тил – ҳалқум нерви орқали адашган нервнинг дорсал ядросига етиб борадиган каротид синус деворидаги барорецепторлардан чиқадиган импульслар артериал қон босимини нормаллашувида хизмат қилади. Каротид тизимнинг глобус қисмидаги хеморецепторлар қондаги килороднинг парциал босимини тартибга солишда иштирок этади. Парааортал аъзодаги аорта равоғининг бошқа рецепторлари адашган нерв орқали адашган нервнинг дорсал ядросига афферент импульсларни юборади ва ўшанга ўхшаш функциялардан иборат.

**Пастки сўлак ядролари.** Пастки сўлак ядроларида ҳосил бўлган парасимпатик толалар, тил – ҳалқум нерви таркибида қулоқ олди безига боради.

**IX ва X жуфт БМНнинг висцерал афферент толалари.**

**Махсус висцерал афферент толалар.** Хужайраларнинг таналари тил-ҳалқум нервнинг афферент таъм билиш толалари бўлиб (псевдоуниполяр нейронлар) пастки (экстракраниал) ганглияда жойлашган, шу пайтнинг ўзида адашган нерв ҳам пастки ганглияда жойлашган. Толаларнинг иккала гуруҳи ҳам ҳиқилдоқ усти ва тилнинг орқа учдан бир қисмидан таъм билиш импульсларини беради. Тил-ҳалқум нерви асосан таъм билиш нерви ҳисобланади. Унинг марказий процесслари тилнинг орқа учдан бир қисмидан таъм билиш импульсларини қабул қилиб солитар трактга, солитар трактнинг ядроларига қараб боради ва кўшимча нервга ўтиб кетади (3.32 – расм). Таъм билиш импульслари солитар трактнинг ядроларидан таламус орқа медиал ядросининг вентрал қисмига, ундан кейин постцентрал эгатнинг пастки қисмида жойлашган пўстлоқнинг таъм билиш соҳасига кўтарилади (3.32 – расм).

Тил – ҳалқум нервнинг висцерал афферент толалари юқори ганглийнинг (бош мия ичи) псевдоуниполяр хужайраларига таалукли бўлиб, адашган нерв унинг пастки ганглийсининг ҳосиласидир. Бу толалар тилнинг орқа учдан бир қисми шиллиқ қаватидан, ҳалқумдан (IX БМН), ҳамда кўкрак ва қорин бўшлиғидан сезгир импульсларни олиб ўтади (X БМН) (3.40, 3.41 – расмлар).

### **IX ва X БМН нинг соматик афферент толалари**

**Оғриқ ва ҳарорат толалари.** Ноцицептив толалар тилнинг орқа учдан бир қисми, ҳалқумнинг юқори қисми, евстахиев трубасининг ҳарорат импульслари билан боғланган, ўрта қулоқдаги толалар эса тил – ҳалқум нерви ва юқори (бош мия ичи) ганглий орқали уч шохли нервнинг орқа мия тракти ядросига қараб боради. Ҳалқумнинг пастки қисмидан, қулоқнинг орқа терисидан ва ташқи эшитув йўли қисмидан, ноғора пардаси ва орқа чуқурчанинг қаттиқ мия пардасидан келадиган бу типдаги импульслар адашган нерв ва унинг юқори ганглийси (бўйинтурук ганглийси) таркибида бош мия устунинг шу ядроларига боради. Шу соҳалардаги тактил толалар (соматосенсор толалар) уч шохли нервнинг асосий сенсор ядросида тугайди. Соматосенсор импульслар медиал илмоқ орқали шу ядродан таламусга, у ердан эса бош мия пўстлоғининг постцентрал қисмига чиқади.

*Кўшимча нервнинг орқа мия илдизчалари (IX БМН).*

Кўшимча нервнинг орқа мия қисми фақатгина ҳаракатлантирувчи ҳисобланиб, C2 дан C5 ёки C6 гача сегментлардан нарида олдинги шохнинг вентролатерал қисмидан ҳосил бўлади (3.42 – расм). Илдизчалар ён томондаги арқончалардан бир ёки икки сегмент юқорига чиқади, кейин олдин ва орқа илдизчалар орасидаги орқа миядан, фақат тишли боғламлар орқасидан чиқади. Кейин улар субарахноидал бўшлиққа чиқади, ва энса тешигидан каллага кириб кўшимча нерв билан қисқа фурсатда

бирлашадиган умумий устун ҳосил қилиш учун юқори даражада илдизчаларнинг толалари билан бирлашади. Қўшимча нерв бўйинтуруқ тешигидан ўтаётгани сари, орқа мия нервнинг бир қисми ташқи шох сифатида яна орқага қайтади, шу пайтда бош мия нервнинг бир қисм толалари адашган нерв билан бирлашади. Ташқи шох бошни чайқайдиган ва трапециясимон мушакларни иннервация қилиш учун энса қисмига тушади. У С2 дан С4 гача орқа мия соматик афферент толалари билан боғланган. Баъзи муаллифлар, қўшимча нерв асосан пастки мушак қисмини, бошқалар эса юқори қисмини иннервация қилади деб таъкидлашмоқда. Қўшимча нервнинг зарарланиши трапециясимон мушакнинг юқори қисмини атрофиясига олиб келади. Ташқи шох бош мия устунига проприоцептив импульсларни юборадиган бир нечта афферент толаларга эга.

*Қўшимча нервнинг орқа мия илдизчаларига таъсир кўрсатадиган зарарланишлар.*

Кўпинча қўшимча нервнинг периферик экстракраниал фалажининг сабаби ятроген жароҳатлардир. Масалан, ён томондаги бўйин учбурчагидаги (лимфа тугунларининг биопсиясида) хирургик муолажаларнинг оғирлашуви бўғиб қўйиш ва радиацион зарарланиш ҳисобланади. Бошқа сабаблари: калла суяги асосининг синиши билан, ёки усиз, калла асосининг шиши (қисман, энса тешиги соҳасида), ҳамда краниоцервикал ўтиш йўлининг аномалияси. Орқа миянинг интрамедулляр зарарланиши кам ҳолларда кенг кўламли бўлади. С1 дан С4 гача бўлган даражадаги бир томондан олдинги шох кулранг моддасининг зарарланиши билан бирга қўшимча нервнинг бош мия ташқи фалажининг сабаблари синингомиелия, ён томон амиотрофик склероз, полиомиелит, бошқа сабаблар бўлиши мумкин.

Бўйинтуруқ тешигидан чиққандан кейин ташқи шохнинг бир томонлама узилиши бошни қимирлатиш ва трапециясимон мушакларга ҳар хил таъсир кўрсатади. Бошни қимирлатиш мушаги тўла фалажланган (суст) бир пайтда, трапециясимон мушак фақатгина юқори қисмига таъсир қилади, чунки у орқа мия нервларининг С2 дан С4гача бўлган сегментларидан иннервацияни қабул қилади. Бошни қимирлатиш мушагидан пастроқда жойлашган қўшимча нервнинг зарарланиши трапециясимон мушакнинг сусайишига олиб келади. Бу жароҳатлар баъзида бошни қимирлатиш мушагининг орқа қисмидаги лимфатик тугунларнинг биопсиясида содир бўлади. Бу ҳис – туйғунинг бузилишига олиб келмайди, чунки қўшимча нервнинг орқа мия қисми фақат ҳаракатлантирувчи ҳисобланади.

Бошни қимирлатиш мушагининг бир томонлама зарарланишида, бемор қарама-қарши томонга бошини буришга қийинчилик сезади. Икки


томонлама сустликда бемор чалқанча ётганида бошини тўғри тутишда, кўтаришда қийинчилик сезади. Трапециясимон мушакнинг сустлигида елка пастга ва ташқарига тушади, ҳамда куракнинг оғиши кузатилади. Кўлни ён томонлама 90° дан юқори кўтара олмайди, чунки трапециясимон мушак одатда бу ҳаракатда олдинги тишли мушакка ёрдам беради. Кўшимча нерв фалажи билан оғриган беморни оддий текширувида бошни қимирлатиш мушагининг атрофияси ва елканинг пастга тушганлигини кўрсатади.

**Марказий фалажлик.** Кўшимча нервнинг орқа мия қисми кортиконуклар ва кортикоспинал йўллارнинг пастга тушган йўлидан марказий импульсларни олади. Бу импульслар асосан бош мия ярим шарларининг контрлатерал қисмидан келади. Шундай қилиб, марказий нерв тизимининг ва пастга тушувчи йўллارнинг зарарланиши бошни қимирлатиш ва трапециясимон мушакларнинг контрлатерал сустлигига олиб келади, сустлик ипсилатерал иннервациянинг сақланиши сабабли қисман бўлиши мумкин, ва уни пайқаш қийиндир.

*Адашган нерв* – аралаш нерв. У орқа калла чуқурчаси миянинг қаттиқ пардасидан, ташқи кулоқдан, ҳалқумдан, ҳиқилдоқдан, трахеядан, қизилўнгачдан, ҳамда тўш ва қорин бўшлиғидан афферент толаларга эга. У парасимпатик толаларни тўш ва қорин бўшлиғига ва танглай, ҳалқум ва ҳиқилдоқнинг ҳаракатлантирувчи мушакларига юборади. Адашган нервнинг неврологик текшируви муаммоли ҳисобланади ва асосан танглай мушакларини худди констрикторлар ва ҳалқум сфинктерлари ва ҳиқилдоқ мушаклари каби текширишга йўналтирилган.

#### **Танглай.**

Танглайнинг бир томонлама фалажида ҳеч қандай симптомлар кўринмайди. Кўрувда танглай равоғи фалажланган томонда пастроқда жойлашган. Бемордан “ах” сўзини тез айтишини сўранг. Танглайнинг ўрта чизиғисоғлом томонга қараб оғади. Нормал ҳолатдаги танглай равоғи қийшиқликка эга бўлиб юқорига кўтарилади, фалажланган томон эса пастга тушиб текислана боради (3.36 а ва б – расм). Тилчанинг оғиши ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. У юмшоқ ва эгилувчан, баъзида ўрта чизикда осилиб туради ёки ўнгга ва чапга оғади. Уни эътибордан четда қолдиринг. Танглай пардасининг икки томонлама фалажи тумовни, қусмоқни ва димоғ билан гапиришни чақиради, бу эса беморнинг Б ва Г ҳарфларини айтишга қийналади. Баъзида у гапирганда сиз бурундан ҳаво чиқаётганини эшитасиз.



**3.7.расм.** А. Нормал танглай равоқлари. Б. Чап танглай равоғининг фалажи. Агар бемор "Ах" сўзини айтса, ўрта чизик ўнг равоққа қараб силжиб, кўтарилиб, эгилади, чап томн эса пастда ва ўрта чизикда туради.

*Ҳалқум рефлeksi.* Тил – ҳалқум нерви функциялари сифатида таърифланган эди. Кўпгина инсонлар туташув рефлексига эга эмас, унинг тушиши сиз тилга пилтачани қўйганингизда танглай ёки ҳалқумга тегишдан олдин намоён бўлади. бемор ютганда туташув рефлексини текширадиган физиологик синов мавжуд. Агар у суюқликни бурун бўшлиғига тушмасдан тутиб билса унинг танглайи кўтарилади. Ҳалқумни сиқадиган ҳалқум мушаклари овқат бўлагини ютишда “ҳаракат тўскинлиги” бўлади, кейин эса уни қизилўнгачга юборади. Ҳалқум фалажига эга бемор, нормал чайнашига қарамасдан, овқат пастга қараб итарилмайди. У “намланган” сўзлашувга эга, чунки шиллиқ ва сўлак (ва овқат) ҳалқумда қолиб ҳиқилдоққа ўтади. Бу йўталишни чакиради. Бунақа беморлар катта қийинчилик билан бир неча марта йўталади. Қусиш рефлeksi бўлмайди. Ҳалқумнинг бир томонлама фалажи камида ёки ўртача дисфагияни, йўтални, ва бисерли овозни келтириб чиқаради. Ҳалқумнинг бир томонлама фалажи йўтали йўқлиги ва яққол намоён бўлган дисфагияси бор бемор учун ҳалокатлидир.

### **Ҳиқилдоқ.**

Ҳиқилдоқнинг бир томонлама фалажи вақт ўтиши билан яхшиланадиган хириллаган суст овозга олиб келади. Периферик зарарланишда фақат ҳиқилдоқ қайтувчи нервнинг зарарланиши кузатилади. Ҳиқилдоқнинг иккала узоклаштирувчи ва яқинлаштирувчи мушаклари ва ҳалқумнинг пастки сфинктери фалажланган бўлиши мумкин. Агар зарарланиш кўпроқ юқорида бўлса, у ҳолда танглай ва ҳалқум мушаклари фалажланади. Икки томонлама фалажликда дистал зарарланиш (тиреоидэктомия) хириллаган,

суст овоз ва ҳансираш билан намоён бўлади. Зарарланмаган ҳиқилдоқ юқори нервида (адашган нервнинг кўроқ проксимал шохи) трахея ва нафас йўллари жуда хатарли тораяди. Икки томонлама фалажликда ҳосил бўлган проксимал зарарланишда танглай ва ҳалқумнинг фалажи кузатилади. Ўртада жойлашган овоз пайчалари, овоз суст стридорсиз, ҳансираш йўқ ва йўталиш учун турткида куч йўқ, дисфагия мавжуд.

Овоз пайчаларини қандай кўриш мумкин

1. Бемордан оғзини очиб бир жойда ўтиришини ва оғзидан нафас олишини сўранг. Унинг тилини ушлаб пастга тортинг, чап кўлингиз билан тилига шпатель қўйинг. Фонарча билан 3.37 – расмда кўрсатилгандек тилнинг илдизини ёритинг.
2. Илиқ (иссиқ эмас) ойначани ҳиқилдоқни ва овоз пайчаларини кўргунга қадар ҳалқумга чуқурроқ қўйинг.
3. Бемордан бир неча бор “а, да” ва “ах, ах” дейишини сўранг.
4. Икки овоз пайчаларининг сони ва ҳаракат тезлигини таққосланг. Агар унинг танглайига ёки эснаш мушагига ойнача билан тегилсангиз унда спазм чақирган бўласиз. Бу ҳолда лидокаинли спрей рефлекторли спазмни кейинга суришга ёрдам беради.



**3.38.расм.** Ҳиқилдоқни кўриш учун кичик фонар ва тил учини чап кўлга ушлаш, илиқ ойнани эса ўнг кўлга ушлаш керак.

*IX ва X бош мия нервлари ҳақида нимани эсда туттиш керак*

- Бемор суяқлик ва қаттиқ овқатни юта оладими?
- У ютинишда томоқда тикилиш ҳоллари ёки йўтал бўладими?
- Овозида ўзгариш борми?
- Бемор йўтални куч билан чақира оладими?
- Рефлектор спазмнинг (икки томонлама) йўқлиги кўпинча нормал ҳолат ҳисобланади; бир томонлама рефлектор спазмнинг йўқлиги нормал ҳисобланмайди.
- Гапириш “шовуллашга”ўхшайдими? Беморда шилликни нафас йўлларида чиқаришда муаммолар борми?

### *IX ва X бош мия нервларига таъсир қилувчи касалликлар*

Улар қуйидагилардан иборат:

- Мия устунининг марказий инфаркти, сирингобульбия, глиомалар, полиомиелит, ва ён томонлама амиотрофик склероз;
- Миянинг асосида – сурункали менингит, менингиомалар, аневризмалар, эшитув нервининг невриномаси, ва Вегенер гранулематози;
- Бўйиннинг тешиб ўтувчи периферик жароҳатлари, трахеобронхал тугунларнинг катталашуви, аорта аневризмаси ва кўкс оралиғининг ҳажмли зарарланиши;
- Миастения ривожланиб борадиган овоз сусайишида кўриниши мумкин. Бемор қанча кўп гапирса, унинг овози дисфагия билан ёки усиз шунча пасайиб бораверади;
- Окулофарингиал дистрофия беморнинг шикоятлари нуктаи назаридан ҳалқумнинг катталашуви ёки кичрайишига олиб келади;
- Псевдобульбар паралич – сўзлашувнинг, чайновнинг ва ютинишнинг бузилиши сифатида таништириш мумкин;
- IX ва X бош мия нервлари ташқи қулоқдан, орқа танглайдан ва бошқа соҳалардан баъзи бир ҳисларни бериши мумкин. Тил – ҳалқум невралгияси отиладиган оғриқлар хуружи билан намоён бўлади, ҳамда қисқа ва давомийлиги жиҳатидан одатда ютинишда индукцияланган бўлади. Томоқда ва қулоқдаги оғриқ уч шохли нервнинг невралгиясига ўхшаш бўлиб, нерв устунининг компрессияси симптомлари бўлиши мумкин (невринома ёки аномал идишлар). Оғриқнинг ҳар бир хуружи юрак қисқариш частотасининг транзиторли ритми ва ҳушсизлик билан кузатилади (тил – ҳалқум нервининг уйқу шохи синокаротидли тугунни иннервация қилади);
- Бўйинтуруқ тешиги синдроми;

IX, X ва XI бош мия нервларининг зарарланиши. Қалла ичи сабабларида мия устуни компрессияси одатда пирамида йўллариининг зарарланиш белгиларида намоён бўлади. Агар бу экстракраниал сабаб орқали аниқланган бўлса, бу кўпинча бўйиннинг симпатик толалари ва XII жуфт бош мия нервлари зарарланишида намоён бўлади. Зарарланиш сабаблари одатда бош асосининг бирламчи ёки метастатик шиши, бўйинтуруқ гломуси шиши, менингиомалар ёки эпидермоид шишларда намоён бўлади.

- Краниал полиневритлар. Бу касалликнинг этиологияси номаълум. Улар кекса беморларда бош миянинг бир неча пастки нервлари фалажи сифатида пайдо бўлади. Улар бурун – томоқ ёки қалла асосининг метастатик карциномаси сифатида намоён бўлади.




- Дифтерияли ва ботулотксинлар. Иккаласи ҳам бульбар синдромини чақиради.

### **Тил ости нерви (XII БМН)**

Тил ости нерви ядроси (3.1 – расм, 3.43 – расм) тўртинчи қоринча тубидан (тил ости учбурчаги деб аталувчи) пастроқда жойлашган ўрта чизикқа туташган узунчоқ миянинг пастки учдан бир қисмида жойлашган. У тилнинг алоҳида мушакларини иннервация қиладиган бир неча гуруҳ хужайралардан ташкил топган. Бу хужайралар орқа мия олдинги шохларининг мотор хужайралари билан ўхшашдир.

*Тил ости нерви ядросининг супрануклеар иннервацияси.* Тилнинг ихтиёрий ҳаракатлари тил ости нерви ядросида тугайдиган пўстлоқ – орқа мия тракти билан бирга ички капсула орқали пастга тушадиган пўстлоқ – ядро трактида ҳосил бўлади. Тил ости нерви ядроси ўзининг афферент иннервациясини асосан бош мия контрлатерал ярим шарларидан олади, яна қисман ипсилатерал иннервацияга ҳам эга. У ретикуляр формациядан, солитар тракт ядроларидан (таъм билиш), ўрта миядан (ўрта мия томир – орқа мия йўли), уч шохли нерв ядроларидан қўшимча маълумот олади. Бу бирлашмалар рефлексларда иштирок этади, ютиш, чайнаш, сўриш ва ялаш функциялари билан таъминлайди. Тил мушакларининг иккала томони функционал блок ҳосил қилиб бош миянинг иккала ярим шарлари билан иннервация қилинса ҳам (асосан контрлатерал), бир томонлама ядро усти зарарланиши тил ҳаракатининг аҳамиятли тақчиллигига олиб келмайди.

**Тил ости нервининг йўналиши ва тақсимланиши.** Тил ости нерви соматик эфферент (ҳаракатлантирувчи) нерв ҳисобланади. Унинг аксонлари мия устунига тушиб, илдизча сифатида олива ва пирамида орқали олдинги эгатдан мия устунидан чиқади. Тил ости нерви тил ости канали орқали бош миядан чиқади ва пастки бўйин соҳасига бўйинтурук венаси ва уйқу артерияси орасидан биринчи учта бўйин сегментлари толалари билан бирга ўтади (3.5 ва 3.44 – расмлар). Бу толалар тил ости нервига ҳеч қандай алоқаси йўқ, ундан алоҳида қисқа масофада тил ости мушакларини, яъни тил мушакларини, тўш тил ости ва тил ости мушакларини иннервация қилиш учун боради. Тил ости нерви тил мушакларини, бигиз-тил мушакларини, тил ости – тил ва энгак – тил мушакларини иннервация қиладди.



**3.44.расм. Тил ости нервнинг марказий боғланишлари ва иннервация қилинадиган соҳалари**

**Тил ости нервнинг фалажи.** Тил ости нервнинг бир томонлама фалажида одатда тил фалажланган томонга қараб оғади. Энгак – тил мушаги тилни **чиқаришда** жавоб беради (3.40 – расм). Агар энгак – тил мушаги бир томондан суст бўлса, қарама-қарши томон мушак кучайиб тилни зарарланган томонга қараб итаради. Икки томонлама ядро усти фалажи яққол намоён бўлган дизартрия ва дисфагияни келтириб чиқаради (псевдобульбар фалажлик). Тил ости нервига таъсир қиладиган ядронинг зарарланиши атрофия ва фасцикуляция билан бирга тилнинг икки томонлама шалпайган фалажи билан намоён бўлади, чунки икки

томоннинг ядролари бир бирига яқин жойлашган. Оғир ҳолатларда тил фалажланган ва оғиз бўшлиғининг тубида жойлашган, ҳамда яққол намоён бўлган фасцикуляцияга эга. Сўзлашув ва ютиш бузилган. Бунинг сабаблари бульбар синдроми, ён томонлама амиотрофик склероз, сиригобульбия, поломиелит ва томирдаги жараёнлар бўлиши мумкин.

- Тил ости нервининг периферик зарарланиши ядровий зарарланишга ўхшаб худди шундай оқибатларга эга, лекин одатда фалажлик фақат бир томонда. Бунинг сабаблари шиш, инфекция/ялиғланиш ва томир касалликларибўлиши мумкин.



**3.40.расм.** Тилнинг кучини аниқлаш учун бемор тилини аввал ўнг кейин эса чап лунжигга қараб итаради, айна пайтда унинг лунжигга текширувчининг бармоғи турган бўлади

### **Тил ости нерви (XII БМН)**

XII жуфт бош мия нерви – тил ости нерви ҳаракатлантирувчи нерв бўлиб, тил мушакларини иннервация қилади.

Тил ости нервини қандай текшириш мумкин

1. Бемордан тилини чиқармасдан оғзини очишини сўранг. Унинг оғзига қаранг. Тилнинг қалинлигини баҳолай оласизми? У текисми, тўғрими, бурушганми, ҳаракатланадими ёки ҳаракатсизми? Бўшашган тил соғлом тилга нисбатан оғизда пастроқда жойлашгандай кўринади. Тилнинг ўрта чизиғи оғизнинг ўрта чизиғи билан мос тушганми?

2. Бемор оғзидан чиқаришга уриниши керак. Баъзи бир касалликларда тил тишлар орасидан ташқарига чиқа олмайди. Тил одатда ўрта чизиқдан чиқади. Агар тилнинг бир томони бўшашган ёки фалажланган бўлса, у ҳаракатлантирувчи нейроннинг марказий ёки периферик зарарланишига қарамасдан оғиздан бўшашган томонга қараб чиқади.

Бўшашишнинг енгил формасида си унинг лунжини тутиб турганингизда бемор тилини лунжи томонга итаришга ҳаракат қилиши керак. Бу ҳаракатларни ўнг ва чап томон билан бажариш керак. Кўпгина соғлом инсонлар оғзидан тилини учдан бир қисмини ёки ярмини чиқариши мумкин. Тил альтернатив тарзда тезда чиқарилиши ва қайта орқага киритилиши мумкин. Тилнинг бу ҳаракати нормал ҳисобланиб, баъзи касалликларда секинлашади. Бемордан тилини чиқариб у томондан бу томонга ҳаракатлантиришини сўранг. Бемордан тезда “ля-ля-ля-ля” сўзини такрорлашини сўранг. Бу товуш Паркинсонизмда, мияча бузилишларида ёки фалажликда нормал ҳолатда бўлмайди.

### **Базал ганглийларнинг ҳаракат тизимидаги роли: Филогенетик жиҳатлар**

Базал ганглийлар ҳаракат тизимининг бир қисми ҳисобланади. Базал ганглийларнинг асоси пўстлоқ ости телэнцефалон деб аталувчи оқ моддасида жойлашган думли ядролар, қобиқ ва рангпар шар ҳисобланади. Бу ядролар мураккаб регуляторли занжирлар ҳосил қилиб моторли пўстлоқ билан бирга бир бири билан боғланган. Улар пўстлоқнинг ҳаракатлантирувчи марказига қўзғатувчи ва тормозловчи таъсир кўрсатади. Улар ҳаракатнинг модуляциясига, ҳамда мушак тонусини бошқаришда асосий роль ўйнайди. Базал ганглийларнинг, ҳамда бошқаларнинг, яъни функционал боғлиқ ядроларнинг, яъни қора субстанция ва субталамик ядроларининг зарарланиши мушак тонусининг патологик ўзгариши билан боғлиқ ҳаракат импульсларининг кўп ёки кам ишлаб чиқаради. Базал ганглийларнинг энг кўп тарқалган касалликларидан бири Паркинсонизм бўлиб, клиник учлик билан характерланади: ригидлик, акинезия ва титраш.

### **Терминологик хусусиятлар.**

Ҳаракат назоратининг иерархик маркази бўлиб бош мия пўстлоғи ҳисобланади, унинг сигналлари пирамида йўл орқали бош мия нервларининг ҳаракат ядроларига ва орқа миянинг олдинги шох хужайраларига юборилади. Марказий тизимнинг бир қатор структуралари ҳаракат ташаббусига ва модуляциясига қатнашади. Бу “ёрдамчи ҳаракатлантирувчи марказларнинг” асосийси телэнцефалон деб номланувчи оқ модданинг тубида жойлашган базал ганглийлар, пўстлоқ ости ядролар комплекси ҳисобланади. Пирамида тизими ҳаракат назоратининг “асосий” тизими деб қаралади, чунки у пўстлоқ ва бош мия устунининг ва орқа миянинг ҳаракат нейронлари ўртасида энг тўғри ва энг тез боғламларни амалга оширади. Бу ҳаракатларда рол ўйнайдиган бошқа қолган структуралар “экстрапирамидали тизим” га қарашлидир. Пирамидали ва экстрапирамидали тизимлар алоҳида ишлайди. Улар ягона

интеграцияланган таянч – ҳаракат тизимининг суббирлиги ҳисобланиб, бир бири билан структурали ва функцияли боғланган. Кенг тарқалган боғламлар мавжуд, масалан, базал ганглийларнинг асосий қисми ҳисобланган мотор пўстлоқ ва стриатум орасида.

Йўл – йўл тана таянч – ҳаракат аппаратининг ишлаши учун асосий бошқарув маркази ҳисобланади. Йўл – йўл тана марказий нерв тизимидаги, орқа миядаги ва текумдаги ўрта мия ретикуляр формациясининг жўн аппаратидаги эски ҳаракат маркази ҳисобланади. Филогенез давомийлигида, унинг ёнида рангпар шар (paleostriatum), кейин неостриатум (думли ядро ва қобик) ҳосил бўлган, улар бош мия пўстлоғи билан параллел равишда катталашган. Неостриатум олий тоифали сут эмизувчиларда, шу билан бир қаторда инсонларда ривожланган. Энг охирги структураларнинг филогенетик катталашуви натижасида эски структуралар уларнинг таъсири остига ўтди. Филогенетик энг эски кўринишларида, энг эски нерв марказлари биринчи қаторда мушакнинг нормал тонусини сақлашда ва ҳаракатларнинг автоматик бошқаришига кўпроқ ёки камроқ жавобгар эдилар. Филогенетик эски ҳаракат марказлари (палеостриатум и стриатум)нисбатанкўпроқ янги ҳаракат тизими, яъни пирамида тизими таъсири остига ўтишди. Одамзод филогенетик юксалишда шундай нуқтага келиб қолдики, нерв марказлари қанча ёши катта бўлса, улар шунча йўқолган янги функцияларнинг ўрнини боса олмайди. Мучалари спастик фалажланган одамларда ҳали ҳам эски ҳаракат марказлари ҳосил қиладиган, яъни ҳамроҳ бўлган ҳаракатлар деб аталадиган ихтиёрсиз ҳаракатларни кузатиш мумкин.

## **Базал ганглийларнинг компонентлари ва уларнинг боғламлари**

### **Ядролар**

Базал ганглиялар телэнцефалон деб аталувчи оқ модда ичида ганглиоз тепаликлардан эмбриологик ташкил топган, функцияси жиҳатидан бир-бири билан боғлиқ ядроларни ўз ичига олади (телэнцефалон везикулининг олдинги қисми). Базал ганглийларнинг асосий ядролари бу думли ядролар, қобик, ва бошқа ядролар рангпар шарининг бир қисми ҳисобланади, улар базал ганглийнинг бир қисми бўлиб эмбриологик асосда мия тўсиғи (claustrum) ва бодом беги (amygdala) ҳисобланади. Бодом беги лимбик тизим билан бирга айтиб ўтилган эди. Думли ядро ён қоринча деворининг бир қисмини ҳосил қилади, ва унга ўхшаб эмбрионли ривожланиш пайтида телэнцефалоннинг айланиши оқибатида ёйсимон формага эга. Думли ядронинг бошчаси ён қоринчанинги ён деворини ҳосил қилади. Думли эса пастки шохнинг олдинги тугаш жойида жойлашган узокқа чўзилган бодомсимон танага ўхшаб чакка қисмидаги ён қоринчанинги пастки шохини ҳосил қилади. Шунинг учун, думли ядрони иккита алоҳида жойда кўриш мумкин, ён қоринча корпусининг ён деворидаги тожнинг кесувида, ҳамда

пастки шохнинг қопқоғида. Думли ядронинг рострал қисми (бошчаси) қобикнинг давоми ҳисобланади.

**Қобикрангпар шардан** (рангпар, унинг ранги нисбатан паст бўлгани учун шундай аталган) ён томонда жойлашган бўлиб, уни пардадай ўраб олади ва унинг чегарасидан ташқарида ҳам рострал ҳам каудал кенгаяди. Қобик ва рангпар шар бир-биридан медиал медуляр пластинка деб номланувчи майин қаватли оқ модда билан ажратилган. Думли ядро ва қобик бир-бири билан анатомик участкаларда тасма сифатида кўриладиган кулранг моддадан иборат кўприкчалар билан боғланган. Бу икки ядро бигаликда фаолият олиб боради, шунинг учун уларга альтернатив ном – йўл-йўл тана деб берилган. Уларнинг чизилиши ривожланиш даврида пайдо бўлади, яъни капсуланинг ички толалари олдиндан бир хил бўлган базал ганглийлари орқали ўсади.

**Рангпар шар.** Базал ганглийларнинг учинчи асосий ядроси ички ва ташқи сегментдан ташкил топган. Рангпар шар филогенетик жиҳатдан бошқа ядролардан катта бўлганлиги сабабли, уни палеостриатум (paleostriatum) деб аташади. Эмбриологик жиҳатдан айтилганда унинг бир қисми диэнцефалон компонентидир. Қобик ва рангпар шарни йиғма маънода ясмиқсимон ёки линзасимон ядро деб аташади.

**Ассоциатив ядролар.** Базал ганглийлар билан функционал жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бошқа ядролар ўрта миянинг иккита ядросини ўз ичига олади – қора субстанция (стриатум билан боғланган ва бир-бири билан бирлашган) ва қизил ядро, битта диэнцефал ядро, субталамик ядролар (рангпар шар билан бирлашган ва боғланган). Рангпар шар қора субстанциянинг рострал қисми (қизил зона) билан каудал чегараланган. Паллидум деб аталмиш қора субстанция ва қизил ядро жуда кўп безлардан иборат. Қора субстанциянинг қора пигментацияси (“қора модда”) унда меланин моддасининг кўплигидан далолат беради.

### **Базал ганглийларнинг боғламлари**

Базал ганглийлар нервларининг бир-бири билан ва бошқа соҳалар билан ҳам боғлиқлиги охиригача ўрганилмаган. Асосий афферент ва эфферент йўллар шу бўлимда ёритилади.

**Йўл-йўл танага борадиган афферент йўллар.** Йўл-йўл тана бош мия пўстлоғининг кенг соҳаларидан афферент маълумотлар олади, хусусан пешона қисмининг ҳаракат зонасидан, яъни Бродман 4,6аа; ва ба участкаларидан. Бу пўстлоқ афферент маълумотлар бош мия пўстлоғининг проекцион нейронларидан (пўстлоқнинг бешинчи қатламидаги пирамида ҳужайралари) олинган бўлиб, глутаматергик ҳисобланади ва ипсилатерал йўналади, ҳамда маҳаллий уюшгандир. Йўл-йўл танадан бош мия

пўстлоғига борадиган бир-бирига боғлиқ толалар мавжуд эмас. Йўл-йўл тана учун яна битта афферент маълумот таламуснинг центромедиан ядросидан келади, ва чамаси активлайдиган бўлиши мумкин. Бу афферент йўл миячадан ва ўрта миянинг ретикуляр формациясидан стриатумга импульсларни юборади. Қора субстанция стриатумга дофаминергик афферент толаларни юборади, уларнинг зарарланиши Паркинсон касаллигига сабаб бўлади. Ва ниҳоят йўл-йўл тана ҳам ядро чокидан серотонинергик маълумотларни қабул қилади.

#### *Бошқа афферент йўллар.*

Рангпар шар ўзининг асосий афферент маълумотини йўл-йўл танадан олади ва бош мия пўстлоғидан ҳеч қандай тўғридан-тўғри афферент толаларни қабул қилмайди. Кортикал қабул қилинган афферент толалар, шундай қилиб қора субстанцияга қараб йўналади, қизил ядро ва гипоталамик ядролар.

#### *Эфферент йўллар.*

*Йўл-йўл тананинг эфферент йўллари.* Йўл-йўл тананинг асосий эфферент проекциялари рангпар шарнинг ташқи ва ички сегментларига боради. Бошқа эфферент толалар қисман тўр пардалик субстанциянинг ихчам қисмига йўналади. ГАМКергик ўткир учли нейронларнинг стриал эфферент толаларининг бошланғич хужайралари стриатумдаги кенг тарқалган типдаги хужайралар ҳисобланади.

*Рангпар шардан чиққан эфферент йўллар.* Таламусга борадиган эфферент толаларнинг асосий контингенти, ўз навбатида орқага қайтувчи алоқа илмоғини тугатиб бош миянинг пўстлоғига боради. Базал ганглийлари афферент ва эфферент проекцияларининг функционал талқини, қачонки аниқланган йўллар нормал ишлашдан тўхтаса, неврологик етишмовчиликка олиб келадиган нейротрансмиттерлар ва рецепторларни аниқлик билан қайта кўришни талаб этади. Шундай қилиб, Паркинсон касаллиги йўл-йўл танага йўлланган қора субстанция дофаминергик неронларининг дегенерацияси билан характерланади. Паркинсон касаллигида кузатиладиган клиник етишмовчилик, соғлом одамларда нигростриат тизимининг функционал ишлаши ҳақидаги тушунчани беради.

#### *Базал ганглийларнинг регулятор боғламлардаги иштироки.*

Базал ганглиялар ва унинг афферент ва эфферент боғламлари мураккаб регулятор схемаларининг ажралмас қисми ҳисобланиб, мотор пўстлоқ нейронларини ҳам қўзғатади, ҳам тормозлайди. Бу схемалар чегарасидаги нейрон ўтказгичлардан йўналадиган импульслар ва ҳар бир синапсда иштирок этадиган аниқ нейротрансмиттерлар ва рецепторлар анатомик курс нуқтаи назаридан характерланади. Битта ёки бир нечта асосий

занжирлар пўстлоқдан келадиган иккита алоҳида йўллардан йўл-йўл тана орқали рангпар шарга, кейин эса таламусга импульслар юборади, ва орқага бош мия пўстлоғига қайтади.

**Кортико-стриато-палидо-таламо-кортикал йўл.** Бош мия пўстлоғининг ҳаракат ва ҳисни сезиш қисми кўзғатувчи неротрансмиттер – глутаматни ишлатадиган стриатумга тартибли топографик проекциясини юборади. Стриатумдан кейин базал ганглионар схема бевосита ва билвосита йўллар деб маълум бўлган икки қисмга парчаланеди.

*Тўғри йўл.* Тўғри йўл ГАМК-эргик ҳисобланиб, стриатумдан ички паллидар сегментга қараб йўналади. Р моддаси иккинчи узатувчи сифатида ишлатилади. Паллидумдан йўл таламуснинг глутаматергик нейронлар проекциясига ўтади, ва улар бош мия пўстлоғига қайтиш жараёни циклини тугатади.

*Айланма йўл.* Билвосита йўл бўлиб, нейромедиатор ГАМК ва энкефалинлар ишлатади, стриатумдан паллидумнинг ташқи сегментига йўналади. Шу нуқтадан ГАМК-эргик проекция субталамик ядрога ўтади, ва ўз навбатида глутаматэргик проекцияни паллидумнинг ички сегментига йўналтиради. Билвосита йўлнинг кейинги юриш жараёни тўғри йўл билан бир хил, яъни таламусдан орқага, бош мия пўстлоғига қараб келади. Бу иккита йўллар томонидан фойдаланиладиган ингибиторли ва кўзғатувчи неротрансмиттерлар, бош мия пўстлоғи учун кўзғатувчи ҳисобланган тўғри йўл стимуляциясидан олинадиган умумий таъсир кучини олади. Айланма (тўғри эмас) йўл стимуляцияси ингибиторли ҳисобланади. Қора субстанциядаги (компакт қисм) дофаминергик проекция тизимда модуляция ролини ўйнайди.

### **Базал ганглийнинг функцияси ва дисфункцияси**

**Базал ганглийларнинг нормал функциялари.** Базал ганглийлар кўпгина ҳаракат жараёнларида қатнашади, шулар жумласидан ҳис-туйғу ифодаси, сезги ва ҳаракат импульсларининг интеграцияси, ҳамда когнитив жараёнларда қатнашади. Базал ганглийлар ўзининг ҳаракат функцияларини премотор ҳаракат зоналарига, ҳамда бош мия пўстлоғининг қўшимча соҳаларига билвосита таъсир ўтказиш йўли билан қатнашади. Базал ганглийларнинг асосий функционал роли – ихтиёрий ҳаракатларни осонлаштириш, ҳамда шу билан бирга узлуксиз ва самарали ҳаракатларни бажарилишини бузадиган номақбул ва ихтиёрсиз ҳаракатларнинг олдини олади. Ундан ташқари, базал ганглийлар ҳаракат моделлари ёки дастурларини таққослаб ҳаракат билан бирга мотор пўстлоқда ишлаб чиқариладиган ташқаридан келадиган орқага қайтувчи проприоцептив алоқалардан фойдаланади.

**Типик етишмовчилик.** Базал ганглийларнинг зарарланиши ҳаракатнинг мураккаб бузилишига ва жойи ва даражасига нисбатан ҳар хил типдаги



когнитив бузилишларга олиб келади. Базал ганглийларнинг клиник бузилишларида, ҳаракатнинг етишмовчилиги (гипокинезия) ёки унинг ортиқчалигини (гиперкинезия, хорей, атетоз, бирор аъзонинг ҳаракат хуружи) тасаввур қилиш мумкин. Мушак тонуси аномалиясини юқорида кўрсатилган икки тип аномалияси билан бирга кузатилади, лекин базал ганглийлар дисфункциясининг (дистония) устунлик қиладиган ёки ягона кўриниши ҳам бўлиши мумкин. Вильсон касаллиги базал ганглийлар бузилишининг яхшигина намунаси бўлиши мумкин, бунда юқорида айтиб ўтилган ҳамма кўринишларнинг бирлашмаларини алмашиб турадиган ҳар хил тизим ости ва ядроларнинг диффузли зарарланиши оқибатида кўриш мумкин.

## **Клиник синдромларда базал ганглийларнинг зарарланиши**

### *Паркинсонизм*

*Этиология ва патогенез.* Паркинсоннинг идиопатик касаллигида, дофаминергик нигростриатал проекция дегенерацияланади. Бинобарин, стриатум нейронлари ГАМКергик активлашувининг фаоллиги ортади, шундай қилиб билвосита базал ганглийнинг илмоқчасида ортиқча активлик мавжуд. Шу вақтнинг ўзида, гипоталамик ядро ҳам юқори фаоллигини кўрсатиши билан бирга таламус нейронларининг глутаматергик фаоллигини ҳаддан ташқари босади. Умумий самара базал ганглий илмоқчасининг чиқишида тормозланишга олиб келади, бинобарин, ҳаракатлантирувчи пўстлоқ соҳасининг фаоллигини пасайтиради.

Бунга характерли касаллик Левининг интрацитоплазматик таначалари киритилган деменция ҳисобланади. Таначаларнинг асосий компонентларидан бири бу  $\alpha$ -синуклеиндир. Паркинсонизмнинг спорадик касаллиги (идиопатик) патогенезида бу оқсил қандай рол ўйнаши номаълум. Кам ҳолларда намоён бўладиган Паркинсон касаллигининг оилавий формаларида бир неча хил генлардаги мутация касалликка олиб келади. Мутациялар альфа-синуклеинда ҳам мавжудлиги дофаминергик нейронлар дегенерациясида тўғридан-тўғри патологик рол ўйнайди. Оилавий формалар, касалликларнинг энг олдинги бошланишларини ва специфик клиник симптомларини кўрсатади.

Паркинсоннинг идиопатик касаллигига қўшимча яна марказий нерв тизимининг структурали/ яллиғланишли зарарланишлари ёки токсик таъсир натижасидакелиб чиққан паркинсонизмнинг симптоматик формалари мавжуд. Шундай қилиб, Паркинсонизм дори воситалари (нейролептиклар, қушишга қарши воситалар, калбций антагонистлари, резерпин ва гипотензив агентлари мавжуд препаратлар), ҳамда энцефалит,

ишемик зарарланиш, интоксикация ва модда алмашинувининг бузилши ёрдамидашаклланиши мумкин. Агар паркинсонизмнинг типик кўринишлари бошқа неврологик етишмовчиликлар биланбирга кўрилса, бошқа марказий нерв структураларининг дисфункцияси мавжудлигини кўрсатадиган базал ганлийларнинг чегарасидан ташқарида жойлашган муаммолар борлигига тахмин қилинади. Бу ҳолларда Паркинсон синдроми – плюс ҳамроҳ патология дейилади. Шундай бир қатор ҳар хил касалликлар мавжудки, улардан биринчи Паркинсон бирламчи касаллиги – плюс бошқа синдромлар аниқланади. Масалан, паркинсонизм, нигоҳнинг вертикал фалажи, ҳамда чакка мушакларининг ригидлиги – ривожланиб борадиган ядро усти фалажи номи билан ҳам маълум характерли клиник триадани Стил – Ричардсон – Ольшевский синдромларини ташкл этади. Бошқа томондан қараганда, марказий нерв тизимининг бошқа компонентларини жалб қилиш билан бирга (яъни, пирамидали трактни жалб қилиш белгилари) оғир вегетатив дисфункция, неврологик етишмовчилик билан бирга постурал ўзгарувчанлик кўп атрофияли тизимда кузатилади.

**Клиник намоён бўлишлар.** Стриатумдаги дофаминергетик афферентларнинг йўқолиши ихтиёрий ҳаракатларнинг сусайишига (гипокинезия), мушакнинг доимий мумсимон баланд тонусига (ригидлик), ҳамда мучаларнинг тинч ҳолатида 4-6 Гц частотали тўлқинли ҳаракатларга олиб келади (тинч титраш). Паркинсон касаллиги учта клиник типдан иборат бўлиб ҳаракатнинг намоён бўлиши билан ва ҳар бир типда ўз устунлигига эгаллиги билан кўринади:

- Паркинсоннинг акинетик-ригидли тип касаллиги билан оғриган беморлар касалликнинг эрта босқичида ҳаракатларининг сусайиб бораётганидан ташхис қўйиб аниқланиши мумкин, буларга қўллардаги қўшимча ҳаракатларнинг йўқлиги, шалвираб секин юриш, юздаги мимиканинг йўқлиги (гипомимия), ва характерли букчайиш киради. Баъзи бир беморлар елкасининг ригидлигига (“музлаган елка”) шикоят қилишиб уларга хато фикр уйғотади ва ортопедга боришга мажбур қилади, лекин касалликнинг ривожланиб бориши ҳақиқий ташхисни анқлашга ёрдам беради.

- Паркинсон касаллигидаги устунликка эга титраш билан оғриган беморлар асосан паст частотали суст титрашдан азият чекишади, ва бу титрашлар эса бошқа ҳаракат кўринишлари сингари касалликнинг бошида бир томонлама характерга эга бўлади. Паркинсоник титраш кўпинча дори доналарининг думалаб кетиши типидagi характерга эга (клиник воқеа 1 га қаранг). Паркинсоннинг аралаш типидagi касаллик билан оғриган беморлар кўпроқ ёки камроқ бир хил кўринишдаги акинезияга, ригидликка ва титрашга эга.

## **Баллизм ва дистония**

*Баллизм.* Бу кам учрайдиган касаллик гипоталамик ядронинг зарарланишидан ҳосил бўлади. Бу проксимал бўғинлардаги мучаларнинг сапчиш/ирғитиш типига ҳаракатининг катта амплитудасига олиб келади. Кўп ҳолларда у бир томонга (hemiballism) зарарланишга нисбатан контрлатерал пайдо бўлади. Дистония ихтиёрсиз, узоқ давом этадиган мушакларнинг қисқариши билан характерланади, ва у ғайриоддий ҳаракатларни амалга ошириб мучаларнинг янглиш ҳолатига олиб келади. Базал ганглий касалликларидан ҳосил бўлган кўп хилдаги ҳаракатларнинг бузилишидек, дистония ҳам ақлий жамланишда ёки ҳиссий стрессда кучаяди ва уйқу пайтида яхшиланади. Интервал оралиғидаги вақтда, дистония йўқлиги пайтида зарарланган мучаларни жойини пассив ҳолатда ўзгартиришда мушак тонусининг камайиши кузатилади.

## **Мияча**

Мияча ҳаракатнинг аниқ координациясини бажаришда асосий аъзо ҳисобланади. У бир нечта сенсор каналлардан (жумладан, вестибуляр ва проприоцептив) келадиган маълумотларни мотор импульслари билан бирга қайта ишлайди, ва бош мия ва орқа мия ҳаракат ядролари фаол соҳаларини моделлаштиради. Анатомик жиҳатдан мияча иккита ярим шардан ва улар орасида жойлашган қуртдан иборат. У бош мия устунини билан миячанинг учта оёғи билан боғланган. Мияча мўстлоғи ва миячанинг ядролари чуқур жойлашган оқ моддани бир биридан анатомик ажратишади. Мияча пўстлоғи биринчи навбатда афферент импульсларни интеграциялашда ва қайта ишлашда давоб беради. Улар миячанинг чуқур ядроларида проекцияланади ва кейинчалик миячадан чиқадиган афферент толаларнинг бир қисмини ҳосил қилади. Мияча функционал (ва филогенетик) учта тузилмаларга бўлинади: вестибуляр – мияча (vestibulocerebellum), орқа мия – мияча (spinocerebellum), ва cerebrocerebellum). Вестибулоцеребрал қисм филогенетик жиҳатдан энг улуғи ҳисобланади. У асосан афферент импульсларни вестибуляр аппаратдан олади, ва баланс мувозанатини сақлаш унинг функциясига киради. Орқа мия – церебрал қисм асосан орқа мия – церебрал йўллари билан келадиган проприоцептив импульсларни қайта ишлайди, ҳамда вазият ва қадам ташлашни назорат қилади. Миячанинг энг кичик компоненти бу кортико – церебрал қисм бўлиб, мия пўстлоғининг ҳаракат зонаси билан зич функционал боғлиқликка эга ва равон ва аниқ назоратдаги ҳаракатларни бажарилишига жавоб беради. Миячанинг зарарланиши ҳаракат ва мувозанатнинг бузилишида клиник кўринишга эга бўлади.

## **Анатомия**

Мияча калланинг орқа чуқурчасида жойлашган. Унинг асосий юзаси икки қатламли қаттиқ мия пардасига ўхшаш парда билан қопланган бўлиб

мичани миядан ажратиб туради. Миячанинг юзаси бош миядан фаркли ўлароқ кўп майда горизонтал бурмалардан (Folia) топган ва бир биридан эгатлар билан ажратилган. Миячанинг иккита ярим шарини бир бири билан боғлаб турадиган марказий тор қисмини унинг ҳақиқатан ҳам қуртга ўхшашлиги сабабли мияча қурти деб аташади.

**Мияча кўриниши.** Мияча остида тўртинчи қоринчанинг тепа қисми кўринади ва у унинг оёқчалари орасида жойлашган. Тўртинчи қоринча субарахноидал бўшлиқ билан ўрта апертура (Мажанди тешиги) ва икки ён томон тешиклар (Люшка тешиги) орқали боғланади. Миячанинг пастки ва ўрта оёқчалари остида каудал жойлашган, ва уларнинг икки томонида миячанинг юзасида флоккулус (*flocculus*) деб аталадиган структура дўнглик мавжуд; ўрта чизиқ ва қуртчанинг бир қисми орқали боғланган иккита флоккулус тугунак деб аталади. Бу структуралар биргаликда миячанинг коптокча-тугунли қисмини ташкил этади.

**Миячанинг энг қадимги қисми (Archicerebellum)** (филогенетик жиҳатдан энг ёши катта қисми) вестибуляр аппарат билан зич боғланган. У бош мия устунли вестибуляр ядроларидан ўзининг афферент маълумотларининг қабул қилади, уни яна вестибуломияча қисм деб ҳам аташади (*vestibulocerebellum*). Анатомик жиҳатдан у флоккула ва тугунакдан (*floculonodular*) иборат.

**Миячанинг қадимги қисми (paleocerebellum)** (архицеребеллумдан кейин миячанинг ёши катта қисми) афферент маълумотларнинг катта қисмини орқа миядан олади, шунинг учун уни орқа мия-мияча (*spinocerebellum*) (кейинги бўлимларда шу терминни қўллаймиз) қисми деб аташади. У қуртнинг олдинги қисмининг юқори ва марказий паллачасидан, ҳамда пастки қисмининг тилчасидан ва пирамидасидан яна коптокча олди қисмидан ташкил топган. Содда қилиб айтганда, орқа мия-мияча қисми қуртнинг катта қисмидан ва паравермиал зонадан (интермедиал қисм) иборат.

Миячанинг катта қисми **неоцеребеллумдан (Neocerebellum)** иборат. Унинг филогенетик ривожланиши бош миянинг кенгайиши ва вертикал туриш ва юришга ўтганлиги билан бошланган. У миячанинг иккита ярим шарларидан ташкил топган ва бош мия пўстлоғи билан кўприк ядролари орқали ўтадиган зич функционал боғламликка эга. Шундай қилиб, *neocerebellum* ни яна миячанинг кўприк-мияча (*pontocerebellum*) ёки пўстлоқ-мияча (*cerebrocerebellum*) қисми деб ҳам аташади, кейинчалик биз ҳам қуйида шундай деб атаймиз.

## Ички структура

Мияча бош миянинг вазни жиҳатидан 10% ни ташкил қилса ҳамки, унда нейронларнинг 50% ни ўз ичига қамраб олган. Мияча нейронлари кулранг моддадаги кучли бурмаланган пўстлоғида ва миячанинг тўртта чуқур ядроларида икки томондан жойлашган (қуйида қаранг).

### **Мияча пўстлоғи**

Мияча пўстлоғи уч қатламдан иборат. Ташқи қатламдан ички қатламгача, булар: Молекуляр қатлам (moleculare қатлам). Бу қатлам асосан хужайрали структуралардан ташкил топган бўлиб, уларнинг асосийси грануляр хужайраларнинг аксонлари – Пуркинъе хужайраларининг толалари ва дендритларига параллелдир. Толалар орасида ингибиторли интернейронлар сифатида функцияни бажарадиган нейронлар (юлдузчали хужайралар, саватчали хужайралар, Гольджи хужайралари) учрайди.

**Пуркинъе хужайрали қатлами** (ганглийли қатлам). Бу юпқа қатлам бир қаторда ёнма-ён жойлашган Пуркинъе йирик хужайрали таначаларидан ташқари бошқа ҳеч нарсага эга эмас. Бу хужайралар мураккабдир, уларнинг кучли тармоқланган дендрит дарахти ташқаридаги молекуляр қатламга йўналган бўлиб, ҳар бир алоҳида Пуркинъе хужайраларининг дендрит дарахтлари текис юзада оёқчанинг узунчоқ ўқидан перпендикуляр жойлашган. Пуркинъе хужайраларининг аксонларимияча пўстлоғидан чиқадиган ягона эфферент толалар ҳисобланади. Улар асосан миячанинг чуқур ядроларида проекцияланади ва тормозловчи ГАМК нейромедиаторини (у – аминокёгли кислота) ажратади. Вестибуломияча йўлининг пўстлоғидан чиққан эфферент толалар миячанинг чуқур ядроларини айланиб ўтади ва миячадан ташқаридаги объектларда бевосита проекцияланади.

**Хужайранинг қумоқ қатлами** (донадор қатлам). Бу қатлам қарийиб тўлалигича зич қадоқланган донадор майда хужайра таначаларидан ташкил топган бўлиб, унинг ҳиссасига мияча нейронларининг 95% дан кўпроғи тўғри келади. Бу хужайраларнинг аксонлари асосан молекуляр қатламда учрайди, ва улар параллел толалар сингари алоҳида япроқлар (Folia) бўйлаб йўналади ва перпендикуляр ориентирланган Пуркинъе хужайраларининг дендритлари билан синапсларни ҳосил қилади (тахминан 200000 параллел толалар Пуркинъе хужайрасининг бир донаси билан синапсларни ҳосил қилади). Миячанинг қумоқ хужайралари глутаматэргик бўлиб мияча пўстлоғининг ягона нейронлари ҳисобланади ва уларнинг хужайра – мўлжалларига кўзғатувчи таъсир кўрсатади.

### **Мияча пўстлоғига афферент таъсирлар**

Мияча пўстлоғидаги афферент кириш асосан ипсилатерал вестибуляр ядролардан (камгина қисми ҳақиқатан ҳам бевосита вестибуляр аъзодан

ҳеч қандай оралиқда турган синаптик релесиз келади), орқа миянинг ипсилатерал ярмидан, кўприкнинг контрлатерал ядросидан (шу билан бирга билвосита бош мия пўстлоғининг контрлатерал томонидан) ва узунчоқ миядаги контрлатерал овал ядро комплексидан (яъни олив) содир бўлади. Тирмашиб чиқувчи деб аталадиган оливдан чиқадиган бу толалар мияча пўстлоғидаги Пуркинъе хужайраларига келиб тугайди ва уларнинг дендрит дарахтларига чирмовикдек чирмашиб чиқади. Бошқа ҳамма қолган афферент толалар мияча пўстлоғининг донатор хужайраларида мохсимон толалар каби тугайди, ва кейин кўшимча импульсларни уларнинг аксонлари бўйлаб (молекуляр қатламнинг параллел толалари) Пуркинъе хужайраларининг дендритларига ретрансляция қилади. Ҳам мохсимон ҳам чирмашувчи толалар миячанинг чуқур ядроларида бош мия пўстлоғи гақараб борадиган йўлда муҳим коллатералларни ажратади. Мохсимон толалар ва донатор хужайралар (шу билан бирга миячадаги кўпчиликни ташкил қиладиган синапслар) глутаматергик ҳисобланганлиги сабабли, глутамат антагонистини киритишда мияча зарарланиши билан оғриган беморларда мияча функциясининг ёмонлашуви маълум даражада кузатилишида ҳеч ҳам ажабланарли жойи йўқ.

### **Мияча ядролари**

Миячанинг горизонтал кесимида ҳар бир ярим шарнинг ичида тўртта чуқур ядролар жойлашгани кўрсатилган (5.1 – расм). Чодир ядроси (“томли ядро”) тўртинчи қоринчанинг қопқоғида кўпроқ медиал жойлашган. У ўзининг афферент толаларининг кўп қисмини вестибулоцеребеллум коптокча-тугунча(flocculonodular) қисмининг Пуркинъе хужайраларидан олади. Унинг эфферент толалари бевосита вестибуляр ядроларга (чодир-бульбар йўли) (fastigibulbar) йўналади (5.1 – расм) ёки миячанинг қарама-қарши томонига ўтади, кейин эса ретикуляр формацияга ва вестибуляр ядроларга қараб боради (илмоқсимон тутам). Чодир ядросига нисбатан иккита кичикроқ ядролар латерал жойлашган: шарсимон ядро (қоидага асосан икки ёки уч субядроларга бўлинади) ва тикинсимон ядро. Бу ядроларнинг иккаласи ҳам паравермиал зона пўстлоғидан ва қуртдан (спиноцеребеллум) кирувчи афферент сигналларни қабул қилади ва эфферент толаларни контрлатерал қизил ядрога юборади (5.1 – расм). Мияча ядроларининг ичида энг йириги бу тишли ядро бўлиб, миячанинг ҳар бир ярим шарларидаги оқ модданинг тубида латерал ҳолатда жойлашган. Унинг афферент толалари асосан мияча ярим шарларининг пўстлоғидан (цереброцеребеллум), ва кам ҳолатларда паравермиал (paravermian) зонанинг пўстлоғидан чиқади. Бу афферент толалар миячанинг юқори оёқчасига ва контрлатерал қизил ядрога ва таламусга (вентрал латерал ядро) қараб йўналади (5.1 – расм). Таламус синаптик реле учун бош мия пўстлоғи мотор соҳаларининг

келгусидаги проекциясига ҳам жой ҳисобланади (Бродманнинг 4 ва 6 майдонлари).

### **Пўстлоқдан ва мияча ядросидан келадиган афферент ва эфферент йўллар**

Миячадаги синаптик ўтказиш ягона схема бўйича рўй беради: миячанинг афферент йўллари мияча пўстлоғига йўналади, коллатерал толалар орқали эса миячанинг чуқур ядроларига боради. Бош мия пўстлоғида афферент маълумот қийин полисинаптик йўлга айлантирилади ва бора-бора келиб қовушади. Пуркинъе ҳужайралари ўз навбатида бу ишлов натижаларини ингибиторли ГАМКергик импульслар кўринишида миячанинг чуқур ядроларига етказилади. Чуқур ядроларда бирламчи маълумотни (миячанинг коллатерал толалари афферент йўлларида) ҳам модуляцияланган маълумотни (Пуркинъе ҳужайраларидан/пўстлоқдан) ҳам интегратив қайта ишланади ва унинг натижалари миячанинг эфферент толалари орқали нерв тизимининг бошқа структураларига юборилади.

### **Мияча нерв тизимининг бошқа структуралари билан боғламлари**

Фазодаги ориентацияни (вестибуляр тизимдан импульслар, сезги, проприоцепция, кўрув ва эшитиш) аниқлашда муҳим рол ўйнайдиган ҳамма сенсор модалликлар маълумотни миячага беради. Мияча нерв тизимининг ҳар хил сенсорли соҳаларидан миячанинг учта оёқчаси орқали қабул қилиб олади ва миячанинг чуқур ядролари орқали миянинг ҳаракат зоналарига импульсларни юборади. Бу бўлим миячанинг афферент ва эфферент боғламлари ва уларнинг мияча учта оёқчалари орасида тақсимланиши ҳақида маълумот беради. Энг муҳим йўллар схематик тарзда 5.1 – расмда кўрсатилган.

### **Миячанинг пастки оёқчаси**

**Миячанинг пастки оёқчаси** (арқонсимон тана) қуйидаги афферент йўллардан иборат:

- Даҳлиз – чиғаноқ нерви толалари ва вестибуляр ядролардан чодир ядросининг коптокча-тугунча қисмигача (5.1 – расм);
- Оливоцеребелляр тракт таркибидаги контрлатерал оливадан чиққан аксонлар, чирмашувчи толалар ҳосил қилади ва мияча пўстлоғининг ҳамма соҳасидаги Пуркинъе ҳужайраларининг дендритларига мос келади (пастки олив ядроларининг толалари асосан цереброцеребеллумга келиб тушади, шу вақтда кўшимча олив ядроси толаларни асосан вестибуло – орқа мияцеребеллумга юборади);
- Орқа орқа мия – мияча тракти, толалари асосан орқа мия кулранг моддаси орқа шохи асоси остида дорсал ядрога (тўш ядроси ёки кларк устунчалари) ҳосил бўлади. Бу тракт асосан импульсларни пастки

мучаларнинг ва тананинг урчуқсимон мушакларидан олдинги ва орқа қисмларнинг паравермиал (paravermian) зонасига юборади.

- Бигизсимон тутамнинг ён қисмидан кўтариладиган ва орқа миянинг бўйин соҳасидаги нейронларда пайдо бўладиган йўл, узунчоқ миянинг кўшимча бигизсимон ядросида синаптик боғламларни ҳосил қилади. Бу йўл ўзининг миячага борадиган йўналишида орқа орқа мия-мияча трактини кузатиб боради;
- Ретикуляр формациядан келадиган толалар.

*Миячанинг пастки оёқчалари қуйидаги эфферент йўллари ўз ичига олади:* Чодир – бульбар йўли (миячанинг пастки оёқчалари бўйлаб энг катта эфферент йўл) вестибуляр ядроларга қараб. Бу тракт орқага қайтадиган вестибуломияча регуляторли илмоғини тугатади ва орқа мия ҳаракат функциясига мияча орқали таъсир қилади.

- Чодир ядросидан ретикуляр формацияга (мияча – ретикуляр тракти) ва тишли ядродан оливага борадиган толалар (мияча – олива тракти).

### **Миячанинг ўрта оёқчаси**

Миячанинг ўрта оёқчаси фақат қуйидаги афферент толалардан иборат: хочсимон кўприк-мияча тракти кўприк текислигида ўтади, кейин қалин тутамда миячанинг ўрта оёқчаси орқали миячанинг ярим шарларида тугайди. Бу толалар кўприкнинг базал ядроларидан бошланади, бош миянинг ҳамма соҳаларидан асосан пешона қисмидан бошланиб, пўстлоқ – мияча толаларининг давоми бўлиб хизмат қилади. Толалар кўприк асосидаги кўприк ядросидан чиқиб кесишма ҳосил қилади. Бошқа афферент толалар моноаминергик ядролардан бошланиб миячанинг ўрта оёқчасига қараб йўналади.

### **Миячанинг юқори оёқчаси**

Эфферент йўллари. Миячанинг юқори оёқчаси энг кўп миячанинг эфферент толаларига эга. Бу толалар миячанинг чуқур ядроларида ҳосил бўлиб, қуйидаги структураларга йўналади:

- Контрлатерал таламус (вентрал латерал ва центромедиан ядро);
- Контрлатерал қизил ядро;
- Ретикуляр формацияга.

*Таламусга эфферент толаларнинг бориши.* Мияча юқори оёқчасининг таркибида бўлган эфферент толалар тишли ядрога ҳосил бўлиб таламусга боради. Таламусда синаптик ўзгаришдан кейин толалар, бош миянинг пўстлоқ соҳасидаги мотор ва премотор қисмларига кўтарилади, ва ўз навбатида орқага, кўприк ядросида кортико-кўприк таркибида проекцияланади. Узунлиги бўйича регулятор халқа ҳосил бўлади. Шундай қилиб, бош мия пўстлоғидан мияча пўстлоғи, тишли ядро, таламус орқали



кўприк ядроларигача боради, ва ниҳоят орқага катта ярим шарларнинг пўстлоғига қайтади (5.1 ва 5.2 – расмлар).

*Қизил ядро ва ретикуляр формацияга борадиган эфферент толалар.* Кейинги тартибга солувчи схема учбурчакдан Гийен – Молларет (Mollaret) иборат бўлиб, у марказий тегментал тракт орқали қизил ядродан оливага йўналади, кейин эса миячага ва орқага қизил ядрога қайтади (5.3 – расм). Мияча қизил ядро ва ретикуляр формация толалари орқали мотор орқа мия функциясига таъсир ўтказади.

*Афферент йўллар.* Миячанинг юқори оёқчасидаги афферент йўллардан бири олдинги орқа мия-мияча тракти ҳисобланиб, орқа орқа мия-мияча трактиқаерда тугаса у ҳам шу ерда тугайди. Иккала йўл ҳам ташқаридан проприоцептив импульсларни беради, яъни мушак урчуқларидан, Гольджи пай аъзоларидан ва ҳамкор рецепторлардан. Тектумдан чиққан толалар миячанинг юқори оёқчасидаги ўрта позицияда турган тектомияча (tectocerebellar) тракти таркибида юқори мия елкани орқали мияча қуртига қараб йўналади. Бу толалар эҳтимол эшитув маълумотларини тўрт тепаликнинг юқори дўнглигидан, визуал маълумотларни эса тўрт тепаликнинг пастки дўнглигидан ўтказади.

### **Мияча ва эфферент йўллариининг топографияси**

Мияча ярмининг ҳар бири тананинг ипсилатерал томонидаги ҳаракат функциясига жавоб беради. Мияча тизимидаги баъзи бир эфферент толалар икки ёқлама кесишувга эга. Шундай қилиб, мия устунининг орқа томонидан кириб қарама-қарши томонга ўтадиган мияча – қизил ядроли церебеллорубрал (cerebello rubral) тракти, қизил – ядро орқа мия тракти (rubrospinal) эса қизил ядрога ҳосил бўлган заҳоти қарама-қарши томонга ўтади (Форель кесишуви). Шунга ўхшаб, мияча – таламус (cerebellothalamic) толалари ҳам миячанинг бир томонидан таламуснинг қарама-қарши томонига ўтади, кейин эса бош мия пўстлоғининг ипсилатерал томонига ўтади, унинг эфферент толалари пирамида тракти таркибида пастга тушади ва аввалги томонда жойлашган орқа мияга етиб келишдан олдин кесишган жойида яна би марта кесишув ҳосил қилади.

### **Мияча функцияси ва мияча зарарланишининг синдромлари**

Мияча функциясини тушуниш учун урта муҳим лаҳзаларни билиш керак:

- Мияча жуда кўп умумий ва махсус сенсор маълумотларни қабул қилади, лекин бирор бир муҳим даражалаги онгли қабул қилишда иштирок этмайди.
- Мияча мотор функциясига таъсир қилишига қарамасдан миячанинг зарарланиши фалажликка олиб келмайди.

- Мияча кўпгина билим олиш жараёнларида ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, лекин у ўрганишда ва ҳаракат хотираси учун муҳим рол ўйнайди. Мияча координацион марказ бўлиб, регулятор механизмлари орқали мушак тонусини назорат қилади ва балансни сақлайди, ҳамда ўз вақтида ва аниқ яхши координацияланган аниқ бир мақсадга йўналтирилган ҳаракат жараёнларини таъминлаб орқага қайтиш мураккаб механизмларини назорат қилади. Мияча координациянинг ҳаракатлари ихтиёрсиз равишда юз беради. Миячанинг алоҳида компонентлари (*vestibulocerebellum*, *spinocerebellum* ва *cerebrocerebellum*) ҳаракат координациясини ҳосил қилишда ҳар хил функцияларга эга. Бу функциялар бир томондан ҳайвонларга тажриба ўтказиш давомида, иккинчи томондан мияча зарарланиши билан касалланган беморларда клиник текширувлар натижасида аниқланиши мумкин. Мияча патолгиясида кузатиладиган белгилар ва симптомлар жамланмаси жуда кам ҳолларда тоза ҳолатда кузатилади, чунки бу ноёб кўринишлар миячанинг фақат битта функционал компоненти учун бўлиши мумкин. Секин ривожланиб борадиган жараёнлар (масалан, ўсиб борётган безарар ўсма) функционал компенсацияга олиб келиши мумкин. Шу асосда миянинг бошқа қисмлари зарур бўлдан пайтда миячанинг баъзи бир функцияларини ўзларига олишлари мумкин. Агар зарарланиш мияча пўстлоғидан ташқари миячанинг чуқур ядроларини ҳам зарарлантирса, бу функцияларнинг фақат минимал қисмигина тикланиши мумкин. Бу позицияларда миячанинг ҳар уч қисмининг алоҳида функцияларини ва типик клиник синдромларини дидактик нуқтаи назардан қараганда жуда яхши кўринади.

### ***Вестибуляр-мияча қисми***

Функция.

Вестибуло-мияча қисми бошнинг ҳаракати ва тинч тургандаги ҳолати ҳақидаги маълумотни ўзига жамлаган вестибуляр аппаратдан импульсларни қабул қилади. Унинг эфферент толалари кўзнинг ва тананинг ҳаракат функцияларига шундай таъсир қиладики, мувозанат ҳар хил ҳолатларда ва ҳар хил ҳаракатларда сақланиши мумкин.

Синаптик боғламлар. Кейинги рефлектор ёйлар мувозанатни (баланс) сақлашда қатнашади. Импульслар вестибуляр аъзодан бевосита ёки билвосита (вестибуляр ядролар тизими орқали) вестибуло-мияча пўстлоғига, ва кейин чодир ядросига ўтади. Вестибулоцеребелляр йўл орқали бош миянинг вестибуло-мияча пўстлоғивестибуляр ядроларга ва ретикуляр формацияга қайта импульсларни юборади. Бу бўлимлардан вестибуло-орқа мия ва ретикуло-орқа мия трактлари ҳамда медиал узунчоқ тутамдан орва мия билан бир қаторда ҳаракатланиш актларини ва кўзни ҳаракатлантирувчи мушакларни бошқариш учун мия устунига ва орқа мига киради (5.1 – расм). Бу рефлектор ёйлари туриш турғунлигини, қадам

ташлашни ва кўзнинг жойлашувини, ҳамда нигоҳнинг қадалишини таъминлайди.

### ***Вестибуляр-мияча қисмининг зарарланиши***

Коптокча – тугунча қисмида ёки чодир ядроларидаги функционал бузилишлар беморни Ернинг гравитацион майдонида ориентациясини сақлаш қобилятини пасайтиради, ёки боши ҳаракатланаётганда ҳаракатсиз объектга нигоҳини қадаши қийинкечади.

**Мувозанатнинг бузилиши.** Бемор турганида (астазия) ва ҳаракатланаётганида (абазия) қийинчиликларга дуч келади, қадам ташлаши бўш, оёқларини катта катта ташлайди, худди маст ҳолдаги одамнинг юришига ўхшайди (тана атаксияси). Оёқ бармоқлари учиди юришга имкон йўқ. Беқарор туриш проприоцептив импульсларнинг онгга етиб боришдаги етишмовчилигида эмас, балки гравитацияга жавобан мускулатуранинг дискоординацияси сабабидир.

**Кўз ҳаракатлари бузилишлари, нистагм.** Кўзни ҳаракатлантирувчи фаолиятнинг мияча патологияси оқибатида бузилиши ҳаракатланаётган ёки ҳаракатсиз турган нишонга нигоҳни сақлаб туриш қобилятининг бузилиши кўринишида намоён бўлади. Бунинг натижасида кузатув вақтида кўзда саккадик ҳаракатлар ва нистагм юзага келади. Агар бемор ҳаракатланаётган буюмни кўзлари билан кузатаётган бўлса, бунда кўз олмаларининг ритмик нистагмга ўхшаш титрашини кузатиш мумкин, бу амплитудаси бўйича микросаккадаларни эслатади, микросаккадалар нормада нигоҳ билан кузатув вақтида пайдо бўлади. Шундай пайтда улар текширувчига кўринади. Нигоҳ таъсирида чақирилган нистагм зарарланган мияча томонга қараб ҳаракатланса пайқаш осонроқ, агар қарама-қарши томонга нигоҳ қадалса у биров камаяди. Агар кўзлар кейинчалик ўрта чизиққа қайтса, у ҳолда нистагм қарама-қарши йўналишда кўринади (нистагм – рикошет).


**Вестибуломияча қисмининг зарарланиши** бемор вестибулоокуляр рефлексини (ВОР) босишининг бузилишига олиб келади, унда бошни буриш кўзнинг саккадик учушига олиб келади. Соғлом одам нигоҳини бир объектга қадаганда бу рефлексни боса олади, лекин вестибуломияча қисми зарарланган бемор буни бажара олмайди (нигоҳ қадалганда ВОРни босишнинг бузилиши). Ундан ташқари, тугунча ва тилчанинг зарарланиши адаптация учун ВОРни (нистагмни) ёмонлаштиради ва ҳар 2 – 4 дақиқада йўналишини ўзгартириб турадиган даврий алмашиниб турувчи нистагмни келтириб чиқаради. Миячанинг зарарланишида ҳам мураккаб нистагмнинг ҳар хил турларини, яъни опсоклонус (*Opsoclonus*) (бир неча юзалардаги кўзларнинг ҳамкор ҳаракати) ёки кўз тўлқинларини (*flutter*) (фақат

горизонтал текисликдаги опсоклонус) келтириб чиқаради, бу феноменнинг локализацияси ханузгача аниқланмаган.

## Орқа мия – мияча қисми

Функцияси.

Орқа мия – мияча қисми мушак тонусини назорат қилади ва туриш ва юришни амалга оширишда иштирок этадиган антагонист мушаклар ҳаракатини координация қилади. Унинг эфферент толалари мушакларнинг антигравитацион активлигига таъсир кўрсатади ва актив ҳаракат кучларини бошқаради (яъни инерция ва марказдан қочма куч).



**5.1.расм. Миячанинг афферент ва эфферент боғланишлари.** а) кесим проекциясида (чап томондан тишсимон ядро, ўнг томондан чувалчанг)

Боғланишлар. Орқа мия – мияча қисмининг пўстлоғи орқа спинал-мияча тракти, олдинги спиналцеребелляр тракти, ҳамда бигизсимон-мияча тракти (ёрдамчи бигизсимон ядродан) орқали орқа миядан афферент маълумотларни олади. Паравермиал зонадан чиққан толалар тиқинсимон ва шарсимон ядроларга боради, ва шу вақтнинг ўзида қурт пўстлоғидан чиққан толалар эса чодир ядросига боради. Бу ядролардан чиққан эфферент толалар кейин миячанинг юқори оёқчалари орқали қизил ядрога ва ретикуляр формацияга йўналади, ва булардан модуллашган импульслар қизил-спинал, қизил-ретикуляр ва ретикулоспинал йўллар орқали орқа миянинг ҳаракатлантирувчи нейронларига йўналади (5.1 – расм). Тананинг

хар ярим қисми ўзи томондаги мияча пўстлоғидан иннервацияни олади, лекин аниқ соматотопик жойлашув мавжуд эмас. Охирги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мияча пўстлоғининг нейронли бирлашмаси аниқ соматотопик картани эмас, балки мозаикани эслатади. Тиқинли ядронинг баъзи бир эфферент толалари таламус орқали ҳаракат пўстлоғига – асосан мучаларнинг проксимал мускулатураларини ва танани бошқарадиган қисмига ўтади. Бу шундан далолат берадики, спиноцеребеллум бу гуруҳ мушакларининг ихтиёрий йўналган ҳаракатларига таъсир ўтказади.


### **Спинал – мияча қисмининг зарарланиши**

Қуртнинг ўрта чизикка яқинроқ олдинги ва юқори қисмининг зарарланиши туриш ва юришнинг атаксиясига олиб келади. Бу зарарланиш оқибатида юришдаги атаксия (абазия) туришдаги атаксияга (астазия) нисбатан яққол ифодаланган. Касалланган беморлар оёғини кенг ташлайди, юриши мустаҳкам эмас, зараланган томонга оғади, ва зарарланган томонга йиқилишга мойиллиги бор. Туриш атаксияси Ромберг синови ёрдамида аниқланади: агар бемор кўзи юмилган ҳолда турган бўлса, кўкрагидан секин итарганда у 2-3 Гц частотасида орқага ва олдинга тебранишга мажбур қилади. Агар зарарланиш қуртнинг юқори қисми билан чегараланган бўлса, бармоқ-бурун синамаси ва тизза-товон синамаси бу ҳолатда аниқ бажарилиши мумкин. Қуртнинг пастки қисмининг зарарланиши туриш атаксиясига (астазия) олиб келади, бу юриш атаксиясига нисбатан жиддий муаммодир. Бемор ўтирганида ёки турганида қийинчиликларга дуч келади, Ромберг синовида эса орқага ва олдинга аниқ йўналишсиз тебрана бошлайди.

### **Пўстлоқ – мияча қисми**

Йўллар. Пўстлоқ – мияча қисми ўзининг асосий маълумотларини билвосита бош мия пўстлоғининг кенг кўламдаги қисмларидан, асосан пўстлоқ – кўприк тракти орқали Бродманн 4 ва 6 (бош мия пўстлоғининг ҳаракат ва преотор зоналари) бўйича майдонлардан олади (5.2 – расм), камроғини эса оливо-пўстлоқ тракти орқали оливдан олади (5.3 – расм). Мияча бош мия пўстлоғида тузиладиган ҳар қандай режалаштирилган ихтиёрий ҳаракатлар ҳақида дастлабки маълумотларни олади, у ўша вақтнинг ўзида тишли-таламокортикал йўл орқали пўстлоқнинг мотор зонасига модуллашган ва коррекцияланган маълумотларни қайта юбориши мумкин (5.1 – расм ва 5.2 – расм). Тишли ядродан толалар қизил ядронинг майда хужайрали қисмига келиб тушади. Қизил ядронинг қолган қисмларидан фарқли ўлароқ, бу қисм толаларни қизил-спинал тракт бўйлаб орқа мияга юбормайди. Улар марказий қопқоқ тракти орқали пастки оливага, кейин эса цереброцеребеллумга йўналади. Бу тишли-қизил ядроли-оливо-миячали (dentato-rubro-Оливо-миячали) орқага қайтувчи йўл

нейрон илмоғи неocerebellумдаги импульсларни қайта ишлашда катта аҳамиятга эга.



**5.3.расм. Олива иштирокидаги миачанинг бошқарув занжири.** Жуллиан ва Молларе учбурчаги қизил ядродан марказий сегментар йўл орқали оливага ва миачага, сўнг эса қайтиб қизил ядрога келади.

**Функцияси.** Пўстлоқ-мияча қисми билан комплекс бирикмалар мақсадга йўналтирилган барча ҳаракатларни раво ва аниқ бажарилишини назорат қилиш имконини беради. Пўстлоқ-мияча қисми реал вақтда перифериядаги ҳаракат фаолиятдан узлуксиз маълумот олиб туради. Шундай қилиб, у барча ихтиёрий ҳаракатларни бажариш вақтида содир бўлиши мумкин бўлган хатоликларни тuzатиш чора-тадбирларини амалга ошириши мумкин, шунинг асосида ҳаракатларнинг раво ва аниқ юзага келиши

кафолатланган. Миячада инсон ҳаёти давомида тўплаган ҳаракатларнинг барча турлари сақланади, бу эса хоҳлаган пайтда шу захирадан фойдаланиш имконини беради. Биз ривожланишнинг маълум бир босқичига етганимиздан кейин биз етарли даражада мураккаб ҳаракатларни тез эслаб ва унга кам вақт сарфлаб бажара оламиз, бу жараён миячанинг аниқ бошқарувчи функцияларини жалб қилиш орқали амалга ошади. Миячанинг фаолияти фақатгина координация бўлмасдан, балки бевосита хотирага таалукли бўлган сенсор таъсирловчиларни ва улардаги маълумотларни қайта ишлаб чиқиш қобилиятига ҳам эга.

### **Пўстлоқ-мияча қисмининг зарарланиши**

Пўстлоқ-мияча қисмининг зарарланиши фалажликка олиб келмайди, шунга қармасдан ихтиёрий ҳаракатларни бажаришни аҳамиятли даражада ёмонлаштириши мумкин. Клиник белгилар доим зарарланган томонда юзага келади.

Ихтиёрий ҳаракатларнинг дезинтеграцияси. Мучалардаги ҳаракатлар ҳамжиҳатликда бўлмайди (атактик), дисметрия, диссинергия, дисдиадохокинез ва интенцион тремор билан бирга келади. Бу ўзгаришлар кўпинча пастки мучалардан кўра, юқори мучаларда яққолроқ намоён бўлиб, мураккаб ҳаракатлар оддий ҳаракатлардан кўра кўпроқ азият чекади. Керакли вақтда йўналтирилган ҳаракатни тўхтата олмаслик бу дисметрия бўлиб, у бармоқ-бурун, бармоқ-бармоқ синамаларида яққол билинади (гиперметрия, мўлжалга тега олмаслик). Диссинергия – бир нечта мушак гуруҳларининг маълум бир ҳаракатни бажариш вақтида аниқ боғлиқликлари бузилади. Мушак гуруҳи қисқаради, аммо алоҳида мушак гуруҳларининг ҳамжиҳатликда ишлаши бузилади. Дисдиадохокинез – антогонист гуруҳ мушакларининг аниқ координациясининг бузилиши натижасида юзага келадигантез кетма-кетликда бажариладиган ҳаракатларнинг ишдан чиқиши туфайли юзага келади. Тез ҳаракатлардан масалан, қўл супинацияси бундай ҳолатларда секин, аниқ бўлмаган ва аритмик бўлади. Интенцион тремор, ёки ҳаркат вақтидаги титроқ – мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар вақтида пайдо бўлиб, бармоқ мақсадга яқинлашган вақтда янада яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, частотаси 2-3 Гц ли ортостатик тремор ҳам мавжуд бўлиб, бунда бемор қўллари бевосита олдинга қараб чўзилган ҳолда, қўл кафтини пронация ҳолатида ҳаракатсиз ушлаб туриши керак.

### **“Қарама – қарши тортилиш” феномени(Стюарт-Холмс феномени)**

Ушбу феномен куйидагича аниқланади. Беморга қўлининг билак соҳасидан букишни ва бармоқларини мушт қилиб тугиш сўралади, шу билан бирга унга қаршилик кўрсатиб бирдан қўйиб юборилади, қаршилик кўрсатиш тугаган бўлса ҳамки қўл ҳаракати давом этади ва бемор бор кучи билан кўксига уради. Бу ерда феномен ижобий ҳисобланади.

**Гипотония ва гипорефлексия.** Мияча ярим шарининг ўткир зарарланишида, пассив ҳаракатланишида мушак қаршилиги камаяди, ва гавдани аномал туришига олиб келади. Гипотоник мушаклардаги рефлекслар ҳам камаяди.

**Скандирланган дизартрия ва дизартрофония.** Бу кўринишлар асосан паравермиал соҳанинг зарарланиши оқибатида юзага келади ва сўзлашув мускулатураси синергиясининг бузилишида акс этади. Бемор секин ва иккиланиб, ёмон дикция билан, ва ҳар қайси бўғинда патологик ўзгаришсиз диққатлик билан гапиради.

## **Миячанинг зарарланиши**

### **Мияча ишемияси ва қон қуйилиш**

Артериал қон миячага учта мияча артерияси орқали келади: юқори мияча, олдинги ва пастки мияча артериялари ва орқа пастки мияча артерияси.

### **Мияча шишлари**

Мияча шишлари камдан – кам миячанинг битта функционал бўлими билан чегараланиб қолади.

Миячанинг яхши сифатли ўсмалари (пилоидли (сочсимон) астроцитоме каби) ташхисотда муаммоли бўлиши мумкин, чунки миячанинг чўзилувчанлиги сабабли уларнинг йириклашиб ўсиши клиник симптомлар билан кузатилмайди. Кўрув нерви дискининг шишиши, калла ичидаги ҳажмли ҳосиланинг катталашувини кўрсатувчи билвосита белгилар, узок вақт давомида катталарда билинмайди. Болаларда улар 75% ҳолларда билинади. Кўп ҳолларда (90% атрофида) мияча шишлари аввал энса-бўйин соҳасидаги бош оғриқлари, оч қоринга кўнгил айнаши ва қусиш (қуруқ қусиш) сифатида кузатилади. Мажбурий бошни эгиш мияча бодомларининг катта энса тешигига тикилиб қолиш хавфи яқинлашиб келаётганидан дарак беради.

**Мудуллобластома** ёмон сифатли ўсма бўлиб, айниқса болаларда ва ўспиринларда учрайди, ва унинг улушига бу ёшдаги гуруҳга бош мия шишларининг учдан бир қисми тўғри келади (ёшидан қатъий назар бош мия шишларининг 8%). У кўпинча тўртинчи қоринча қопқоғида юзага келади, кейин эса коптокча-тугун қисмининг қуртига ўтиб кўпаяди, ҳамда бош ва орқа миянинг бошқа соҳаларига орқа мия суюқлиги орқали метастазаланади. Бинобарин бу типдаги ўсма вестибулоцеребеллумдан бошланса ҳамки, типик бошланғич симптомларга мувозанатнинг бузилиши киради. Болада юриши оёқларини кенг ташлашидан, тебраниш ва юришида беқарорлик кузатилади. Мияча шишининг кейинги катталашувида, яъни миячанинг (ярим шарлар) ён қисмларига таъсири



натижасида атаксия, дисметрия, асинергия, адиодохокинез ва интенцион титраш симптомлари вужудга келади. Шишнинг сўнгги босқичларида, тўртинчи қоринча ликвор ёки церебрал ликвор йўллар блокланади, ва бу калла ичи гипертензиясининг белгилари билан бирга окклюзион гидроцефалияга сабабчи бўлади.

**Астроцитома ва гемангиобластома.** Булар сочсимон астроцитоманинг ўсиши натижасида юзага келади. Гемангиобластома Гипель – Ландау касаллигида (Hippel-Lindau) ва кистозли астроцитомада, одатда миячанинг ярим шарларида вужудга келади, уларнинг типик кўринишларида мучалар атаксияси ва нигоҳдан нистагмга олиб келади.

### **Мияча**

Мияча зарарланиши бир томонлама бўлганда унинг касаллик белгилар кўпроқ намоён бўлади. Нерв тизимининг бошқа қисмларида патология бўлмайди. Симптомлар бир биридан зарарланиш ўткир ёки сурункали, икки томонлама ёки бир томонлама, ярим шарларда ёки ўрта чизиқда бўлганлиги билан фарқ қилади.

### **МУШАК ТОНУСИ**

Миячанинг зарарланишида мушак тонуси пасаяди. Мияча ярим шарлари ва чувалчангининг патологиясида мучаларнинг ва гавда мушакларининг гипотониясига олиб келади. Гипотония зарарланган томонда намоён бўлиб, айниқса, касалликнинг ўткир даврида яққол намоён бўлади. Мучаларнинг жараёнга қўшилиши натижасида нормал гавда вазиятларини келтириб чиқариши, маълум миқдорда қаршилик кузатилиши мумкин. Бўғимлар кўп ҳаракатчан, мучалардаги ҳаракат ҳажми аҳамиятли даражада ошган.

### **ГАВДА ВАЗИЯТИ**

Мияча патологияси бемор мустақил юришга ҳаракат қилганда, ўзининг гавдасининг мувозанатини қўлларига суянган ҳолда сақлайди. Аммо бу пайтда ишончсиз, нерегуляр, мақсадсиз, такрорланадиган псевдоатаксик ҳаракатлар кузатилади. бу проприоцептив сезгининг бузилишида ҳам намоён бўлади. Агар бемор қўлларини чўзилган ҳолда ушлаб турганида, сиз беморнинг билак-кафтини енгил ҳолда ён, ёки пастга, ёки юқорига ҳаракатлантирганингизда, бемор қўлларида аномал катта, кенг ҳажмдаги ҳаракатлар пайдо бўлади. Худди шу ҳолат пастки мучаларда ҳам кузатилиши мумкин.

### **ПАЙ РЕФЛЕКСЛАРИ**

Миячанинг ўткир патологияларида, масалан, инсульт, ёки жароҳатларда, барча пай рефлекслари бир неча соат ёки кун тўлиқ йўқолиши мумкин. Сўнг улар тикланиши мумкин, аммо маълум вақт пасайган кўринишда бўлади. Нисбатан енгилроқ зарарланишларда баъзи бир пай рефлекслари “маятниксимон” бўлади. Бемордан стулнинг четига ҳаракатланмасдан

ўтиришни сўранг. Тизза рефлексини текширинг. Бунда беморнинг оёғи тизза соҳасида чўзилиб, кейин букилади, кейин яна чўзилади, бу уч ёки тўрт мартагача такрорланиб, ҳар бир такрорланишда ҳаракат ҳажми кичрая боради. Тўрт бошли мушак антогонистларининг тормозловчи таъсири (тизза ости пайлари) тўрт бошли мушакнинг биринчи қисқаришидан кейин жавоб реакциясини юмшатмайди. Маятниксимон рефлекслар мияча патологиясидаги муҳим белги бўлиб ҳисобланмайди ва бошқа турдаги гипотонияларда ҳам кузатилиши мумкин.

### **ТРЕМОР**

Агар бемор бирон нарсага суяниб ўтирганида ёки тинч ҳолатида мияча тремори ёки интенцион тремор тўлиқ йўқолади. Бу тремор тишсимон ядро ёки унинг йўллариининг зарарланиши натижасида юзага келади. Чўзилтириб, ҳаракатсиз ушлаб турган кўллар доимий ритмик треморни кўрсатиши мумкин. Бу сониясига уч ёки тўрт тебранишлар билан кузатиладиган биллак-кафтнинг букувчи-ёзувчи тремори, ёки бутун кўлда, елка бўғимида, бироз секинроқ ва катта амплитуда билан кузатиладиган тремор бўлиши мумкин. Бемор ўтирган вақтда ҳам тремор шу тебранишда кузатилиб, бош ҳам бу жараёнга кўшилиши мумкин. Бошдаги тремор тасдиқловчи ҳаракати кўринишида бўлиб, даврийликка эга бўлади, яъни тахминан 10-12 та тасдиқловчи ҳаракатлар, кейин эса 5-10 сония давом этувчи пауза кузатилиб, сўнг яна тремор қайта бошланади. Паузалар одатда, бош ҳолатининг аҳамиятсиз даражада ўзгариши билан бирга келади, ёки бемор бармоғи билан иягини ёки ёноғини тегилганда паузалар кузатилиши мумкин. Кўпинча, тремор бирданига, ўз-ўзидан пайдо бўлиб, ўз-ўзидан тўхташи ҳам мумкин. Интенцион тремор кўллар олдинга қараб чўзилган ҳолатда ҳаракатлана бошласа, унча кўзга ташланмайди. Бемор кўрсаткич бармоғини мақсадга йўналтирган ҳолда, яъни бурун учига ҳаракатлана бошлаганда, бармоқ бурун учига тегилишига бир неча сантиметр қолганида тремор бошланади. Тремор тез ва интенсив ҳолатда бўлиб, кўл олдинга ва орқага қараб тартибсиз ҳаракатлана бошлайди. Қачонки кўрсаткич бармоқ бармоқ учига тегилгандан сўнг тремор йўқолади ёки 90%гача камаяди.

### **Қарама – қарши тортилиш феномени, мўлжални аниқ ололмаслик ва дисметрия**

Қарама – қарши тортилиш феноменини аниқлаш учун бемор кўлини биллак соҳасидан тўғри бурчак остида букиши лозим. Текширувчи беморнинг кўлини биллак соҳасининг юқори қисмидан ўзига тортади, шу пайтда бемор унга қаршилиқ кўрсатади. Кўлни тортишни бирданига тўхтатинг. Мияча зарарланиши билан касалланган бемор кўйиб юборилган кўлини тута олмасдан ўзини уриб юборади. Букишни тез тўхтатиш мумкин эмас, чунки ростлаш кучи назоратсиз. Мияча зарарланиши билан касалланган бемор тез кетма-кет ҳаракатларни бажарса унинг ҳаракатидаги аномалиялар аниқроқ намоён бўлади. Бу мияча тремори минимал бўлган ҳолда ёки

йўқлигида жуда муҳим. Агар бемор бурни учига кўрсаткич бармоғининг учи билан тегишга уринса, унинг бармоғи бурнигача бормай тўғтаб қолади. Кейинги уринишда бемор нишонга теккиза олмаслиги мумкин ва у бармоғи билан бурнига қаттиқ уриши мумкин. Агар у қатта ва кўрсаткич бармоқлари билан қисиб олувчи ёки кўрсаткич бармоғи билан кафтига такрорланадиган айланма ҳаракатларни тез ва такрорий давом эттирса сиз бу ҳаракатларнинг ғайритабiiйлигини кўришингиз ва ҳатто эшитишингиз мумкин. Бу ҳаракатларнинг кучи, тезлиги ва частотаси нотекис бўлади. Миячанинг ўткир патологиясида ихтиёрий ҳаракатларнинг сустлиги ва секинлиги кўзга ташланади. Бу сустлик кўпинча ўткинчи характерга эга. Бу билан бирга ихтиёрий ҳаракатларнинг релаксацион секинлигини кузатиш мумкин.

### **Нистагм**

Мияча битта ярим шарининг аҳамиятли даражада зарарланиши зарарланган томонга қараганда, кўпол, секин нистагм ва бошқа томонга қараганда, тез ва кичик ҳажмли нистагм кузатилади. Мияча чувалчанги зарарланганда, юқорига йўналган нистагм кузатилади, аммо мия устунининг бошқа қисмларининг патологиясида ҳам худди шундай нистагм кузатилиши мумкин. Пастга қараган нистагм одатда, бўйин-медулляр (servicomedullary) кесишмасида, мияча чуррасида, Арнольд-Киари мальформациясида ва платибазия патология кузатилганда юзага келади.

Кўз дисметрияси кўл билан қайта бошқаришни амалга оширгандек туюлади. Бемор нигоҳини бир жойга қадашга ҳаракат қилади ва кўзларнинг ҳаракатини қайта бошқариш амалини бажаради. Бир нечта турли йўналишдаги кичик ҳаракатларни бажаргандан кейин бемор нигоҳини керакли объектга қадайд. Бу ҳаракатлар ротатор ёки вертикал бўлиши мумкин. Кўз дисметрияси, кўз тремори ва опсоклонус каби атамаларни ўриндош сўзлар деб аташ мумкин.

### **Нутқ**

Мияча патологиясида скандирланган нутқни яна атаксик дизартрия деб ҳам аташади. Беморнинг нутқи йиғлагандан кейи гапиришга уринаётган бола нутқига ўхшайди. Диафрагма номунтазам силташлар сериялари натижасида алмашинувчи тезлик ва амплитуда билан юқорига кўтарилади. Мураккаб сўзлар бир нечта бўғинларга бўлинган, масалан, “Методист” сўзи “Мет” “о” “дист” бўлиб чиқади. Ундан ташқари сўзларни тушуниб бўлмайди. Лаб, тил, ҳалқум координацияларининг етишмовчилиги мавжуд, ҳамда мембрана атаксияси оқибатида ҳавонинг ҳаракати номунтазам. Пешонанинг бир томонлама зарарланиши оёқ ва кўлларнинг контрлатерал атаксиясига, ҳамда ҳаракат пайтида сустликка ва титрашга олиб келиши мумкин.

## **Туриш, юриш ва мувозанат**

Юриш нерв тизимининг интегратив ҳаракат мисоли ҳисобланади. Бу бир қатор ўрганилган кетма-кет ҳаракатлар акти бўлиб, лекин туғма бир бутунлик кўринишга эга бўлса, бошқа мотор кўникмалар эса бу пайтда содда кўринишга эгадир. Бола ҳали ўзини таъминлай олмайдиган ёшда юришни ўрганиши мумкин. Агар юриш анатомик “марказ”га эга бўлса, унда унинг жойлашуви номаълум. Юриш қобилияти йўқолиши мумкин, лекин бу дискрет зарарланиш нуктаи назаридан изоҳлаб бериб бўлмайди. Бу қадам ташлашнинг апраксияси дейилиб, кўпинча деменция ва ақлий заифликнинг пешона белгилари билан ассоциацияланади. Кўпчилик инсонлар когнитив бузилишда нормал қадам ташлашга эгадирлар, қадам ташлаш апраксияси эса нормал онгли инсон билан ҳам содир бўлади. Қадам ташлаш бузилиши билан касалланган инсонларни олдинга, орқага ва ён томонга ҳаракатланиши давомида кузатиш керак. Шунинининг олиш керакки, ҳар бир сониянинг тўртдан уч қисмида тана оғирлиги бир оёқдан иккинчи оёққа ўтади, ва бу ритмик ҳолатда онг таъсирсиз, шу пайтда биз бирор иш билан машғул бўлган пайтда ҳам амалга ошади. Қадам ташлаш нерв тизимининг асосий функцияларидан бири бўлиши керак.

Агар биринчи қадам ўнг оёқдан бошланса – биринчидан, бир вақтнинг ўзида пастки ўнг мучада уч хил жараён кечади. Ўнг тос букилади (тизза пол томондан йўналган), ўнг тизза букилади (оёқ полдан узоқлашади), ўнг товон тўпиғи биринчисидан ташқари ҳар бир қадамда букилади. Ҳамма оғирлик чап оёқда бўлади, агар ўнг оёқ чап оёқ бўйлаб олдинга ҳаракатланса, бу ҳолда ўнг тоснинг букилиши кўпроқ бўлади ва оғирликни ўнг оёқнинг товонига беришга тайёргарлик кўрилади. Шу пайтнинг ўзида ўнг оёқнинг қадам ташлаши ривожланиб борса, ўнг оёқ чап оёқдан олдинга ўтади, чап тўпиқ букилиб турткига ва полдан итарилишга тайёрланади.

Сиз асосий эътиборингизни товон ва унинг бўғинларига қаратинг. Ўнг товон полга таянади, итарилади ва тана оғирлиги чап оёққа ўтади. Тана олдинга йўналишни давом эттирган пайтда, ўнг оёқ пастидан ва тиззадан букилиб тана оғирлигини қабул қилишга тайёрланади. Чап оёқ товондан букилиб полдан итарилади. Қўллар оёқ ҳаракатига нисбатан алмашилиб ҳаракатланади. Чап оёқ олдинга ҳаракатланганда юқори ўнг қўл орқада қолади.

Бемордан стулдан туриб сиздан узоқлашини сўранг (6-7 м ва шу атрофида), уни тезда чапга буриш ва тўхтовсиз сизга қараб келишини сўранг. Қасонки бемор сизгача етиб келса ундан тезда ўнг тарафга бурилишини айтиш ва жараённи такрорланг. Юриш вақтида содир этилган тез бурилиш атаксияни чақиритиши мумкин, ва буни бошқа усул билан аниқлашнинг имкони йўқ.

## **Синовдан ўтказиш**

Агар оддий юриш нормал ҳолда бўлса, патологик ўзгаришларни чақирадиган бир қатор синовларни ўтказинг. Бемор тўғри чизик бўйлаб товондан оёқ учиға ўтиши керак. У ўнг товонини чап товони бармоқлари томонига қўйиши керак, кейин чап товонини тезда ўнг товони бармоқлари олдиға қўйсин ва хоказо. Кўпчилик инсонлар бутун хонани айланиб чиқиши мумкин. Агар бемор буни уддалай олмаса, бу мияча патологиясининг белгиларига кирмайди, лекин шу вақтда бу ундай бўлмаслиги ҳам мумкин.

- Бемордан кузатув жойидан оёқ учиға ўтишини сўранг;
- Ундан кузатув жойидан орқаға оёқ учиға ўтишини сўранг;
- Бемордан хона бўйлаб бир оёқда, кейин эса иккинчи оёқда сакрашини сўранг.

### **Ромберг синови**

Ромберг синови Генрих Мориец Ромберг (1795-1873) шарафига аталган. Бу синов атаксияни баҳолашда ёки атаксия периферик (сенсорли) ёки марказий (масалан, миячали) эканлиги ҳақида қарор қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга эмас. Синовнинг асоси, мувозанат дефектиға эга одам зарарланган структура функциясини визуал назорат билан алмаштиради. Агар бемор орқа устунларнинг патологияси, периферик неврит, ёки бирор сабабға кўра патологик сезги туфайли атаксик қадам ташлашға эга бўлса, шарт шуки горизонтни, хона деворларини, ёки бирор бир ориентирни кўра олса унинг юриши шахдам бўлиши мумкин. Агар бемор кўзини юмса ёки қоронғу хонада юришға мажбур бўлса, атаксия яққол намоён бўлади. Ромберг синамаси қуйидагича ўтказилади. Бемор оёқда туради, товонлари мумкин қадар максимал даражада бир бириға яқин бўлсин, ва у ўзини қулай ҳис этсин. Кейин ундан кўзларини юмиш сўралади. Агар у мувозанатини йўқотса Ромберг синови ижобий ҳисобланади. *Беморнинг кўзини юмганда орқаға ва олдинға оғишида Ромберг синови ижобий деб бўлмайди.* Бу майда ва нормал ҳаракатларнинг сабаби, бемор ўзининг бир ёки иккинчи томонға оғишини сезиб ўзини ўнглаб олишға уринади ва бу эса кучли коррекцияға (overcorrects) олиб келади, ҳамда унинг бир томонға кўпроқ оғишиға сабаб бўлади. Бемор уни кузатаётганлигинингизни англаётган бўлса, у ўзининг фазодаги ҳолатини идора қилишға ҳаракат қилиб гавда мувозанатини яхши ушлаб тура олади. Одатда, агар сиз беморға “қимирламасдан туринг” деб айтсангиз, бемор чайқалишдан тўхтайдди. Бошқа томондан эса, Ромберг синамаси чин мусбат бўлганда, бемор гавда вазиятини оғиши бошланаётганини билмайди ва у йиқилади. Бу вақтда у бўлаётган жараённи тузатишға уринмайди. Агар унинг кўзлари очиқ бўлса, қоматини тик сақлаб туришға ҳаракат қилиши мумкин. Агар у кўзларини юмса, буни қила олмайди. Марказий, яъни мияча типидаги атаксиядан фарқли ўлароқ, Ромберг синамасининг мусбат бўлиши атаксиянинг сенсор ёки афферент типидан далолат беради. Атаксиянинг

ҳар хил турлари ва нерв тизимининг ҳар хил қисмидаги зарарланишлар билан касалланган беморлар, ёпиқ бинода, деворларга яқин ва таниш вазиятларда ишончли юра олишини таъкидлашади. Лекин улар кўчада юришга қийналади ва қоронғуда эса умуман юра олмайди. Шундай қилиб, биз атаксияси бор беморга марказий миёча зарарланишидан фарқли равишда сенсорли загарланишга эга бўлганлиги сабабли Ромберг синамасини тахмин қилиш учун қўллай олмаймиз. Агар бемор қадам қўйишида беқарорликдан ёки қоқилишдан шикоят қилса, чегараланган қабул пайтида ҳеч қандай атаксия белгилари аниқланмаган бўлса, сиз камгина атаксияни чақиришга уриниб кўришингиз мумкин. Унга тик туриб, кўзларини юмиб оёқларини бир жойга қўйишини сўранг. Шундай қилиб, синов унинг симптомлари кузатиладиган жисмоний белгиларини аниқлашда ёрдам беради, лекин, зарарланиш ўчоғи қаерда жойлашганини аниқлай олмайди.

### **Аномал юриш билан кўп учрайдиган касалликлар**

#### **Паркинсонизм**

Паркинсонизм билан касалланган беморларнинг юриши ҳар қачонгидан кўра секин, жиддий ва оҳиста. Қадам ташлаши борган сари кичрая боради ва оқибатда шалвирайдиган юришга ўтади. Касалликнинг сўнгги паллаларида беморлар тиззаларини ва тос қисмидаги бўғинларини букиб, оёқ учида ва оёқларини олдинга ташлаб юради. Унинг қўллари билан бўғинлари томонга букилган, унинг қўллари белидан ва қорнидан олдинга жойлашган.

Ернинг майда дўнгчалари беморнинг қоқилишига сабаб бўлади. Унинг мувозанатининг тикланиши суст ва секин, кўп йиқилишлар билан бирга тикланади. Юришнинг бузилиши ва оёқлардаги чекланганлик бу касалликдаги биринчи ва ягона шикоят бўлиши мумкин, чунки ҳали беморда тремор, акинезия, ригидлик, юзида ва овозида патологик ўзгаришлар билинмайди.

#### **Марказий нейроннинг зарарланиши**

Бир томонлама гемиплегик юриш қўл ва оёқлар ҳаракатининг бузилишига тенглаштирилади. Юриш пайтида қўл ҳаракатланмайди, бармоқлари ва билагини букилган. Қўл одатда елка соҳасидан қорин томонга қараб букилган. Сон тос бўғинига қараб олдинга ва ташқарига букилиши ва инверсияси билан бирга бурилган. Оёқнинг тўпиқ қисмида ва сониди фалажлик, ҳамда тос бўғинида букилиш кузатилади. Ана шу сабаларга кўра оёқ тосдан улоқтирилгандай ва яна қайта келгандай кўринади, шу сабабли товон бармоқларини полда судрамасликка ҳаракат қилади.

**Икки ёқлама.** Марказий мотонейроннинг икки томонлама зарарланишида оёқларда гипертонус кузатилади, бу ҳолатда тиззада букилишсиз қадамлар майдалашади ва қайси оёқ вазнини кўтариб тургани ёки олдинга қадам

ташлаганидан қатъий назар тўпикдаги итарилиш ҳаракатининг иложи йўқ. Юриш кўп машаққатни талаб қилади, оёқ бармоқлари эса пол узра судралади. Бу бузилишлар кўпинча пастки мучаларнинг ҳар бир қийинлашган ҳаракатида тана ҳаракатлари билан ёки юқори мучалар ҳаракатлари билан компенсацияланади. ушбу бузилишлар аралаш спастика, ҳамда мияча атаксияси деб кўрсатилган. Булар кўпинча тарқоқ склероз билан касалланган беморларда кузатилади.

**Чанок сон бўғимининг, бел пастки қисмининг ва қорин пресси мушакларининг сустлиги.**

Аномал юришнинг бу тури, одатда мушак дистрофияси натижасида бўлиши мумкин, гарчи миозит, полиомиелит, ва ён томон амиотрофик склероз натижасида ҳам бўлади. Бемор бир томондан иккинчи томонга “судралади”, қорни шишган, катталашган бел лордоз, ва қийинчилик билан стулдан туради.

**Юриш апраксияси**

Юриш апраксияси қарийиб ҳамма вақт босқичма-босқич бошланади ва секин аста ривожланиб боради. Касалликнинг бошланишида бемор шундай юрадики, оёқларини бир-бирига яқин қўяди, майда қадамлар ташлайди (ҳар бир қадам унинг оёғи узунлигидан калта), юришда сонлари ва тиззалари букилган. Тез-тез паузалардан кейин майда қадамлар серияси бошланади. Юриш бир неча ой ёки йиллар давомида бемор мустақил юра олмасликкача ёмонлашади. Уни икки томондан кузатиб борувчининг, ёки механик юргизгичларнинг фойдаси бемор учун унчалик билинмайди. Унинг хаёлига оёқлари худди полга ёпиштириб қўйилгандай туюлади. Агар унинг бир оёғини кейин эса иккинчи оёғини оддий нормал қадам масофасида кўчирилса ва ундан ўзи мустақил равишда оёғини олдинга ташлашини сўралса, у оёғини бир неча сантиметрга ташлаши мумкин, лекин тўлақонли қадам ташлай олмайди. Бу бузилишларнинг диагностикадаги мураккаблиги шундан иборатки, кўрув пайтида сиз оёқдаги нормал ҳаракатларни кўра оласиз, яъни бемор стулда ўтирган пайтида оддий ҳолдагидай оёқларини бука олади ва тўғрилайди. Сиз ҳеч қандай марказий нейроннинг, сенсор тизимининг, базал ганглийларнинг зарарланиш ёки мияча касалликларининг белгиларинин кузата олмайсиз. Бу беморлар юришдаги, чалқанча ётганида велосипед педалларини айлантириш ҳаракатларини имитация қила олади.

Бу бузилишлар деменция билан ёки пешона бузилишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

**Нормотензив гидроцефалия**

Нормотензив гидроцефалия симптомлари қуйидаги триада ҳисобланади: акли заифлик, юришнинг бузилиши ва сийдикни тута олмаслик. Бу симптомлар бир-бири билан боғлиқ бўлмаслиги ва яққол намоён

бўлмаслиги мумкин. Бу касалликда атаксия юришда оёқларни кенг ташлаш, секин юриш ва беқарорликда намоён бўлади. Бу бемордаги апраксия касаллигидаги юришни эслатувчи худди ўшанинг ўзи эмас.

Беморда атаксик юришидаги ҳисобга олининши керак бўлган бошқа касалликлар:

- Фридрейх атаксияси;
- Наслий мияча атаксияси;
- Оливопонтцеребелляр дегенерация;
- Телеангиэктазияли мияча атаксияси (Луи-Бар синдроми);
- Миячанинг паренхиматоз дегенерацияси.

Сурункали алкоголизм билан касалланган беморларда овқат ҳазм қилишнинг бузилишлари сифатида ёки метастатик бўлмаган саратонни олиб ташланганлиги сифатида:

- Бош мия қон босимининг баландлиги;
- Ҳар хил препаратлар передозировкаси.



## 3 БОБ. МИЯ УСТУНИ

Мия устуни кўпроқ каудал жойлашган ва филогенетик жиҳатдан миянинг энг кекса қисми ҳисобланади. Мия устуни иккига узунчоқ (одатда узунчоқ деб аталадиган), ва ўрта (ёки ўрта мия) кўприкларга ажралади. Узунчоқ мия орқа миянинг худди росстрал давомидай ҳисобланиб, шу вақтнинг ўзида эса ўрта мия оралиқ миядан сал пастроқда жойлашган; кўприк бош мия устунинг ўрта қисми ҳисобланади. Бош мия устунидан 12 жуфтдан 10 жуфт бош мия нервлари (CN III-XII) чиқиб, биринчи навбатда бош ва бўйин иннервацияси учун жавобгардир. Биринчи БМН (I) (ҳид билиш нерви) ҳид билиш йўлининг бошланғич кесмаси ҳисобланади. Иккинчи БМН (II) (кўрув нерви) периферик нерв ҳисобланмайди, у кўпроқ марказий нерв тизимининг ўтказувчи йўли ҳисобланади.

Бош мия устуни жуда кўп миқдордаги ўтказувчи йўлларни, шу жумладан мияни ташқи аъзолар билан боғлайдиган чиқувчи ва тушувчи йўлларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Бу йўлларнинг баъзилари бош мия устунидан ўтганда ўрта чизикни кесиб ўтиб қарама-қарши томонга ўтиб олади, баъзилари эса йўлни давом эттиришдан олдин у ерда синапсларни ҳосил қилади. Мия устуни кўп миқдорда ядроларга эга, жумладан бош мия ядроларини (III – XII) ўз ичига олган бош мия нервлари ядролари; қизил ядро ва ўрта миянинг қора моддаси, кўприк ядроси ва узунчоқ мия ядролари, бу ҳамма ҳосилалар қарама-қарши боғламнинг ҳаракат регуляторли ҳалқаларини ҳосил қилишда муҳим рол ўйнайди; ҳамда ўрта мия қобиғи пластинкасининг ядролари (тўрт тепалик ядролари) бўлиб, улар кўрув ва эшитув йўлларига бериладиган импульсларни узатишда муҳим ретрансляцион “станция” ролини ўйнайди. Ундан ташқари мия устуни кўпроқ ёки камроқ жипс жойлашган нейронларга эга (ретикуляр формация) диффуз тўр билан қопланган бўлиб, организмнинг муҳим ҳаётий функциялари учун асосий вегетатив регулятор марказлардан иборат, шу жумладан юрак фаолияти, қон айланиши ва нафас олиш учун. Ретикуляр формация бош мия пўстлоғига ҳушни сақлаш учун активация импульсларини юборади. Ретикуляр формациядан чиққан пастга тушувчи йўллар орқа мия ҳаракат нейронлари активлигига таъсир ўтказади.

Устун шу майда жойда шунчалик кўп ҳар хил ядроларга ва нерв йўлларига эгаки, бу ердаги энг майда патологик ўчоқ ҳам бирданига ҳар хил неврологик синдромларга олиб келиши мумкин (масалан, ҳар хил устун томир биркмалари синдроми). Мия устунининг зарарланишида кесишувчи фалажлик ёки альтернатив гемиплегия кузатилади, унда бош мия нервларининг етишмовчилиги зарарланган томонга тананинг контрлатерал томонидаги фалажлик билан бирга намоён бўлади.

Умуман олганда, бош мия нервлари функциясининг бузилишини ядро усти деб таснифланишимумкин, яъни булар: бош мия пўстлоғида белгиланган олий марказлар томонидан чиқадиган ва бош мия устунининг ўзига мос бош мия нервлари ядроларига тугайдиган пастга тушувчи йўлларнинг зарарланиши; ядродаги, яъни патологик ўчоқ бош мия нерви ядросининг ўзида бўлса; фасцикуляр – илдизчали зарарланиш, яъни бош мия устунидан чиқишидан олдин нерв илдизчаларининг ҳамда толаларнинг зарарланиши; периферик, яъни бош мия нервлари устундан чиққандан кейин зарарланиши. Клиник кўринишлар патологик ўчоқ жойлашган жойига боғлиқдир.

### **Бош мия устунининг анатомияси**

Бош мия устунининг учта бўлими – ўрта мия, кўприк ва узунчоқ мия бош мия устунининг вентрал юзасида аниқ чегараларга эга (6.1а – расм).


### **Узунчоқ мия**

Узунчоқ мия рострал йўналишда биринчи бўйин нерви (С1) илдизчасининг чиқиш жойидан, катта энса тешигигача ва кўприк чегарасигача ёйилган, ва у 2,5 – 3 см ни ташкил қилади.

**Орқадан кўриниш.** Узунчоқ миянинг дорсал қисмида ўрта чизикдан икки томонда ингичка ва фонасимон ядроларнинг дўнгликлари кўринади (6.1в – расм). Бу икки томондаги кичик дўнгчалар ингичка ва фонасимон ядролардан ташкил топган. Бу ядролар ўзгартирувчи реле ҳисобланиб, уларга, иккинчи нейроннинг афферент йўли синапсини ҳосил қиладиган ва ўз навбатида медиал илмоқ таркибида таламусга йўналадиган, орқа миянинг чуқур туйғуларини ҳис қилувчи орқа устунлари келиб тугайди. Бош мия устунининг рострал чегарасимияча ўрта оёқчасининг дум қисми орқали ўтадиган чизик билан белгиланади. Тўртинчи қоринчанинг ёки ромбсимон чуқурчанинг туби ён томонлардан миячанинг пастки ва юқори оёқчалари билан чегараланган, ҳамда рострал ва каудал қисм билан бўлинган бўлиб, ўртада равоқсимон ядролардан миячагача келадиган толаларга эга мия тасмалари ёйилган. Тўртинчи қоринчанинг дум қисми бошмия ва нерв яроларидан, жумладан адашган учбурчакдан (ёки “Trigone”; адашган нервнинг дорсал ядроси), тил ости учбурчагидан (тил ости нерви ядроси), ҳамда вестибуляр соҳадан (вестибуляр ва кохлеар ядролар) ташкил топган бир қатор тепаликлардан (дўнгликлар) иборат, шу вақтнинг ўзида рострал қисм юз нерви толаларини ҳосил қилгвн, узоклаштирувчи нерв ядросини айланиб ўтадиган юз нервининг дўнгликларидан иборат. Тўртинчи қоринчанинг қопқоғи юқори мия елканини, мияча оёқчаларини ва миячанинг ўзини ҳосил қилади.

**Олдиндан ва ён томондан кўриниш.** Узунчоқ мияни олд томондан кўрган пайтда (6.1 – расм) у ерда пирамидалар яққол кўзга ташланади, бу пирамидалар ўз номини пирамида ўтказувчи йўлидан олган бўлиб, ушбу йўлнинг толалари узунчоқ миянинг пирамидалари орқали ўтади. Узунчоқ мия пирамидаларидан сал пастроқда пирамидал кесишмани кўриш

мумкин. Пирамидалардан икки латерал томонда бошқа айлана ҳосилалар, яъни олива деб номланган иккита ҳосила бўртиб чиққан бўлиб, уларга пастки олива ядролари ётади.



### Кўприк

Вентрал кўриниш. Кўприк деб аталишига сабаб, агар олдиндан қараганда, худди у иккала мияча ярим шарларини горизонтал жойлашган толалардан ташкил топган кенг тасма билан боғлагандай кўринади, ва у каудал мия кўприги ҳамда ўрта миянинг росстрал мия шохлари (*cruciacerebri*) билан чегараланган.

Понс вентрал аспекти ўрта чизиғидаги унчалик чуқур бўлмаган эгатча вертикал борадиган базиляр артерияга эга. Эгатча артерия томонидан эмас, балки, кўприк асосидан ўтувчи, пирамидал трактдан ҳосил бўлган икки томондаги дўнгликлардан ташкил топган.

**Профиль.** Ён томонлама кўринишда (6.1 – расм) миячанинг ўрта оёқчасини (*brachiumpontis*) ҳосил қилиш учун бир жойга тўпланган, горизонтал жойлашган кўприк толалари кўринади. Уч шохли нерв (CNV) мияча ўрта оёқчасининг бошланишига кўприкдан нақ медиал чиқади.

**Дорсалли.** Кўприк дорсал нуқтаи назардан тўртинчи қоринча тубининг юқори қисмини ҳосил қилади. У учбурчак формасига эга, асоси эса горизонтал чизикдан иборат бўлиб орқа мия варолиев кўприги ва узунчоқ


мия аспектлари орасидаги чегараларни аниқлаб беради. Бу иккала чизиқнинг охирида ён томонлама апертуралар (Лушка тешиклари) орқали тўртинчи қоринча субарахноидал бўшлиққа очилади. Тўртинчи қоринчанинг ўрта апертураси (Мажанди тешиги) қоринчанинг пастки қисмида кўриниб туради (6.1с – расм). Тўртинчи қоринчанинг қопқоғи миячанинг юқори оёқчаларидан (brachiaconjunctiva) ҳосил бўлган.

### Ўрта мия

Ўрта мия кўприк ва оралиқ мия орасида жойлашган.

**Вентрал кўриниш.** Вентрал кўриниш кўприккакирадиган кўзга ташланувчи иккита тутам толаларни кўрсатади. Булар мия оёқчалари, ёки муқобил айтганда cruracerebri (бирликда: cruscerebri). Умуртка чуқурчаси деб ном олган, оёқчалар орасидаги эгатча бош мия устунидан чиқадиган иккала кўзни ҳаракатлантирувчи нервларнинг (CNIII) чиқиш жойи ҳисобланади. Церебрал оёқчалар кўприкка кирган заҳоти каудал йўқолади; рострал юзада улар бош мия ярим шарларига киришдан олдин оптик трактлар билан ўралган (6.1а – расм).

### Ромбсимон чуқурча тубидаги бош мия ядроларининг проекцияси



мия устундаги бош мия нервлари ядролари  
(орқа томондан кўриниши)


- 1-кўзни ҳаракатлантирувчи нерв
- 2-қизил ядро
- 3-кўзни ҳаракатлантирувчи нерв ядроси
- 4-кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг қўшимча ядроси
- 5-ғалтак нерви ядроси
- 6-ғалтак нерви
- 7-уч шоҳли нервнинг ҳаракатлантирувчи ядроси
- 8,30-уч шоҳли нерв ва тугўни
- 9-узқлаштирувчи нерв
- 10-юз нерви ядроси
- 11-юз нерви тиззачаси
- 12-юқори ва пастки сўлак ажратувчи ядро
- 13,24-тил-ҳалқум нерви
- 14,23-адашган нерв
- 15-қўшимча нерв
- 16-икки ёқлама ядро
- 17,20-адашган нервнинг дорсал ядроси
- 18-тил ости нервнинг ядроси
- 19-қўшимча нервнинг орқа мия ядроси
- 22-уч шоҳли нервнинг орқа мия ядроси
- 25-вестибуляр нерв
- 26-чиғаноқ нерви
- 27-дахлиз-чиғаноқ нерви
- 28-юз нерви
- 29-уч шоҳли нервнинг асосий ядроси
- 31-уч шоҳли нервнинг ўрта ядроси

6.2.расмда мия устун орқа томондан схематик равишда кўрсатилган

**Дорсалли.** Ўрта мия дорсал нуқтаи назардан (midbraintectum, яъни “қопқоқ”) тўртта дўнгликдан иборат бўлиб, барчаси квадригеминал

пластина деб аталади. Визуал маълумот иккита юқори дўнгликда (юқори colliculi), эшитув маълумоти эса улардан сал кичикроқ иккита пастки дўнгликда ишлов берилади (пастки colliculi). Пастки дўнгликларнинг икки томонининг сал пастроғидан бош мия устунидан чиқадиган ғалтак нерви (CNIV) мия оёқчаси орасидан вентрал йўналади. Бу орқа мия аспектларидан чиқадиган ягона бош мия нерви ҳисобланади.

**Профиль.** Квадригеминал пластинадан ён томонда жойлашган иккита катта бўлмагагн дўнгликлар бу медиал тана (эшитув ретранслятори соҳаси) ва ён томондаги тана (кўрув ретранслятори соҳаси) ҳисобланади.



Алоҳида бош миянинг келиб чиқиши, таркиби ва функциялари 6.1 – жадвалда санаб ўтилган бўлиб, 12 та бош мия нервларининг мия устунидан ҳосил бўлиш жойлари, функционал компонентлари, ҳамда уларнинг ташқи ҳосил бўлиш жойлари ва тугаши ҳақида синоптик маълумот беради. Ҳамма 12 та бош мия нервлари, I дан (ҳид билиш нерви) XII гача (тил ости нерви) расмда кўрсатилган; лекин шуни инобатга олиш керакки, иккинчи бош мия “нерви” – кўрув нерви периферик нерв эмас, балки марказий нерв тизимининг тракти ҳисобланади. Шуни эслатиб ўтамизки, орқа мия нерв толаларини соматик афферент, соматик эфферент, вегетатив афферент ва вегетатив эфферент толаларга классификация қилиш мумкин. Бош мия нервларининг классификацияси икки сабабга кўра қийинроқ кечади. Бош мия нерв толаларининг баъзилари, бошнинг сезги аъзоларидан (кўрув,


эшитув, таъм билиш, ҳид билиш)ҳосил бўладиган махсус сенсор толалардан иборат. Ундан ташқари, бош мия эфферент нерв толаларининг баъзилари шохли равоқлардан эмбриологик ташкил топган ядро соҳаларида ҳосил бўлади; бу толалар шохли мушакларни иннервация қилади.

Бош мия нерв толаларининг етти марталик классификация натижалари:

- Соматик афферент толалар (оғриқ, ҳарорат, тегиниш, қон босими ва терида қабул қилувчи проприоцептив ҳислар, пайлар, боғламалар).
- Ички аъзолардан импульсларни (оғриқни) олиб келадиган вегетатив эфферент толалар (ёки, альтернатив, висцериал афферент толалар).
- Махсус рецепторлардан (кўз, қулоқ) импульсларни элтувчи махсус соматик афферент толалар.
- Таъм билиш ва ҳид билиш билан боғлиқ импульсларни элтучи махсус висцериал афферент толалар.
- Ҳаракат импульсларини скелет мускулатурасига (кўзни ҳаракатлантирувчи, ғалтак, узоқлаштирувчи ва тил ости нервлари) элтувчи умумий соматик эфферент толалар.
- Силлиқ мушакларни, юрак мускулатурасини ва безларни иннервация қиладиган висцериал эфферент толалар (ҳам симпатик, ҳам парасимпатик).

### **Бош мия усунининг топографик анатомияси**

Шу пайтгача биз чиқадиган ва пастга тушадиган орқа мия йўллари ва мия устунисидаги бош мия ядроларининг жойлашувини, ҳамда уларнинг ҳосил бўлган илдиз толаларини ва марказий боғламларини муҳокама қилдик. Бу бўлимда мия устунидан ўтувчи топографик йўллар, ҳамда бошқа ядроларнинг жойи ва функциялари кўриб чиқилади. Бош мия усунининг топографик анатомияси ҳақидаги билим, бош миянинг, кўприкнинг ва ўрта миянинг зарарланиши оқибатида ҳосил бўлган клиник синдромларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга.



**Бош мия нервларининг соматосенсор ва махсус сенсорли ядролари, ён томондан кўриниш**

№ т/р	Нерв номи	Функционал характеристика	Миядан чиқадиган жойи	Калладан чиқадиган жойи
1	Ҳид билиш	Сезувчан	Ҳид билиш пиёзчаси	Панжарали суяк тешилган пластинкасининг ёриғи
2	Кўрув	Сезувчан	Кўрув нервларининг кесишмаси	Кўрув канали
3	Кўзни ҳаракат-лантирувчи	Ҳаракат-лантирувчи	Оёқчалар орасидаги чуқурча	Юқори кўз косаси ёриғи
4	Ғалтаксимон	Ҳаракат-лантирувчи	IV қоринча копкоғидан миячанинг юқори оёқчалари оралиғидан	Юқори кўз косаси ёриғи
5	Уч шохли	Аралаш	Мияча ўрта оёқчалари асоси	I шох – Юқори кўз косаси ёриғи II шох – айлана тешик III шох – овал тешик
6	Узоқлаш-тирувчи	Ҳаракат-лантирувчи	Пирамида ва кўприк оралиғида	Ички эшитув йўли – пона сўрғичсимон тешик
7	Юз	Ҳаракатлан-	Кўприк ва олива	Ички эшитув йўли –

		тирувчи	оралиғида	пона сўрғичсимон тешик
8	Эшитув	Сезувчан	Олдингисидан латерал томонга	Ички эшитув йўли
9	Тил-халқум	Аралаш	Олдингисидан пастроқда	Бўйинтуруқ тешиги
10	Адашган	Аралаш	Яна пастроқда	Бўйинтуруқ тешиги
11	Кўшимча	Харакатлан-тирувчи	Яна пастроқда	Бўйинтуруқ тешиги
12	Тил ости	Харакатлан-тирувчи	Олива ва пирамида оралиғида	Тил ости нерви канали

### Бош мия устунининг ички структураси


Бош мия устунни муҳим ядролардан, ретикуляр формациядан, оливадан, қизил ядродан, nigra субстанциясидан ва бошқалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига тегишли бўлимда кўриб чиқилади. Шу билан бирга ядроларнинг бир-бири билан, ҳамда мия, мияча ва орва мия билан боғлиқлигини муҳокама қиламиз.

6.5 ва 6.6 расмда мия устунининг узунасига ва кўндаланг диаграммалари кўрсатилган бўлиб, унда алоҳида ядролар, пастга тушувчи ва чиқувчи йўллар ва уларнинг фазодаги нисбатлари кўрсатилган. 6.7 ва 6.8 расмларда бош миянинг ён томонлама ва дорсал кўринишида толаларнинг алоҳида йўллариининг фазодаги нисбати кўрсатилган.


### Узунчоқ мия

Кулранг ва оқ модданинг мия устундаги фазовий жойлашуви орқа миянинг худди шундай жойлашувидан миянинг энг паст табақаси бўйича фарқ қилади (яъни 6.5 – расм). Олдинги шохлар ҳали ҳам кўринади: улар биринчи бўйин нерви ва ёрдамчи нерв илдизи учун мотор ядроларга эга. Кортикоспинал трактнинг пастга тушувчи толалари пирамидаларда жойлашган; бу толаларнинг кўпчилиги шу текисликда ўрта чизикни кесиб ўтади, кейин эса орқа миянинг ён томонлама контрлатерал фуникулусига тушади. Орқа соҳадаги колонкаларда иккита ядро аниқланган, улар cuneatus ядроси ва gracilis ядроси. Бу ретрансляцион ядролар орқа мия орқа ипчасининг чиқувчи толалари учундир. Улар, ўз навбатида импульсларни медиал илмоқ орқали контрлатерал таламусга проекциялайди. Бу икки ядро соматотопик жойлашган бўлиб (нуқта – нуқта проекцияси), cuneatus ядроси юқори мучалар учун, gracilis ядроси эса пастки мучалар учун толаларга эга. Бу somatotopy медиал илмоқда, таламусда ва бирламчи сенсор пўстлоққача сақланади. 6.8 – расмда медиал илмоқдаги эгри – бугри жараён кўрсатилган: пастки мучалар учун импульсларни юборадиган толалар кўпроқ латерал, юқори мучалар учун импульсларни юборадиган толалар эса кўпроқ медиал жойлашган.






Расм 6.5. Узунчок мия




6.б.расм. 4та турли хил сатхлардаги кўприк ва ўрта миyaning кўндаланг кесими


Кенг кўламдаги ҳужайралар тармоғи, ён томонлама ретикуляр ядро орқа миянинг ретикуляр ҳосиласидан кирувчи толаларни қабул қилади. Бу ядро олива ядроларига нисбатан дорсал жойлашган. Спинал – ретикуляр толалар теридан ва ички аъзолардан сенсор импульсларни элтади. Бу толалар орқа мияга кўпроқ аралашган ҳолда ўтади, улардан баъзилари эса спинал таламик тракт билан биргаликда бирлашма ҳосил қилади. Кларк ипчасидан бошланиб орқа мияга ипсилатерал кўтариладиган орқа спинал-церебелляр тракти, аввал каудал мияда ўз ҳолатини сақлайди, кейин эса кўпроқ дорсал ҳолатга ўтиб, охири миячанинг пастки оёқчаси орқали миячага борадиган оливоцеребелляр трактни кузатиб боради (6.7 ва 6.8 – расм). Бир қисми кесишадиган олдинги спинал-церебелляр тракт узунчоқ мия ва кўприкни кесиб ўтиб миячанинг юқори оёқчалари орқали миячага киради (6.7 ва 6.8 – расм). Оливанинг ядро комплекси узунчоқ миянинг рострал қисмида жойлашган. Тахлаб қўйилган қопни эслатадиган пастки оливанинг (6.7 ва 6.8 – расм) кулранг модда япроғи, марказий тегментал тракт орқали ўрта миянинг қизил ядросидан афферент сигналларнинг катта қисмини қабул қилади. У қўшимча афферент маълумотларни йўл-йўл, периакведуктал кулранг моддадан, ретикуляр формациядан ва кортико-оливо тракти орқали бош мия пўстлоғидан олади. Пастки оливанинг эфферент толалари ўрта чизиқни кеси ўтиб оливоцеребелляр трактни ҳосил қилади, ва у миячанинг пастки оёқчаси орқали миячага киради ва импульсларни неоцеребелляр пўстлоқнинг ҳамма жойига беради (6.7 ва 6.8 – расм). Бу оливоцеребелляр проекция ихтиёрий ҳаракат координацияси тизимига киради; у кейинги мияча ва базал ганглийларга таалукли бўлган бўлимларда муҳокама қилинади.



Поперечное сечение моста и среднего мозга на четырех различных уровнях. (б)



6.7.расм. Мия устундаги толаларнинг бирикмалари, ён томондан кўриниши. а) Эфферент йўллари. б) миёча йўллари в) афферент йўллар



**6.8.расм. Мия устундаги толаларнинг бирикмалари, ён томондан кўриниши. а) Эфферент йўллари. б) мияча йўллари с) афферент йўллар**

Пастки оливанинг ёки марказий тегментал трактнинг зарарланиши юмшоқ танглайнинг, халқумнинг, баъзида эса диафрагманинг ритмик пирпирашни келтириб чиқаради (миоритмия, миоклонус, сингулярлик). Ишемия – бу одатий сабабдир.

Кортикоспинал ва кортиконуклеар трактларнинг белгиланган йўллари бош мия устунининг кўндаланг кесимидаги диаграммасида ва 6.7 ва 6.8 – расмларда кўрсатилган.

Руброспинал тракт ҳам узунчоқ мия орқали ўтади. Бу йўл ўрта миянинг қизил ядросидан бошланиб, ўрта чизикни ундан узок бўлмаган масофада ва пастроқда вентрал қопқоқ кесишмасида (форель) кесиб ўтади. У орқа миянинг ён томондаги каналидан пастга тушган пайтда ён томонлама кортикоспинал трактни кузатиб боради (6.8 – расм).

Тектоспинал тракт ўрта миянинг тектумидан бошланади ва дарров дорсал тегментал декуссия (Мейнерт) деб аталувчи кулранг периакведукт атрофида тебраниб ўрта чизикни кесиб ўтади. Тектоспинал тракт олдин ўрта чизикқа яқинроқ жойга тушади, кейин эса босқичма-босқич вентрал ва ён томонлама ҳолатни қабул қилади, у бу ерда руброспинал тракт яқинидаги узунчоқ миянинг вентролатерал қисмига секин жойлаша бошлайди. Узунчоқ мияга борадиган йўл бўйлаб тектоспинал тракт экстраокуляр мушакларни иннервация қилувчи ядроларга, ҳамда юз нерви ва мияча ядроларига коллатераллар ажратади. У орқа миянинг бўйин соҳасида тугайди. Функцияси: юқори *colliculi* тўр пардадан визуал кирувни ва пастки *colliculi* эшитиш кирувини қабул қилади. Интенсив кўрув ва эшитув кўзғатувчи омиллари кўзнинг рефлектор юмилиши, бошнинг омилдан бурилиши, баъзида эса қўлларнинг кўтарилишини (ҳимоя позицияси) чақиради; бу рефлекслар тектоноядровий ва тектоспинал йўлларга восита бўлиб хизмат қилади. Энга қисми ва юқори колликуляр пластинанинг функционал бир бирига боғлиқлиги олдинги бўлимларда айтиб ўтилган эди. Бу икки структура тектоспинал йўллар билан бирга ишлаб, агар одам ҳаракатланаётган объектга қараётган бўлса, кўз ва бошнинг автоматик ҳаракатини таъминлайди.

Узунчоқ миянинг, кўприкнинг ва ўрта миянинг расмдаги ҳар хил кўндаланг кесимларида катта ядролар ва чиқувчи ва тушувчи йўлларорасидаги ораликларда бир неча диффуз бўлинган ҳар хил ўлчамдаги ядроларни кўриш мумкин, баъзида улар жуда кенг кўламдаги толалар билан боғланган ядровий гуруҳларни ташкил қилади. Бу бир-бири билан боғланган нейрон гуруҳлари ретикуляр формация, структура номи билан маълумдир. У Моруцци ва Магун (1949) томонидан илк бор тан олинган. Ретикуляр ҳосила (латерал ва орқа фуникулерлар оралиғида жойлашган) узунчоқ мия ва кўприк орқали орқа миядан юқорига, ўрта миянинг оғиз қисмигача ёйилган (6.5 ва 6.6 – расм). Биз унинг функциясини кейинроқ муҳокама қиламиз.

Мия моддасининг асосий ядроларидан бири адашган нервнинг дорсал ядроси ҳисобланиб, тўртинчи қоринча полининг тагида жойлашган (6.1 – расм). У орқа миянинг ён томонлама шохлари T1 дан L2 гача (симпатик) нейронларига ўхшаш вегетатив мотор нейронларидан (яъни, парасимпатик) иборат. Соматосенсор ва махсус сенсор ядро бу кўпроқ

латерал жойлашган *tractussolitarius* ядродир. Унинг рострал қисми VII, IX ва X бош мия нервларидан таъм билиш сигналларини қабул қилади. Унинг тўш ва қорин ички аъзоларидан афферент толалари оладиган каудал қисми эса адашган нервнинг дорсал ядроси, ретикуляр формациядаги висцерал марказлар ва нейронлар билан, ҳамда орқа миянинг ён томондаги шохларининг вегетатив ядролари билан боғланган. Шундай қилиб, бу ҳамма ядролар юрак қон-томир, нафас олиш ва ҳазм қилиш функцияларини, ҳамда бошқа вегетатив жараёнларни тартибга солувчи рефлектор ёйида қатнашиши мумкин (6.9 – расм).

Тил ости нерви ядроси ва *ambiguous* ядросини бош мия нервлари, ҳамда вестибуляр ядролар ва уч шохли нерв орқа мия трактининг ядроси бўлимида муҳокама қилинган эди. Медиал узунчоқ фасцикул ўрта чизик ёнида дорсал жойлашган; унга вентрал ҳолатда текто спинал тракт ва медиал лемниск жойлашган (6.5 – расм).

**Кўприк** иккита компонентга эга: *pontinetegmentum* – дорсал, кўприкнинг вентрал қисми эса (*basispontis*) – вентрал.

Кўприкнинг вентрал қисми. Кўпгина тола тутамлари кўприк асосидан бир томондан иккинчи томонга кесиб ўтиб, шу билан бирга тушувчи кортикоспинал трактни кўп майда тутамларга бўлиб юборади (6.6 – расм). Бу горизонтал борадиган қисмлар Понсга унинг номини беради (“кўприк”), лекин уларнинг ўзи кўприк эмас. Булар кўприк асоси ядроларида ҳосил бўлган понтоцеребелляр толалар бўлиб, кортикопонтocereбелляр йўлнинг иккинчи нейронларини ўз ичига олади. Бу ядролар кортикопонтиннинг тушувчи толалари орқали бош мия пўстлоғининг ипсилатерал пешона, энса ва чакка қисмларидан киришни қабул қилиб олади, ва улар кейинги киришни пирамидал трактнинг коллатерал толаларидан қабул қилади.

Ўрта чизик бўйлаб *pontocerebellar* толалари миячанинг ўрта оёқчалари орқали миячага киради. Ихтиёрий ҳаракатлар билан боғлиқ ҳамма кортикал ҳосила импульслари миячанинг пўстлоғига кўприк ядролари орқали юборилади, кейин эса тишли ядро, юқори мияча ва таламус орқали бош мия пўстлоғига қайта проекцияланади. Тартибга соладиган бу контур ихтиёрий ҳаракатларнинг аниқ ва равион координациясини таъминлайди.

Кўприк тегментумининг структураси медулляр тегментумига ўхшашдир. Тегментумнинг вентрал қисми медиал илмоқни (6.6 ва 6.8 – расмлар), кўндаланг ориентирланган тасмани ўз ичига олади, ва бу тасма шундай тобланганки, *cuneatus* ядросидан олинандиган толалар кўпроқ медиал, *gracilis* ядросидан олинган толалар эса кўпроқ латерал жойлашган. Шундай қилиб, латерал томондан медиал томонга, тана қисмлари медиал илмоқнинг пастки мучалари, бадан, юқори мучалар ва бўйинда акс этган (6.6 – расм). Охириги структура бир тутам толаларнинг давоми бўлиб, трапециясимон тана деб номланадиган каудал кўприкка келиб парчаланadi (6.6 ва 6.8 – расм). Трапециясимон тана кохлеар ядролардан олган

толалардан иборат бўлиб, тўрт тепаликнинг пастки дўнгликларига ҳам бевосита, ҳам билвосита эшитув импульсларини юборади. Вестибуляр ядровий комплекс тўртинчи қоринча тубининг ён томонлама охирида жойлашган (6.6 – расм). Ён томонлама вестибуляр ядровестибулоспинал трактни орқа мия нейронларига беради. Вестибуляр ядролар медиал узунчоқ тутам орқали мия устунининг соматомотор ва висцеромотор ядролари билан боғлиқ. Уч шохли нервнинг орқа мия ядролари кўприкнинг ўрта текислигида тугайди, бинобарин бундан юқорида уч шохли нервнинг асосий сенсор ядроси жойлашган. Чайнов мушакларини иннервация қиладиган уч шохли моторли ядро асосий сенсор ядрога нисбатан вентролатерал жойлашган. Уч шохли нерв орқа мия ядроларининг (оғриқ ва ҳарорат) ва уч шохли нерв асосий сенсор ядроларининг (эпикритик ҳиссиёт) иккинчи нейронлари вентрал тригеминоталамик тракт орқали контрлатерал таламусга проекцияланади. Асосий сенсор ядро дорсал тригеминоталамик тракт орқали таламусга кесишмайдиган толаларни юборади. Уч шохли нервнинг мезенцефал тракт ядроси ўрта мияда давом этади (6.8 – расм). Бу уч шохли ядро қолганлардан шуниси билан фарқ қиладики, у биринчи сенсор нейронларини ўз ичига қамраб олган, шунинг учун у бош мия устунининг ичида жойлашган бўлиб, сенсорли ганглий деб қаралиши мумкин. Қолган уч шохли тизимнинг биринчи сенсор нейронлари уч шохли ганглийда (гассерли) жойлашган. Уч шохли нерв мезенцефал тракти ядросининг афферент толалари асосан жағ пайлари ва чайнов мушаклари сенсор рецепторларидан олинган проприоцептив кирувни юборади.

**Ўрта мия.** Ўрта мия кўприкка нисбатан рострал жойлашган. Унинг ички тузилиши 6.6 – расмда (8-бўлим) кўрсатилган. Ўрта мия тўртта қисмдан иборат: (1) тектум (“қопқоқ”) акведук орқали хаёлий горизонтал чизиқ билан бўлинган бўлиб, пастки ва юқори colliculi ни ўз ичига олади (квадригеминал пластина); (2) тегментум, тектум ва nigra субстанцияси орасида жойлашган; (3) nigra субстанцияси; (4) мия оёқчалари (cruracerebri).

*Тектум.* Квадригеминал пластина пастки ва юқори colliculi дан иборат. Бу, хусусан, олий colliculi бўлиб, юқори малакаланган, етти қават хужайра қатлами билан қопланган, ва кўп афферент ва эфферент толаларга эга аъзо ҳисобланади, ҳамда уни бу ерда умумий ҳолда муҳокама қилиш мумкин. Пастки колликулнинг ядро соҳаси эшитув йўлининг (латерал илмоқ) сон-саноқсиз афферент толаларини қабул қилади, ҳамда пастки колликулнинг брахиялари орқали икки томондан медиал геникуляр таналарга олдиндан проекцияланади. Ўз навбатида, улар чакка қисмининг бирламчи эшитув пўстлоғига проекцияланади (Гешлянинг кўндаланг эгатлари). Юқори колликулнинг ядро соҳаси афферент толаларни кўрув йўлидан, ҳамда юош мия пўстлоғидан (чакка қисми), орқа миядан (спиналтектал тракт) ва



пастки колликулдан олади. У эфферент толаларни орқа мияга (тектоспинал тракт) ва бош мия нерви ядроларига (тектонуклеар тракт), ҳамда қизил ядро ва ретикуляр ҳосилага проекциялайди.

Пастки ва юқори *colliculi* томонидан бевосита ифодаланган рефлекслар. Пастдан юқорига борадиган толалар овоз келаётган томонга бошни ва кўзни бурувчи рефлектор ёй қисмини ҳосил қилади. Латерал тана орқали юқори колликулга келадиган тўр парда импульслари кейинги рефлектор ёйда қатнашади, яъни визуал кўзгатувчига жавоб кўзларни юмади, ҳамда кўзгатувчидан бошни буришга мажбур қилиши мумкин. Тектонуклеар ва тектоспинал соҳалар бу рефлектор ёйларнинг эфферент қўлларини ҳосил қилади. Унча катта бўлмаган *pretectal* ядролар олдинги ён томонлама юқори дўнгликнинг икки томонида жойлашган. Бу ядролар тўр пардадан афферент толаларни олади ва синаптик реледан кейин периакведуктал кулранг модда атрофида парасимпатик *EdingerWestphal* ядроларга нисбатан эфферент толаларни проекциялайди (ёрдамчи (вегетатив) ядролар). Улар тушаётган ёруғлик интенсивлигига жавобан қорачиқ ўлчамини бошқарадиган рефлектор ёйда қатнашади. Тегментум ўртасида, периакведукт қора субстанцияси ва кулранг моддаси оралиғида қизил рангли ва тоза анатомик кесикларга эга катта эллипссимон ядро борлиги аён бўлади, яъни у яхши васкуляриланган, ёки қисман темир моддасига эга. Бу қизил ядродир (*nucleusruber*).

Қизил ядро каудал қисмининг икки қисмидан иборат – магноцеллюляр ва рострал *parvocellular*. У кирувчи сигналларни афферент *emboliform* дан ва *brachia* конъюнктивитлар (яхшиланган мияча оёқчалари) орқали миячанинг тишли ядроларидан олади. Филогенетик жиҳатдан кекса эмболиформ ядролардан ташкил топган толалар, тана ҳолатини ва ҳар хил турдаги ҳаракатларни бошқарадиган рефлектор ёйларда қатнашади. Асосан кўпчилик инсонлардаги тишли ядроларда ҳосил бўладиган толалар бошқа рефлектор ёйларда қатнашади. Аниқ ва раво ҳаракатларни бажаришни бошқарадиган контурлардан бири бош мия пўстлоғидан миячага борадиган боғламдан, ҳамда тишли ядро, қизил ядро ва таламус орқали қарама-қарши томонга бош мия пўстлоғига келадиган боғламдан иборат. *Dentatorubral* толаларнинг бошқа гуруҳи асосан қизил ядронинг *parvocellular* қисмида тугайди. Қизил ядро кейинги афферент кирувни бош мия пўстлоғидан (кортикорубрал тракт) ва тектумдан олади. Қизил ядронинг асосий эфферент проекциялари (руброспинал ва руброретикуляр йўллар) орқа мия ҳаракат нейронларига таъсир ўткази; бу икки йўл вентрал тегментал декуссияда (Форель) қизил ядродан чивван заҳоти ўрта чизиқни кесиб ўтади. Кейин эса эфферент толалар марказий тегментал тракт орқали оливага (рубро-оливар толалар) ўтади, ва ундан рекуррент проекция миячага қайтади.


Бошқа қопқоқ ядролари ва тола участкалари. Тегментумнинг латерал қисми уч шохли нервнинг мезенцефал трактини, уч шохли нерв илмоғини, медиал илмоқни ва спинал-таламик йўлни ўз ичига олади, ва уларнинг барчаси таламусда проекцияланади. Трохлеар нерв бош мия устунидан дорсал чиқади (бу шундай қиладиган ягона бош мия нерви ҳисобланади); унинг илдиз толалари пастки колликулаларга нисбатан ўрта чизикни каудал кесиб ўтади, кейин эса мия асосидаги мия оёқчаларини ўраб олиб ғорсимон синусга нисбатан тенториал чегара томон пастга қараб давом этади. Кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг ядровий комплекси, ҳамда парасимпатик EdingerWestphal ядролари (аксессуар (вегетаив) ядролар) ва Перлиа ядролари ўрта миянинг қопқоғида, юқори дўнглик билан бир текисда, сув йўлидан олдинда, кулранг моддага нисбатан periaqueductal ва медиал узунчоқ тутамга нисбатан медиал жойлашган. Кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг баъзи бир илдиз толалари мия оёқчалари орасидаги чуқурчага миядан чиқишдан олдин қизил ядрони кесиб ўтади. Вестибуляр ядролардан келадиган импульслар орқа миянинг медиал узунчоқ тутамига тушади. Бу тутам бир қатор толалар тизимини ўз ичига олади ва мия устунининг узунаси бўйлаб, ҳамда орқа миянинг бўйин соҳаси бўйлаб давом этади. Унинг толалари ўрта чизик ёнида, тўртинчи қоринча тубидан пастроқда (медулляр ва кўприк билан бир текисликда) ва акведукка ҳамда периакведуктал кулранг моддага нисбатан (ўрта мия билан бир текисликда) вентрал жойлашган; уларнинг баъзилари экстраокуляр мушакларни иннервация қиладиган ядроларда (кўзни ҳаракатлантирувчи, ғалтаксимон ва узоклаштирувчи нерв ядролари) тугайди ва бу ядроларни бир-бири билан боғлайди. Медиал узунчоқ фасцикулнинг бошқа ядролари, интерстициал ядро (Кахал) ва Даркшевич ядроларини ўз ичига олган ҳолда ретикуляр формация ядролари билан тугайди. Марказий симпатик йўл гипоталамуснинг ва ретикуляр формациянинг бир неча ядроларида ҳосил бўлади деб ҳисоблашади. Улар ўрта мия ва кўприк орқали акведук олдидан ва тўртинчи қоринча поли тагидан ўтади. Узунчоқ мияда у кўпроқ ён томонлама ҳолатни олади, кейин эса орқа мия кулранг моддасининг ён томондаги шохларига ўтади. Марказий симпатик йўлнинг бузилиши Хорнер синдромига олиб келади. Нигра субстанцияси – бу катта мотор ядро бўлиб, тегментум ва мия оёқчалари икки томонида жойлашган. Унинг қорамтир ранги нерв ҳужайралари таначаларида жойлашган меланин пигменти таъсирида ҳосил бўлган. Нигра субстанцияси экстрапирамидал ҳаракат тизимининг асосий компонентларидан бири ҳисобланади, ва шу билан бирга базал ганглийлар билан зич функционал боғламларга эга. Бу кейинги 9 бўлимда базал ганглийлар билан бирга муҳокама қилинади.

Мия оёқчалари (cruras cerebri-кўпликдаги формаси; singular-cruscerebri) бу толаларнинг катта тутамлари бўлиб, ҳар қайси томонга биттадан тўғри келувчи кортикоспинал, кортиконуклеар ва кортикал-кўприк толаларидан ташкил топган (6.6 – расм). Ҳар қайси церебрал оёқчалар бу учта йўлнинг

толаларидан ташкил топиб, ўрта чизикда бурилади ва ички капсулага тушади.

### Ретикуляр формация

Ретикуляр формациянинг хужайрали гуруҳлари ва толалари бош мия устунининг узунаси бўйлаб учрайди, ва улар бош мия ядролари орасидаги бўшлиқларни маслиналар, чикувчи ва тушувчи нерв йўллари билан тўлдиреди (6.5, 6.6 ва 6.9 – расмлар). Ретикуляр формация афферент толаларни орқа миядан, бош мия нервлари ядроларидан, миячадан ва бош мия ярим шарларидан қабул қилиб олади, ва шу эфферент толалар проектини шу структуралардан олади. Ретикуляр формациянинг баъзи бир ядролари орқа мияга тушувчи проекцияга эга бўлиб, мотор ва вегетатив функцияга таъсир ўтказади.



6.9–расм. Ретикуляр формация.

Чикувчи активлаштирилган ретикуляр тизим. Ретикуляр формациянинг бошқа ядролари, асосан ўрта мияда, таламуснинг интраламинар ядролари ва субталамус орқали олий марказларда проекцияланади. Бу ядролар ҳар хил чикувчи тола йўлларида коллатерал кировни қабул қилади (улар орасида спинал таламик йўл, уч шохли нервнинг орқа мия йўли, трактус солитариус ва вестибуляр ва чиганоқ ядролари толалари, ҳамда кўрув ва ҳис-туйғу тизимлари); улар бу импульсларни юқорига полусинаптик йўл бўйлаб бош мия пўстлоғининг кенг участкаларига беради, ва улар активлаштирувчи функция сифатида таъсир кўрсатади. Ҳайвонларда бу

ядроларни экспериментал кўзғатиш “уйғониш реакцияси”ни келтириб чиқаради, яъни ухлаб ётган ҳайвон уйғонади. Моруцци ва Магуннинг (1949) ва кейинги олимларнинг новаторли изланишлари шуни исботлаб бердики, бу тизим одамларнинг онг ҳолатини аниқлашда, ҳамда “уйқу-уйғоқлик” циклини кўллаб қувватлашда муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун уни “чиқувчи ретикуляр активлаштирувчи тизим” деб аташди. Бу тизимга таъсир қилувчи зарарланишлар хушни йўқотиши ёки сусайтириши мумкин. Шу кунгача Арас активлигига таъсир қилувчи нейронлар гуруҳи ҳақида маълумот жуда кам; тахмин қилинишича, уйғоқликни кўллаб-қувватлайдиган омиллар, қисман моноамин нейротрансмиттерларини, яъни норадреналин, дофамин ва серотонинларни синтезлайдиган ретикуляр формация нейронларидир. Норадреналинни синтезлайдиган нейронлар, локус ceruleus ни ўз ичига олган ретикуляр формациянинг ён томонига жойлашган. Серотонин Рафе ядролари нейронлари томонидан ишлаб чиқилади (6.9 – расм). Базал ядро нейронлари (Мейнерт) ва innominate субстанциялари бош мия пўстлоғининг кенг кўламдаги соҳаларига холинергик толаларни юборади. Арас ва холинергик тизим ролларини бу китобда тўлиқ ёритиш учун ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Шу нарса аниқки, миянинг бир нечта структураларининг зарарланиши хушсизликни келтириб чиқаради.

Тушувчи ретикуляр йўллар (вентрал ва латерал ретикулоспинал йўллар) ретикуляр формациядан бошланиб, орқа мия ҳаракат нейронларига ҳам кўзғатувчи, ҳам ингибиторли таъсир кўрсатади. Бу йўлларнинг ҳосил бўлишига жавобгар хужайралар афферент маълумотни бош мия пўстлоғидан, асосан пешона қисмидан, ҳамда мияча ва базал ганглийлардан олади. Бош мия устунидан оладиган кўзғатувчи импульслар (ретикуляр формациянинг латерал қисми асосан кўприкда, ва яна мияда) reticulospinal ва vestibulospinal участкаларида орқа миянинг олдинги ён томонлама киндигида ҳосил бўлади, шу билан бир қаторда themedulla вентромедиал қисмидан олинадиган ингибитор импульслар ҳар хил кўп сонли синаптик, асосан латерал reticulospinal йўл орқали орқа мия ҳаракат нейронларига келиб тақалади (пўстлок – орқа мия йўли ёнида).

Ҳам кўзғатувчи, ҳам тормозловчи тизимлар интернейронлар орқали орқа миянинг  $\gamma$  – мотор нейронларига таъсир ўтказади. Шундай қилиб, орқа мия рефлeksi равоғи функциясини бошқаришда ретикуляр формация мушак тонусини юришда, туришда ва мувозанатни сақлашда муҳим рол ўйнайди.

**Автоном ядролар ва йўллар.** Ретикуляр формациянинг кўпгина нейронлари вегетатив функцияга эга. Шундай хужайралари мавжуд ядролар кўприк бўйлаб ва узунчоқ мия бўйлаб тарқалган бўлиб, бош мия нервларининг соматик ядроларидан кирувчи йўлларни қабул қилади (6.9 – расм). Бу автоном ядролар маълумотни гипоталамусдан олади ва орқа мия ва бош мия нервлари ядроларига проекциясини юборади.

*Сўлак ажралишини бошқариш.* Сўлак ажралиши salivatory нинг пастки ва устки ядролари бошқарувида бўлади. У аппетитли ҳид ёки таъм орқали

рефлектор чақирилиши мумкин. Одамнинг психик ҳолати ҳам баъзи ҳолларда сўлак ажралишини чеклаб, оғизни қуритиши мумкин.

*Артериал қон босимини бошқариш.* Бошқа ядролар қон босимини бошқаради. Тил-ҳалқум ва адашган нервлар орқали каротид синусда ҳосил бўладиган узунчоқ мияда ретикуляр ядровий соҳаларга мос афферент импульслар (артериал қон босимини, юрак фаолиятини ва вазоконстрикция/вазодилатацияни назорат қиладиган вегетатив марказлар) IX ва X бош мия нерв ядролари яқинида жойлашган.

Адашган нерв билан бевосита боғлиқ эфферент импульслар, юрак фаолиятини тормозлайди, ҳамда юрак уриш ритминини ва артериал қон босимини пасайтиради.

*Организмнинг бошқа вегетатив функциялар назорати.* Ретикуляр формациянинг баъзи бир тушувчи импульслари орқа миянинг симпатик ядроларини блоклайди, натижада томирлар кенгаяди. Оливкали нафас олишга нисбатан дорсал жойлашган ретикуляр ядролар нафас олишни назорат қилади; нафас олиш ва чиқаришнинг аниқ марказлари мавжуд. Яна бошқа ретикуляр ядролар ошқозон-ичак тракти моторикасини назорат қилади ва координациялайди. Рефлектор ютиш – бу мураккаб жараён бўлиб, бир неча мушакларнинг ҳаракатига боғлиқ, улар шундай изчилликдаги бир маромда ва аниқликда бўлиши керакки, овқатни оғиздан ошқозонга итариши керак; бу жараёнда иштирок этадиган бир неча нервларнинг координацияси медулляр ютиш марказининг функцияси бўлиб ҳисобланади, ва у буни активлаштирадиган бош мия нерви мотор ядролари ёнида жойлашган. Унинг ёнида яна қусиш рефлексига жавобгар ядро жойлашган. Пострем соҳаси қусишни назорат қиладиган муҳим соҳага эга.

Локус ceruleus ёнида кардиореспиратор функциясининг (пневмотактик ядролар) олий маркази жойлашганлиги, ҳамда овқатланишнинг олий маркази (чайнаш, ялаш, сўриш) ўрта мияда жойлашганлиги тахмин қилинмоқда (6.9 – расм).

## **Мия бузилиши**

Мия устунининг қон билан таъминланиш анатомияси 6.10-расмда кўрсатилган, бош мия кўприк ва ўрта мияни таъминлайдиган артеприялар территорияси эса 6.11 – расмда кўрсатилган. Қон билан таъминлаш структураларини билиш қон томир синдромларини тушуниш учун муҳим аҳамиятга эга, ва булар шу бўлимда ёритилади.

Бош мия устуни дискрет соҳаларининг номутаносиб перфузияси ўткинчи (ўмров ости артериясидан қон “ўғирланиш” синдромининг транзиторли ишемияси) ёки перманент (тўқималарнинг некрозига олиб келувчи, яъни бош мия устуни инфаркти) бўлади. Инфаркт одатда артериал окклюзия сабабли содир бўлади. У окклюзия бўлган томирнинг ҳолатига қараб клиник дефицитнинг ҳар хил ҳолатларини ҳосил қилади (васкуляр синдромлар). Бош мия устунининг тола йўллари ва ядролари сон-саноксиз,

ҳамда мухтасар ва функциялари жиҳатидан ҳар хил бўлганлиги сабабли, томир синдромларининг кўпгина хилма-хиллигини кузатиш мумкин. Ҳар бир томир синдромини тушуниш учун, шу соҳага таъсир этадиган бош мия устунининг мураккаб топографик анатомиясини билиш керак. Мана шунинг учун бош мия устуни томир синдромлари 11 бўлимдаги миянинг томир бузилиш синдромлари билан бирга эмас, балки бош мия устуни ҳақилаги шу бўлимда ёритилган. Аввал, бош мия устуни ишемиясига ўтувчи синдромни намуна қилиб ўмров ости артериясидан қон “ўғирлаш” синдроми муҳокама қилинади. Шундан кейин, бош мия устунининг асосий артериал окклюзия синдромлари таништирилади.


### **Ўмров ости артериясидан қон “ўғирлаш” синдроми**

Бу синдром ўнг ёки чап ўмров ости артериясининг окклюзияси сабабли умуртқа поғонаси артерияси бошланишидан проксимал томонга ҳосил бўлади, юрак қон – томир тизими ипсилатерал қўл мутаносиб перфузиясини ипсилатерал умуртқа артериясини тескаричи усул “чертиш” йўли билан қўллаб туради: қон юқорига умуртқанинг контрлатерал артериясидан то унинг умуртқанинг ипсилатерал артерияси билан бирлашган жойигача (иккита артерия бирлашиб базиляр артерияни ҳосил қилади) оқади, кейин эса умуртқанинг ипсилатерал артериясидан қўлтқ ости артериясига ўтиб орқага ва пастга тушади. Жуда кам ҳолларда қўл машқларини бажаришда вертебробазиляр тизимдан шунча қонни орқага ҳайдайдики, бош мия устуни ишемияси клиник кўринишлари намоён бўлади. Ўмров ости синдроми диагностикаси характерли клиник кўринишларни талаб қилиши билан бирга, умуртқа артериясидаги қарама-қарши оқимнинг клиник коррелирланган ангиографик аниқланишини ҳам талаб қилади. Агар қўлда ишемия ёки вертебробазиляр территорияда ишемия кўринишли Франк-ўмров ости етишмовчилиги синдроми, ҳушсизлик ва бош айланиши билан биргаликда намоён бўлса, ундан кейин ўмров ости артерияси окклюзиясини даволаш керак. Ҳозирги пайтда “вертебробазиляр етишмовчилик” аъъанавий термини эскирган ва бошқа ишлатилмаслиги керак.

### ***Бош мия устуни томирларининг индивидуал синдромлари***


Вертебробазиляр тақсимотда ва каротидли тақсимотда инфаркт эмболия билан шарт қилиб қўйилган. Масъул эмболия юракдан, умуртқа артериясининг атероматоз тошмаларидан ёки иккиламчи тромбозли артериал диссекциядан ҳосил бўлади. Уйқу пайтидаги умуртқа артерияларининг қийшайиши ишемияни келтириб чиқаради деган қачонлардир кенг тарқалган фикр, ҳозирда танқидга учрамоқда. Бош мия устуни томирларининг бир қатор синдромлари клиник ва рентгенологик белгилар асосида идентификация қилиш мумкин. Яқинда юқори сифатли T2 ва диффузли заррачали магнит-резонансли томография бош мия устуни инфарктини ўтқир даврида аниқлашга ёрдам берди. Одамлар орасида

кўринишларнинг кўплигига қарамай, бош мия устунни томир архитектураси асосан бир хил, ва бу ерда айтиб ўтилган синдромлар муқаррар аниқ клиник объектлардир.



Расм 6.9 мия устунининг кон билан таминланиши. а) базилляр қуриниши б) ен томондан қуриниши.


Бош мия устунни инфаркти бир қатор турли-туман локализацияларда кетма-кет алмашувчи гемиплегия клиник кўринишида намоён бўлиб, зарарланган томондаги бош мия нервнинг дефицити билан қарама-қарши томондаги гемибода сустлиги бирикмаси деб аниқланади. 6.12 – расмда учта ҳар хил алмашувчи гемиплегия синдромлари тасвирланган бўлиб, ҳар бири бош мия устунининг аниқ бир соҳасидаги клиник дефицитлари билан бирга ишемия кўриниб турибди. Энди биз алоҳида томир синдромларини санаб ўтамиз, ва буларни оддий ҳолда ҳар хил кўринишли алмашувчи “турли-туман” гемиплегия синдроми деб кўриш мумкин. Презентацияни яққол ва аниқ бўлиши учун, ҳар бир синдром муҳокамаси бош мия устундаги зарарланган структуралар ва клиник дефицитнинг схематик диаграммаси билан расмлари бериб борилади.



Расм 6.11 Мия устунининг кон билан таминловчи артерияларнинг тарқалиши. а) урта мия б) куприк с) узунчок мия



Дорсолатерал суяк илиги синдроми сабаблари: миачанинг орқа пастки артерияси территориясидаги окклюзия ёки эмболия. Клиник сабаблари: бирданига бош айланишининг бошланиши, нистагм (пастки вестибуляр ядро ва миачанинг пастки оёқчаси), кўнгил айланиши ва қусиш (postrema соҳаси), дизартрия ва дисфония (ambiguus ядролари).




расм 6.12 Кесишма кучсизликни келтириб чиқарувчи зарарланишлар

Дежерин синдроми (6.13-расм). Сабаби: базиляр артериянинг ёки умуртқа парамедиал шохларининг окклюзияси (6.11 – расм), кўпинча икки томонлама асосда бўлади. Клиник хусусиятлари: ипсилатерал ланж гипоглоссал нерв фалажи, Бабинский белгили контрлатерал гемиплегия (спастик эмас), орқа колоннанинг контрлатерал гипестезияси (яъни, пайпаслашдаги гипестезия ва босим, фазодаги ҳолат сезгисининг бузилиши) ва нистагм (зарарланишга тортилган медиал узунчоқ фасцикула ҳолатида).

*Кўприк каудал асосининг синдроми* (Миллардгюблер ёки Фовилл синдроми). Сабаби: базиляр артерия айланма шохларининг окклюзияси, шиш, абсцесс ва бошқалар. Клиник хусусиятлари: ипсилатерал фалажлик


(периферик) ва юз фалажи (ядроли); контрлатерал гемиплегия; контрлатерал анальгезия, терманестезия ва сезги ҳиссиётларининг бузилиши, тебраниш ҳисси борлиги (6.16 – расм).

*Кўприк думли тегментуми синдроми* (6.17 – расм). Сабаби: базиляр артерия шохларининг бекилиб қолиши (қиска ва узун айланма шохлар). Clinisia ва thermanesthesia; контрлатерал гипестезия ва тебранишни сезиш ҳолатининг ёмонлашуви (медал илмоқ); ипсилатерал танглай ва ҳалқум myorhythmia (марказий қопқоқ тракти).



**Расм 6.13** Урта-узунчок мия синдроми (Дежерин синдроми)

*Орал сегментар кўприк синдроми* (6.18 – расм). Сабаби: базиляр артерия узун периферик шохларининг ва мияча юқори артериясининг окклюзияси. Клиник белгилари: юз сезгисининг ипсилатерал йўқолиши (уч томонлама толаларнинг узилиши) ва чайнов мушакларининг фалажи (уч шохли нервнинг мотор ядроси), гемиатаксия, интендермор, адиадохокинезия (миячанинг юқори оёқчаси); ҳамма модалликларнинг контрлатерал бузилиши.




6.14.расм. Дорсолатерал-медуляр синдром (Валленберг)

Кўприк ўрта қисми асосининг синдроми (6.19 – расм). Сабаби: парамедикнинг ва базиляр артерия периферик калта шохларининг окклюзияси. Клиник хусусиятлари: чайнов мушакларининг ипсилатерал ланж парези, ҳамда юз гипестезияси, анальгезия ва терманестезия; ипсилатерал гемиатаксия ва асинергия; контралатерал спастик гемипарез.


Қизил ядро синдроми (Бенедикт синдроми) (6.20 – расм). Сабаби: базиляр тиш ораси шохларининг ва мия орқа артериясининг окклюзияси. Клиник хусусиятлари: мидриаз билан биргаликдаги кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг ипсилатерал фалажи (CN III илдиз толаларининг узилиши); сезги, тебраниш ва фазодаги ҳолатининг контрлатерал бузилиши, ҳамда икки нуқтадаги дискриминация (медиал илмоқни жалб қилмоқ); қизил ядро зарарланиши сабабли контрлатерал гиперкинезия (тремор, хорей, атетоз); контрлатерал ригидлик (қора субстанция). Церебрал оёқчанинг синдроми (Вебер синдроми) (6.21 – расм). Сабаби: мия ва томир орқа артериялари межпедункуляр шохларининг окклюзияси; кам ҳолатларда шиш (глиома). Клиник хусусиятлари: кўзни ҳаракатлантирувчи нервнинг ипсилатерал фалажи; контрлатерал спастик гемипарез; контрлатерал паркинсоник ригидлик (қора субстанция); контрлатерал дистаксия (кортикал тракт); БМН VII, IX, X ва XII ядро усти иннервациясининг узилиши натижасида бош мия нервларининг етишмовчилиги бўлиши мумкин. Тешиб чикувчи артерияларнинг окклюзияси натижасида кўприкнинг оғиз соҳасидаги майда инфаркти кенг кўламли чегараланган ва ўтувчи бузилишларни юзага келтириши мумкин. Асосий артериянинг артериосклерози бош мия устунининг бир томонига ёки иккала томонига кўпгина майда инфарктларни чақириши мумкин, бинобарин булар босқичма-босқич ва вақт ўтиши давомида содир бўлади ва микроангиопатик псевдобульбар фалажликнинг клиник кўринишига олиб келади. Бу синдромда бош мия нервлари мотор ядроларининг ядро усти иннервациясининг узилиши оқибатида дизартрия ва дисфагия келиб чиқади. бош мия устунининг микроангиопатик касаллиги генераллашган артерия гипертензияси билан боғлиқ; шунинг учун у одатда тенториум усти зарарланиши билан бирга кузатилади.




**6.15.расм. медиал медуляр синдром. Дежерин синдроми**




6.16.расм. Мия кўприги каудал асосининг синдроми



6.17.расм.Кўприк дум қисми синдроми



6.18.расм. Орал кўприк сегменти синдроми




Уч шоҳли нерв илдизчалари: ипсилатерал анестезия ва чайнов мушакларининг ипсилатерал ланж фалажлик

Миячанинг ўрта оёқчаси: ипсилатерал гемиатаксия ва асинергия


Кортикоспинал йўл: контралатерал спастик гемипарез

Кўприк ядроси: ипсилатерал атаксия




6.19.расм. Кўприк асосининг ўрта қисми синдроми





6.20.расм. Қизил ядро синдроми (Бенедикт синдроми)



**6.21.расм. Церебрал оёқча синдроми (Вебер синдроми)**

*Бош мия ва орқа мия қопламалари; орқа мия суюқлиги ва қоринча тизими*  
 Бош мия ва орқа мия келиб чиқиши жиҳатидан мезодермал бўлган учта қатлам билан қопланган (мия қобиғи): биринчи қаттиқ қобиғи ташқи ҳисобланади, ундан кейин арахноид ва охиргиси эса пиа-материядир. Пиа модда бош мия ва орқа миянинг бевосита юза қисмида жойлашган. Миянинг қаттиқ қобиғи ва арахноид ўртасида (одатда виртуал) субдурал бўшлиқ мавжуд; арахноид ва учинчи қобиқ орасида эса субарахноидал

бўшлиқ мавжуд. Субарахноидал бўшлиқ орқа мия суяқлигидан иборат (ОМС). Орқа мия суяқлиги бош мия тўртта қоринчасининг (ўнг ва чап ён томондаги қоринчалар, учинчи ва тўртинчи қоринчаларда) томирлари тутшиб кетган жойида ҳосил бўлади. У қоринча тизими орқали оқади (ички бўшлиқ ОМС)) ва кейин бош мия ва орқа мияни ўраб турган субарахноидал бўшлиққа киради (ташқи бўшлиқ ОМС)). Арахноидал грануляциянинг юқори саггитал синусида ва орқа миянинг периневрал қобиғида резорбция бўлади. Орқа мия суяқлигининг кўпайиши (резорбциянинг камайиши натижасида ёки ундан камроқ ҳолатларда – модданинг кўпайиши натижасида) ОМС) босимининг ортишига ва қоринчаларнинг кенгайишига (гидроцефалия) олиб келади.

### ***Бош мия ва орқа мия қопламаси***

Миянинг уч қобиғи (миянинг қаттиқ қобиғи, арахноид, пиа матер) 7.1 ва 7.2 – расмларда тасвирланган. Миянинг қаттиқ қобиғи *rachymeninx* (“қаттиқ мембрана”) деб ҳам аталади, арахноид ва *pia mater* эса биргаликда *leptomeninges* (“юпқа мембраналар”) деб аталади.

### **Dura Mater**

Миянинг қаттиқ қобиғи икки қатламдаги қаттиқ толали бирлашган тўқималардан иборат.

Ташқи ва ички қатламлар. Миянинг қаттиқ ташқи қобиғи калла суягининг ички суяк пардаси ҳисобланади. Ички қатлам – аслида, бу менингиал қатлам; у тор субдурал бўшлиқнинг ташқи чегарасини ҳосил қилади. Иккита дурал қатлам бир биридан дурал ғорларда ажралади. Юқори ва пастки саггитал ғорлардаги дурал қатламнинг иккиталик қатлами *falxcerebri* ни ҳосил қилади, ва у ўрта саггитал текисликда бош миянинг иккала ярим шарлари орасида жойлашган; *falxcerebri* бош мияни миячадан ажратадиган тенториум билан узлуксиз боғланган. Миянинг иккиталик қаттиқ қобиғи ҳосил қилган бошқа структураларига миячанинг иккита ярим шарларини ажратиб турадиган мияча чодири, *sellae* диафрагмаси ва уч шохли нервнинг тугуни (Гассеров тугуни) мавжуд Меккел ғори девори киради.

*Мия қаттиқ қобиғининг қон билан таъминланиши.* Дурал артериялар калибр жиҳатдан каттароқ ҳисобланади, чунки улар юош суягини, ҳамда миянинг ваттиқ қобиғини қон билан таъминлайди. Улардан энг каттаси – ўрта нуқта бўлиб, унинг шохлари калла суягининг ён томонидагидўнгликлари бўйлаб тарқалган. Бу артерия юқори жағ артерияси шохи ҳисобланиб, ўз навбатида ташқи уйқу артериясидан ҳосил бўлган; у калла ичига орқа мия тешиги орқали киради. Олдинги менингиал артерия нисбатан кичикроқ бўлиб, миянинг қаттиқ қобиғини ўрта қисмини ва бош миянинг олд қисмини таъминлайди. У каллага тишли пластинканинг олдинги қисмидан киради. Бу этмоидал артериянинг олдинги шохи бўлиб, офтальмологик артерия шохига кўшилади; шунинг

учун у ички уйку артериясидан қонни олиб етказади. Орқа менингиал артерияси каллага бўйинтуруқ тешигидан киради, ва у калла орқа чуқурчасининг мия қаттиқ қобиғини қон билан таъминлайди. Ўрта менингиал артерия орбитада кўз ёш артерияси ва офтальмологик артерия шохи билан анастомотик боғламни ҳосил қилади. Офтальмологик артерия ички уйку артериясидан кўрув каналининг ички тешиги яқинида шохларга ажралиб кетади. Шундай қилиб, агар кўз артерияси проксимал ёпилган бўлса ҳамки, тўр парданинг марказий артерияси ўрта менингиал артерия орқали қон билан таъминланиши мумкин.

*Спинал мия қобиғи.* Иккала мия қаттиқ қобиғи калла бўшлиғида бир – бирига зич ёпишиб туради, лекин катта тешикнинг ташқи чегарасида бир-биридан ажралади. Ташқи дурал қатлам умуртқа суяк ости канали бўлиб давом этса, ички қатлам орқа мияни ўраб олувчи дурал қопни ҳосил қилади. Икки қатлам орасидаги бўшлиқ эпидурал ёки экстрадурал бўшлиқ деб аталади, лекин шундай олганда, у мия қаттиқ қобиғининг ичидадир. У шалвираган тўқима боғламларидан, ёғ қатлампидан ва ички веноз бирлашмадан ташкил топган (7.2 – расм). Мия қаттиқ қобиғининг иккала қатлами умуртқа тешиклари орқали умуртқа каналидан чиқадиган орқа мия илдизчалари ёнида бирлашади. Дурал қопнинг пастки учи от думини ўраб олиб S2 текислигида тугайди. Бу юзадан пастроқда унинг давоми бўлиб мия қаттиқ қобиғининг фибраси ҳисобланади ва у думғаза суяги пардасига фиброз думғаза пайчалари билан боғланган.


*Орбитал мия қаттиқ қобиғи.* Мия қаттиқ қобиғи иккала қатламининг ўхшаш бўлиниши орбитада аниқланади ва у калла суяги бўшлиғидан кенгайиши натижасида оптик канал бўйлаб етиб келади. Ташқи дурал қатлам суяк орбитасининг периостал устамаси ҳисобланади. Ички дурал қатлам кўрув нервини унинг *ра матер* ва арахноиди билан бирга, ҳамда улар орасидаги периоптик субарахноидал бўшлиқ билан ўраб олган. Бу бўшлиқ калла ичидаги субарахноидал бўшлиқ билан боғланган.

*Кўз нерви дискининг шиши.* Агар калла ичи қон босимининг кўтарилиши периоптик субарахноидал бўшлиққа берилса кўрув нервининг дурал қобиғи чўзилиши мумкин. Мия қаттиқ қобиғининг ретробульбар чўзилиши папиллома ривожланишининг асосий фактори ҳисобланади. Папилломанинг бошқа сабаби бўлиб периоптик субарахноидал бўшлиққа тарқаладиган ўткир калла ичи субарахноидал қон қуйилиши (аневризманинг узилиши натижасида ёки томир мажруҳлиги) бўлиб хизмат қилади.


*Иннервация.* Тенториум устидаги мия қаттиқ қобиғи уч шохли нерв шохлари билан иннервация қилинади, унинг инфратенториал қисми эса – юқори бўйин сегментар нерв шохлари ва адашган нерв орқали иннервация қилинади. Дурал нервларнинг баъзилари миелинизациялашган, баъзилари эса йўқ. Уларнинг учлари чўзилишга таъсирланади, чунки мия қаттиқ қобиғини механик қўзғатилишини англаш мумкин ва кўпинча у оғриқли

кечади. Менингеал артерияларни кузатадиган афферент толалар асосан оғриққа сезувчан бўлади.

Бош мия ва орқа мия арахноиди майин томирсиз мембранадан ташкил топган бўлиб, мия қаттиқ қобиғининг ички юзасига зич ёпишиб туради. Арахноид қобиғи ва mater қобиғи орасидаги бўшлиқ (субарахноидал бўшлиқ) орқа мия суюқлиги билан тўлган. Арахноид ва pia mater бу бўшлиқ орқали боғловчи тўқималарнинг ингичка иплари ёрдамида бир-бири билан боғланган. Pia mater миянинг юза қисмига унинг ҳамма қатламлари бўйлаб ёпишган; шундай қилиб, субарахноидал бўшлиқ баъзи жойларда тор, баъзи жойларда эса кенгдир. Субарахноидал бўшлиқларнинг кенгайиши цистерналар деб аталади. Бошнинг ва умуртқанинг субарахноидал бўшлиқлари катта тешик орқали бир-бири билан боғланган. Мияни таъминлайдиган артерия устунларининг кўпгина қисми ва бош мия нервларининг кўпчилиги субарахноидал бўшлиқдан ўтади.



Расм 7.1 Миянинг қобиғлари



Расм 7.2 Орқа мианинг қобиклари

Цистерналар. Бошнинг субарахноидал цистерналари индивидуал номланишларга эга, яъни цистерномодуляр цистерна, бошқача қилиб айтганда магна цистернаси деб аталади.

### Пиа матер.

